

Одил  
Абдурахмон

# УРУШ ВА КИСМАТ

*Рашан*



ТОШКЕНТ  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ"  
2013

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

A-15

Абдураҳмон, Одил.

Уруш ва қисмат: роман / О. Абдураҳмон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 240 б.

ISBN 978-9943-08-953-2

Олийгоҳни энди тамомлаб, мактабда иш бошлаган Зуҳриддиннинг фин уруши-ю, асириликдаги ҳаёти, «уруш» деган оғат сабаб бутун оиласидан ажралиб, ёлғиз қолган Эмма, севгисига эришиш учун ўзга юртларни ватан қилган Нодира опа, томирида жўш ураётган қон сабаб билмаган ҳолда қариндошларга интилиш... Улар ўртасида ўхшашлик йўқ, умумийлик эса барча инсонларга хос. Қисмат битиги инсоннинг хоҳиши ва имкониятларидан устунлиги, ҳаёт ва кўргуликлар белгиланганидан ортиқ ҳам, кам ҳам бўлмаслигига ушбу роман мутолаасидан кейин яна бир бор амин бўламиз.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-08-953-2

© Одил Абдураҳмон, «Уруш ва қисмат». – Янги аср авлоди»,

2013 йил

2013/56

A 4314

Allisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

*Үшбү асар ГФР ва ГДР мамлакатларининг  
бирлашишига багишланади*

I

Ўрдадаги карвонсаройлар аллақачонлар ҳувиллаб қолган эди. Барибир “Бахтсизлик құш-құшлашиб келади” деганларича бор экан. Ҳаёт қийинчиликларидан одамларнинг кайфиятлари мутлақо тушиб кетган, уй мүриларидан тутунлар ўрлаб чиқмас, зарталабдан кечгача гринглар оҳангига тоб беролмай, “күчаман-күчаман” деб турган гавжум чойхона деворларининг шувоқлари ҳам “уликлари”ни күтариша олмай захлаб, мөнор босиб кетган, оёқ қўйсанг уқаланиб кетаман, деб турган пол устига тукилишидан қўрқандай ўргим-чаклар тўқиган ип-турларга осилишганларича шалвирашиб турарди.

Масжидларга намоз ўқиши учун келаётган қарикартанглар сони ҳам энди беш-олтиталарга тушиб қолган эди.

Чангти тўпиққа урадиган ҳолатга тушиб қолган шашар кўчаларида болта ва арқон кўтарған ёш-яланглардан тортиб, соқол-мўйловларини мош-гуруч оралаган кексалар ҳам ўлакса қидираётган қора қарғалардек чор-атрофга озиб-тўзив, қилдек бўлиб қолган бўйинларини чўзиб, тоғ ва адирлар устида олис-олисларга ҳеч нарсадан хабари йўқдек виқор билан турган чўққиларга қандайдир бир умидворлик билан қараб қўйиб, ўзларини чорлаётгандек ўша томонга мўнғаярдилар.

Мирҳожининг бир пайтлар жуда ҳам машҳурлигиндан ўз эгасини даромадга кўмиб ташлаган асбоб-ускуналари – олмонлардан олиб келиб курган мой жувозиям, янги бозор яқинидаги тегирмониям энди тўхтаб қолди.

Тез-тез ҳали у, ҳали бу маҳалладан йифи-сиғи овози чиқар, кўча бўйлаб тобутдаги майитни кўтариб бора-ётган одамларнинг бели ҳам эшак куртидай эгик, қабристон томон аранг судралиб борарадилар.

... Э, воҳ! Аллоҳ шоҳид, илгарилари бу элнинг ўзиям, унинг ҳалқиям бунчалар хокисору, бунчалар хор бўлмаган эди. Бу эл-юргнинг одамлари ўзга юртларда қанчалар кўп бўлишмасин, қанчалар кезишмасин, ўз юртларининг, ўз музофотларининг гавжум бозорларию, расталаридаги қўли гул ҳунармандлар қалаштириб ташлаган нақшинкор ўймакорлик буюмларидан бозор оралаган ҳар бир одамнинг кўзлари қамашарди.

Қозихона олди гавжум. Офтобда соябонлари қора мумдек ярқираб турган қатор-қатор файтонлар (извошлар), Кўқон аравалар, эшак қўшилган кажавали аравалар, саф-саф эгарланган отлар, туялар, карвонлар, хачирлар-у, эшаклар. Катта ҳовуздан сув олиб, чор атрофга сепаётган мешқопчиларнинг ўқтам қичқириқлари одамларнинг қулоқларини гаранг қиласди:

– Пўшт, пўшт! Йўл беринг, йўл!

Ҳовуз атрофидаги сўриларда ҳам одамлар қайнайди. Қатор-қатор баққоллик дўконлари-ю, қандолатчилик расталарида ҳар турли ширинликлар ва нозу неъматлар ҳар тарафларга ёзib ташланган. Бир томонда эса кабобпазлар тутун буриқситиб, кабоб ел пишади. Уларнинг ёнларидаги салобатли бўйчан дунган эса пештахтага “тап-тап” уриб, кокилдек хамир тасмаларини ёнига келган шогирдининг тогорасига ташлайди. Ҳавода кабобнинг ўткир ҳидига ҳинд зирворларининг муаттар иси ва хитой кўкатларининг аччиқ бўйи қўшилиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Олис хориждан келган меҳмон минг бир таажжубда бозор расталарини кезиб айланади, ширмойхонаю нонвойхоналарда бўлади, қашқарлик машҳур пазандаларнинг хўракхоналарига беихтиёр бошини суқади.

ди. Упа-элик, сурмаю-сулаймон, хинаю-аччиқтош ёйган ёймачилар олдидан ўтиб боришаркан, гавҳар кўзли узуклар, дур қадалган билагузук, марварид ўрнатилган зебигардон ва тиллақошлар терилган заргарлик дўконларидан ҳайратга тушиб, яна беихтиёр нақшиндор мис баркаш офтоба, олтин суви берилган обдасталарни кўз-кўз қилишаётган мисгар чилопчиларга синчковлик ила кўз югуртиришади. Дўппи, қийиқ бозорлари томон ихтиёrsиз силжийдилар...

Озоду ва яна обод бу юртнинг чумолилардай тиним билмай тер тўкиб, ўз юрларини дунёга кўз-кўз қилишаётган бу элнинг бошигаям кўп балою, кулфатлар тушди. Юрларини талаб, олиб кетганлари етмай, улар ўзларини ҳам хокисор қилишди. Ҳатто оғизларидаги нонларини ҳам узоқ-узоқлардан келишган кимсаларга бериб юборди бу ҳалқ.

Бир чоғлар Ипак йўлининг оғир-оғир карвонлари беихтиёр қўниб ўтган, эндиликда оғир бетобликдан мижози қуриган, бетоб мижози туфайли силласи бутунлай қуриб, хокисор чўпга айланган одамдек талонтарожликдан бор-шудларидан айрилиб бозорликдан мозорликка айланётган Ўрда бозори "самариска"лар, юлғучлару майда-чуйда безорилар ўралашиб юрган бир жойга айланган эдики, атиги бир-икки дўкону, яна бир-икки ошхоналарни ҳисобга олмагандан таниб бўлмас овлоқдек жойга айланган эди.

Йўқ, бу бозор ёнидан, ёни бўлганда ҳам бозорнинг қоқ ўртасини бўлиб ўтувчи анҳор ёнидаги катта кучадан мана, икки-уч йилки, қаёқдандир асир қилиб олиб келинган жулдур кийимларни эгниларига илиб олган одамлар эрталаб кун чиқиш томонга, кеч кириб, қоронги туша бошлаганда кун ботиш томонга судралиб ўтиб қолишади. Нурсиз кўзларида аллақачонлар тирикликнинг умид учқунлари сўнган ва суюкларини яшириб турган юзларининг териси шафтоли қоқиси-дек қовжираб қолган, нари борса йигирма ёки йигрма беш ёшларга аранг борган бу навқирон йигитлар

атрофларида ўзларига нафрат ва разаб ила боқаётган одамлардан ҳар қадамда түйкусдан оёқдарини синдириб юборгудек тепкию, қўққисдан учиб келиб, қулоқлари тагини ўпириб юборадиган даражада зарб билан отилган тош тегишидан ҳар эҳтимолга қарши ҳушёр тортиб, тез-тез чор атрофга аланглаб қўйишни канда қилишмас эди.

Акси ўлароқ, яна улар бугун-эрта ўлиб қолмаслик учун ҳозиргина бир-иккитадан ошқовоқ сомсаю, яримтагина сабзи тўғралган ярим коса ҳам келмайдиган суюқликка бармоқдай келадиган икки тўғрамгина қотган нонни ивитиб, ором олдирган қоринларини яна қулдирашидан ўлакса қидираётган калхатлардек кўзлари ҳамон олазарак, емиш қидириш билан банд эди, барibir.

Аммо ростдан ҳам бу олмон асиrlарини халқнинг кўргани кўзи йўқ эди. Ўз дарди, ўз ташвишларию, пешоналарига битган шўрли тақдирларнинг ғам-ташвишларига сабабчи, деб билганилари – мана шу бебаҳт одамларнинг ўликларини калхатлар чўқиб, ўлганларнинг ўликлари йўлларда қолиб кетиши билан халқларнинг нима иши бор, ахир. Олмонларнинг ўзлари дунёга ўт қўйиб, тинч турган дунёни бузиб юбордиларку? Ўлигинг устида тўнгиз қўпгурлар, деб сўкинишарди одамлар, уларнинг шу атрофда қоралари кўриниши биланоқ.

– Не шивились, прямо своличи! – ўдағайлади асиrlарнинг ўнг томонида бораётган соқчи бурнига кирган ширингина таом ҳидидан бир оз сергакландими, панжалари беихтиёр ҳар қадам ташлаганди қундоги ўнг думбасини ялаб ўтаётган миљтиқ дастасига ёпишганича уни елкасидан оларкан.

Соқчиларни билгани билган. Кўз – ўғри, ит таталаётган қориннинг айтганини қиласди, агарки мия билан ақл аралашмаса. Мия миялигига борсаям анча узоқни кўради. Кўзга кўринганини қилдиртирмайди. Тарозисига солиб, тортиб, анчагача чамалайди. Йўқ,

Вайснинг қорнини ҳар куни, ҳар соатда ит ёмонроқ таталаб туради. Ақли ҳам ёмон эмас, Вайснинг ёнини олиб-олиб, шу ерга келди. Ақлнинг гапига кираверса-ям вужуди бир йўли тўкилиб қолади, шекилли. Қорингаям тортишиб қўйиш керак. Ҳа, керак албатта. Ана, яна иссиқ ноннинг ҳиди бурунга кириб, ақлниям эси-ни оғдириб юборди, чамаси.

Вайснинг қўли иккитагина бўрсилдоқ иссиқ нон кўтариб бораётган ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги болага тушдию, очликдан кўзлари чақнаб, ақли ҳам озаётганини ўзи ҳам билмай қолиб, қатордан яшин тезлигида чиқдию, икки қўлининг панжалари нонга ёпишганича чўкка тушиб, нонни оғзига тиққанича чайнай бошлади.

– Сволос, фриц! Вставай, свиня! – ўкирди ҳалиги соқчи унинг орқа думбасига тепиб. – Дай меня, свиня! Дай меня, дай меня! – қўл ва оғзидан нонни тортаркан у.

– Вой, дод! Дод, нонимни еб қўйди, – бола асирнинг оғзидан нонни торта бошлади йиғлаганича.

– Уринглар, анави фрицни! Анави немисни уринглар!

– Вой, аблаж! Уруш қылгани етмай...

– Уринглар уни! Ўлдиинглар!

Бақириқ-чақириқлардан қулоги динг бўлган Мадумар aka чор тарафга аланг-заранг қылгандан сўнг, нон ковшаётган асирга қўзи тушиб қотиб қолди. Кейин бирдан ҳушига келиб, ўша томонга отилганича бақира кетди:

– Тегманглар унга! Ўлдириб қўясизлар, ахир! Ҳой, – ўшқирди асирни боши аралаш кўринган ерига тепаётган соқчи билан бир оёғи майиб йигитнинг ёнига қандайдир шашт билан етиб келиб. – Ноннинг ҳақини мен тўлайман, баччагар. Энди сен қолувдинг чўлоқ, бирорни урмаган. Ҳой, соқчи ўрис бола, буям сенга ўҳшаган битта одам. Қоч, кўзимга кўринма, баччагар. Буям Худони бандаси, сенам, уям, билдингми? Ҳой! –

у соқчининг кўйлагидан чимдиг тортди. – Ҳеч бўлмаса қорнини тўйғазиброқ ишга опчиқсаларинг бўлмайдими, ўрис бола. Қара, эртами-индин буларингни ҳаммаси ўлиб қолади. Силлалари қуриб бўпти, буларингни. Аллоҳни бандалариниям шунаقا қиласанларми, сенлар.

– Ну, Мадумар ака, вы тоже тоза болтайти. Как, еда хватает сейчас всему, интересно! – рус соқчи йигити бошини сарак-сарак қилди.

Бўлаётган тўс-тўпалону, ўзининг чор атрофини ўраб турган одамларнинг шовқин-суронига қарамай асир немис лўнжига тиқилиб қолган нонни чайнаб, томоғидан ўтказиб бўлгандан сўнг панжалари орасида одамлар юлқиндисидан қолиб кетган нон бўлакчаларини-яям оғзига тиқиб, шоша-пиша чайнаб бўлганидан сўнг ўша косасидан тўкилиб кетаман деб турган кўзларини аранг очганича, тепасида турганларга қўрқа-писа кўз югуртира бошлади.

– Ну, фриц?! Несчастный гнилой блён, вставай! – ўшқирди ҳалиги соқчи. – Сегодня я тебя все равно убью, понил?!

Асир соқчининг ўшқиригини эшишиб, нималар деб вайсаганини англамаса-да, ҳар ҳолда бугун бошига оғир кун тушишини сезиб, тепки ва калтакдан қақшаётган баданини аранг кўтариб ўрнидан турди. У ўрнидан туришга турдию зирқираётган оёқлари вужудини кўтара олмай яна “топ” этиб ерга шилвираб тушди.

– Вставай, свиня! – уни оёғи билан турткилаб ўшқирди соқчи.

– Соқчи бола, бунингни менга ташлаб кет, – деди Мадумар ака соқчига яқинроқ келиб. – Ҳозирги тепкию, мушт зарбидан ҳали бунинг ўлибам қолади йўлда. Тағир сен ҳам Худонинг қаҳрига қолиб юрмагин, ладними?

Соқчи бош иргади:

– Нельзя, понимайте, Мадумар ака, нельзя.

– Нимага нельзя, ўрис бола? Ўлиб-пўлиб қоса яхши-ми-а? Ўша ўзингни каттангга айтаман буни. У менинг гапимга киради. Йўқ, Худони қаҳрига учрамай десанг, менга ташлаб кетасан. Овқатлантираман, қорнини тўйғазаман, билдингми, нима қилишимни.

– Менинг нонимни ким тўлайди? – йифидан тўхтаб, ҳалидан буён бўлаётган тўс-тўпалондан оғзи очилганича қолган болани эсига асир еб қўйган нон тушдими, хўнграб йиғлай бошлади.

– Мадамин, ҳой Мадамин! – Мадумар aka орқасига утирилганича бақирди. – Эшитдингми, манави болага нонни иссиғидан иккита берворгин, бўптими-а? – Кейин яна соқчига ўтирилди. – Энди шунаقا қил, ўрис бола. Йўқолиб қолади дема, немисингни. Пишириб емайман уни. Менга нима кераги бор. Ўлиб қомасин дейман, холос. Ўлсаям, ўлмасаям нима фойдаси бор. Лекин, тирик одам ўлиб қолса ачинасанми – ачинасан. Буниям онаси бордир, отаси бордир. Эҳтимол, боласиям бордир, ким билсин тағин.

Соқчини эсига бир нима тушдими чўчиб уйғонган одамдай “эҳ, время”ладиу, Мадумар акага қараб, “қайтишда опкетаман” деганича воқеа нима билан тугашига ақди етмай қолган асирларни яна сафга тизиб, кетаётган томонларига ҳайдади.

Немис асирга нонини олдириб, ўзининг муруввати билан яна нон олиб кетаётган боланинг “раҳмат”ини эшитган Мадумар aka чукур бир хўрсиндию, ариқ бўйидаги танаси аллақачон ўтин учун кесиб кетилган тол тўнкага ўтирганича нималаргадир хаёли бўлинди, шу тобда. Бироқ ёнида кимнидир турганини сезиб кўзини очдию, хаёли паришонлигидан асирдан ҳам узр сўраб юборди:

– Э, асир бола, эсим қурсин, сени опқоганим хаёлимда йўғ-а? Мени Зухриддиним нима қиляптийкин, Ўрися томонларда? Ишқилиб сенга ўхшаб уям немис-пемисингта асир тушмадимикин, боласи шўрлик. Сенлар қанақа одам экансанлар, билмасам. Ишқилиб,

яхши бўлинглар, Худони мўмин бандаларига ўхшаб. Энди билсанг, ҳаммамизният Худомиз битта, билдингми? Ўзбекча билмайсан-а, оббохолам. Ҳа, тилимизга тушунмасангам, дилимиз тўғрию, қўнглимиз покиза бўлса бўлгани. Сениям катталаринг чатоққа ўжшайди. Бўлмасам уруш қиласмиди, абллаҳлар. Худони қаҳрига учраганларгина шунаقا одамларни сарсону саргардон қиласди. Мени Зухриддинимни пешонасига ишқилиб сени қунларинг ёзилмаганмикин, билмайман, немис бола. Ўша Гитлерингам эси йўқ йигитакан, билсанг. Ке, ке манави тўнкага, – у тиззаси тегиб турган чап томондаги тўнкага ишора қилди, – ке, ке ўтири. Бир нарса дерсан, ўткан кунинг ҳақидами? Бу олмонларнинг калласи жудаям зўр деёишганини кўп эшитувдим, билсанг. Сартарошхонага кирсанг бошинг тепасида соч олаётган сени мошининг, анави чевар Холисхон деганлари чок тикаётган мошинасиям сен томондан келган. Э, – Мадумар aka қўлини силтаб қўйди. – Тешавой Московидан кўтариб келиб, одам шаклини минг битта қилиб чиқариб юрган пўтўтирип деганини сенларники девди, бир қулогим эшитганини айтсам. Э... эсим қурсин, сенга мени мана шунаقا гапларим-мас, овқат керак-а, нафсингни ором олдиргани. Хўй, Мадамин! Мадамин, хўй Мадамин дейман! – у ўнг қўлини тепага кўтариб, беш панжасини ёзуб, ўйнатганича қийқира кетди. – Оббо, қулогинг бировга овқат-повқатни текин-пекин бергин десам, дарров ариққа чим босгандай эшитмайдиган бўлиб битиб қолади-я, қизталоқ.

Мадумар aka икки қўлининг панжаларини сонларининг устига ёзуб ташлаб “ё, пирим” деб ўрнидан тураркан, “ортимдан юр, ортимдан юр, юр” деган имоишора билан немисни кетидан зргаштириб, ошхонаси томон юрди. Ўлжасига ташланиш учун бутун вужудининг ярмини қулогу, ярмини ҳушёрликка тортган калхатдек Мадумар аканинг ҳар бир ҳаракатига кўзкулоқ бўлиб турган асирга тушган немис аскари ўрта

яшар бу осиёликнинг тилига тушунмаса-да, ҳар ҳолда уни ўзига яхшилик қилаётган хатти-ҳаракатини фаҳмлаб, ортидан юриб бораётган бўлса ҳам ён атрофдан ногоҳ муштми, тепкими тушиб қоладиган ҳадикда кўзлари жовдираганича борарди.

– Шунча қулогинг оғирми? – койинди Мадумар ака ҳеч нарса эшитмагандай бамайлихотирлик билан қозон ковлаётган ўн икки ўн беш ёшлардаги ўғлига хўмрайиброқ қааркан. – Бирорвга бир коса текин овқат беришими эшитиб қолсанг лаб-лунжинг осилиб, қулоқларинг ўз-ўзидан кар бўп қоладида-а, сени?!

Ўғли индамадиyo, rўпарасига келиб тўхтаган олмон асирга кўзи тушиши билан серрайиб туриб қолди.

– Бу немисни нима қиласиз, дада? – сўради кейин вужудини қўйиб юбориб.

– Пишириб еймиз, болам, – деди ўғлига кўзларини синчковлик билан тикаркан. – Унақа бир-икки коса овқатни оғир олма, ўғлим, – деб гап бошлади дадаси. – Бу ун-умочу, бир коса-ярим коса қуюқ-суюқ кимлардан қолмайди, ўғлим. Акангни ўйласам... – гапининг ўғини айттолмай кўз косасига тўлган ёшларини чап қўлининг панжалари билан сидирди. – Мана шунака асир-пасир бўлсаям тирик бўлса майлийди, болам. Хатпатиям, тирикман деган ном-нишониям йўғ-у, уни. Сен бўлсанг... – у бошини қайта-қайта чайқаб, ўксиб йигларкан ўнг қўли панжаларида аллақандай имоишора билан Мадаминжонга тушунтиришга ўтди.

Мадаминжон ўз қилмишидан ўзи уялиб кетдими, олмон асирини ошхонанинг кўланкароқ томонига олиб бориб, имо-ишоралар билан ўтиргизди. Бир коса тўла лағмон қуйиб келиб, унинг олдига қўяркан, дастурхон устида икки тўғрам нон турганига қарамай, бутун нонни синдириб унинг олдига қўйди. Кейин отасига бир қараб қўйиб, “ол, ол” деб имлади.

– Бақда кел, Мадамин, – ўғмини чақирди ота. – Зухриддин аканг мана шу олмон тилини биларди-а? – деб сўради.

– Э, дада, роса биларди. Гаплашгандаям униси-буниси “немис бўп кет-э” деганини ўзим эшитганман.

– Сен-чи?

Мадаминжон бошини чайқади.

– Бу олмонинг нимага ўзбекчани билмаскан-а? – сўради ота.

Мадаминжон елкасини қисдию:

– Ие, дада, бу немис ўзбекчани қаттан билсин? – деди ҳайрон бўлиб.

– Унда аканг Зуҳриддин нега олмонни билади?

– Ўқиб ўрганган-да, дада.

– Қара-я, – деди бошини чайқаган Мадумар aka таажжуб билан. – Бу ўзбекчани билмайдио, аканг олмончани билади. Нега ўзбекчани ўрганмовдийкин, қизталоқ. Мана, роса унга ўзбекча керак бўп қоларкану. Эси йўқлик қилиб ўрганмаган-да, бунинг, – бошини сарак-сарак қилди афсуслангандай. – Бунингни тилини шаҳарда ким яхши билади, ўғлим?

Мадаминжон “немисни тили дадамга нима керагикин?” дегандай ҳайрон елка қисдию, индамади.

– Сен нимага бунинг тилини билмайсан? – бир оздан кейин яна сўради Мадумар aka ўғлидан.

– Ўқимаймиз, деяпман-ку, дада.

– Аканг ўқиптию... Хўп, сен ўқимаган бўлсанг, эрта-пертага битта-яримта ўқиганини топиб ке, буни, – у немис асирига ишора қилди, – гапиртирамиз, болам.

– Гапиртириб нима қиласиз, дада? – жаҳли келгандай тўнгроқ жавоб беришга ўтди Мадаминжон.

– Гапиртирамиз дедимми, гапиртирамиз. – Мадумар аканинг ҳам негадир жаҳли чиқди ўғлидан. – Бу олмонингдан акангни дарагини сўрасам нима бўпти. Дунёда бўлмаган ишларни ўзи йўқ. Эҳтимол, учрашиб, гаплашипам қолгандир, аканг олмон тилини сув қилиб ичадиган бўлса. Гапингни қара, сени?! Хўй, мижозга қара. Хуш келибсиз, меҳмон. Таом-паом ейсизми, меҳмон? Маставадан яхшилаб қуиб бер, болам. Соя-сал-

қинроққа ўтиб ўтириңг, манави офтобни кучидан қочиброк.

Мадумар ака лағмон ҳамирини чўзиб, тахтага қарсиллатиб урганича пишишиб бўлиб, қизларнинг сочларидаи ёйиб, қозонда қайнаётган сувга ташлагандан сўнг, ҳўй, нарироқда ўтириб, лағмон еяётган олмон асирга қарадию, қошлари сузилиб кетди. Вой, олмоне, пишиллаб ухлашини қаранглар, худди энасининг уйидай ёзилиб.

– Кўй, кўй уйютма, Мадамин, – деди ўғлига. – Ўзиям яқин атрофда энди бир маза қилиб ухлаётган бўлса керак, қорнидан ғам-туссаси йўқ, буни. Аммо менга, – деди яна Мадаминжонга қараб, – эртага битта олмончада гапирадиган одам топиб келиб берасан, болам. Буни бир олмонча гапиртириб, акангни сўраб-суриштирмасам бўлмайди, болам. Шундаям қўйним тўклиб кетяпти, акангни ўйласам. Онангни ќявер, ўғлим, ўзинг биласан, ўғлини соғиниб, шумшайганини. Бу дунёни катталари ёмон, бу дунёни пошшолари ёмон, болам. “Сичқон сифрас инига, ғалвир боғлар думига” деб шунга айтадилар-да, Мадамин. Аммо гапларимни ўнг қулок, сўнг қулок уқвол. Керак бўлади, бир куни. Ўйламай-нетмай бир нарсага тумшуғингни тиқма, азобини тортасан. Буларингни қайси бири енгса ролиб бўлади, енгилган эса энасини тўйини кўради, дор тагида бўйни узилиб. Э, – у қўлинин силтади, дор-порга осишмаса милтиқ-пилтиқ билан отворар. Э, ҳаммасиям бир-бирини отиб-потишгунча ҳазилакам қийинчиликни савдо-сотигини ҳалқ бошига солмайди, дейсан, болам. Ҳалққа қилрилигини қип қўйиб, ўзи эса думини чигиб, қочворган пошшолариниям кўп эшитганман, кўрганманам.

Кун қайрилиб, қош қорая бошлигандан олмон асиравини ҳайдаб, бозорнинг шундоққина биқинидаги йўл бўйида яна соқчилар пайдо бўлишди. Анча-мунчча ўзбекчани таталаб-путалаб гапирадиган ўрис соқчи Мадумар акага қараб “немис қани” дегандай ишора қилди.

— Ана, унингни еб қўйганим йўқ, ўрис бола, — деди Мадумар ака ҳали ҳам пишиллаб ухлаётган асирга ишора қилиб. Буларни кечасиям тиндирмай кўшта қўшасанми, нима бало.

— Кўш-пўш йўқ, еда-педа оз-моз, — деди соқчи ўрис йигит ростини айтиб, яна қўшиб қўйди. — Ўзимизгаям еда йўқ, Мадумар ака, пленга нима қилсин.

— Менга ташлаб кет бўлмаса, — деди Мадумар ака устидаги халатни ечиб, турмаклаганича ўғли Мадаминжонга узатаркан, унга сўз қотди, — жуда кирлашиб тўкилиб бўпти. Бошқасини топиб, эгнимга илмасам бўлмайдиган бўп қопти, — дея соқчига яна юзланди. — Ҳалиги галга ладними-а?

— Қанақа гапга? — тушунмай сўради соқчи.

— Манави пишиллаётган олмонни менга қолдириб кетавер. Ўзим боқиб, ўзим ишлатаман керак бўлса, панимаеш.

Соқчи бошини чайқади:

— Нельзя, Мадумар ака, КГБичники меня... — у бошини сарак-сарак қилди.

Мадумар ака хиринглаб кулди:

— Ҳамманг бир-бирингдан қўрқасан-а, қўрқасан барибир. Лекин сенда инсоф бор, ўрис бола. Буларингни, — Мадумар ака озиб-тўзиб кетган асиirlарга ишора қилди, — суяклари қопти, қара. Сал у ёқ-бу ёқча юргутирворадиган бўлсанг қовурғалари ерга тўкилиб тушади-я, бечораларни. Овқат-повқат бермайсанлар шекилли-я, ўрис бола? Анави, мени Мадамин ўғлим дарахтларни тагидан йўл-йўлакай қўзиқорин қидириб юрадими-ей, дегани тўғри шекилли, очлигидан. Отинг Миколаймиди, ўрис бола?

— Николай.

— Шу Миколай бола, буларингни ҳаммасига увол.

— Это увол? — елкасини қисди соқчи.

Мадумар ака бир нималар деб тушунтирган эди, соқчи бошини чайқаганича, унга қараб эътиroz билдириди:

– Когда они голод – это грех штоли, – Николай бопшини чайқади. – Вот у вас тожи сын воюет, правдино? Кто начал война? – Мадумар акага осонроқ тушунтириш учун дона-доналаб гапира кетди Николай. – Вы подумили, кто виноват?! Они, это, вот своличи. Всех надо растрелат.

Үрис боланинг ҳозирги чиқсан жаҳлидан Мадумар ака бир оз хижолат бўлса ҳам:

– Но, ўрис бола, бу фрис, дедингми? Мана шу фрисларингни катталарини от, қўлингдан келса. Унақа ҳамма нарсага жаҳлинг чиқаверса ақлингни қаердан топволасан-а, ўрис бола. Ўзи буларингниям, қолаверса сениям катталарингни эси йўқقا ўхшайди. Ўғлим милтиқ отиш у ёқда турсин, милтирини ушлашниям билмасди. Мана, опкетди урушига. Сен нима дейсан, милтиқ отолмагандан кейин буларингга ўхшаб, бир ерларда уям асир юрибдими ҳали.

Николай “Ну ладно, Мадумар ака” дедиyo, ўзларининг гапларига тушунмай аланг-жаланг қилиб турган олмон асирларига буйруқ бериб, ужлаётган асирга қараганича бақирди:

– Ну, фриц, сволоч, – унинг пишиллаб ухлашини кўрган соқчининг жаҳли чиқиб кетди. – Как у себя дома хранишь, осёл. Ну, вставай поехали...

Соқчи олмон асирнинг бошига милтиқ қундори билан солмоқчи эди, Мадумар ака яна шаштидан қайтарди:

– Николай, сен яхши ўрис. Нинада, уям Аллоҳни бандаси, – деди унг қўлини тепага чўзганича. – Худо қўриб турибди, кимда гуноҳ бўлса ўзи жазосини бераверади.

Улар кетишгандан кейин Мадаминжон отасининг ёнига келиб, бир хирмон бўлиб шўппайиб қолганидан хижолатда:

– Шу немисини озиб-тўзганларигаям хафа бўласизми? – деб сўради.

Мадумар ака индамади. Кейин ўғлига бир қараб қўйиб:

– Аканг-чи, аканг? – деди кўзига ёш олганича. – Бу немисларингни ҳаммаси отишни биларкан, чопишини ям биларкан. Зухриддин отишниям, милтигини ушлашниям билмасди. Энди унга нима булдийкин, манави занғар немислари, шунақа бўлиб асирга тушгандан кейин?

– Ие, дада, ўзингиз ўшаларни ёнини оляпсизу, Худони бандаси булар ҳам, овқат бер, нон бер деб, яна меҳрибонлик қиласиз, ҳар куни...

– Бор, бор ишингни қил, – деди Мадумар ака қовоғини уйганича. – Уларният урушга мажбур қилишган бўлса керак катталари. Ўша катталарини оғзидан қони келсин, илойим. Э, тўхта, тухта, – деди ўғлининг билагидан ушлаб, ёнига ўтиргизаркан. – Урушитаям учтўрт йил бўлди, қачон тугаркан-а, ўғлим? Анави соқчи ўрисдан сўрасам бўйинини қисади. Бу акангдан хатхабар йўқ, – у кўйнидан дурра чиқариб оқаётган ёшларини артди.

Ўғлини эслаб, кўнгли қанча эзилмасин, негадир кўз олдидан ҳозиргина нари кетган суюклари шундоққина тўкилиб кетаман деб турган, кийим-кечаклари ҳам йиртилиб, бир аҳволга келиб қолган олмон асиirlарининг турқи-шамолию, кўз косаларидан “тўкилиб кетаман” деб айланашаётган сўниқ ва умидсиз кўзлардан юраги орқага тортиб кетди. “Уруш одамларни шунчалик ҳам хор қиласими?” деди у ўзига-ўзи. Бу олмонларни анча тўқ ва бадавлат дейишади. Одамни нафси ростдан ҳам бало экан-да. Бўлмаса шунақа жойларгаям уруш қилиб, босиб оламан дейдими?

– Дада, олмонлар нима бўлсаям еб кетаверадиган одамлар бўларкан-да, – деди Мадаминжон дадасинингчуваланиб кетган хаёлини бўлиб.

– Нимага ундей дейсан? – деб сўради Мадумар ака ҳайрон бўлганича.

– Ҳали айтдим, эшитмадингизми, дада?

– Нимани айтдинг? – сўради Мадумар ака ҳайрон бўлиб.

– Ээ... – қўлини силтади Мадаминжон эгнидаги ҳалатни ечиб, қўлтиғига қистириб оларкан. – Шу шахримиз атрофидаги тут борми, тол борми, яна қанақа дарахтлар борми, ҳаммасини тагларини қўзиқорин қидириб титкилаб бўлишган, булар. Ҳатто ҳалиги мияларни томирлариям қолмади буларни дастидан. Шунақа очофат ҳалқ бўладими-а?

Мадумар ака ўғлига бир қарадию, бошини чайқаганича:

– Худоё тавба, десанг-чи, болам, – деди қовоғини уйиб. – Бу асиrlарга юнди-сундига ўхшаш тўйиб-тўйғизмасдан овқат беришса нима қилишсин, улар. Бир йўла ҳаммалари қирилиб ўлиб қолишинми, энди. Акангни ўйласанг, бунақа гапларни қилма. Сен билан мени, яна беш-олтита одамни қорни тўқ, жуда бўлса. Кунжара еяётганларни ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Бозор атрофидан ҳар куни ўн-йигирма одамни ўлигини териб кўмишляпти. Бу олмонларингни барибир жониям қаттик экан. Ҳалигини отини ким деди-а?

– Ханс, деди, шекимли.

Мадумар ака бошини иргаб қўйиб:

– Оғзингни камроқ очадиган исми бор экан, унингни, – деди қулиб. – Ул-булни йигиштир, уйга қайтамиз, – бошини қуий солиб, яна ўйига қоришиди у.

Одамни ёмони қаердан чиқаркин-а, бу дунёда. Ё яхшилар кам қоляптими, дейман. Бор-йўғи йигирма-ўттиз йил умр кўрасану, шунга шунча тўпалону, шунча бир-бирингта гўр қазиб умринг ўтади. Зухриддиндан ҳеч қанақа дарак-парак йўқ. Уям анави Хансга ўхшаб орқасидан милтиқ никтаттириб, бирон бир жойда нону меҳрга зор қақшаб-нетиб юрибтимикин-а, боласи пақир. Бу ишга оббориб, опкелаётган немисларини энди нима қилишаркин, булар. Ў-ў, баччагарлар-еъ, одамни бошига итни кунинимас, ундан баттарини солишади. Итгаям қимматчилигу, қаҳатчилиги-га қарамай, эрта-кечда нон-пон ташлаш ту

икки маҳал. Анави соқчи ўрис бола сувга сабзими, шолғом ташлаб қайнатиб бериб турибмиз дейди-я, уялмай нетмай.

– Мадамин, ҳой Мадамин! – деб бақирди хаёли бирдан бўлиниб.

– Нима дейсиз, дада? – сўради ҳайрон бўлган Мадаминжон.

– Бўлдингми йиғиштириниб?

– Бўлдим, дада. Ҳа, кетамизми?

Мадумар ака бош чайқади.

– Анави соқчи ўрис болага бор.. – дедию калласига бошқа фикр келиб қоғодими бир оз ўйланиб тургандан сўнг, – ҳалиги Хансни танивoldingми, болам? – деб сўради.

– Таниб, танимай нима қиласман, дада? – таажжубда сўради у.

– Қолган-кутган нон бор-а, болам.

– Нима қиласиз? – ҳайрон бўлиб сўради.

– Ҳалиги немисни топиб, унга ўзинг бериб кел, болам.

– Ие, дада, жуда қизиқсиз-а?! Лагерга мени қўярмиди улар. У ерда қанча соқчию, қанча немис асирлар. Қаердан топиб, қаердан танийман.

– Бўлмайдими, болам? – сўради Мадумар ака.

– Отишворициям мумкин, ўзингизча кираман десангиз, душман деб.

– Соппа-соғ одамни сўраб-суриштиришмасдан отиб юборадими, болам? Унда қўй, анави акантгни ҳасратиям, – панжаларини бўйнига тортди, – етиб турибди ўзи. Отворадиям дегин? Юр, бўлмасам кетдик, – у икки қўлинин орқасига қилганича ўғлининг орқасига тушиб уйга жўнади.

## II

Берлин худди чўпак суқиб қўзғатилган арининг уясиға ўхшарди.

Ёмғир эрталабдан бери савалаб турганига қарамай остин-устун бўлаётган эди. Зухриддин Берлинга жуда

кам келса-да, ҳозиргидек қиёмат-қойимни эслатувчи бундай түс-тупалоннинг устидан ҳеч қачон чиқмаган эди. Лекин ростдан ҳам бомбаю, снарядлар ёғилиб, қанчадан-қанча ерлари вайрон булганилигини эшитган эди.

Германия таслим бўлганига худди немисларнинг ўзларидек Зуҳриддин ҳам ишонмас эди. “Наҳотки, дунёни титратган шундай бир мамлакат энди ўз гуноҳлари олдида тиз чўкиб турса?!”

Пристанда паракодларга ўзларини ураётган одамларнинг сон-саноги йўқ эди. Ким қаёқقا, нима учун, нима мақсадда оёғини қулига олганича шошаётганига ҳеч ким тушунмасди.

“Бу нима гап, мен энди нима қиласман?!” Зуҳриддин уйғонган ва ўз-ўзига берилаётган бу саволлар шу чорнинг ўзида уни қийнаб, бошини гаранг қилиб қўйди.

Ана шу қийин ва оғир ўйлар бир неча сонияда белини эшакқуртдай букиб қўйди, ўз-ўзидан шилвираб, одамлар сийракроқ томонга судралганича кета бошлади.

“Бу уруши тугабди-да? Бу немислари ўзларига эмас, бизларгаям қиласмаларини қилиб қўйди”. Хаёлидан шу гаплар ўтдию, бирдан эсига она юртига қайтиш ҳадиги тушиб, боши ғовлаб кетди. Энди бизни у томонларда нималар кутяпти экан? Пристандаги овозлар рост бўлса...

У шу ўй ва ташвишда Берлиндаи унча узоқ бўлмаган Хеннигсдроф шаҳри атрофидаги уйига қайтди.

– Сенга нима бўлди? – сўради хотини Эмма уни кўриши биланоқ.

– Германия енгилибди-ку, – деди Зуҳриддин ҳамон ҳайратда.

– Сен билан менга нима дахли бор уни, – деди Эмма.  
– Урушни биз билан сен қиласмадимиз. Айборлари бор.

– Менинг Ватанинга қайтишим-чи? – таажжуб билан сўради Зуҳриддин.

– Зихр, – Эмма уни “Зухриддин”га тили келмай шундай деб чақиради. – Буюк Германия соб бўлди, Зихр, – у афсус билан бошини чайқаб қўйди. – Энди билдингми? Сенга индамагандим. Укам... – унинг вужуди титраб, шумшайганича рўпарасидаги олма дарахти та-насира бор оғирлигини ташлаб суюниб қолди.

– Уканг ҳақида бирон бир ёмон хабар эшилдингми? – сўради Зухриддин.

Эмма бошини чайқади.

– Йўқ. Аммо у тирик бўлса амлақачон хабари бўларди ё келарди. Ота-онамдан ёлғиз ёдгорлигим эди, билдингми? Энди сен нима қилмоқчисан?

– Эмма, кетамиз. Менинг юртимга кетамиз.

Эмма бошини чайқади:

– Бу мумкин эмас, билдингми?

– Нега-а? Ахир мениям ўз юртим бор. Ота-онам бор, билдингми?

– Сен кетолмайсан! – деди Эмма унга яқинроқ келиб, маҳкам бағрига босаркан.

– Нега кетолмас эканман? – ҳайрон сўради Зухриддин.

– Сени отиб ташлашади улар.

– Кимлар уларинг? – сўради Зухриддин.

– Эшилмадингми, ўша пристандаги гапларни.

– Эшилдим. Лекин ҳамма гуноҳдарингиздан кечамиз, дейишяпти-ку, Эмма.

– Йўқ, барибир отишмаган тақдирдаям сени қамаб ташлашади, билдинг. Сенга ўз юртингга кетиш мумкин эмас, Зихр. Мен барибир сен билан кетолмайман. Болаларимният бермайман, тушундингми?

Зухриддин кўзларини катта-катта очганича Эмманинг гапларига ҳайрон бўлиб қолди.

– Сен нима учун мен билан кетмайсан? – сўради Зухриддин.

– Мен ҳеч қачон ўз юртимни ташлаб кетолмайман. Бунинг устига укам-чи, укам. Униям дарагини билишим лозим. Менинг.. – тараддуланди Эмма, – менинг

сен билан кетолмаслигимни яна бир сабаби немислигим. Сенга ҳозир яхши бўлмайди. Барибир сени улар жазолашмай қўймайди.

Зуҳриддин индамади. Кейин унга қараб:

– Мен Оренбургта ўтиб келаман, Эмма. Барибир яна бир ўйлаб кўрарсан кетишишингни. Эҳтимол, менинг таклифим маъкул бўлар, – деди.

Эмма индамадию, елкасини қисиб қўйиб:

– Оренбургда нима қиласан? – деб сўради ҳайрон бўлиб.

– Эсингдан чиқдими, Эмма. У ерда менинг ҳамюртим яшайди-ку, – деди. “Балки Қосим хотини билан Эммани кўндирап, унинг хотиниям немис-ку, ахир” деган ўй билан унинг олдига бориш учун чиқиб кетди.

Зуҳриддин тош йўлдан бориб, ўрмон йўлига чиққандан сўнг Хафел дарёси бўйида анча ўтирди. У кўпинча Ватанинни қўмсаган чоғлардагина дарё қирғига чиқар, бутун ғам-гуссаю, ҳасрат-надоматини тушини сувга айтиётган одамдай ўз-ўзидан лаблари титраб, тўкиб соларди, бечора. Ахир, она юртни соғинмай бўларканми. Ватан, бундек ўйлаб қарасанг, танангни бир бўлаги-ку. Не-не азобу, уқубатларни кўрмади бу одам, ёш бўлатуриб соchlарига аллаҳачон оқ оралаб бўлганди. Фин урушидан қайтганидан кейин уйга кетаман, барибир армиядан бўшатишар, деб ўйлаганди. Йўқ, пешонасига ёзгани бор эканми, яна уруш. Омади бор эканми, у урушдан чиқиб, бу урушга кирсаям ҳали тирик юрибди. Қанча-қанчалари ўлиб кетишиди, битта ўқҳа учиб...

Хафелнинг мана шу жойлари нақадар гўзал. Унинг кўкимтири суви янайм тинч ва осуда оқади. Йўқ, барибир бу дарё Норин ёки Қорадарёдай ўжару, асов эмас. Зуҳриддин узоқдан кеманинг соҳилга яқинлашаётганда бўлинниб чиқадиган овозидан сергакланиб, кемаларнинг тўхташ жойи томон шаҳдамроқ қадам ташлай бошлади.

Мағлуб мамлакатдаги кичик шаҳарлару, қишлоқтар ҳам бир оз түс-түпалону, саросималик бўлгани учун келди-кетдилар илгаригидан анча кўпайган, одамлар ҳам бир-бирларига олазарак нима дейишлариниям билмай, таниш-билиш бўлсаларгина бир-бирларига истар-истамас салом бериб қўйишардилар-да, яна жим йўлларида давом этардилар. Бунга худди Зуҳриддин айбдордай бу томонларда орттирган таниш-билишларини учратиб қолишидан ҳадиксираб атрофига тоҳ-тоҳ аланг-заланг қилиб ҳам қўярди. Бир томондан унинг кўринишию, нутқининг мукаммаллиги ҳар ҳолда хижолатдан чиқаарди.

Зуҳриддин тўс-түпалон ичida кемага чиқиб, чарчаганидан бир чеккароқ жойга ўрнашиб олиб, кўзларини юмди. Одамларнинг уруш ҳақида, Германиянинг нима сабабдан мағлуб бўлганидан тортиб, Мусолинининг довдир мижозигача бир-бирлари билан баҳс ва мунозараси қулсоқларни йиртарди.

У мана шу, асирикнинг турт йилидаги ўтган умридан унчалик ачинмади. У ўз қисматига тушган мусофирикнинг оғир дамларини кўпроқ мум тишилага-нича фикр ва мулоҳаза юритиб, оғзидан сўз чиқарди. Дилига келган фикрни ҳар доим мулоҳаза билан бир оз дангалроқ гапирадики, олмон тилидаги сўзларнинг ургуси ҳам жой-жойига тушарди.

Қосимжон Зуҳриддинни кўриши билан қучогини кенг очиб, уни бағрига олди.

– Яхши, хўжайининг бу сафар тезроқ рухсат берибди, – деди олма дарахти устидан ўзини ерга “топ” этиб ташларкан. – Аммо зап кебсан-да, ошна. Ё немисча гаплашамизми-а, сен билан.

Зуҳриддин икки томонга аланглаганича:

– Янгиликни эшитмадингми? – деб сўради.

– Эшитдим ҳам, эшитмадим ҳам. Ростдан ҳам уруш тугаптими-а, Зуҳриддин?

Зуҳриддин бошини ирради.

– Урушиям шу томонларгаям етиб келдию... – деди Қосимжон. – Аммо яхши келдинг. Мен бу томонлардан қочмоқчи эдим.

– Қаёққа? – ҳайрон бўлиб сўради Зуҳриддин.

– Қаёққа бўларди Америкага-да. Ё бўлмаса Австралиягаям кетса бўларкан.

– Юртимизга қайтмаймизми? – ҳайрон бўлиб сўради Зуҳриддин.

Қосимжон бошини чайқади:

– Хўжайним асло юртингга қайтма, отиб ташлашади, деб айтди.

– Сени кетишингни истамаётгандир-да, тайёр хизматкордан қуруқ қолиши хуш келмай.

– Гитлер капут, дейишяпти. Хўжайним ўзиям йўқолиб қолганига икки ҳафта бўляпти. Чамамда ўрислардан қочиб кетди, шекилли. Бу томонларни энди бизникилар эгаллайди, шекилли. Этагимиз очилмай туриб... – Қосимжон бошини иргаб кўйди тилида турган гапнинг қолганини айтмай. – Кўлга тушгудай бўлсак барибир отиб ташлашса керак. Ёки бўлмаса қамаб ташлашади, билдингми.

Зуҳриддин унга бир тикилдию:

– Ростданам сен қочиб кетасанми, юртимизга кетмай? – деб сўради.

Қосимжон бош иргаган эди,

– Ота-онанг-чи, юртинг-чи? – деб сўради Зуҳриддин.

– Бизни у томонларда барибир ўлимми, қаттиқ қийноқларми кутяпти, холос. Ёруғлик кун йўқ энди бизларга, билдинг, – деди чукур хўрсиниш билан Қосимжон кўзларини маъюс сувганича. – Сен ўзинг-чи, ўзинг нима қилмоқчисан?

– Мен уйимга кетаман. Кетмасам бўлмайди. Нима бўлса бўлар. Отамниям, қишлоқларимизниям жуда соғиниб кетганиман. Барибир бу томонларда қололмайман. – Зуҳриддин оғир “уф” тортдию, қулини силтади. – Пешонада бўлганини кўрарман. Пешонамизга

мана шу тарафларни ризқ-насиба ёзилган экан, то-тиб кўрдик.

– Иккита боланг бор-а? – деди Қосимжон. – Хотинингам немис бўлгани билан ўзбекка ўхшаб кўҳликкина. Немисча гапирмаса ўзбекдан айирмайсан бир кўриб. У нима дейди? – сўради Қосимжон кўлида ҳали ҳам осиғлиқ турган ярим паҳир олмани оғирлиги энди тушди, шекилли, ерга қўяркан. – Қара, жуда эртаки олмайкан, ўзимизни қирмизак олмаларга ўхшаб. Масасиям ўша бизнивидай.

– Хотиним кетмоқчи эмас. Ялинсамам унамайди, шекилли. – Зухриддин бошини чайқади. – Ҳатто болаларимни биттасиниям бермайман, деб айтди. Лекин ҳеч бўлмаса битта боламни, ўғлимни олиб кетаман, юртимга, Қосимжон, – деди Зухриддин пақирдаги олмадан биттасини олиб, садафдек майда оқ тишлари билан қарсиллатиб узиб олганича чайнаркан, – ўзинг танимаган узоқ юртларга кетиб нима қиласан, сарсону-саргардон бўлиб. Ота-онангни йўлингга мўлтиратиб нима қиласан-а?

– Менинг онам ёшлигимдаёқ ўлиб кетган, – деди Қосимжон чиройли кўзларини катта-катта очганича. – Отам эса бошқа аёлга уйланган, ҳозир анча қариб қолган бўлиши керак. Мен нимаям йўқотаман, бундоқ ўйлаб қарасанг. Бу биринчиси. Иккинчиси эса, ҳали айтганимдай, ўз юртимизда бизни ўлим ёки қамоқ кутяпти, холос.

– Аҳдинг қатъий бўлса отангга хат-пат ёзиб бермайсанми-а? – Зухриддин кўлидаги олма қолдигини орқасига иргитаркан Қосимжонга савол назари билан қаради.

– Хўжайиним йўқолиб қолди, демадимми, – деди Қосимжон ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғи билан иягини қашларкан. – Бугун шу ерда ётиб қолиб, эрталаб кетмайсанми-а, имконинг бўлса. Яна қачон учрашамиз, Ҳудо билади. Бугунги гап эртага тўғри келмайдигандек, бир-биримизни яна.. – у томоғига тиқилган

аллақандай нарсадан бүғилиб гапира олмай күзлары-  
га ёш олганича йиғлаб юборди.

Уни куриб юраги ээлиб кетган Зухриддин “қолсам  
қолибман да”, дегандай бошини қимирлатиб құяркан  
сүради:

– Сенга ғап тегмайдими, ишқилиб?

Қосимжон бир-иккита яшикда янги узилган олма-  
ларнинг тепасига хашак ташлаган бўлди-да, Зухрид-  
динни бошлаб, ҳўжайини унинг учун бօғ ёнидан куриб  
берган айвонли чайлага қараб:

– Хўв, кўряпсанми яшил томли чайлани? Шнапсам,  
вискиям бор. Айрилишимиз олдидан бир ўтирайлик,  
одамга ўхшаб, – деди унинг елкасига дўстона қўлинни  
ташларкан уни бағрига тортиб қучганича эркалади.

– Сен Германиядаям қолмайсанми? – сўради Зух-  
риддин.

Қосимжон уни бағридан қўйиб юбораркан:

– Ўлмасак учрашармиз, дўстим, – деб бошини чай-  
қади. – Анча-мунча пул ҳам топдим, буёгини сўрасанг.  
Ҳўжайин бир йўла беш панжасини оғзига тиқволади-  
ган хилидан эмаскан. Сенинг ҳамёнинг қанақа а?

– Соатсозлигим яхши иш берди. Ҳунарни барибир  
думи юлинимасакан. Ҳўжайиним икки йил ўтмаёқ  
дўконимни қўрғоннинг ташқарисига чиқариб берди.  
Ишлаганимнинг ўттиз фоизини унга берадиган шарт-  
нома тузган. Анчагина пулим бор. Нима, узокқа бора-  
диган бўлсанг берай, керак бўлади ҳали.

Қосимжон бошини чайқаб, вискидан қўйди. Ҳар  
иккиси бир-бирига унсиз тикилишаркан, ич-ичидан  
эзилаётган туйгуларидан ҳеч нарса дейишолмай бир-  
бирига билдириб-билдирмай яна ичларида хўрсиниб  
кўйишаради.

Эҳ-ҳе, инсонни бир-бирига айтадиган ҳам, бир-би-  
рига айтадиган, ҳеч қачон айтиши мумкин бўлма-  
ган ғам-андужу, дард-аламлари кўп бўларкан. Ана шу  
кечинмаларни ғуурдан деб бўлмаслигини ҳаммаям  
яхши билавермайди. Бу ғам-аламу, ҳасрат-надомат-

ни инсон бир-бирига айтиб, қалбини енгиллатиб олиши билсаям, барибир ўз яқининга, ўз сұхбатдошига уни айтиб, унинг ўз аламини яна оғирлатишни ўзига эп күравермас экан.

...Ўшанда Қосимжон билан Зухриддин фин урушида қаерлардан қаерларгача бўлмасин бир-бирларини ҳеч қачон учратмаган эдилар. Улар ёнма-ён казармаю, орқама-кетин бир ошхонада овқатланишганларига қарамасдан бир-бирларига дуч келиб, бир-бирлари билан танимаган эдилар.

- Кимни юлдузи қулаб тушдийкин-а? – деб юборди Зухриддин ойдинда чараклаб турган осмон қатидан узилиб, пастларга томон оқсан юлдуздан ногаҳон хижолат чекиб, ўз она тилида.

- Сен, сен ўзбекмисан? – деб сўради бир чимдим тамакини ҳозиргина ҳафсалла билан йиртиб олган газета парчасига тўкаётган қорачадан келган йигит ҳайратомуз.

- Сен-чи? – сўради Зухриддин унга жавоб қилиш ўрнига шошилиб унинг юзларига тикилганича...

### III

Ўшанда 1941 йилнинг 20 июни эди.

Зухриддин билан Қосимжон бир-бири билан тузукроқ танишиб, сұхбат қилишга ҳам улгура олмади. “Тревога!” товушидан титроқ кирган аскарлар қанчалик пала- partiш ўзларини у ёки бу томон уришса-да, тезлик билан бўй-бўйларига қарашиб, бир сафга тизилиб қолдилар.

– Ҳар ким қуролларини жой-жойидан олиб, қисмларга ажратиб, яна беш мартадан қайта-қайта созласин, – қатъий буйруқ берди қисм командири соат тунги ўн бирга яқинлашиб қолганига қарамай.

Эндиғина топишган икки ҳамюрт бир-биридан ажралмаган ҳолда ўз миљиқларини ёнма-ён қисмларга ажратишиб, яна эҳтиёт қисмларини қайта-қайта

йига бошладилар. Улар ростдан ҳам уч йил ичидә бу қуролларни неча маротаба кўлларига, неча маротаба елкаларига олганича қанчадан-қанча йўларни босиши мади. Керак бўлса уйкудан уйғотиб “карабин” деган савилиними, автомат деган балосиними кўзингни очмай бузиб, яна йигиб бер, дейишмайдими. Бу қисмдагиларнинг ҳаммасиям ўша 1939 йилнинг баҳоридаёқ фин урушига чақирилган йигитлар эди. Улар барибир хизматдан ҳоришган, ўз она юртларини алма-қачонлар соғиниб, кўз ўнгиларидан ўтказишар, бу хизмат деганинг поёни қачон тугашига ақли етмай, ўй билан қотганди, бошлариям.

Қисм командири икки уч кунгача аскарларни тинч қўймади. Гоҳ тонг отарда, гоҳ ярим кечада, гоҳ эса кундузлариям аскарларга ўз қуролларини қисм-қисмларга ажратиб, яна қайта-қайтадан йиғидириб созлашибга мажбур қиласарди. Взвод ва бўлим командирлари эса бу қўмондонлик томонидан маҳсус буйруқ билан амалга оширилаётган ҳарбий топшириқ эканлигини аскарлардан яширишиб ўтиришмасди.

Уруш бошланмасдан бир кун олдин қоронги тушиби билан яна қуролларни қимларга ажратиб, ўшандай ҳолда қолдириб, яна бир жанговор “тревога” да йигиш кераклиги айтилиб, жангчиларга “отбой” берилди. Ярим тундаги “тревога” да эса Зуҳриддинлар қисмию, яна бошқа қисмларнинг жангчилари аввал машиналарга чиқарилиб, кейин поездларда СССР чега расидан Германияга ўтказиб юборилди.

Уруш бошланган 22 июннинг эртасими, индиними – буни Зуҳриддин аниқ эслай олмади, уларни Берлин яқинига олиб келиб туширишди ва энди немис ҳарбий соқчилари қандайдир бир лагерга олиб келиб қамашди. Буюк Германиянинг пойтахти Берлин атрофидаги лагерь атайлаб илгарироқ ҳарбий асиirlар учун тайёрлаб кўйилган эди. Буюк Германия томонига ўтиб, иш кўраётган генерал Власов ва унга кўшилган бошқа власовчилар ёрдамида урушнинг биринчи

кунлариданоқ СССР деб аталувчи улкан ва бепоён мамлакатнинг мағлубияти албатта фашистларнинг буюк ғоялари қанчалик түғрию, бекіёт кучларининг даражаси ҳарбий асирлар билан баҳоланаарди. Мамлакатнинг ҳар қандай фуқароси ўз кўзи билан кўриб, ҳатто гаплашиб, иқрор бўлиши турган гап эдики, одамларнинг кўз ўнгидаги мағлуб бўлган мамлакат асирлари турарди, гўё.

Голиблар ҳар ҳолда мағлубларнинг дастлабки асирларини имкони бўлса ўзларининг фойдаси учун фойдаланишлари мумкин бўлганидек аллақачон ўз тарафкашлариниям топиб қўйишганди. Бошланишиданоқ ҳарбий асирларга бир йўла қўпол муомалада бўлишдан чекиндишлар. Ҳар ҳолда голиблар ётиш-туришидан тортиб, ейиш-ичишига чидаса бўладиган даражада иш олиб боришиди.

“Гитлер-юген”чиларнинг аллақачон оғзи қулогида эди. Улар ўзлари бир умр содик қолувчи Адольф Гитлернинг доҳиёна чақириқлари-ю, қийқириқлари, буюк кучга эга китобларини кўкка кўтариб мақтаганларича ўрис асирларининг бор кор-ҳоли шу эканлигига яна ҳам ишонч ҳосил қила бошлаб, ўрис асирларини келиб кўришга осиқардилар. Лекин асирларнинг кўпчилигини осиёликлар, украину, белорус ва кавказликлар ташкил қиласарди, чоги. Фин урушидан чиқдан аскарларни ҳисобга олмаганда поезд вагонларига ортилган қуролсиз аскарларнинг деярли ярми ҳали милтиқ отиш у ёқда турсин, ҳатто ўлим қуролини ушлашни ҳам билишмас эди.

Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ҳали кўй оғзидан чўп олишга улгурмаган, ҳали севиб-севилмаган минглаб ватанини ватангадо йигитлар, яқиндагина висол дамларига етишган ёхуд бир-иккитагина фарзанд юзини кўришга мушарраф бўлган кишилар немисларнинг ҳарбий лагерларининг тиканли симлар тўсиленган, бир ҳамма билан одамнинг суюкларини майдалаб еб ташлаш кучига эга эшакдай келадиган овчарка итлар, ўз

фюрерларига бир умр содиқликка қасам ичишган “СС” соқчилари қуршовига қандай қилиб тушеб қолғанликларини алаҳсиб ухлаб, туш кўраётгандай ҳангуманг эдилар, холос.

Тўс-тўпалону, автомашина ва поездларга “ур-сур” билан чиқди-чиқдиларга қарамай, Зухриддин билан Қосимжон яна тасодифдан ўзлари келиб тушган ҳарбий асиrlар лагерида бирга эдилар. Ҳар иккиси энди бошларига қандай оғир кунлар тушишига қарамай, танишишиб, бирга бўлиб қолишганига ҳам шукр қилишаркан, “бизни энди ўлим ажратсан, шу томонларда ўлигимиз қолиб кетадиган бўлса” дейишганича бир-бирларининг кўлларини қисиб қўйишди.

Лагерга келиб тушган қундан уч кун ўтиб, нонушта дейиш жоиз бўлса – бир бурда қотган нону, яrim коса келадиган гуручлари саноққа кирадиган суюқ овқатдан сўнг ташқарига олиб чиқиб, қатор қилиб териб қўйишдилар. Аввалига ўрис тилида, кейин эса осиёлеклар тилида, ҳатто ўзбек тилида ҳам мурожаат қилишга тушдилар.

Улар аввалига инсон эрки ҳақида оғиз тўлдириб, анчагина гап ҳам қилишди. Ким хоҳласа, Буюк Германиянинг тезроқ ғалабасини таъминлаш учун фюрер томонида ўрислар билан жанг қилишга ихтиёр беришмоқчи ҳам бўлишди. Энди мана шу асиrlарнинг ҳаммалари Буюк Германиянинг мулки эмиш. Хоҳлашса отиб юборишлари мумкин, хоҳлашса сотиб юборишлари, хоҳлашса мажбур тариқасида урушга солиши мумкин экан. Бироқ, яна бир томони – фронт ортида туриб, немислар учун, Буюк Германия учун жанг қилаётганларга озиқ-овқат етказиб бериш ишига ўз ҳиссалирини ҳам қўшишларига имкон яратиб беришармиш. Шу мақсадда ҳар кимнинг ўз ҳунарию, меҳнат кучини аямаган тақдирдагина соғ-саломат қолишлари мумкин эмиш.

Зухриддин немисчани яхши билишини ҳеч кимга айтмас эди. Шунинг учун ҳам лагерга келиб тушган

куниёқ соқчилар оғзидаги гапларни тез-тез қулоғига илиб олар, уларнинг мақсадлари нималардан иборат эканлигини ўзича мулоҳаза қилиб юра бошлади. У олдинги қаторда турғанлиги учун ҳам рўпарасида бир-бирларига аллақандай нарсаларни ўzlарича тушунтириб, таржимонларнинг қулоқларига қўйдираётган гап-сўзларни бошини пастроқقا босганича фикр ғалвиридан ўтказиб турарди.

– Ким фюрер учун хизмат қиласди?

“Турфа дунёю, юз бир олам”, деб шунга айтарканлар да. Адольф Гитлер хизматига ҳам ҳарбий асиirlардан анчагина одамлар топилди. “Ичган қасамларию, босган излари қолган юртни унугтан одамлар иккинчи бир дунёда ўз хўжаларига садоқатли бўлиши даргумон эканлигини ғолиблару, мағлубларининг ўzlариям яхши билишмасмикин?” деган хаёл ўтди Зухриддиндан. У пастта қараб тургани учун ҳам афти бир оз буришиб, ғижиниб ҳам қўйди.

Ниҳоят, ғолиблар кимнинг қанақа хунари борлигини сўраб-суриштира бошлади. Хунарлilar уч қадам олдинга чиққанларида Гитлер хизмати учун ёлланган асиirlар ўз ватандошлирини тарқ этиб, ҳарбий лагернинг тиканили сим дарбозасидан чиқиб кетаётган эдилар.

– Мен соатсозман, – деди Зухриддин соф немис тилида.

Ундан уч-тўрт қадам чамаси нарида турган таржимон билан немис офицери бир-бирига қараганича анграйиб қолишиди.

– Миллатинг нима? – деб сўради офицер ўша ҳайрати билан.

– Ўзбек.

– Сен немис тилини қаердан ўргангансан? – сўради немис.

– Институтда, кейин ўзим мустақил, – деди Зухриддин.

– Сен биз учун, немислар учун хизмат қилмайсанми?

Зұхриддин бошини чайқади.

– Унда нега ўрислар учун хизмат қилдинг?

– Мен Германияда эмас, ўша юртда туғилдим, – деди Зұхриддин әбдел бир иккиланмасдан дадиллик билан. – Ўша юрт учун хизмат қиласман, шунинг учун яшайман.

– Ўрислар ҳам Туркистанни босиб олганини билсанг керак-а?

– Ҳа, биламан.

– Унда нима учун ўрислар томонида бизга қарши урушасан? – сүради унга қизиқиб қолган немис офицери.

– Мен ҳали немисларга муштумниям, мильтикниям күттарғанимча йўқ.

– Нега унда улуғ фюрер учун хизмат қилишни хоҳламайсан? – таажжубда сүради офицер.

– Мен бу мамлакатда туғилиб ўсмаганим учун.

– Ўрussияда туғилмагансан-ку, уларга нечун хизмат қиляпсан? – яна сүради офицер.

Зұхриддин ҳам ўзини саволга тутаёттан немис офицерига күзларини тик қададио:

– Улар билан күпдан бери бирга яшаймиз. Қозонимиз ҳам битта.. – деди иккиланмай.

– Сен бизларни немис мактабларида ишлашни хоҳламайсанми? – деб сүради унга анча қизиқиб қолиб савол жавоб қилаёттан офицернинг чап томонида турған унвони юқорироқ офицер яқинроқ келиб.

Зұхриддин бошини чайқади.

– Хоҳламайсанми? – қайтадан сүради ҳалиги офицер.

Зұхриддин елкалари қи-ғанча:

– Биз бир-биримизга дәшманмиз, қандай қилиб сизларнинг фарзандларин үзни ўқита оламан, жаноб офицер. Ахир мениям ўз ғуурум, ўз...

Офицер вақт ўтаётганини ҳисобга олдими ёки бўлмасам Зұхриддиндай бир асир билан аді-бади айтишиб ўтиргиси келмадими, ҳар ҳолда ўзларидан

беш метр чамаси олдинда турган ҳунарлы асирларга бориб құшилишини буюрди. Лекин Зұхриддин:

– Мен анави, – у ўнг күлини Қосимжонға чўзганича, – дўстим, э, ҳамюртимниям бизга қўшишингизни илтимос қиласман, – деб юборди.

– Ҳамюртингни қанақа ҳунари бор?

– У деҳқон, – деди Зұхриддин унга. – Лекин мен унга бир ойдаёқ ўз ҳунаримни ўргатаман, жаноб офицер.

– Ўзинг айтганингдай, – хиринглади афтини буриштирган ҳалиги офицер, – бу.. бу.. – у тағин хиринглаганича Зұхриддинни олдинга итариб юборди, – бу Улуғ Германия сениям она юртингмас, билдингми? Билдингми, деб сўраяпман.

Ортиқча гап-сўз ўрни змаслигини аллақачон англаган Зұхриддин довдираб-совдираб ўз тўдасига қўшилди. Лекин ҳалиги офицер ҳар ҳолда одамгарчилик қиласми, негадир Қосимжонни ҳам мана шу тўдага қараб итариб юборди. У қаттиқ турткидан ўмгандаб бориб, чалқанчасига ағдарилиб тушди, ўрнидан тураётгандан Зұхриддин етиб келиб, елкасига олганича жойига келиб туришига ёрдам берди.

– Сен немисга нима дединг? – деб сўради Қосимжон жони оғриб турса ҳам пичирлаганича.

– Буёғи яхши бўлди. Кейин, кейин айтиб бераман, – деди Зұхриддин ортиқча гап-сўздан жағларини тийиб туриш кераклигига ишора қилганича.

Тўда-тўдага айириб, ҳаммани бўлиб бўлишганидан сўнг навбат-навбати билан ҳарбий асирларни лагеридан ташқарига олиб чиқишиди. Бу ерда ҳарбий бўлмаган фуқаро кийимдаги одамлар мол-кўй бозорига келган харидорлардай муомалада ҳарбий асирларнинг қадди-қоматларидан тортиб, тишларигача қараб кўра бошлидилар.

– Соатсолзари йўқ эканми, техникани сал-пал тушунсаям бўлаверади, – деди гавдаси калтароқ бўлса ҳам қорнини бирйўла олдинга кўйиб юборган киши.

– Мадумаров, олдинга чиқ, – буюрди соқчи қўлида-  
ги қоғозга бир қараб қўйиб.

Одатдагидай олдинга уч қадам илгари чиққан Зух-  
риддин:

– Алиев-чи? – деб сўради.

Қорин соглан немис соғф немис тилида сўров бер-  
ган Зуҳриддинга ҳайрат назари билан қараб қўйгач:

– Бунинг немисми-а? Мен арzon-гаров хизматга  
ёллагани келсам, нима бало немисни қўшиб бермоқ-  
чимисанлар? – деди ўз тилида яна алланималарни вай-  
саганича.

– Истаганингизча текинга ишлатасиз, жаноби Шулц,  
– соқчи ёнида ажабланиб турган қоринли офицерга  
тиржайиб қўшиб қўйди, – осиёликларнинг шунақаси-  
ям бўларкан.

Шулц бошини ирраттанича елкасини қисдию, бошқа  
ҳеч нима демади.

– Жаноби Шулц, – деб мурожаат қилди Зуҳриддин  
“Ётиб қолгунча отиб қол” наздида иш тутиб, – мени  
ҳамроҳимният олинг ишга. Текинга ишлаб бераркан-  
мизу? Уни мен соатсозликка ўргатаман, жаноби Шулц.

Шулц бошини чайқадиу ҳеч нима демади. Тарву-  
зи қўлтиғидан тушган Зуҳриддин Қосимжонга:

– Шулцни эслаб қолинг, Қосимжон. У орқали бир-би-  
римизни топиб оламиз, – деди немисларнинг бир сўзли  
эканлигини билгани учун. Кейин “нима бўлса бўлар”  
дедими: – Жаноби Шулц, исмингизни билсан бўлади-  
ми? – деб сўраган эди, у ҳеч нима эшитмагандай Қосим-  
жонни ўз машинасига чиқариб, “Опель”га газ берди.

Зуҳриддиннинг кўзи йўлга тикилганича қолди.

#### IV

Кўча ва төр йўли бўйларидағи одам белига чиқиб  
ўсган мияларнинг томирлари олмон ҳарбий асиirlари  
томонидан аллақачонлар ковланиб, ейилганлиги учун  
ковжираб, бехос тушган учқундан ёниб кул бўлиб кет-

ган, шундоққина төг биқинидаги сой устидан заранг-зор томонга чүзилиб кетган адир устида янги қабристон күзга ташланиб турарди. Ана шу томонни мүлжал олиб келаёттан кишилардан учтаси кетмон ва белку-рак күтарган, яна иккитаси эса замбилда аллақандай оғирроқ нарсаны ёнларида узун күлларини пастта тушириб, яктакларининг учларини ўйнаб келаёттан эллик ёшларга борган мўйловли киши билан дам-бадам алмаштириб, навбат билан күтаришиб келишарди.

– Э, мусулмон бўлмасаям, барибир Аллоҳни бандаси. Буям ўлигим шу томонларда қолади, деб уришибдими, урушда. Ҳамма айб анави Гитлер-питлерида, билсанг.

– Мадумар ака, элниям, сиз билан бизниям қийнади-да, булар барибир. Шу немис-пемисими, олмон-полмонини бу дунёда бўлмаганида Зуҳриддинингиз шундоқ ёнингизга кириб юрган бўлармиди, обби-холам. Шуни уилаб, буларни қарғайман-да, ўлмай ўлгур деб. Урушиям тутадию, аммо уни заҳрини қачонгача тотамиз, билмадим.

– Бирингиз унақа, бирингиз бунақа деганингиз билан ҳаммаси Ҳудодан. Пешонамизга ёзилганини, мана, кўрятпимиз. Яна нималар ёзилган буни ёлгиз Аллоҳни ўзи билади. Зуҳриддин дедингиз, уни ўйласам юрагим орқамга тортиб кетади. Кампиримгаям қийин. Унданам менга қийин. “Қачон келади, мана урушам тугади”, деб сўрагани-сўраган.

– Қизталоқ, бу олмонми, немисми ўзи? – сўради ўнг кўлининг кўрсаткич бармогини урушда олдирган Мамажон деган бўйи бир ярим метрдан зиёд бўлмаган киши томогини қириб қўйиб. – Униси-буниси мендан сўрашгани сўрашган, худди сиздай. – Мадумар акага қараб қўйди. – Унисиям дейман, бунисиям дейман. Ўзбекчасига олмон бўлса, ўрисчасига немис деб тушунтираман, бир хил пайтда.

Сочлари оқарган қора қош киши “бир зум дам олайлик-а?” дегандай замбилга ишора қилиб қўйди.

– Кўй, кўй ерга, майитни. Адир йўли анча қийнайди. – Мадумар ака ҳамроҳларига бир қараб қўйиб. – Бу дейман, Мамажон, кўрсаткич бармогингни атайин ўзинг кесволиб, милтиқ отолмайман деб, урушдан қайтган бўлмагин тағин? – деди.

– Жуда ҳазиллашасиз-да, Мадумар ака, – деди Мамажон бир ирсайиб қўйиб. – Дўхтирлари ҳазилмас, урушдаям. Гувоҳ топтиради, текширишади. Кейин урушдан жавоб беришади. Кўрсаткич бармоқларини ўzlари отиб, узиб ташлаганлар ҳам бўлди, бу ёғини сўрасангиз.

– Энди қанақа қилиб кўмамиз? – сўради Мамажонга бир қараб кетмонни ерга қўйган киши.

– Сиз нима дейсиз, Мадумар ака?

Мадумар ака ичида алланималарни пичирлаб ўқиб бўлганидан сўнг:

– Мусулмончасидан бошқасини қанақа қилиб кўмишини ростини айтадиган бўлсак ҳаммамизам яхши билмаймиз, тўғрими? – деди бир оз хомуш тортганича. – Худони ўзи кечирар ҳаммамизниям. Бу Хансиям бир мўмин болайди, раҳматли. Гап-сўзидан ота-оналари жудаям бой-бадавлат бўлгани билан бу томонларда жудаям хор-зорлик билан ўлди, жойинг жаннатда бўлгур, олмон бола. Мана, ўзларингиз айтиб турибсизлар, бир сиқим бўпқопти деб. Ҳа, болани ўпкасини совуқ уриб кетган экан, емиши йўқ, қировли чиллалардаям. Мен ҳам Зухриддинимни ўйлайман-да, ахир. Униям бошига не балолар тушдийкин. Тирик бўлса боши тошдан бўлсин. Буни авви Мадаминга билдириб ҳам, билдиримай ҳам, ҳалиги Миколай ўрисига ялиниб-ёлвориб, анча парваришини қилдим, кўлимдан келганича. Ўзи пишиб қолган экан.

Мадумар ака “шошмайлик, шошилиб нимадан қуруқ қолардик” дегандай ўнг қўлининг панжаларини ўйнатганича ҳамроҳларини бир оз сабр қилишга ишора қилди. Унинг бир оз хаёлот дунёсига кириб бо-

раётганини англаган шериклари ўзларича қандайдир “гудинг-гудинг”га тушеб кетишиди.

Пастки лабини тишлари билан қимтиган Мадумар aka хаёл оғушыда ўзи айтганидай ўша олмон болага кўзи тушган дастлабки кундан унинг кечаги ризқи охирлаб қолганидан Мадумар aka қўйган ярим коса маставадан бир ҳўплам ҳўплаб-ҳўпламай, жон таслим қилганича бўлган фурсатдаги унинг итдан бешбаттар ҳаёти кўз ўнгидан ўтди.

Урушни уруш ҳам дейишиди. Лекин уруши тугаганига икки йил бўлганига қарамай аҳвол яна ҳам оғир эди. Гўшт билан картошканинг ўзи қиши охирламай ўз қорасини кўрсатмай қўярди. Мадумар aka бир нима қилиб бўлса ҳам қозон қайнатиб, ҳам ўзини, ҳам бир бурда нонга ёхуд ярим косагина суюқقا зор одамларни мана шу кунлардан олиб чиқиб кетиши учун интиларди.

Қаерлардандир топиб, вагондан бозор ёнига ўзи туширган сабзи билан қуюқ-суюгининг эпини қилиб юрди. Қорнига бир бурда нон истаб бозор томон оқаётган одамларнинг айримлари йўлдаёқ, жон таслим қилдилар. Ҳар куни бозор раиси шу бозорнинг ўзида қанча одам ўлиб қолганию, уларни қўмиб келгани ҳақида ахборот бериб турарди. Деярли ҳар куни 20-30 киши очликдан тарқаган вабодан кўз юмаётган эди. Бир куни бозоркўм Худога тавба айтиб, “Аллоҳга шукр, бугун озайибди. Хайрият, минг хайрият, бозордан ўн еттитагина ўлик йигиштириб олдик”, деди катта-катта очиаган қўзларида умид учқунлари ялтираганича.

Бошқалардан кўра кўп нарсаларни: яхшиниям, ёмонниям, яхшиликниям, ёмонликниям курган бу одам одамларнинг аҳволига ачинса-да, Худонинг nochor бир бандаси сифатида фақат қўлидан келган нарсадан ортиқча бирорга мурувват қилолмасди. У қанчалик инсонлар қисматига ачинмасин, ич-ичидан эзилмасин, ёнгинасида кўймалашиб, ўзига

құлтиқтаёқ бўлиб қолган ўғли Мадаминжонга қайта-қайта қааркан “ростданам бозоркўм Усмонқул бу-гун озайибди”, дедими-а?” деб кўзлари йилтиллаганича қайта-қайта сўрарди, одамларнинг ўлиши озайганлиги ҳақидаги хушхабардан.

– Болам, бу қунлар ўтади, ўтиб кетади, ҳа. Оч-на-ҳорларни топиб, бошлаб кел. Ярим чўмич бўлсаям суюқ-суймиқ ичсин, – дерди Мадаминжонга.

У олмон асири Хансни икки йилча еб-ичирди, парвариш қылди. Ўша соқчиларнинг каттаси Николай сариқ ўрис боланиям кўнглини олиб, олмон Хансни мана шу йўлдан ҳар қуни ўтган-кетганда қорнини туйғизиб юрди.

– Мадумар aka бир оз чарчабам қолди, шекилли, шунга пинакка кетдими? – деди кетмон чўлдисига орқасини кўйиб утирган киши. – Бу Мамажон дейман, бўйинг ярим газ бўлсаям урушга олганига куяйми сени, хумпар? Аммо сен ўзинг ҳеч немисини кўрганмисан, ўзи, урушда?! Ё ростдан ҳам милтиқ отолмайди дегизиб кўрсаткич бармогингни ўзинг отиб, туширвортганмисан-а?

Мамажон ҳам буш келишини истамади, шекилли, гапни бошқа томонга буриб, ҳазилга ўтди:

– Бир қуни сенга ўхшаганигаям сон тегиб, урушга бориб, акопда ётишган экан, дегин. Ҳозиргидай сени саволингга ўхшатиб шеригига “Мамарайим, бу немипемисини ҳеч кўрганмисан, баччагар. Улар ҳам сен билан менга ўхшаган одамлармикин, оғзи-кулғи бор”, деб сўрабди. Шунда Мамарайим “Э, йўғ-эй, кўрмаганман, сен айтгандай қанақайкин улар? Окопдан бундоқ бошингни чиқариб қара-чи?” дебди. Абдурайим “Ростдан ҳам немис қанақа бўларкин?” деган мақсадда қараган экан “ванг” этиб қулғи тагидан ўқ ўтиб кетибди. Шунда Абдурайим: “Манавини қара, Мамарайим, бу немиси одамга тегиб-нетиб кетади демас эканда-а” дебди.

Абдурайим билан Мамарайимнинг гап-сузию, миљтиқ овозини эшитган командир акопда ўрмалаб келиб, ҳар иккисининг ста-онасини ахтариб сұка бошлаганда, Мамарайим нима дермиш дегин-а?

– Нима дермиш?

– Сени құрқмасдан акопдан бошингни чиқарғанинг-га орден-порденга тавсия қыляпти өгі, – дермиш ўрисчага тушунмай.

Гүр қазиёттәнлар бир-бирига қарашиб хириңглашию эсларига бир нарса тушгандай Мадумар акага қараб қўйди. Мамажон деганиям ярим тиржайиб:

– Лахат ковлаётиб ҳам куладими, одам?! – деди Мадумар ака томон имо қилиб. – Ухламаётган бўлса таъзирларингизни бериб қўярди ҳозир.

Мадумар ака ухламаётган эди. Унинг хаёли бир зумчувалашгандан чувалашиб, танаси совуқ тупроққа қоришишига лаҳзалар қолган олмон Ханснинг руҳлари билан суҳбат қиласарди...

– Сиз жуда анави немис асиrlари билан яқин бўлиб қолибсиз. Ўзи тинчликми? – деб сўради бир куни ошхона ёнидаги сўрига келиб ўтирган йигит Мадумар акани ёнига чақириб.

– Мусофир, болам, уларни ҳаммасиям мусофир. Бир кўрсанг эди, баданларида бир килоям гўшлари йўқ, этлари суюкларига ёпишиб кетибди. Туртиб юборсанг, йиқилиб ўлиб қолишади, болам, – деди Мадумар ака “сен кимсан, болам?” дегандай савол назари билан.

– Уларга кўп яқинлашманг, Мадумар ака, – деди унинг сўзларини эшитишни ҳам хоҳламай. – Ўғлингиз урушяптими улар билан?

– Урушаётган бўлса керак. Хат-хабариям, ўзиям йўқ, уруши тугайдими ўзи?

– Тугайди. Яқин орада бизни ғалабамиз билан тугайди, уруши. Немис-пашистлари энасини кўради, амаки, – деди ҳалиги йигит.

– Ҳалолободликмисан, болам? – сўради Мадумар ака.

– У ёқ-бу ёқдан, – деди ҳалиги йигит ёнидаги қора сүмкасимиң үзига яна ҳам яқынроқ суреб күйгандан кейин.

– Бундоқ бир аниқ қилиб гапирмас экансан, болам. Қорнинг қанақа?

Йигит тушунмагандай елка қисиб қўя қолди.

– Оч-почмасмисан, болам? Бир косагина қуюқ-суюқ ўтар, дейман.

Йигит Мадумар акага жавоб бериш ўрнига:

– Тилмоч топиб, плен немис билан ҳам гаплашибиз, деб эшиздим.

Мадумар aka “ҳа” дегандай бошини ликиллатиб қўйди.

– Нималарни гаплашдинглар энди у билан?

– Шу ўтган-кетганни, – деди Мадумар aka бамай-лихотирилик билан. – Таг-зотини суриштиридим. Анча ўқимишли, бой-бадавлат экан, тушмагур. Уруш уларният хонавайрон қилганмиш.

– Ие, кимдан эшитибди, сука?

– “Сука” дедингми. Унга айтяпсанми, сука деб. Йўқ, унақа сўқадиган йигитлардан масакан, олмон боласи.

– Немисчани тушунасизми? – сўради йигит ҳайрон бўлиб.

– Э, қаттан тушунаман, болам. Отинг нимайди? Карим дейсанми? Каримжон экан-да, исминг. Отангники-чи? Сулаймон? Пайғамбарларимизни исмларидан экан. Бу яхши. “Немисчани тушунасизми?”, дедингми? Қаёқда дейсан? Ҳурандалардан биттаси сұхбатимизни улаб берди, немисчани менга тушунириб, билдинг. Каримжон, сен ўзинг бирон ерда ишлайсанми ё ўша олмон билан сенам бир гаплашмоқчимисан, болам.

– Ота, сиёсат билан аралашманг, – деди Карим дегани энди жиддийликка ўтиб. – Немис асир билан ҳам гаплашманг, бу сиёсатга киради. Улар фашистлар. Сталинграддан тепки ейишгандан кейин қулга тушишган. Паульс деган генерали билан асирга тушиб, соб бўлишди, ҳаммасиям.

Мадумар ака Карим деганининг гапларини у кетгандан кейин ўзича мулоҳаза қилиб кўрдию, бу Карим деган нотаниш йигитни нима демоқчилигига ақли етмай ўғлини чақирди.

– Анави нима деди, Мадамин, тушунмадим-а, болам?

– Э.. у ҳалиги НКВ деган ерда ишлайди, – деди, “НКВД”ни тўлиқ айтолмасдан Мадаминжон. – Сиз ҳам жуда ошировордингиз, дада, анови немисни бир-йўла ўғил-пўғил деб. Унақа НКВдан узокроқ юрмаса бўлмайди, сал нарсага қаматиб ташлайди-я.

– Ҳали қаматадиямми, болам? – таажужубда сўради Мадумар ака. – Вой, тавба-ей, бирорга савоб учун яхшилик қилсангам қамашадими-а, Мадамин. Ё билмай айтипсанми?..

Мадумар ака қулогига кираётган “қиқир-қиқир”-дан сергакланиб, кўзлари очилди.

– Бўлай дедими? – деб сўради ўрнидан туриб.

– Айвонига гувалак йўғу, Мадумар ака? – деб сўради бир ярим метрлик Мамажон. – Нима қиласмиш?

– Сенга кулаги бўлса бўлди, Мамажон. – Мадумар ака якtagининг этагини қоқкан бўлди. – Лой билан кесакда урворамиш, бўлтими? Яна битта гап, – деди эсига бир нарса тушгандай бошини ликиллатганича. – Яна гап-сўз бўлиб юрмасин, мусулмонча қилиб кўмдик, деб. Майитни сен ювдинг-а? Урушдаям бўлгансан. Бизданам кўпроқ нарсаларни биласан, бўлтими. Бу, олмон болани исм-шарифлариниям битта-яримта тунука-пунукага ёзиб, қабр бошига қоқиб кўйиш сени вазифанг бўлсин, хўпми?

– Хўп-у, – деди Мамажон ҳали ҳам оғзини унчалик йигиштиrolмасдан Мадумар акага тикилганича. – Туш кўрдингизми Мадумар ака, бирпасда-а?

– Қанақа туш? – Мадумар ака Мамажонга ўтирилиб сўради.

– Олмон болалаб, кейин “энкеви” дейсизми, билмадим.

– Бу немис боласига яхшилик қиласын деб, ундан-бундан ҳам гап-сұз әшитвөлдингиз ўзи. Сизга нима бориди фашистларга меҳрибонлик қилиб?

– Унинг ҳам, бунинг ҳам пашис-пашис дейсан-а, Мамажон. – Мадумар ака майитни жойига қүйиб, бошқалар унга узатған лой ва кесаклар билан қабр да-ханасини уаркан. – Сенлар ўзи буни ёмонлигини күрдингми? Йўқ, кўрмадинг.

– Сиз ҳам жуда гумманийлик қиласиз-да, Мадумар ака, – деди Мамажон ҳамроҳларига бир-бир қараб қўяркан. – Мана, урушини мен кўрдим, бошқалар кўришмасин. Бу немиси уруш бошладими, бу – бир, менга ўжшаган урушга борганларни неча минг, неча мингини қириб юборди, бу иккинчиси. Учинчисини сизга айтсам, конслагерларда нечта-нечталарини ти-рик куйдириб юборди.

– Ўзингни кўзинг билан кўрдингми? – сўради Мадумар ака даханани уриб бўлиб тупроқ илашган як-такларини қоқаркан: – Ёнганини кўрмагансан?

– Тўғри, кўрмаганман, – иқрор бўлди Мамажон. – Аммо танки билан одам янчиганини ўз кўзим билан кўрдим. Бунга нима дейсиз?

– Буни-чи, буни? – сўради Мадумар ака қўли билан чукурга ишора қилганича.

– Э, бунингиз бир асиру, қаттан бирорни отарди, – оқсоқланиб қабр устига тупроқ тортаётган киши Мамажонни ёнини олиб Мадумар акага қаради. – Мана-ви, Мамажонни гуманий деганича боракансиз, Мадумар ака. Буларни ҳаммаси бир гўру, урушни бошлаган абллаҳлар. Мана, одамгарчилик қилиб росмана қабр ковлаб кўмияпмиз, фашистниям. Меҳрибончилик бўлса шунчалик бўлар.

– Сен ўликка меҳрибончилик қиляпсанми, – аччири чиқди Мадумар аканинг. – Меҳрибончилик қилдинг-ми, ҳали. Унга бир тўғрам нон берганингда шунаقا енгил-елпи бўлиб ўлмасди, қорнида шилдираган бир нарса бўлиб. Мени боламам бир ерда миљтиқ ушлаб

эҳтимол бирони отгандир, ё бирон биттасини чопгандир. Уни ўзи отиб-чопибдими? Уни мажбур қилгандар, уни урушга олиб кетганлар ҳаммаси ҳукуматни одамлари, ҳукуматни катталари. От деса сен ҳам танимаган одамингни буйруқ-муйруқ билан отиб ташлайсан. Ёндаи эмасми? Аnavи катталарга, ҳукуматдагиларга айт бу гапингни, бўптими?

Мадумар aka билан галма-гал ўрин алмашиб, замбидаги майитни кўтариб келган чўққи соқоли киши энди бўшаб қолган замбилини ўнг қўлининг қўлтиғига тиққанича “кетдикми, энди” дегандай йўл бошлиётуб, Мадумар акага имо-ишора қилганича гапга тушиб:

– Мундоқ қарасам, ҳеч биримизга сўз бермайсан, ошна, – деди сиполик билан: – Шунақаям сиёсатта аралашасанми-а? Ҳали уни, ҳали буни оғзини қаричтайсан.

– Энди сен қолувдинг, – деди Мадумар aka яна бўш келмай. – Тўғри гапириб онангта ёқмайсан. Ҳа, мен сенларга тўғрисини гапириб қўйдимда-а, Гопир?!

– Аnavи кўмиб кетаётган фашистга бир тўғрам нон бердингми, деб Мамажонга ўдагайлайсан, бир қараса. Нима, у катта ҳоласини ўғлинидики оғзидагини узиб берса. Ўзининг егани нони йўқ, аҳволига қарасанг-чи. Гапингни бир томони тўғри, – Мадумар аканинг ҳам ёнини ола бошлади у. – Юрtingга келган мусофир отангданам улуғ, деган ўзбекни гапиям бор. Ёт одамни чаёнигаям тегма деб қўйишиади. Лекин.. – Гопир aka қўлинни силтадию, бошқа гап гапирмай замбилини судраганича келган сўқмоқ йўлга тушиб, орқасига ҳам қарамай кета бошлади.

Мадумар aka унинг ортидан анчагача таажжубда қараб тургач, ҳамроҳларининг изидан ўзи ҳам йўлга тушаркан ҳалигина ёдидан кўтарилган ўғли Зухриддинга яна хаёли кетиб, шерикларининг ортидан майдада-майда қадам ташлаб одимлади.

Европанинг шимолий-шарқига жойлашган Коми автоном республикаси Шарқий Европа текислигининг шимолий-шарқида жойлашган бўлиб, жанубий шарқдан шимолий-ғарбга кўтарилиб борганилигидан Уралнинг Печора пасттекислигида жойлашган ерларнинг анчагина қисми ёз бўйи ҳам музлаб ётарди.

Бундай ўлканинг тоза ҳавосию, музламаларидан эркин нафас олиб, куллардан ҳам оғирроқ меҳнат қилиши бу томонлардаги минг-минглаб маҳбуслар ичida Зухриддинга ҳам “насиб” қилган эди. Бу томонларда кесилаётган қарагай ва оққайинларнинг бехосдан тагида қолиб ўлиш, вабо ва очликдан, дарахт оқизишаётганда дарёда чўкиб, фойиб бўлганларни сўраб-суриштириш расм эмас эди. Ўлган ва йўқолганлар ўрнини тўлдириб туриш учун янги текин кучлар тез-тез келиб турарди. Аммо бу олис ва поёnsiz ўрмон ва тобликлар орасидан йўл топиб, жуфтакни рослаб қолишдек озодлик сари интилишнинг ҳеч қандай имкони йўқ эди.

Тақдирига тан берган маҳбус ўрмон кесувчилар, дарёга дарахт оқизувчилар қаттиқ назорат қилинишидан ташқари бундай инсонлардан тузукроқ тамадди қиладиган овчарка итлар ёрдамида қўриқланардилар. “Жуфтакни ростламоқчи бўлганларнинг ҳаммасиям қолганларга намуна сифатида ўша бўрилардан ҳам йиртқичроқ итларга ташлаб, гўштлари бурда-бурда қилинарди.

Маҳбуслар аллақачонлар ўз ҳасратларини бир-бirlарига бошидан-оёқ оқизмай-томизмай айтиб бўлишган, туғилган кунларидан тортиб ҳозирги кунларгача ҳамма-ҳамма воқеа-ҳодисаларни миридан-сиригача ҳикоя қилиб бўлишганди. Энди улар фақат бир янгиликни – ўзлари ҳам билишга улгуролмаган ўлим вақтларини айтишга ожиз эдилар, холос.

Одам барибир одам экан-да, ахир. Илонни инидан, қилични қинидан чиқарган ҳам одамлиги учун соқчи-

лар, терговчилар томонидан текширишиб, титкиланиб кетган йиртиқ-ямоқ кийим-бошларининг авра-астарлари қовуқ ва жияклари орасида “оғир кунимга яраб қолар” қабилида сақлаб, эҳтиётлаб кўйган пул ёки қимматбаҳо нарсаларидан бошларига бирон кор-ҳол ёхуд ташвиш тушгандагина фойдаланаардилар.

Зуҳриддиннинг ўн битта олтин пистончалари бор эди. У бу олтин доначаларни керак бўлишию, уларни сақлашни ўз хўжайини Шулцдан ўрганганд, тўғрироғи, у унга ўргатган эди. Бугун у негадир Шулцини эслади. Кўпол, кўп бўлмаса ҳам озроқ қуриган тўнкага ўхшаш мижоз бўлган бу одам Зуҳриддинни итга ўхшаб бойлаб кўйиб юрди, ярамас.

... Хеннигсдорф шаҳарчасининг чеккарогида яшовчи Вилли фон Шулц анча бой-бадавлат бўлгани учун катта бир кўрғонли икки қаватли ҳашаматли уйда яшаркан. Ўзининг айтишича, қайси бир унвони юқори ҳарбий таниши унга Руссиядан олиб келинган асирлардан хоҳласа бир-иккитасини хизматига ишлатиш учун арzon-гаров беришга ваъда қилгани учун Зуҳриддин билан яна бир ўрис асирини олиб келганмиш. Ўрис асирини қишлоқдаги ерларида ишловчи тракторига қараб юриш учун иш юритувчисига бериб юборибди. Зуҳриддинни ўзича Зихр деганича, анчадан бўён ишламай ётган соатсозлик дўконини юргизишига ажратиб кўйганмиш.

– Мен сени қорнингни тўйдирин шаҳарини оламан, – деди у Зуҳриддинга соатсозлик дўконидаги улбул майдо-чуйда асбоб-ускуналари билан таништи-раркан. – Дўконга соат ва бошқа юмушларини сенга кўрсатиш учун келгандарга бизни немислардан ҳам яхшироқ хулқу, одоб билан муомала қиласан. Эртадан иш бошлайдиган бўлсанг бугундан ёввойилик хулқамалларингни бутунлай унут, тушундиянгми? Ишлага-нингга қараб қорнингни тўйғазаман, нима дединг? Аммо буюк Германияга хизматингу, ёввойичалиш одатларингни унут қилиб, ҳеч бўлмаса бизни немис-

ларни ярим хулқини эгаллаб олгунингча занжирда боғлорлик юрасан.

– Мен ит эмасманки, занжирда юрсам, – эътиroz билдириди Зуҳриддин.

– Зихр, – деди Вилли фон Шулц унинг гапига эътиборсиз. – Арzon-гаров бўлсаям таниш-билиш қилиб сени сотиб олдим. Энди сен менинг қулимсан. Хоҳласам сал қимматингта сотиб юбораман, хоҳласам ўлидай сулайтириб, савалашим мумкин. Нима дединг? Менга сени худди ўзимдай, худди немислардай немис тилидаги гап-сўзларинг ёқиб турибди. Бўлмасам сендан тушадиган бир чимдим даромадни менга нима кераги бор? Сендай ташвиши бир нарсани қўрғонимга қўйиб, яна овқату, ётгани жой-пой берсам.

Зуҳриддин ўша фин урушига чақирилган кунидан бошлаб ҳозиргача жуда кўп ҳақсизлик, хоинлик, сотқинлик, ҳақ-хукуқсизлик ва пасткашликларни курган бўлишига қарамай, мана бу олий ирқди Шулцнинг яна ҳам тубан кетишини кўрмаганди. Уни итдай қилиб занжирлаб қўярмиш, инсон шакл-шамойилида юрган одам дейиш мумкин бўлса, бу одам.

– Нега, индамайсан? – сўради Шулц қўлидаги папиросни орзига тиққанича қуюқ бурқситиб. – Қочиб нетиб қолишингни истамайман да.

– Итдай бўйнимга занжир осмасангиз ҳам қочмасдим. Қочиб қаергаям борардим, жаноби Шулц, – деди хаёлига келган ёмон ниятини зўрма-зўр ичига ютганича.

Шулц бошини ғалати ирраб қўйгандан кейин:

– Мен ҳали ёввойи осиёликларни синааб кўрганим йўқ-да. Эҳтимол, қочиб кетиши тараддуудида юргандирсан. Мен ўз немисларимга ишонмайману, осиёликларга ишонаманми-а? – деди ю ҳозиргина ёш бир қизча олиб келиб қўйган токча соатини унинг қўлига тутқазди. – Аввалига майда-майда қилиб бўлаклагинчи.

Зухриддин ўзини синаш учун Шулц узатган соатни бир зумдаёқ майда-майда бўлакчаларга бўлиб юборди. “Энди барибир йифиб, ўз ҳолига келтиришим керакдир-да?” деган савол назарида немисга бир қараб қўяркан, соатни қандай тез парчалаган бўлса шу муддатда йифиб, унинг олдига қўйди.

Шулцнинг жиддий қиёфасига майнлик югурдию:

– Ростдан ҳам осиёликмисан? – деб сўради ишон-қирамагандай.

Шулц Зухриддинга биринчи кунданоқ қандайдир ишончга ўхшаш майллик билдирса ҳам барибир уни занжирга боғлаб ишлатишни лозим кўрди. Аввалига занжирни белига боғлаган бўлса ҳам орадан роса бир ҳафта ўтгандан сўнг занжирни чап оёғининг ошири устига олди. Занжир ҳалқасини мижозлар олдида шилдиратиб юрмаслик учун соатсозлик дўконидан ҳожатжона ёнигача тортилган бармоқдай йўғонлиқдаги симга ўтказиб кулфлаб қўйди.

Зухриддин соатсозлик дўконига қўрғон ичкариси-даги эшикдан кириб, панжара орасидаги одам боши сифмайдиган қилиб пайвандланган тешикдан мижозларга хизмат кўрсатарди. У мижоз узатган соатларнинг қайси тури бўлмасин бир зум кўздан кечиради-да, унинг носоз жойини бир сониядаёқ аниқлаб, ҳаяллатмай тузатиб, қўлига тутқазарди. Баҳо-кирада у мижозга ҳеч нарса демас эди. Бир-икки дақиқадаёқ “чиқ”иллаб, жилаётган соат муруватига кўзи тушган харидор кўнглидан чиқарган чақасини ташлаб кетаверарди.

Вилли фон Шулцнинг эски соатсозлик дўкони яна ишлаётганлигию, унда қандайдир осиёлик ҳарбий асир ҳар қандай соатни тез ва сифатли созлаётганидан тортиб, Буюк Германия ғалаба дақиқалари атрофида турганлигининг гувоҳи сифатида дастлабки ўрис асири немислар хизматини бажараёттанлиги ҳақидаги “шовшув” Хеннигсдорф атрофларига ёилиб кетганидан, соатларини тузатиш учун келаётганлардан кўра

Адольф Гитлернинг қудратига гувоҳ бўлган асир соатсозни кўриш истагидагилар кўпроқ эди.

Сиёсатдан, урушдан, ватандан, ота-онадан жуда ҳам олис бўлган Зухриддин мижозлари томонидан ўзига узатилаётган соатларни созлаш билан машғул бўлиб, анча кунларни билмагандай ўтказиб юборди. Йўқ, ҳар ҳолда унинг жони ростдан ҳам энди бир ором олаётган эди. У ўзининг итдай занжирга боғлиқ турган оёқларини мижозлари кўриб қолишидан барабири ор қиласарди. Ўз қўл соатлари бузилмаган бўлса ҳам осиёлик асирни кўриш, бир-иккита сўзини эшитиш, ўзларига ўхшаган одамми ёки ҳайвонми билиш, оёрига солинган занжирли кишан рост ё ёлғонлигини кўриш мақсадида атайлаб кўплаб олий ирқ вакиллари келишарди.

Зухриддин ўзига узатилган соатнинг соз ва носозлигини қараб туриб билса-да, у ер-бу ерини ковлаган бўлиб индамасдан мижозига узатар, ҳақ талаб қилмаса ҳам улар атайлаб арзимаган ҳақ ташлаб кетишарди. Ана шу пулларни ҳар қуни бирма-бир йифишириб олаётган Вилли фон Шулц Зухриддинга бошқача муомалаю, емишида ўзгартиш билан анча табасумли ҳам бўлиб қолди. Ҳатто унинг кўрпа-тўшагини ҳам ўзгартириб, янгилаб берди.

Бир куни Шулц Зухриддинни йўқлаб қолди.

– Энди оёғингдаги занжирни олиб ташлайман. Эртадан кишансиз дўконингни юритаверасан, – деб қолди ўз-ўзидан.

– Нима учун, жаноби Шулц? – деб сўради Зухриддин атайлаб ундан.

Шулц костюмининг дўппайиб турган қорни усти қадалмаган тутмани ўрта ва кўрсаткич бармори билан ўйнаркан:

– Сен.. сен биз.. умуман мен ўйлаган осиёлик эмас экансан, – деди унга узоқ тикилиб қараб қоларкан. – Ўша томонлардаям шу бизларчалик ҳалол ва маданиятли одамлар яшашадими? – деб сўради.

Зуҳриддин ҳам унга бир тикилиб қарадио, кўнглига келган гапни аяб ўтиrmади:

– Ҳар ким экканини ўради, – деди.

– Бу нима деганинг? – деб сўради тушунмаган Вилли фон Шулц ундан.

– Сиз мендан бирон нарсани тушуниб қолганга ўхшайсиз. Шунинг учун ҳам итдай бўйнимда осилган занжирни ечиб юбормоқчисиз, шундайми? – деб сўради.

– Осиёликларни ҳаммасиям сендақа бўлишадими?

– деб сўради унинг тагдор гап-сўзини тушуниб қолган Шулц.

– Немисларни ҳаммасиямми? – деди “гап келганда отангни аяма” деган қабилида суз юритаркан. – Ҳаммасиям сизу, биздақа...

Шулц индамади. Кейин кўз қирини Зуҳриддинга ташлаб сўради:

– Осиёликларни қанақа миллат дейишади?

– Мен ўзбекман, – деди Зуҳриддин биринчи бор ўзинни қайси миллатга мансублигини айтиб. – У томонларда жудаям ҳалқ кўп, миллатлар ҳам кўп, ерлар ҳам, дарёлар ҳам жудаям кўп.

Шулц калласини лиқиллатиб қўиди.

– Анави мени хотиним, – деди яна бошини лиқиллатганича, – сени жудаям покиза экан, деб айтди. Биласанми, сен менга анча даромад келтирдинг. Аслида сени Россиянинг одамларини кул қилиб ишлатяпти, бу Шулц дегани, деб одамларга мақтанмоқчи эдим, анча-мунча зиёнга ишласам ҳам. Бу сиёсатгаям, “Гитлер-юген”гаям, Буюк Германиягаям жуда керак, билдингми? Сен эса бошқача чиқиб қолдинг, Зихр. Айтдимку, дастлаб исмингни сўраганимда айттолмай “Зихр” девдим. Энди сен биз учун Зухрсан, бўптими? Анави хотиним ҳам сени Зухр деб айтяпти, – рўпарадаги олма тагида стул қўйиб ўтирган аёлни чақирди. – Нона, стулинг билан бизга яқинроқ кел, гап бор.

– Нима дейсан? – деди Шулцнинг қоматига қарама-қарши нозикдан келган сариқ сочи бу аёл истаристамас.

– Манави осиёлик билан анча чиқишиб гаплашсак ҳам бўларкан, Нона. – Сен уни менга жуда маданиятли экан, девдинг. Айтганингча боракан.

– Зухрни биронта немкага уйлантириб қўймаймизми, Вилли. Савоб ҳам бўлармиди, – деди Нона бошини бир томонга ташлаганды сариқ соchlари ўнг томонига тушиб, юзларини бутунлай ёпиб қўяркан. – Буям эркак, тўғрими, Вилли?

“Булар ўзларини олий ирқ дейишларига қарамасдан “буни бирон бир немис аёлига уйлаб қўймаймизми?” деб айтятти, буёғи қандоқ бўлди, энди?” таажжубланди Зухриддин ўзидан ўзи. Аммо анави Виллиси айтгандай соатларини ўнглаб берганим учун ҳам, мени зоопарклардаги бирон бир ҳайвонга ўхшатишиб, қаер-қаерлардан атайлаб келиб, соатларини тузатиш мақсадида ташлаган пулларининг қанча-қанчасини тўплаб, бу Шулцнинг чўнтагини анчагина қаппайтириб ҳам қўйдим. Эҳтимол, шунинг учун оз-моз кутими ни товоқда чиқаришаётгандир?” деган ўй ўтди, унинг хаёлидан.

Шулц хотинининг гапига елка қисиб қўяркан, осиёликларнинг миллати ҳам кўп экан-да?” деган хаёlda:

– Миллатингни нима дединг? – деб сўради.

– Ўзбек. Ибн Синони эшитганмисан, Авиценна, – деди “бирон нарса тушуниб қолар” деган ўйда.

Шулц Шарқ маданиятидан бехабар бир саводсиз эди. Шунинг учун ҳам Зухриддинни нима демоқчилигига тушунмади. Аммо хотини тиббиёт коллежида ўқиганлиги учун Авиценнанинг кимлигини эрига тушуниришга анча ҳаракат қиласдан сунггина, “наҳотки” дегандай бошини бир томонга қийшайтириб Зухриддинга қараб қўйди.

– Сен, – деди бир куни у, – сен, ҳа сен билан энди шартнома билан ишлаймиз, тушундингми? Топган

даромадингни қирқ фоизинигина мен оламан. Қолгани ўзингники бўлади. Қўрғонимиз ташқарисидан устахонангга эшик очтириб бераман, маъкулми?

Зухриддин курсанд бўлиб Шулцга миннатдорчилик билдириди. У ростдан ҳам гапида туриб шартнома тузиб, дўконига кўча томонидан эшик ҳам очтириб берган куни Зухриддинни виски билан сийлаётib, бир оз кайф бўлиб, эриб кетганиданми шу гапларни уқтириди:

– Сен барибир менга асирсан. Ўз юртингга кетолмайсан ҳам, мени рози-ризолигимсиз. Буюк Германиядан кетиб қаергаям борардинг, ўзбек. Сен яхшиси топган пулингга оз-оздан олтин тутмачалар туплаб бор. Бир куни йиртиқ-яморингга керак бўлиб қолади. Қаерингда сақлайсан, ўша олтин тутмачаларни, билсанми? – у “қаҳ-қаҳ” отганича куларкан ҳатто Зухриддиннинг бетларини эркалатиб шапатилаб ҳам кўйди.

– Мана, манави ерингта, – у кетини шапатилаб кўрсатди. – Бирр... бирорни хаёлига келмаган жой, тушундинг. Мен ҳам болалигимда ўмарган олтин тангаларими мана шу жойимга беркитиб, бой бўлиб кетганман, уқдинг!..

Зухриддин Вилли фон Шулцни унумади. Уни ўзи айтганидек, ростдан ҳам унутиб бўлмасди. Ўзини ҳар гапида Вилли фон Шулц “Унинг калласи ҳеч қачон елкасига оғирлик қылмайди, совет аскарини биринчи бўлиб, немис хизматини бажартириб, кул қилиб ишлаттан” деб неча марта мақтанганича майдагап бўлиб қолганда ўз қароли Зихрни калака қилганларига ғаши келса-да, Зухриддин барибир танчанинг икки томони борлигини хаёлидан чиқармас эди.

Зухриддиннинг ўн битта олтин пистончалари бор эди. Зухриддин ана шу олтин пистончаларни Вилли фон Шулц маслаҳати билан унинг ўзи сақлаган жойида эҳтиёт қилиб келганди.

У эндиликда эшакнинг тўқимидаи эскириб, пахтлари титилганидан увадаси чиқиб кетган камзулининг

киндигига яқын жойида сақлаб келарди. Ана шу ўн битта олтин пистончаларни еттитаси мана шу томонларда тирик қолишини ўз гарданига олиб, ҳар эхти-молга қарши түрттагинаси жойида турибди.

– Сен мени қорни чиққан бир түнка деб атама, – деган эди Шулц ўша мастилигида яна. – Билиб қўй, мен билганни ҳаммаям билавермайди. Шулц бекордан бекорга Вилли фон Шулцларга содик қолмаган. Менинг ота-боболарим ҳамма-ҳаммалари қоринлари катта бўлишгани билан бойликлариям ўзларига етарлию, манави, – у ўнг қўлининг панжаларини мушт қилиб бошига уриб-урив қўйди, – ҳа, манавини яхшироқ ишлатишган. Сен Авиценна дедингми, ўшани, анави хотиним Нона жавраганидай, билмаганимга буни калласи ишламасакан, деб ўйламагин тагин. Мен унақа, – у бошини чайқаганича гапида давом этди, – тарихмарихини билмайман, дунёни ҳамма одамларини ҳалиги... ҳалиги нима дейди, миллатиниям билмайман. Лекин пул топиш йўлини биламан. Пулни ким топади, биласанми? Йўқ, сен билмайсан, сен шунинг учун менга ... менга сотилган кулсан, билдингми? Пулни каллалилар, ақллилар топишади. Ўшанга пулга уриштиришиб пул топишади. Пулинг бўлса қорнинг катта бўлсаем яшайверасан, бўптими. – Шулц кўрсаткич бармоги билан қорнининг чап томонига ниқтаб қўйди, – Ичидагини нима дейди, биласанми. Индамаяпсан, биламан билишингни. Ўшанақа ёмон нарса бўлсаем пулинг бўлса одамлар сени қорнингниям мақташга тушади. Қорни борлар салобатли бўлади. Ана шу қорни билан салобатли кўриняпти-я. Сал қорин соганингиз бутун вужудингизни кўркам қилиб юборибди, деганларини ҳар куни эшитаман, билдинг.

Эс-хушли одамларгина боши кесилгандан кўра оёғига кишан урилишини ёқтиришмайди. Зухриддин оёғидаги занжирнинг “шириқ”лашидан чўчиб, соатсозлик дўйконига қўйилган стулдан ҳожатга боргандагина турарди. Унинг радио эшитишию, мижозлари

били сүхбатлашиши Шулц томонидан тақиқлангани учун дунёда нималар бўлаётганию, бошланган урушнинг бошию, поёнини ҳали ҳам билмас эди.

Ўша кун 1942 йилнинг 29 декабри Зуҳриддиннинг бугунги қундай ҳамон хаёлида михланиб қолган. Тушдан кейинги немислар вақти билан соат 16 лар чамаси эди. Келишган ёшгина жувон соатсизлик дўконига келдию, бузук соатни ковлаб ўтирган Зуҳриддинга қараганича жим тураверди. Хижолат бўлганидан унга бир-икки қарадию, ҳеч нима демай ўз ишини давом эттираверди.

Ниҳоят, Зуҳриддиннинг негадир ғаши келганиданми ёки бирорнинг бўйланиб туравериши ёқмадими, немисчасига:

– Сизга нима керак, фрау? – деб юборди.

Зуҳриддиннинг бу саволидан таажжубга тушган жувон:

– Менга шу дўконда ишлайдиган асир соатсоз керак эди? – деди кўзлари у ёқ-буёқда жавдиаркан.

– Соатингизни тузаттани ташлаб кетувдингизми? – деб сўради Зуҳриддин.

– Йўқ, мен унга соатимни тузаттирмоқчийдим, – деди жувон.

– Беринг соатингизни, кўрайлик-чи, – деб Зуҳриддин унга бир қараб кўйди.

– Мана, – у қўлидаги соатни ечиб узатди.

Зуҳриддин жувон узатган соатнинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, муруватини бурадиу, қайтиб ўзига узатаркан:

– Соатингизни бурамабсиз, холос. Ҳеч ҳам бузилмапти, – деди яна соф немис тилида.

Нима қилишини билмай аланг-жаланг қилиб қолган жувон атрофида ҳеч ким йўқлигини кўргандан кейин:

– Менга рус асири бўлган соатсоз керак эди? – деб сўради.

– Ўша мен, нима ишингиз бор эди?

– Сиз немис эмасмисиз? – яна ҳайрон бўлиб сўради жувон.

– Ўша сиз айтган русми, ўзбекми асир соатсоз менман. – Зухриддин ҳайрон бўлиб ўзини танитди.

– Сиз ростдан ҳам немис эмасмисиз? – таажжубда бошини чайқаб қўйди жувон. – Афтиңгиз ҳам, гапсўзларингиз ҳам худди немисларнинг ўзи-я,вой, танба-ей.

– Мен сиз немислар билан гаплашишим тақиқланган, фрау, – деди Зухриддин ташқарига бир кўз ташлаб қўйиб.

– Мен сизда ишим бор эди. Исмингиз нима?

Зухриддин бир оз ўйланиб қолиб:

– Мен бу томонларда ҳеч кимни танимасам, сизни менда қанақа ишингиз бўлиши мумкин, фрау? – деб сўради қўнглига ҳар хил ёмон хаёллар келиб. – Борйўғи битта асирман, холос.

– Сизни миллатингиз нима? Мен сизни немис дебман-а, қаранг. Ўзимизни немисларга шунақаям ўхшар экансиз. Сиз томонларингизни одамлари ростдан ҳам бизни немисларга ўхшаб кетадими, ростдан ҳам.

– Бир палакда юз-бир ҳамак, деди Зухриддин бир оз мийигида кулиб.

Жувон ҳам ширингина кулиб қўйди. Кейин:

– Мени акам ҳам урушга кеттанича йўқ.. – деди жудаям бўшашиб. – Ҳалиги Сталинград деган ерини биласизми?

– Биламан. Йўл-йўлакай поездда ўтган эдим, – деди Зухриддин.

– Ўша ерга кеттанича дараги бўлмади.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, – деди Зухриддин. – Бу дунёда нималар бўляпти, ҳеч нарса билан ишимиз йўқ. Нималар бўлаётганидан ҳам хабарим йўқ.

– Сиз томоннинг одамлари ёмон ёки уришқоқми-а? – жуда паст товуш билан сўради жувон.

– Йўқ, – деди Зухриддин унинг гапларига ғаши келиб жавоб бермасликнинг иложини тополмасдан. – Биз

уришқоқ эмасмиз. Ким ўзини ёмон дерди. Аммо.. – у яна атрофга аланг-жалаң қылганича қўшиб қўйди.. – Урушни немислар бошлади шекилли-а?

– Испингиз нима? – сўради жувон.

Зуҳриддин “менинг исмимни сенларга нима кераги бор?” дегандай кўнглида индамай қўя қолган эди, у яна сўради:

– Ўзингиз ҳам бизга ўхшашиб кетадиган одамдай исмларингиз ҳам ўхшашмасми-а? – деб сўради эркалангандай.

Зуҳриддин кулиб юборди.

Жувон ҳам кулдию:

– Испингиз нима-а? – деб сўради қайтадан.

– Зуҳриддин. Менинг хўжайним Вилли фон Шулл эса Зихрга ўрганиб қолган, – деди тўғрисини айтиб.

Аёл зотининг ҳиди бошқача бўлади. Зуҳриддин ундан қандайдир ўзига ёқимли ҳидни сезиб, бир оз кўнглини бўш қўйдими, бир сония қўлидаги ишни қолдирганича жувонга қараб туриб қолди.

Кўзлар бир-бири билан учрашганда ҳар иккиси ҳам ўзларини нокулай сезишиди-ю, бу ҳолатдан чиқиш учун йўл қидиришгандай теппа-тeng кулиб юборишиди.

Жувон кўзидаги қандайдир ҳоргинликни фахмлган Зуҳриддин унинг ҳам қалб тубида дард яшириниб ётганини ҳис қиласкан ана шу сониядан фойдаланиб қолиш мақсадида сўради:

– Бизга одамлар билан гаплашиш ҳам, радио эшитиш ҳам тақиқлангани учун сиз дунёда нималар бўлаётганидан мени хабардор қилмайсизми? – деб сўради.

Жувон унинг гапларини тинглаб бўлиб:

– Радиога ҳушим йўқ. Қўшиқларинигина тинглайман, холос, – деди елкаларини учириб. – Бошқа мамлакатларни эшиттиришларига тушунмайман.

– Германия урушда енгяптими? – деб сўради бирон бир янгилик эшлиши мақсадида кўнглидагини очик айттолмай.

Саволдан жувоннинг юзларига қандайдир сўлғинлик қўнганини фаҳмади-ю, гап мавзусини бошқа томонга буриб юборди:

– Исламнинг нима, фройлен? – деб сўради кейин.

– Ана, – деди юзларидаги сўлғинлик дарров ўзгара қолиб. – Сизга эса... ҳа, ҳалиги айтганингиздай Зикр, деб мурожаат қиласам бўладими?

– Худди шундай деб айтишингиз мумкин, фройлен. Барибир мени Зухриддин деб айтишга тилингиз яхши келмайди.

– Фройлен, мумкинми? – унинг ёнбошидан ичкарига қўлини сукҳанича соатини узатган киши Зухриддинга мурожаат қилди.

– Сен тез ишлай оласанми? Шундай бўлса беш-олти дақиқа кутиб туришимиз мумкин, ҳамроҳим билан.

Зухриддин “тез ишлай оламан” дегандай мижозга бош ирғаб қўяркан?

– Хайр, фройлен. Тез-тез келиб туришинг, – деганича унга ҳалидан буён қўлида ўйнаб турган соатни узатганича.

– Сен немисмисан? – сўради дўкон тешигига қўлини сукқиб, соатини берган барзанги киши. – Сени Вилли фон Шулц ёввойи осиёликлардан деганди-ку? – деди лаби бурилиб.

– Вилли фон Шулц жаноблари жуда тўғри айтган. Мен унинг қули бўламан, – деди Зухриддин “шулар шу гапимга хурсанд бўлсин” деган маҳсадда атайлаб.

Мижозлар бир-бирларига қараб бошларини тебратиб қўйишиди.

Вилли фон Шулцда ҳар ҳолда инсоф бор эканми ёки бир сўзга ўрганганми, Зухриддиннинг оёқларидаги занжирни ўша айтган кунининг эртасигаёқ бўшатиб, кўргон ташқарисидан дуконга эшик очтириб берди. Фоизли шартномасини ҳам кўлига тутқазди. Фақатгина ўз ихтиёри билан қаёққадир кетиб қолмаслигини тайинлади.

## VI

Ўша кун, ўша 1942 йилнинг 29 декабридаги кун, шу куннинг немислар вақти билан 16 лар чамаси Зухридиннинг хотирасига асрлар шамолига ҳам бардош бергудек қабр тошига ёзилган рақамлардек хотира-сида қолганди.

- Сизга нима керак, фройлен?
- Менга шу дуконда ишлаётган асир соатсоз керак эди?
- Соатингизни тузаттиргани ташлаб кетувдингизми?
- Йўқ, мен унга соатимни тузаттироқчи эдим.

\*\*\*  
– Хайр, фройлен. Тез-тез келиб туринг, – деганича унга ҳалидан буён қўлида ўйнаб турган соатини узатди.

У унга ортидан узоқ қараб қолди. Вилли фон Шулцнинг катта қўрғонининг йўл ёқасидаги соатсозлик дўконидан қайрилиб, катта йўлга чиқмасдан тўпиққа ўрадиган ўт-ўланлар оралаб кетадиган сўқмоқ йўлдан қораси кўринмай қолгунча қараб қолгани яна кўз олдидан ўтдию, худди илон чақиб олаётгандек сесканиб кетди...

Ширин хотиралар оғуши жудаям устун келди. У мана шу Ватандан олис кун ботар ерлар томонида оғир азоб-уқубатларга гирифтор бир неча марта касал бўлиб, ўлим чангалига яқинлашиб қолганда ҳам ўша Вилли фон Шулц маслаҳати билан ёнида сақлаб келаётган олтин пистончаларни “бошига иш тушганда”гина ишилатарман, деб харж қилмаганди. Ҳозир эса негадир “бошига иш тушмай туриб” ширин хотиралар унга кучлироқ, устунроқ, яна бир қараганда эса қудратлироқ келдию, яқиндагина йўлини топиб, иккичу сатр хат жўнатаман деб битта олтин пистонни баҳридан кечди. Олтин пистончани лабига яқинлаштириб, тишлиб кўрган комендант ўз-ўзидан мамнун Зухридинни ёнига қайтиб келди.

- Сени госпиталга ётқизайми? – деб сүради.  
Зухриддин бошини чайқаб қўйди.
- Нима керак бўлмаса сенга?
- Билмадим, бугун ғалатиман, – деди ўзи ҳам тушунмай.
- Сени овга олиб борайми? – деб сүради “олтин пистонча”дан қудратлироқ бўлиб. – Совуқ ҳам ўн даражага тушиб қопти. Булдуриқ билан каклик овлаб келармидик.
- Шу ит топмас ерларда ўлиб-нетиб қолмасам бўлди,  
– деди ҳаётдан қўнгли совугандай.
- Сен менга иккита пистонча бердинг, – деди комендант буғу қўшилган чанага ўтириб, анча олис кетишганидан сўнг ёнига чиқариб олган сариқ овчаркасининг бошидан силаб қўяркан. – Сен Германияда тузуккина бойлик жамғарган кўринасан? – унга қараб қўйиб сўради.
- Менга Шулц деган немис қул қилиб ишлатгани учун берувди, – деди Зухриддин коменданта. – Инсофи бор эканми? – деб қўшиб қўйди кейин.
- Сенга бекордан бекорга бераверганми, шунаقا олтин пистончаларни? – ҳайрон сўради комендант.
- Қаерда дейсиз, – Зухриддин комендант узатган бир бурда тузланган чўчқа ёгини тишлиб узаркан жавоб қилди. – Кул қилиб ишлатсаям ҳам ҳолда инсофли немис экан. Ўша пистончалари барибир ўзимга насиб қилмасаям кор-ҳолимга яради. Энди нима қиласман?
- Нима, бошқа йўқми? – сўради комендант.
- Йўқмас, атига битта қолди, холос. Ҳали муддатимни беш йили турибди, ўртоқ комендант.
- Комендант бошини чайқаб эътиroz билдириди:
- Сен сиёсий хато гапиряпсан. Немисда инсоф борми, ўзи. Уруш бошлаган абллаҳда инсоф нима қиласин, – комендант унинг гапларини қайириб ташлади. Инсофи бўлганда миллионлаб одамларни ўлдириб юбормасди, абллаҳлар. Сенга олтин пистончани қандай

қилиб эриб берувдийкин, ҳеч ақлым етмаяпти. Ким здинг? – сүради.

– Мадумаров, – деди Зухриддин оғзидан “гуллаб” кўйганига ўзи ачиниб.

– Мадумаров, дегин. Мадумаров, фашистни яхши деб бўлмайди, сиёсий хато қиласан. Пленда нима иш бажаргансан? – сўради комендант, – часовник?! Дуруст, дуруст. Бу ўзбеклардаям часовник борми? Яхши часовниковисан? Бу фашистларда часовник бўлиб ишлаган бўлсанг, ёмон устамассан, сен. Уйимда битта қадимги соат осигуллик туради. Отамни отасидан қолган дейдими, шунаقا. Бир кўрсанг бўларкан. Анчамунча часовник ёнига келолмади ўзи. Ўшанақалари гаям тишинг ўтадими? Ўтса, қайтганимиздан кейин бир кўрсатаман. Хотинимни жаврагани жавраган. Нима эмиш бу соатда бир хислат бормиш. Топган гапини қара, хотинларни. Хотин зотини қанақа кўрасан, яхшими? Буларни зоти бир хил. Оғзини ёпсанг бошқа еридан гап чиқади, – у ортига ўгирилиб Зухриддинга қараганича тиржайиб кўйди. – Бир томонини ўйламаганингда буларни ўзингтаям яқинлаштириб бўлмайди. Сен нима дединг?

Зухриддиннинг лабида ним қулгу пайдо бўлдию, елкасини қисганича:

– Бу олти йилдан бери хотин зоти билан гаплашганим йўқ, – деди.

– Ҳа, сенлар ҳозир оч бури, – деди комендант бўшини ликиллаттанича. Бу ерларда иш-пиш билан ўралашиб юрган вчегдалик перм хотинлар билан танишволсанг кунинг ёмон ўтмасди, – деди комендант унга яхшилик қилаётгандай гап қилиб. Мен сени бир ҳужжат пужжатларингни титкилай-чи.

Ўзини Виктор Васильевич, деб таништирган комендант чана қўшилган буғуларнинг ипини оқ қайин шохига илди-да, Зухриддин билан бирга қуюқ дарахтлар ичига шўнrigанича беш-олти марта миљтиқнинг “қасир-қусир”идан сўнг ҳар иккисининг

күлида битта-иккитадан каклик билан чана ёнида пайдо бўлди.

– Ма, сен ҳам ют, – деди Виктор Васильевич қўлидаги овни чана устига ташлаб, костюмининг ён чунтагидан олган япалоқ шишадаги суюқликдан беш-олти ҳўплаб бўлиб, Зухриддинга узатаркан.

– Мен ҳамми? – ҳайрон бўлиб сўради Зухриддин яқин йиллар ичида хаёлига ҳам келмаган спирт ҳиди димогига уаркан. – Ўртоқ комендант, менгаям мумкинми-а?

– Ҳа, ҳа сенга мен билан мумкин, билдингми? – деди унинг кўлидан япалоқ шишадаги спиртни оларкан. – Сен мусулмонсан-а? – деб сўрагандан сўнг: – Сени мусулмонларнинг бундай нарсаларни ичмай, Худодан кўрқанидан ман қиласилар-ку? – деб хиринглади кейин.

– Буни қаердан биласиз, ўртоқ комендант?

Комендант кулганича:

– Сенларни хандалашкаларинггача биламан, билсанг. Урушгача Қорасувда ишлаганман, – у ҳали ҳам кўлида ушлаб турган шишани оғзига яқинлаштириб, бир қултум спирт ҳўлади. – Сизларни расм-русумларингизам яхши, ёмон томонлари йўқ, – деди япалоқ шишани чўнтағига тиқаркан. – Ичсанг ич, ма!

– Раҳмат, ўртоқ комендант.

Комендант бошини иргади:

– Намунча раҳматлайсан, мана шунаقا кенг жою, икки киши турган ерда. – Ол, ич, ичинг исийди, – “ич-ич”лаб ичирди унга тағин. – Кетдик, энди. Кеч киришга оз қолиптику-а. – Ну, осий перёд!

Зухриддин колоннанинг кечки овқатига аранг улгурниб, чанадан тушгандан сўнг қаторга қўшилганича ошхонага кирди. Анча вақт ташқарига чиқарган папирос қолдиқлари сочилиб ётган чекиши жойига келиб ўтирди. Комендант берган ярим кути папиросдан биттасини олиб энди лабига қистирмоқчи эди, соқчилардан бири:

– Мадумаров, сени комендант сўради, – деди.

Ҳарбий асиirlар лагерида коменданнтнинг буйруғини Худонинг буйруғидай қабул қиласидан тутқунлару, ҳатто соқчилар ўз-ўзидан елкаларини қисишиди. Зуҳриддин ҳозиргина туташтирган папиросни ёнида ўтирган тутқунлардан бирига узатганича комендантурага шошилди.

– Мен ҳужжатларингни дарров титиб, “Дело”ингни қараб чиқдим, – деди комендант рўпарасида “нима гап экан?” деган хавотир ўйда тик қотиб турган Зуҳриддинга ўткир нигоҳларини тикканича. – Сен фашистчани қаерда ўрганганд здинг?

– Мен немис тили ўқитувчисиман, ўртоқ комендант, – деди Зуҳриддин бир оз кўнгли равшан тортиб.

– Немис тилидан дарс берганмиссан?

– Ҳа, дарс берганман, урушдан олдин.

Комендант “Сени қараю, анча бало экансан” дегандай бошини чап томонига иргаб қўйди.

– Соатсозликни қаердан ўргансан? – яна сўради комендант бир оз кулимсираган ҳолда.

– Шаҳримиздаги бир жугутдан.

– Еврейданми?

– Ҳа, еврейдан.

Комендант ёнини кавлаштириб яна папирос олиб чекди.

– Во, сени қараю, – деди ундан кўзини узмай. – Мен сени нима қиласам экан-а? – деганича қўлидаги қаламнинг орқасини стулга ура бошлиди. Рост айт, ўша фашистлар юртида қандай қилиб кун кўриб, қанақа қилиб олтин пистончаларга ишлай қолдинг? Бунга умуман ақлим етмаяпти.

– Мен ҳаммасини гапириб, далиллаб бўлганман, – деди Зуҳриддин ичида “яна тергов, яна азоб-уқубат пешонамда бор экан-да” деган ўю, ваҳима билан. “Яхшиям битта олтин пистончани ажратиб, қолганларини ўз ўрнига кўйиб қўйганим” деган хаёл кўнглидан ўтаркан. – Мендан, ўртоқ комендант яна нималарни

истайсиз. Мен дунёга ўзбекларни гапидай “Емаган сомсага пул тулагани туғилғанманми-а? Сиз айтган паситиям, немисиям, бу томонларда эса сиздан бошлаб ҳамма-ҳаммаларингиз сўроқ-савол қилишдан мени аллақачонлар ўлдириб бўлдингизлар. Мен ҳамманизга, ҳаммаларингизга доимо айтаман, яхшиси мени “пақ” этиб отиб кўя қолинглар. Мана шунаقا камситишлардан, мана шунаقا устимга ағдарилаётган бўхтонлардан аллақачонлар ўлиб бўлганман.

– Мадумаров! Мадумаров дейман! – бақирди комендант бор овози билан. – Мен сени сўроқ қилаётганим йўқ, сенинг устингга ҳеч қанақа бўхтонни ҳам ардараётганим йўқ. Нега қизишасан, тўхтасанг бўлмайдими, сволоч! Сен ўзинг мен учун кимсан, ахир?! Катта холангни эрига ўхшатиб, оғзингга келганини бақираверасанми, менга.

Зуҳриддин комендантнинг паст келишидан бир оз пасайиб, ўзининг хўрлиги келганидан кейин нолиди:

– Германияда қул қилиб ишлатиши. Ўша, ўша ўн биринчи, ўн еттинчи асрларнинг қулидай оёғимга немислар занжирли кишан солиб ишлатиши, ўртоқ комендант. Одамлар мени, ҳа уларни баъзиларини одам дейиш жоиз бўлсаям одам деёлмайман. Ҳалиги “Гитлер-юген”чилар зоопаркдаги маймундай мендай бир занжирли асирни кўргани келиб, мазах қилиб кети шарди, билдингми?

– Сен, Мадумаров кўпам куйинаверма, –деди сиполик билан комендант. Мен сенга бошқа гапим борлиги учун чақиргандим, холос.

– Мени Санкт-Петербургда власовчисан, деб икки йил ҳалиги “ночной”ида ўлимдан баттар қилиб олиб ўтиризиши, – тишлари ўз-ўзидан ғичирлаб кетди унинг. – Мен.. мен ҳамма хўрликка чидадим. Бу кунимдан ўлиб қолганим яхшимасми, майор. Ўша.. ўша Шульц деганини айтганини қилмаганимда балки аллақачонлар баданларим чириб, суюкларим бошқа-бошқа ерларда қолармиди?

Майор ўрнидан туриб, Зухриддиннинг ёнига келаркан:

– Кўй, қўй, хафа бўлаверма, – деди унинг елкасига шапатилаб. – Мен сенинг “Дело”нгда ҳали айтганимдай сени қораловчи нарсани кўрмадим. Хотиним ҳалиги какликларни ҳойна-ҳой пишириб ҳам қўйгандир. Асли сени ана шунга чақиртиргандим, биласанми?

Комендант Зухриддинни бошлаб тиканли сим қурғонининг текширув пунктидан чиқиб кетаётисб, Зухриддинга ўгирилиб қараганича “Буни ўзим билан олиб чиқиб кетяпман, ичкаридагиларга айтиб қўй”, деб тайинлади.

– Бу ўша Ўзбекистоннинг Қорасувиданакан, – деб таништирди буғу тортиб келган чанадан тушаётганда уй эшигини очиб чиқиб келган хотинига. – Каклик роса пишиб бўлгандир?

Яланѓбош, елкасига қалин жунли жемпер ташлаб олган сариқ сочли аёл Зухриддинга бир табассум қилдию, уларни ортидан яна уйга кирди.

– Топган-тутганингни опке-чи, – деди комендант ечиниб бўлиб, ярим тузалган дастурхон атрофига ўтириб бўлгандан сўнг хотинига қараб. – Бизни бир меҳмон қил-чи, рисоладагидай. Ароқ-парағинг етарлими, ишқилиб?

– Ароқ етмаса, спирт бор-ку, Витя. Ўзбекмисиз? Ўзбеклар жудаям оз ичишади-а? – деб сўради ним кулганда чироқ шуъласида олтин тишлари ялтилаб.

– Нима, ҳозирдан унга “кам ичишади” деб камроқ ичсин, деяпсанми, Надюша. Кўнгли кўтарганича ичсин. Хоҳласа беш-олти йиллигини бир йўла ичиб, хумордан чиқсин. Нима, ароқ бўлмаса спирт деяпсан, қанча бўлсаям топилади. Шундайми-а?

Надя отиб келинган тўрттала какликни ҳам қозонга солган экан, шекилли, ҳаммасини товоқча солиб, дастурхон устига кўйди. Витянинг ишораси билан Зухриддин билан қарама-қарши ўтириб шишани олиб оғзини очди.

– Бириңчи нима учун ичамиз? – деб сўради Надя эрига қараб.

– Нима учун ичардик, – деди бошини ўнг томонга ташлаб. – Мана, меҳмон гапирсин. Буни бошига кўп мусибатлар тушгани уз-узидан юзларидаю, кузларида кўриниб турибди. Гапир, Мадумаров. Эй, айтгандай исмингни айтиб ўзингни таништирмайсанми, ахир.

Зуҳриддин бир Надяга, бир Витяга қааркан, не-гадир хурсандчилигиданми, ўз-узидан кўзларига ёш келди. У ўз ватанидан чиқиб кетганига, ватансиз, ватангадо сарсон-саргардон юрганигаям ўн беш йилдан ортаётган эди. У фақат хотираларига суюниб қолганига қарамай, ҳозир бунинг ўрни эмаслигига, эр-хотинга бир-бир қарадию, ўрнидан туроётган эди, “утириб, утириб гапиравер” деди комендант унга.

– Мен.. мен, – деди ички титроқ туриб бир оз дудқланаркан, – бундай меҳрибонликни бир вақтлар онамдангина кўргандим, отамдан ҳам. Шунгаям йитирма йиллар бўляяпти чори, – деди энди титроқ кўлларигаям ўтиб, кўзларига келган ёшни чап қулининг панжалари билан аста сидириб ташларкан. – Сизга ўртоқ комендант, минг-мингдан кўп раҳмат. Надя, сизни синглим деяверай, кўзларингиз кулиб, табассум қилиб турибди. Сизгаям кўпдан-кўп раҳмат. Сизларни, ҳар икковингизни соғлиқларингиз учун.

Устма-уст бир-икки марта комендантнинг таклифи билан “нутқсиз” олингандан кейин кўпдан бери оғзига ароқ олмаган Зуҳриддиннинг бир оз кайфи ошиб қолса ҳам ўзини тутиб, маст-аластлик қилмади. Тишини тишига кўйганича рисоладагидай утиаркан “ол, олиб ташла”дай сертакалуфчиларнинг раъйлари ни қайтармай олиб турди. Кейин эса столга бошини тираганича “пишиллаб” қо ди.

– Надя, – деди комендант алланималарга ишора қилганича. – Мен буни йўл.. лаб.. сул.. лаб ошхона ёнидаги бўш каравотга ётқизиб чиқай, – деди юнинг чап кўлинни елкасига олганича уйютиб-уйютмай сужб ётқи-

зиб чиққандан кейин хотинига ўтирилди. – Унинг пиджаклариниу, исқирт бўлсаям кўйлакларини ечиб олиб чиқ.

– Ҳа, айтувдинг-а, ҳали. Ўйғониб қолса-чи? – сўради Надя эрига қараб.

– Ўлик бўп қолдию, нимасига уйғонарди, – деди ю, ўз фикридан қайтди, шекилли, ортига бурилганича Зухриддинни ётқизиб чиққан хонага қараб юрди. – Мана, буларни бир чеккадан бармоқларингдан ўтказгин-да. Нима учунки, аёлларнинг бармоқлари жуда-ям сезувчан бўлади, биласанми?

– Сен бунақа нарсаларга устаси фарангсан-ку, Витя, – эри узатган пиджак ва Зухриддиннинг ички кийимигача бармоқлари билан эзғилаб кўриқдан ўтказа бошлаган Надя, ниҳоят, улардан жирканиб нарига иргитди. – Ҳеч бало йўқ.

Комендант хотинига бир қараб қўйиб:

– Мен унинг ёттан ўрнини текшириб келаман, Надя, – деди афсуслангандай бошини чайқаб. – “Менда яна битта олтин пистон қолди, холос” дегани шундоққина қулогим остида жаранглаб турибдию.

– Ўзинг биласан, – деди хотини полда ивирсиб ёттан ҳозиргина ўзи иргитиб юборган Зухриддиннинг кийимларига жирканч назари билан қараб қўйиб. – Ёттан ерига олиб иргитиб кет.

– Бекорга совуқ еб овора бўлганим қолди, – деб тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди комендант.

– Ҳеч вақо йўқ эканми? – сўради хотини.

– Сассиқ ҳидидан бошқа ҳеч нарса. Айтдим-ку, совуқ еганим қолди. – Уни алдаш керакмикин, Надя. Сенинг қўлингдан келади. Беш-олти йил аёл билан ётмаган эркак хотин кишини кўрса ҳар нарсага тайёр бўлади-ку.

– Нима демоқчисан? – сўради Надя эрига қараб. – Мени ўша билан ётишимни хоҳлайсанми?

– Олтин пистончалар кўзимдан ўтиб кетяпти. Буни устига болаям кўрмагансан.

– Анавинингта жин ҳам урмайди, демоқчимисан?  
– у орқасига ишора қилиб кўзи билан.

– Демоқчимасману... барибир нимаям бўларди, – деб чайнала бошлади комендант. – Унинг гапларини мазмунидан бунаقا олтин пистончалар анча шекилли, ростдан ҳам. Жин ургур “битта қолди холос ўзимда” девди, шуниям топмасак-а? Исқирт кийим-боши билан беш-үн йилдан бери тиш чўткани юзини кўрмаган оғзи ликопчаю, қошиқларимизни ҳаром қилгани қолди, лаънатининг.

Аламидан эллик граммча тоза спиртни сипқорган комендант “хотинимга гапириш ортиқча шекилли, барибир кўнмайди” деб ичида ғўндираганича жойига кириб ётиб олди.

Жудаям барвақт кўзини очган Зухриддин аввалига қаерда ётганига ақди етмади. Нихоят, хаёлига кечаги ўтиришу, ичишлар тушиб, у ёқ-бу ёққа аланглаған эди ўзи ётган каравот атрофифа сочилиб ётган кийим-бошларига кўзи тушиб, иргиб ўрнидан туриб кетди. “Ўртоқ комендант билан меҳрибон хотини бу аҳволни кўришса нима деркин”, деб чўчиганича апилтапил кийим-бошларини йиғишириб олиб, кийиндида, ташқарига чиқди.

Кечаси билан яна қор ёққан эди. Одам шарпасини эшиштан ит уйчасидан “вов-вов”лаб чиқаркан, яна биринки занжирини шарақлатганича чиққан жойига бошини сукіб жим бўлди. Ит овозини эшиштан Надя ҳам уй эшигини очиб, ташқарига қараган эди Зухриддинга кўзи тушди. Аммо Зухриддин ундан один салом беришга улгурди:

– Салом, азиз хозяйка, эгилиб салом бердик сизга!

– Салом, салом, – деди Надя қуруққина. Лекин қўлидаги сув тўла идишни “бет-қўлингни юварсан” ишорасида қор устига қўйиб, эшикни “фийқ”иллатганича ёпиб, кириб кетди.

– Сен шу ерда қол, – деди комендант нонуштадан сўнг унга. – Ўтин-пўтин арралаб, қор-порни кураб,

майда-чуйда ишларни қилиб турарсан, шу ерда. Қолган гапни кечкүрун гаплашармиз, – деганича кийиниб бўлиб, буғу қўшилган чанага ўтириди.

Зуҳриддин тушгача анча ўтгин арралаб, ёрди. Надя “тушлик қилиб ол” деганда энди дам оламан, деб араланган гўла тепасига ўтириди.

– Сен аёлларни соғиниб қолгандирсан-а? – деб сўради Надя, – ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ тортинмай.

Зуҳриддин Надяга бир қараб қўйдию, нима дейишни билмай жим туриб қолди.

– Нега индамайсан? – деб сўради Надя тагин. – Нечайил аёллар билан гаплашмадинг-а. Етти-саккиз йил дейсанми? Ўх-хў...

– Бошга тушганни кўз кўради, дейишади бизни халқлар. Бошимизга тушган экан, кўрсатганини кўриб келяпмиз, Надяхон.

– Сени немка хотининг бораканми, Германияда? – сўради у.

– Бор эди, – деди Зуҳриддин енгил хўрсиниб, – энди билмадим.

– Немкалар эркаклар билан ётганда эркаланишни билишармикан? – сўради Надя. – Шулардан бир гапириб бермайсанми? – у Зуҳриддинга яқинроқ келиб, ўтирган стулини суриб олди.

– Ҳаммаси бир эркаланишсалар керак-да, – Зуҳриддин уялиб ерга қаради.

– Хотинларга ўхшаб уяласан-а, сен. Мана бунаقا қилиб ўша немканинг ҳеч эркаланганими, – деганича ўнг қўлини Зуҳриддиннинг бошидан ошириб, елкасига ташлаганича кучоқлай бошлади Надя. – Худди ҳўкизга ўхшаб туришингни қара, сўплайиб. Ё хотин кучоқлашниям шу етти-саккиз йилда унутиб юбордингми? Йўқ, хотин кучоқлашни унутмайсан. Унутиб бўларканми. Ҳамма роҳату-фароғат шунда бўлса, қанаقا қилиб унутиб бўларди роҳатижон нарсани.

– Кўйинг, кўйинг, Надя! Мени қўйиб юборинг, нима қиляпсиз ўзи?! – деган Зуҳриддин бўйнида чирмаша-

әтган құлларни қайриб, ўзидан ажратишига урина бошлади.

– Э, хезалакка ўшайсан-а, сен, – бағриға Зұхриддинни маңкам тортишига уринаёттан Надя унинг уят жойини чап күлининг панжалари билан ушлаб, қаттиқ сиқишигә түшди. – Кел, кел, хотинларга ўшшаб ноз қилмасдан. Аnavи комендантинг келмасдан бир ҳузур қылволайлик. Мен сендан насл олиб қолмоқчиман, билласанми. Аnavи комендантинг хотинчалиш эркакни ўзи. Текканимга беш-олти йилданам ортиқ бўлганига қарамай бола қилолмаяпти. Менга фарзанд керак, тушундингми-а? Сендан фарзанд истайман. Бир яхшилик қил энди.

– Йўқ, бу мумкин эмас, – уни нарироқ итарди Зұхриддин вужуди титраганича, – мени тинч қўйинг, ахир. Эрингизга хиёнат қиласизми-а?

– Хиёнат қилиб бўлганман, – деди Надя яна унга ёпишиб, – ҳеч бўлмаса кучоқлаб туриб, ялаб-юлқамайсанми. Эркак киши шунақаям ҳиссиз бўладими? Ё сенинг миллатингдагиларни ҳаммасиям сенга ўхшаган қуруқ бўлишадими.

– Сиз эрингизга ростдан ҳам хиёнат қилиб бўлгансиз? – қайта сўради Зұхриддин.

– Мен фарзанд кўришим керак, ахир. Комендантингни уруғи пуч, бола қиломайди.

– Ундан чиқиб кетиб бошқага тегинг, – деди Зұхриддин.

– Мени энди ким оларди, – деди Надя Зұхриддин қучоғидан итариб ташлаганига қарамай унинг панжаларини нозик құллари билан ҳамон уқалаганича.

– Таниш-билиш дугоналаримни ҳаммасида бола бор. Ёлғиз қолғанларида сўппайишмайди, билдинг. Эр хотинни или бола. Бола бир-бирини маңкам борлаб туради. Сен ташвиш қилмай қўявер комендантингдан, билдингми? Уям болани қўймасамайди, дейсанми. Жудаям қўймайди-да, ахир. Бирордан бўлсаям боламиз бўлса қанийди. Сен мени тушуняпсанми?

Зуҳриддин панжаларини Надядан бўшатиб, эгнидаги қишилик нимчасининг чап чўнтағига қўлини сувқиб чиқарди.

– Олинг буни, – деди кафтида ялтираб турган олтин пистонга ишора қилиб, – сизларни меҳмондорчиликларингиз учун жудаям катта раҳмат, – янайам пулим кўп бўлганда шунча кўп берган бўлардим.

– Бу нима а? – сўради Надя кафти устида ялтираб турган олтин эканлигини кўриб, билиб турса ҳам атайлаб.

– Кеча эрингизнинг яхшилиги учун биттасини берган эдим. Энди буларни ҳаммаси менда соб бўлди. Охири сизларга насиб бўлган экан. – Зуҳриддин комендант ва унинг хотинидан мурувват кутганича Надянинг кўзларига илтижоли тикилди. – Сизлар фақат мендан шу ерларда ўлигим қолиб кетмай она юрту, ота-онамни кўришга насиб этадиган яхшиликларингизни аямасаларингиз бўлди.

Надя олтин пистончани қўлига олиб бир сония томоша қиларкан, кўзларининг очлиги ҳирсидан устун келди, шекилли, чиқиб кетиб, битта шишада спирт кўтариб кирди.

– Кел, сен билан бизни дўстлигимиз учун биттадан ола қолайлик, – деди стаканга қуийиб узатаркан. – Менга кўнглинг нега чопмади-а? – деб сўради спиртни ичиб бўлгандан кейин.

– Мен ўртоқ комендантнинг хотинига қанақа қилиб хиёнат қиласман, Надя? – деб илтижоли қараб қўйди унга.

– Лекин биласанми, буям гуноҳ эмас, савоб иш қилган бўлардинг. Бирор фарзанд кўrsa ёмонми-а? Шу сени исминг мени қийнади да. Нима деб атай сени осонроғи? – деб сўради кейин.

– Пленлигимда немислар Зихр деб қўйишарди, – деди ростини айтиб.

– Ўзи қора қўзингни ҳисобга олмагандага немисларга ўхшаброқ кетаркансан. Фашист плени дейишиб бошингта оғирроқ мусибат тушиб юрмасин, Зихрлигинг

учун. – Надя хиринглаб кўйди. – Олдинги уч ҳарфинг осонроқ экан. Зух.. Зух бўла қолсин мен учун, – энди у хандон отиб суюқоёқ аёллардай нозу карашмалар билан кулди.

– Мен ўтиналарингни яна кучим етганича ёриб қўяй, – деб ўрнидан турган эди, Надя “Мен учун фойданг тегмагандан кейин нима иш қилсанг қилавермайсанми” наздида бепарвогина қараб қўйиб, ҳеч нима демади.

Зуҳриддин ташқарига чиқиб қўлига болтани олиб ўтин ёришга тушганда тасмадай узилиб қолган хаёлини яна 1942 йилнинг 29 декабрдаги куннинг кеч соат 16 лар чамасида бўлиб ўтган воқеаларга, ўзи учун қанчалар ширин ўша хотираларга улади...

– Сизга нима керак, Фройлен?

– Менга шу дўконда ишлаётган асир соатсоз керак эди.

– Соатингизни тузаттиргани ташлаб кетувдингизми?

– Йўқ, мен унга соатимни тузаттиromoқчи эдим.

– Хайр, фройлен. Тез-тез келиб туринг, – деганича унга ҳалидан буён ўйнаб турган соатини узатди.

Зуҳриддин унга, ўша аёлга унинг қораси кўринмай кетгунча узоқ қараб қолган эди. Йўқ, у эртасига яна ўша вақтда деворга осиб қўйиладиган бузук соатни кўтариб келди.

– Келинг, фройлен, – ўз-ўзидан кўзлари негадир кувнаб кетди Зуҳриддиннинг. – Сиз бир оз анави ерга ўтира туринг. Мен тезда кўриб, тузатиб бераман соатингизни.

– Мен шундай сизни ишингизни кузатиб турсам майлими-а? – деб сўради мижоз жудаям майин овоз билан.

– Майли, майли. – Бу сизнинг ишингиз, – деди Зуҳриддиннинг кўзлари кувнаб. – Сиз менга нимаям харакит берардингиз.

- Хизмат ҳақи қанча бўлади? – сўради жувон.
- Зуҳриддин елкасини қисиб қўйиб:
  - Бу ҳам сизнинг ишингиз. Хоҳласангиз хизмат ҳақини ташлаб кетарсиз. Мен сизга мана шунча бе-ринг, деб айта олмайман, – деди унинг қўлидан соатни олиб, дарров ичини титкилаш билан банд бўлиб.
  - Мен сиздан бир нарсани сўрасам бўладими? – деб сўради фройлен унинг негадир титраётган қўлларига бир оз ҳайрон тикилиб. Қўлларингиз доимо шунаقا билинар-билинмас титраб турадими?
  - Йўқ, фройлен. Ҳозир шунаقا бўлиб кетди чоғи.
  - Сиз ўрис асиримисиз?
  - Ҳа, шундай, фройлен. – Ўтган сафарги сўзларингизни такрорлаяпсиз, фройлен. Бу сафар негадир қўлларим ростдан ҳам титраб кетяпти. Сиздан ҳаяжонландим, шекилли, фройлен Эмма. Акангиздан дарак бўлмадими?
- Эмма “йўқ” дегандай бошини чайқаб қўйди. “Тирик бўлса бир куни келиб қолар” деган маънода енгил хўрсиниб оларкан, Зуҳриддиннинг ишлаётган қўлларига қараганича сукут қилиб тураверди.
- Қаёқдантир хўрзанинг қичқириғи қулоққа чалинди. Негадир ҳар иккиси бир-бирига ногоҳ қарашдию, шарақлаб кулиб юборишли.
- Кечирасиз, фройлен Эмма, – деб мурожаат қилди Зуҳриддин. – Сиз нимага куляпсиз? – деб сўради Зуҳриддин ҳеч нимадан-ҳеч нима йўқ Аннадан.
- Отам хўрз шўрвага ўч эди. Хўрзанинг овозини зшитган ҳамон хўрз шўрва ичгиси келарди. Сиз-чи, сиз? – сўради фройлен Эмма.
- Мен ҳам, – деди Зуҳриддин кулганича. – Болалигимда хўрзларни кетидан қувлаб юардим. Ушлаб олсам албатта сўйдирардим.
- “Ана холос” лаганича яна иккаласи тенг шарақдашиб кулиб юборишли. Кейин ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ Зуҳриддин:

- Эрга текканмисиз, фройлен? – деб сўради ундан.  
Эмма бошини ирғадио:
- Йўқ, уруш арини уясини бузиб юбордию, ким ҳам улгурибди, – деди ерга қараб. – Акамни севган қизи-  
ям йўлига қараганича кутиб, умри ўтяпти.
- Сизлар ҳам бизлардақа севаркансизлар-да, бўлма-  
са? – деб сўради Зуҳриддин.
- Билмадим. Аммо севги миллат танламаса керак,  
қанақа севишсаям, – деди Эмма. Кейин қўшиб қўйди:
- Сен-чи, сен севгандисан?

Зуҳриддин бошини чайқади.

– Мен бир қизни кўрганман, – деб гап бошлади анча жимликдан сўнг Зуҳриддин. – Бизни шаҳримиз тор-  
тошлар оралиғида бўлғанлиги учунми жудаям чирой-  
ли кўринади. Айниқса баҳорда тоғ ва адирликларда-  
ги қизарган лолақизғалдоқларни кўриб дод деб юбо-  
расан, хурсандчилигингдан, биласанми. Ўшанда биз  
тоққа чиққандик, болалигимизнинг сўнгги чоғлари  
эди, балки. Ўшандан бир-икки йил кейин урушга кет-  
дик, мана... – унинг кўзидан ялтираб ёш юмагандай  
бўлди. – Ўшанда биз тоққа чиққандик, бир тўп бола-  
лар бўлиб. Бизда чукри бўлади, шундоққина бўйи  
ярим метр-ярим метр бўладио, барглари ўрдаклар-  
нинг пардали панжаларига жудаям ўхшаб кетади,  
фройлен. Оғзингизга солиб, тишлирингиз билан эзғи-  
лаганингизча сўрсангиз, шўртаккина, маза қиласиз.  
Ана, ўшалардан кейин бир қучоқ-бир қучоқдан лола-  
лар терганимизча тоғдан тушиб келсак, йўлимиздан  
бир тўп қизлар чиққан эди, ушанда. Биласизми, фрой-  
лен, бизни қизларимиз атлас кўйлаклар кийишади,  
ўзларига жудаям яраштиришиб. Бир кўрсангиз эди,  
сиз ҳам ўша куйлакдан кийворармидингиз, билма-  
дим. Ўша бир тўп қизларни ҳаммалариям жуда шўх  
эканларми, қучоқларини очиб, аввал гулларимизни,  
кейин эса елкаларимизга кўтариб олган ҳалиги чук-  
риларимизни тортиб олишганди. Ўшанда.. – Зуҳрид-  
диннинг киприкларига яна ногоҳ ёш қўнди. – Ўшан-

да, биласизми, биттаси ҳалиям кўз олдимда туради. Кўз олдимда шундокқина катта-катта кўзларини очганича кулиб, худди ҳали сиз кулдингиз-ку, ўшанга ўхшаб табассум билан кулиб тураверади.

Зуҳриддин кўлидаги тузатаётган соатни тахта устига қўйганича бир сония жим қолгандан сўнг Аннага яна бир қараб қўиди.

– Севиб қолган экансанда-а? – деб сўради фройлен Эмма.

– Билмадим, – деди Зуҳриддин яна соатни кўлига олиб тузатиш билан банд бўларкан. – Мен уни бошқа ҳеч кўрмадим. Кўз олдимда эса негадир михланиб тураверади у, – Фройлен, сиз-чи, сиз севганимисиз?

Эмма табассум қилиб сўради:

– Яхиси бир биримизни “сен”лаб қўя қолайлик, – деди учкуналаётган қорга қараганича.

– Хўжайним мени сенлайди. Мен эса уни доимо сизлайман, – деди Зуҳриддин. – Ўшангами, нимагадир немисларни сенлагани кўрқаман чори. Нима қиласаям мен.. – у “кул”ман дейишга фуури йўл қўймаётганидан дадил гапиролмай. Сиз.. сенга бирон бир юмуш айтсам бажара оласанми-а, – деб сўради ҳар ҳолда энди “сен”лашга астойдил ўтиб.

– Гапиравер.

– Мен СССРда нима бўлаётганини аниқ билишини истардим. Нима қиласаям мени юртим ўша томонларда-ю?

Эмма бошини чайқади:

– Биз ҳам радиодан бошқа томонларни эшитолмаймиз. Германияда эса кўпроқ “Гитлер-югин”чилару, Геббелсларни қийқирифи, холос, билдингми?

Зуҳриддин Эмма билан ҳар ҳолда юрак ютиб гаплашадиган бўлиб қолди. 1943 йилнинг эрта баҳорида эса бирга яшай бошлидилар.

– Яхши қилибсан, – деди Вилли фон Шулц, – Зуҳриддинни табриклаган бўлиб. – Ўша Эммангни отоналари бир вақтлар анча бадавлат эдилар, шекилли.

Сен энди Германиядан ҳеч қаёқда кетмайдиган бўлибсанда-а, Зихр. Одам танлашда адашмаган эканман-а, Зихр?

Ўша йилнинг кеч кузида Зухриддиннинг фройлен Эммаси етти ойдаёқ кўз ёриб қўйди. Улар қўрқишишса ҳам етти ойлик бўлишига қарамай чақалоқнинг оғирлиги икки килограммга яқин бўлиб, анча тетик эди. Ҳамшира аёлнинг анча тажрибаси бор эканми, “Ташвиш қилмай қўя қолинглар, бола эрта-индин отдай бўлиб кетади”, деб кўнгилмарини тўқ қилишди...

– Ўзбек, роса ёрибсанми ўтинни! – деган овоз Зухриддиннинг ширин хаёlinи парчалаб юборди.

– Бекорчиликдан қилдим қўйдим-да, ўртоқ комендант, – деди у қайноқ қозонга совуқ сув қуйилгандай бирдан шумшайганича унга эгилиб салом бераркан.

– Тезроқ киравсан уйга, гап бор, – деди комендант унга.

– Яна ичиришармикин ё.. – бир оз “нима гапи бор экин?” деган фикрда ўйланганича туриб қолди. – Ишқилиб яхшилик бўлсин-да, – ўз-ўзига пичирлади у.

– Ўтири, Мадумаров, – деди комендант. – Сен эса чиқиб тургин, – хотинига қаради у. – Ҳалиги пистонларинг ҳақида гапирувдинг-ку, – хотини чиқиб кетиши билан гап бошлади комендант Зухриддинга қараганича. – Ўшаларингдан қанча бор тағин?

– Биттагина қолган, холос, – деди Зухриддин ҳайрон бўлганича.

– Кўпроқ топмайсанми-а? Йўқ, сенда биттагина қолмаган бўлса керак. Юрtingга тезроқ кетиб қолиш имкони бўлиб қолармиди, – чайналандай бўлди комендант.

Зухриддин бир сония ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлди – ақл билан иш кўриш мақсадида. Шунинг учун комендантга фикр юритаётганини сездирмай деди:

– Мана, ўртоқ комендант, – деди ўтирган жойида бир оз пастга энгашиб шимининг пойчасидан ўша бир дона олтин пистончани олиб комендантта узатди. – Ўша

Шулц дегани ишлаган бор пулимга бештагина шунаقا олтин пистончалар ясаб берган эди. Олинг, ўртоқ комендант, сизга насиб қылсин. Яхши одам экансизлар. Икки кундан буен нақ чиллада сизни иссиқ үйингизда меҳмон бўлиб ўтирибман, – бир оз қаддини буқди у.

– Юртингта кетишни, тезроқ кетишни хоҳламайсанми? – сўради комендант қуруққина қилиб.

– Бошқа унақа пистончалар йўқ. Бўлсаям насиб қилмасин, – деб кўнгли аллақандай нарсани сезиб, ёлғон ишлатди.

– Мен ўзимга сўрамайман, – деди комендант ҳам фирт ёлғонни ишлатиб. – Бошқа ватан хоини сифатида қамалганларни бошига нелар тушаётганини яхши биласан-а, Мадумаров. – Ўлиб кетаётгандариям қўп бўляпти. Шу бўлмаса мен ҳам сени янайм ёмонроқ ўрмон ичкарисига ёюч кестиришимга тўғри келяпти, билдингми?

Зуҳриддин узоқ ва яқиндаги оғир ишларга жўнатиш комендант томонидан бажарилишини билса ҳам уни сургуну, қамоқдан озод қилиб юборишга кучи етмаслигини билгани учун унинг авраётганини фахмлаб яна бирон офату-кулфатдан ҳар эҳтимолга қарши сақланиб қолишига керак бўладиган бешта олтин пистончаларни эҳтиёт қилишни лозим кўрди, шекилли, бошини чайқаб, афсуслангандай “йўқ”дан бошқа гап қилолмади.

– Надюша! – деб қичқирди комендант Зуҳриддиндан “йўқ” жавобини қатъий эшитгандан сўнг. – Қолган спиртни бир йўла олиб киргин. – Тўнғизниям инидан чиқарадиган савидан ўша Шулцинг кўпроқ бермаган экан-да, – деди ўзининг ҳақиқий башарасини оча бошлаган комендант рўпарасида ҳозиргина ўзи мурувват қилиб узатган идишдаги спиртни сипқораётган гуноҳсиз гуноҳкорга мэнсимайгина қараб қўяркан.

– Ўша Шулц, қаранг, мен уларни душмани бўлсам берган олтин пистонлари анча кор-ҳолимга яра-

ди. Сиз айттандай янайм саҳийлик қылганда сизни ҳам хурсанд қылардим тағин.

— Сен энди боравер, — деди комендант Зухриддинга. — Назоратчиларга мени айтди деб кириб кетаверасан, қуруққина жавобини бериб юборди беш-олти километрдан ортиқ йирткіч ҳайвонлар ўрмалаб юрувчи ўрмон сүқмоқ йүлиниң хавф-хатарини билса ҳам.

Комендантта нима? Йирткічлар маза қилиб еб кетавермайдими? Зухриддинга ўхшаган “ватан хоинлари” деб тамгаланғанлар битта ёки мингтамиди..

## VII

— Фрух! Фрух, буларни қўлига туша кўрма.

— Сен-чи, Димка?!

— Мени ушлаб олишди. Сен қўлларига тушмагин, хўпми? Алдовларигаям унама, билдинг. Тошкентда бўлмаса.... Тошкентда бўлмасами, майли поезд йўли тугаган ерда учрашамиз. Мен барибир буларни қулидан қочиб кетаман.

Фарруҳ иккиланибина ортига қараган эди ўзини қувиб келаётган кишининг жудаям яқинлашиб қолганини кўрди-ю, вагон эшигига ёпишганича маймун боласидай тирмashiб-чирмashiб юриб вагон томига чиқишга аранг улгуриб қолди. Қулоғига “сен лаънати болани барибир кейинги станцияда ушлаб, таъзирингни бераман” деган сўзлар чалиндию, ўзини қувиб келаётган милиция либосидаги одамдан эпчил эканлигидан мамнун бўлиб жилмайиб қўйди. Чарчаганидан пишиллаганича қисқа-қисқа нафас оларкан, “энди Димкасиз нима қиласман-а?” деган ўй хаёлидан ўтдию, унинг ҳозиргина бақириб-чақириб айтган сўзлари қулоғида қолгани учун “бу Димкага ишонса бўлади. У барибир айтган жойида мени топиб олади” деган ўйдан кейин вагон томи тепасида чалқанчасига тушиб, қўл-оёқларини кенг ёзганича бепоён ва кенг зангори осмонга қаради.

Қаранглар-а, ана шу кенг ва бегубор осмонда жудаям күп лахтак-лахтак булутлар сузиди. Қушлар ҳам жудаям күп-а, осмонда учиди юрган. Росаям маза қилишсалар керак-а, улар Қаёқларга боргилари келса биздақа туртиниб-суртиниб ўтирумай, бир-икки қанотларини қоққанларича учиди кетаверадилар. Нега биз болаларгаям ана шу қушлардай қанот беришмаган экан? Уларга ростдан ҳам жудаям мазза-я. Уларни анави құлға тушиб, қолиб кетган Димкадай ушлаб олишмайдиям. Димкани нима қилишаркин? Яна обориб болалар уйи деган ўша етимхонамизга тиқиб құядыда-а. Истаган жойингтә кетолмайсан, у ерда. Овқатигаям ашула айтиб чақиришади. Ҳамманы гапига қулоқ солишинг керак. Пол юв, дедими, ювмай күр-чи, савалашадиям. Ҳов, ўша қушлар ҳеч қанақа пол ювишмайдиям. Нонлариям күп, бизга ўхшамай. Истаган бүгдойни устига қўниб олишиб чўқийверади. Ҳамма-ҳамма дарахтлар ўшаларники. Олма етилари келса боққа учиди боришиди. Ана олма, мана олма. Уларни дарё бўйида маза қилишиб чурулашганларини айтмайсизми. Ўҳ-ҳӯ, нимагаям мен ўшанақа қуш бўлиб қолмовдим-а. Ҳалиги.. ҳалиги уларни ҳаммасиниям ота-оналари бормикан? Ё менга ўхшаганлари.. менга ўхшаган ота-онаси йўқлариям барибир бордир-а? Э, қуш бўлганимда барибир яхшийди. Анави Димка билан роса маза қилиб учиди юрган бўлармидим, ҳозир. Димка... Димка, сени улар қўлға туширишволди-а? Ахир, сен мендан ҳам чаққон эдингқу-а. Сен мени аядинг, шекилли, билдингми? Фрух, деб чақиранг ҳам чиройли чақирадинг, менгаям ёқарди. Кўп яхшилик қиласардинг, менга. Карагин, иккита етимхонадан қочдик-а, бирга?

У қорни очиб ичи ачишаётганидан қаддини кўтарганича ўтирганидан сўнг ўнг кўли ўз-ўзидан пайпасланиб, белидан елкасигача чиқдию, негадир ўз-ўзидан юзлари кулимсиради. “Халта яхшиям мендалиги. Бўлмасам оч қолардим. Кейин анави Димкада бўлга-

нида қызил ёқали одам ундан тортиб ҳам оларди” деди ўзига ўзи.

Моғор босиб, кирлаб кетган халтани орқасидан олиб очди. Пўпанак босиб, тарашадай қотиб кетган нонни тиззасига қўйиб бўлмоқчи бўлдию, уни бурдалашга кучи етавермаганидан бир бурчагидан гажишга тушди. Ҳар ҳолда оғзидан томаётган сўлаклари нонни бир оз ивита бошлади, шекилли, оғзи ичидаги тиллари қалтираб, тишлари анча-мунча эзфилаётган нон ушоқларини ичаги томон туртиб-суртиб итара бошлади.

Бирор соат оворагарчиликдан сўнг қорни тўйдими ёки қолганини кейинга қолдириб қўйдими, ноннинг ярмидан кўпроқ қолганини яна халта ичига тикиб, оғзини бўғди-да, кўйлагининг ичига яшириб қўйди.

Илондай “вишиллаб” қуюқ тутун чиқарганича бораётган поезд устма-уст товуш чиқариб қичқириб қўйганини кўрган Фарруҳ вагонлар томида фақат ўзи қолганини кўриб шошиб-пишиб вагон ичкарисига ойнадан сидирилиб туша бошлади. Бекатларда вагон тепаларида юриш тақиқлангани учунми ёки миршаб ва темир йўл назоратчилари томонидан ушланиб жаримами, қаттиқроқ жазоланишдан қўрқани учунми тартиббузарлар ўз-ўзидан кўринмай қоларди.

Фарруҳ вагон назоратчисининг қўзига тушиб қолмаслик учун мушукдай сезгир зди. Шунинг учун бекатда вагон эшигини очиб, ўз байроқчасини кўтариш учун ёнгинасига келиб қолган назоратчи ҳам илрай олмаган ҳаракатда кўмирхонага яширинишга улгурди. Лекин чанқоқдан ташналигини қондириш мақсадида назоратчи оёқлари орасидан поезд тўхтаган бекатга тушди.

У ҳалиги ўзидан ортиб қолган қотган ноннинг ярми билан узоқча боролмаслигини яхши биларди. Димка бўлганда яхши бўлардию, лекин нима қиласин, на илож,

бирон емиш-пемиш топишга ёлғиз үзи бўлсаям бир уриниб кўради-да. Нимаям қилсин, бундан бошқа.

Бундай қаҳатчилик чорларида сичқонга кепак олдирмайдиган бўлиб кетган одамлардан айёрроқ, эпчилроқ, бир сўз билан айтганда, устаси фаранглик қилмасант ўлигинг одамларни оёқлари остида қолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас, тўгрими?

Фарруҳнинг кўзлари бекатда ул-бул сотаётган одамларнинг кўзларию, яна бир кўзлари сотилаётган егуликларда бўлсаям яна бир ўша ҳали айтилган мушукдай айёр ва сезгирилиги қўшилиб айқаш-уйқаш бўлиб кетган нигоҳлари эндинга қуюқ тутун чиқариб товуш берганича “вишиллаб” юбораётган поездда ҳам эди.

– Ур! Анавини ушланглар! Миршаб, анави товук гўштини гумдон қилиб кетди! – деган товуш ва тўстўпалон поезднинг қолсанг-қолавер, қолсанг-қолавер” дегандай чинқириғи билан аралаш-куралаш бўлиб кетди.

Поезд шаҳардан анчагина олислаган чоғда Фарруҳ яна вагон тепасида осмонда ҳали ҳам сузиб юрган ўша булатлару, эркин-эркин учайдиган қупларни томоша қилиб ётарди. У онда-сонда ипини чап қўлининг билакларига ўраб, бойлаб олган кир-чир халтасини ўнг қўлининг панжалари билан ушлаб-ушлаб ҳам қўярди.

Фарруҳ бу поезд қаёққа бораётганини билмас эди. У энди ўзидан жудаям олисда, ҳозиргина емиш ўмарид келган бекатдан беш-үн бекат ортда қолиб кетган Димканинг айтган “нон сероб” жойларига кетаётган эди. Димка унга “Мени ушлаб олишди. Сен уларни қўлларига тушмагин, хўпми? Алдовларигаям унама, билдинг. Тошкентда бўлмаса... Тошкентда бўлмасами, майли, поезд йўли тугаган ерда учрашамиз. Мен барибир буларни қўлидан қочиб кетаман”, деган. У албаттга қизил ёқалилар қўлида туролмайди, қочади. Мени топади Мени топасан-а, Димка?

Фарруҳ томдан тушиб, бирон бир вагонда бир озгина ўралашиб қолганини ҳисобга олмаганда бир жойда турмас эди. Олма тераётган қув күзлари сингари у жойдан бу жойга күчиб турарди. Бирон бир вагон назоратчисининг қўлига тушсанг ҳам поезддан ажраб, келаси бекатда тушириб қолдиради. У кўпроқ юк-пук қўйиладиган учинчи ўриндиқнинг ул-бул қўйилган кўримсизгина ерларидан жой эгаллаб оларди. Ҳозир ҳам яримта булочкаю, нақ битта пишган товуқ гушти билан бир-икки кун бемалол дам олиб, кўз юмиб ухлаб кетса бўлади. Фақатгина ҳушёр бўлса бўлгани. Тафтишчию, бирон бир ҳарбийми ёки қизил ёқалилардан чиқиб, текшириб қолса борми, қўлларида паттаси йўқларни "паттаси"ни қўлига тутқазганларича истаган бекатларида тушириб юборадилар. Болаларни эса битта-иккита қизил ёқалиларга кўшишиб, етимхоналарга жўнатиб юборадилар.

У етимхонага тушиб қолишдан ўлгудай қўрқса ҳам Димка билан ана шу етимхонада учрашиб, дўст бўлиб қолган эди. Унда Фарруҳ анчагина ўрис тилида гапиришни билиб олган эди. Энди-чи? Энди Фарруҳ ўша қизил ёқалилар ушлаб, олиб қолган Димка билан юриб, ўрис бўлиб кетди.

Фарруҳ етимхонада қолишни, яшашни истамаса ҳам шу етимхонада қолиб яшашга барибир мажбур эди.

...Етимни тақдирни етимхонада бўлмай қаерда ҳам бўларди.

– Сенга нима бўлди, болам? – юз-кўзлари тирналиб, моматалоқ бўлиб кетган болага кўзи тушган тарбиячининг "директорга нима дейман?" дейишидан кўра қаҳатчиликда озгина маошидан ҳам эйрилиб қолишидан ҳадиксираб, эсхонаси чиқиб кетдик, турган урнида қотиб қолди.

– Нима туриш, Василина, – аксига олиб шу пайт пайдо бўлиб қолган директорнинг кўзи ҳам Фарруҳга

тушиб, “Болани олиб юр-чи”, деганича үз хонасига бошлаб кирди.

– Мени ҳеч нарсадан хабарим йўқ, Нина Васильевна. – Ишдаям ҳозир пайдо бўлдим. Кечаси билан болам иситма қилиб, ўн дақиқа ишдан кеч қолдим, холос, – деди тарбиячи Фарруҳнинг кўзларида қотиб қолган қонларни ёнидан чиқарган рўмолчасига тупути билан артаркан. – Буни ҳозир навбатчидан сўрайман.

– Бор, навбатчини топиб кел-чи.

– Бунга нима бўлди? – сўради Нина Васильевна навбатчига кўзи тушиши билан.

– Ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Мана энди куриб турибман, – деди у ҳам елкаларини қисганича.

– Бу биттасимас, бир нечтаси шунаقا бўляпти. Топ, топ, дейман, – директор Фарруҳга қаради. – Сени ким шу аҳволга солди, болам?

Фарруҳ индамади.

– Кўрқяпсанми, мени уради яна ўшалар деб, – директор ўрнидан туриб унинг ёнита келди. – Йўқ, уларни топиб жазолаш керак. Сен бари гапни айтиб бер.

Лекин Фарруҳ, агар бор гапни айтса баттарроқ жазоланишини билгани учун индамай тураверди. Улар қанчалик ялинишмасин ҳеч нарса айтмади.

– Бу аҳволда касалхонага ётқизиб бўлмайди, – деди директор жойига келиб ўтиаркан. – Биронтаси калтак еб, шу аҳволга тушганини билишса тўстўпалон бўлиб кетади. Ўтирган стулларимиз ҳам қимиirlаб қолиши турган гап. Мен ўзим ҳамширага айтиб, дори-дармон қўйдирарман. Чиқавер, ишингга. Аммо сенда катта айб бор, билдингми? Уларни топмасак яна бошқаларниям шу аҳволга солишлари турган гап.

Юзларига “зелёнка” кўйилган Фарруҳнинг ёнига ўшанда Димка келиб қолиб сўради:

– Яна ўшаларми?

Фарруҳ бошини истамайгина қимиirlатиб кўйди. Унинг икки кўзи ёшга тўла эди.

– Биласанми, Фрух, – деди Димка уни Фарруҳ деёлмай “Фрух” деганича. – Уни ўлдириб қўйсам майлими, нима дейсан?

Фарруҳ “йўқ” дегандай бошини чайқади.

– Йўқ, мен уни ҳеч бўлмаса биласанми, нима қилишмни? – муштумини сиқиб қўйди Димка. – Сени қанақа қилиб савалаган бўлса худди ўшанақа қилиб савалайман.

– Анави Федя тарбиячи сениям тунда келиб дўппослаб кетади-да, – ички хўрлиги келиб “ҳиқичоқ” тутганича деди Фарруҳ паст товуш билан. Улар кўпчилик, биз эса..

– Қочиб кетамиз, Фрух. Бу ердан иккаламиз қочиб кетамиз, билдингми, Фрух. Улар барибир иккимизни дўппослайверишиди. Истасанг битта-яримтасини, ўша Федясини ўзини ўлдириб қочамизми-а? Нима дединг?

– Билмадим, – деди Фарруҳнинг ҳам қалбида алам ўти бир оз алангаланиб, – Федяни ростдан ҳам ўлдира оласанми? Унга кучинг етармикан?

Димка бир зум жим қолди. У ана шу Федя бошлиқ болалар уйининг зўравонларини бу ерга ўша қизил ёқалилар тутиб келиб, топширган кундан уч кун ўтибоқ “Болалар уйининг қасами”ни қандай қилиб ичиришганини кўз олдига келтирди...

– Келган кунингга энди уч кун бўлдию, осмондан ҳам юқорига кўтарилган мўрингни туйнугини янаям баландлатиб юрасан-а, бола. Ўзи нима гап? – деб сўради ярим тунда уйғотиб, тарбиячининг хонасига олиб киришган Стёп деган сўқир бола, ёнидаги шерикларига қараб қўйиб.

– Мен сенларга нима қилдим, бурним кўтарилиб? – сўради Димка ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ “дўқ-пўписа” бошлаган ёнидаги уч-тўрттасига писандсиз қараганича.

– Сен бизни назар-писанд ҳам қилмай яна сўрайсан-а? – «итвачча» деб сўкингган бир метрга аранг ета-

диган Стёпка қараб. – Бақадай бўйинг бор экану, яна ўпкангни кўтаришингни қара. Мен сенларга нима қилибманмий!

– Этилиб, бизга бундан кейин салом бериб юрасан, хўпми?

– Бермасам-чи?

– Салом бермасанг... – у ёнидагиларга ишора қилган эди иккитаси у қулидан, иккитаси бу қўлидан ушлашиб, яна бири бўйнидан пастга эгишдию, бири тиззаси билан унинг орқасига тепди. – Ҳуп дегунингча тепавераман, маъқулми?

Димка жавоб бермади. Баданини бир оз бўшатиб, шалвиради. Унинг бу ҳолатини кўрган зўравонлар бир-бирларига “Таъзирини еди анча, шунисиям етар” дегандай қўлларини бўшатиши билан ўзларининг бошкўзию, орқаларига устма-уст тепки еганларича аўдарилиб тушишди. Ҳеч нима кўрмагандай ўз ўрнига келиб ётган Димка ўша кундан кейин болалар уйининг зўравонларидан бошқаларга қараганда эркинроқ юра бошлиди. Уларнинг Димкадан ҳайиқишилари ҳам аслида шундан эди...

– Сенга улар қандай айб кўйиб, савалашди? – деб сўради Димка ундан.

– Анави Федяси бору, янги тарбиячи?

– Ҳа, суллоҳми? – сўради Димка.

– Нега суллоҳлайсан? – ҳайрон бўлиб сўради Фарруҳ.

– Бўйдан бору, ақлдан йўқ, – деб кўйди Димка. Кейин: – Нима деб айб кўйиб уришди? – деб сўради.

– Фрицни боласи, деб дўппослашди.

– Ростдан немисмисан? – сўради Димка.

– Кимлигимни билмайман, – деди Фарруҳ. – Ўрисчани кейин ўргандим. Немисчани билардим.

– Ўзи қаердан келгансан? – ҳайрон бўлиб сўради Димка.

Фарруҳ елкасини қисган эди Димка унга:

– Фашистларда унаقا Фарруҳ дедингми, Фрухми? – деб сўради.

– Фарруҳ, – деди Фарруҳ ўз исмини түри айтиб.  
– Тилим бормасакан. Фрид мен учун кулай, айтоламан. Ўша фирцларидаим, немисларидаим бунақа от йўқ. Йўқ, йўқ эшитмаганман. Энди фрицчани қаерда ўргана қолувдинг? Қаерда туғилгансан? Айт-чи, шундан билволса бўлади.

Фарруҳ елкасини қисди.

– Отангни отини биласанми?  
– Эсимда йўқ. Аммо отаммиди, кимиidi “исмингни унутма, ўғлим” дегани ҳозир ҳам эсимда.

– Кўзи қанақайди? – яна сўради Димка.  
– Кўзими? Кўзи... – ҳеч ким ундан шу кунгача отанг-ни кўзи қанақайди, «кукми ё қорамиди» деб сўрамагани учун бир зум яна кўпинча ўша хаёлида эс-элас қолган меҳрибон одамни эслашга уриниб кўрдию, бирдан: жудди меникига ўжшаш қора эди. Ҳа, ҳа, қора эди. Мени кўзларим ҳам қора-а? Немисларники қанақа бўлади, кўзлари? – деб сўради у Димкадан.

– Э, қўявер, сен фриц ҳам, немис ҳам эмас экансан, – деди ишонч билан яна Фарруҳни ишонтириш учун.

– Фрици киму, немиси ким? – сўради Фарруҳ ҳеч нимага тушунмайгина. – Улар кимлар? Э... сен ўзинг кимсан? – деб сўради кейин.

– Мен Димкаман. Анави фрици билан немиси бир-бирларига қариндош бўлсалар керак, эҳтимол.

– Димка дедингми? – сўради Фарруҳ ундан. – Димка, сен фриц билан немисни кўрганмисан? Улар анави мени уришганларга ўхшамайдими, ишқилиб.

– Билмадим, ўхшамаса керак. Мен ҳам ростини айтсам, иккалалариниям кўрганмасман, Фрид. – Димка ёшига нисбатан узун буйини оёғининг учиди турганича тепага чўзаркан. – Мен сени ҳимоя қиласман, билдингми? Мана, бўйимниям кўряпсан, салкам икки метрча келади-а?

– Билмадим.. балки келар, Димка. Дуст бўлайлик, десанг, дўст бўлиб қўя қоламиз. Ўзи мени ҳеч ҳам сенга ўхшаган бирон бир дўстим йўқ эди.

– Кўлингни бер, Фрид. – Димка Фарруҳнинг ўнг қўлини олди. – Дуст бўлганимиз шу энди, бугундан. Бўптими?

– Бупти, Димка.

Ўша-ўша иккаласи доимо бирга юрадиган бўлиб қолди. Фарруҳнинг тарбиячига “Анави Димка билан ётадиган жойимни ёнма-ён қилиб қўйинг”, деганига кўнганда яна ҳам яхши бўлардию, кўнмади да.

Димка анча-мунча зўравонлардан ўзинигина эмас, бошқаларни ҳам ҳимоя қилганини кўрган етимхонадаги айрим болалар Димканинг ҳурматини жойига қўядиган бўлиб қолишиди. Димка турган ва ўтирган жойда Фарруҳ бўлгани учун энди битта-иккита болалар унинг ҳам оғзига қараб турадиган бўлиб қолди.

Етимхонага янги тарбиячи бўлиб келган ўша Федянинг отасини немислар унинг кўз ўнгидаги роса савалашиб бўлганидан кейин шерикларини қаерга яши-ринганини айтиб бермагани учун отиб кетишиди. Шунинг учун Федя фашист сўзиними ёки немисча сўзлашаётган одамними кўриб қолса муштлари ўз-ўзидан туғилиб, кучи етсаю ўша одамни ўзи ҳам ўлгудай савалагиси келиб кетарди. Шунинг учунми баъзида ногоҳ-ногоҳ немисча сўз ишлатиб юборадиган Фарруҳни биринчи кўришдаёқ ёмон кўриб қолган эди.

Ана шу Федя пайт пойлаб уни Стёпага тайинлаб аввал Фарруҳни, кейин эса унинг ёнини олган Димкани “таъзирини” бериб қўйишдан ўзини тиёлмади.

Димка ҳам Фарруҳ сингари ўз ота-онасини яхши эслай олмас эди. Бошқача қилиб айтганда, “ғирт” етим эди. У ўша ўзи яшаган Фарбий Украинанинг Стирий шаҳридан салгина беридаги Балехова қишлоғини аранг туман ичидагидек эслай оларди.

Тушган бомбадан остин-устун бўлиб кетган қишлоқ аҳолиси аллақачон жуфтакларини ростлаганларича

ўзларини қуюқ ўрмон ичкарисига ургандилар. Ўша түс-тўпалондан қочгаи одамлар ўз яқинлари бўлса уларнинг ярадор-сарадорларию, кўзларига учраб қолган гўдак-судакларни ҳам кўтарибми, судрабми олиб келишган эди.

Ариқ бўйида капалак қувлаётган Димка қиёмат-қойимга ўхшаш түс-тўпалон ичида ҳеч нарсага тушумай кўзлари жовдираганича қанча додламасин, унга бирон бир меҳрибонроқ одам учраб, ўзлари билан бирга тинчроқ жойларга судраб кетмади. Қорни оч гангиган бола юриб-юриб темир йўлbekатига келиб қолган эди. У ростини айтганда, поездларга осилибми ё бировлар ёрдамидами катта бир шаҳарга келиб қолганини барибир яхши эслай олмайди. Кейин уни ўша ўзи айтганидай “қизил ёқали” миршаб “кўлга тушириб” етимхонага олиб келиб ташлаган эди.

– Мен Дмитрий Никитич Шегловман, – дерди ўзини таништирган катта-кичик ҳар бир одамга.

– Сен Дмитрий деб ҳарфларни алмаштириб қўймаяпсанми, бола? – деб сўраган одамга бошини чайқарди-да, “йўқ, йўқ” деб қўярди ўзини ўзи маъкуллаб.

Аммо болалар уйидаги рўйхатга эса “Димитрий” деб ёзиб қўйишганди. Ундан фарқи ўлароқ, Фрид отасининг қайта-қайта айтган “исмингни эслаб қол, ўғлим” деб ота ва бобосининг номларини айтган бўлса-да, Фарруҳ ҳеч ҳам эслай олмади. Негаки, у Димкадан анча ёш эди. У етимхона остонасини ҳатлаганда учёшга тўлаётганмиди, ким билсин уни.

Фарруҳнинг ўзига меҳрибонроқ Димкага бир йўла суюниб қолишининг сабаби ўзидан катта ёшлилар орасига тушиб қолиб, рус тилида гапира олмаслиги-дан кимни нима деётганига тушунмай ўзи тушунадиган тилни ўргангунча унга-мунга аланг-жалант қилиб туриши сабаб бўлди, барибир. У ўша ўзини кўпинчча етаклаб юрувчи одамдан “исмимни айт, исмимни айт-чи, З.. зу.. дегин, ўғлим”, деган гаплар эс-

эс калласида айланса ҳам, барибир, ўша ҳарфлардан бошқа ҳарфларни эслаб айттолмасди. Ўша “ўғлим” деган одамнинг ким эканлигинио, у кейинчалик нима учун қаерда ўз-ўзидан йўқолиб қолганини ҳам эслай олмасди.

– Сен “З.. зуу.. дегин, ўғлим” деган одамни ким эканлигини ҳар куни бир эслаб юргин-да, Фрид. Қачондир ўша одамни исминиям, уни кимлигиниям барибир эслайсан”, дерди Фарруҳга Димка.

Йўқ, Фарруҳ жудаям кўп, кўп бўлгандаям ҳар куни ухлагани кўрпани ичига кираётгандаям, эртабаб уйқудан туратганда эслайверади, эслайверади. Ўша Димка айтгандай, нега энди ўша меҳрибон одамнинг ким эканлигию, ўзининг исмиям, ўша меҳрибон одамнинг исми-да, ахир, эсига келавермас экан?

Бир куни бир марта ўша меҳрибон киши билан поезддами ёки нимададир жудаям узоқ юрганлари хотирасига тушгандай бўлди. Ростдан ҳам жудаям узоқ юришган эди. Нима, кемамиди, жудаям катта сувлар ҳам кўз олдидан ўтди-я, ўшанда. Йўқ, араваяммас, кемаяммас, ўша поезд вагонида жудаям узоқ юришувди, ўша киши билан бирга. У одам ким экан, доим эсига келаверади, келаверади. У Димкадан “Мана шу ҳар доим эсимга тушаверадиган одам ким экан, Димка?” деб сўрамоқчи бўладию, негадир яна фикридан қайтиб қолади.

Йўқ, бир куни Фарруҳ Димка билан ўрмонда маймунжон тераётганда сўраб қолди:

– Димка, сен ота-онангни эслай оласанми-а?

– Кичкина бўлсам ҳам эслайман. Унда бешмидим, олти ёшмидим.

– Мен.. мен, – деди Фарруҳ қўлидаги маймунжонни Димканинг қўлидаги саватчага соларкан, – нега отами эсломайман-а?

– Сен эслайвер, эслайвер. Бир кун барибир кўз олдингдан ўтиб эслайсан.

– Ундами, яқында яна поезддами, кемадами.. йўқ поездда, шекилли, ўша одам билан яна узоқ йўл юрдик. Юравердик, юравердик. Ўша отаммасмикан-а?

– Отанг бўлмасаям бўлади, – деди эслилик қилиб Димка. – Эслайвер, яна эслайвер. Сени отанг урармиди, ҳеч? – сўради кейин.

– Билмадим, – деди Фарруҳ ҳайрон бўлиб.

– Uriб турганда сенга яхши бўларди. Ўша тушингда кўриб турган киши сени урса отанг бўлиб чиқарди. Аммо туш кўравер, – деб сўзини тутатди Димка уни яна ишонтириб...

Фарруҳ гоҳ учинчи полкадаги одамларнинг лашлувлари орасига тиқилганича, гоҳ вагоннинг томида пайдо бўлиб, “пиш-пиш”лаганича манзилини қувиб кетаётган поездга йўлдошлиқ қиласарди.

## VIII

Отаси келганда Мадаминжоннинг қовоқ-тумшуғи осилган эди.

– Сенга нима бўлди Мадамин? – ҳайронликдан елкаси учиб, таажужубда сўради Мадумар ака. – Ўлган бузоқни тилидай дунжинг осилиб қопти, ўғлим.

– ГПУдагилардан биттаси келиб сўраяпти сизни. – Мадаминжон қўлидаги чўмични ўчоқ ёнбошига қўйиб, отасига қаради.

– Келса бизни нима ишимиз, ўғлим? Сўраб-сурештирган бўлса қорни-порнини ўйлаб сўрагандир-да, оббихолам.

Мадаминжон бошини сарак-сарак қилди:

– Улар ош-нонга сўрашмайди. Бирор арини уясини кўзграб келишади.

– Қанақа арини уясини? – ҳайрон бўлиб сўради у. – Бундоқ бир тушунтириброқ гапирсанг-чи, ахир.

– Бораркансиз, эртага эрталаб тўққизларда.

– Уларни уяси қатта ўғлим?

– Темир йўл бекатидан тўғри юрсангиз урис гўристонига бурилиш келади. Ана шу ерда. Ҳамидов дега-

нига учрайсиз. Ўзи ҳар кимга ўрисча гапиргани билан ўзи ўзбек.

– Менгаям ўрисча гапирадими, болам?

– Ўрисча гапиради.

– Ўрисча билмасам-чи?

– Айтасиз-да, ўрисчани билмайман деб. Ўлибди энди сизгаям гапимни ўгириб, ўзбекча қил, деб таржимон чақирса.

Мадумар ака “ҳмм” дедиую, бошқа гапирмади. Эртаси таҳоратини олиб, намоз ўқиб бўлгандан сўнг соатни сўраган эди, тўққиздан ўтаётганини айтишиди. Шошиб-пишиб кийинганича кўчага чиқди. Ўша тайинлаб “ГПУ” деган ерига боргунча ярим соат ўтиб кетди.

– Ну, аксакал, апаздали. Рано надо вставать, панимаешь, – деди ўша Ҳамидов дегани ялпайиб ўтирган стулидан қимиirlаб ҳам қўймай. – Что стаиш, садись.

– Меники ўрисча билмайди, болам. Ўзбекча говариши менга. Сенда ўзбек, – деди Мадумар ака унинг ҳеч бир гапига тушунмай. – Нима дединг, ўзбекчасига айт. Ўзбекчани биласанми ўзи?

– Биламан, – деди ўша ҳамон ялпайиб ўтирган Ҳамидов дегани Мадумар акага “ушланг” деганича кўришгани қўлини узатаркан.

– Нимани ушлайман? – сўради Мадумар ака унинг куруқ турган қўлига ҳайрон қараб қўяркан.

– Кўришиб қўямизми бундоқ?

Мадумар ака елкасини қисдио:

– Ушланг дедингу нимани ушлайман деб ҳайрон бўп турибман-да, ахир, – деди ўзи ҳам унга қўлини узатиб кўришаркан. – Мани чақирган экансан, нима бирон бир мазалироқ палов-малов қилиб бераманми-а? Қимматчилик бўлсаям эплаб-саплаб қилиб бераман, ошингни.

– Менга унақа ошингиз керакмас, – деди Ҳамидов яна қуруқдан қуруқ. – Биз унақа бошқаларга ўшшаб олмаймиз ҳам, емаймиз ҳам, маъқулми, оқсоқол.

– Яхшийкансанлар унда, – деди Мадумар ака унинг сўзларини маъқулларкан. – Бўлмаса бекордан-бекорга чақирибсанда-а, ўғлим. Бирон-бир қозон-позон остирмасанг.

– Сиз билан иккинчи бор гаплашишим-а, оқсоқол?

– Иккинчи марта дейсанми? – унинг совуқ башарасини аввал ҳам кўрганини эслашга ҳаракат қилди.

– Бир борувдинг-а, урушдаги ўғлимни сўраб.

– Ўша ўғлингиз қаерда-а? – сўради Ҳамидов ёнидан чиқарган қаламтарошнинг бигизга ўхшаган учлироқ томонини кўрсаткич бармоғи билан чиқараркан.

– Билмадим.. Мана уруш тугаганигаям кўп бўлди, болам. На ўлигини, на тиригини хабари йўқ. Бирон-бир хабар топдиларингми-а. Ке, болам айта қол. Юрагим тўклилиб, ўлиб-нетиб қоламанми, деган ўй фикрим-хәёлимдан кетмай қолган.

– Мен ўғлингизни сиздан сўрамоқчиман, – деди Ҳамидов чолнинг йиғлаб-сиқтаб тўкилишигаям назар-писанд қилмай. – У уйга хат-пат ёздими?

– Қанақа хат, болам? – Мадумар ака яктаги қўйнидан чиқарган оқ дуррани юз-кўзларига суртиб, ёшлирини артган бўлди. – Ўша-ўша минг тўққиз юз уттиз тўққизинчи йил кетган баравар бир мартами “Мен борман. Насиб этса учрашармиз” деган хат келганича ўлигиниям, тиригиниям хабарим йўқ. Нима у...

– Ўғлингиз немисчани қаерда ўргангандан, отахон? – сўради Ҳамидов.

– Мен биламанми? – соддагина жавоб берди Мадумар ака унга. – Уч-тўрт йил ҳалиги ўқишида ўқиган эди. Кейин немис бўлди-кўйди, ўша тилда мактаб бо-лалариниям ўқитиб.

– Шунақа денг? – таажжуб билан сўради Ҳамидов ўша ялпайиб ўтирганича. – Немис бўлди-кўйди денг? Ҳар эҳтимол, ана шу немис бўлган-кўйган ўғлингизни ёнига немис-пемисидан биронтаси келиб-кетиб юрмасмиди?

– Қанақа битта-яримтаси? – сүради Мадумар ака елкаларини учирив.

– Ким билади уни олдига мамлакатимизга ёт унсур бўлганлар келмасмиди, деб сўрамоқчи ман-да, мен. Уруш тугасаям гоявий урушлар бўлади Душманлар барибир ғаламис. Мен сизни қизил аскар бўлиб, анча йил ички думанлару, босмачилар билан курашганингизни биламан. Ў, ҳалиги Маматпирсиён дўстингиз билан Омон полвон кўрбошини қандай қилиб ЧКга топширганингизни билмайди, дейсизми? Маладес, оқсоқол, маладес. Фақат мана шу Зуҳриддин ўғлингиз сизни ташвишга солиб, қаритворди, шекиллиёв.

Мадумар ака бошини чайқаб Ҳамидовга бир қараб кўйгандан сўнг:

– Мени бошимдан ўтган вөкеаларни сен қаттан биласан, ўғлим? – деб сўради. Кейин эса: – Ўғлим ҳақида ям бирон-бир нарсани биласан-ов, бола, – деб юборди ўз-ўзидан.

Ҳамидов ўнг чираноғини қўйганича суяниб турган столни чертиб қўйди. Ёнидан “Казбек” чиқариб лабига қистиргандан сўнг чўнтагини ковлаштириб, гугурт тополмагач, Мадумар акага юзланди:

– Гугуртингизни олмайсизми, оқсоқол.

– Қанақа гугурт? – ҳайрон бўлиб сўради Ҳамидовга қараб қўяркан.

– “Казбек” туташтирамиз.

– Йўқ, гугурт. Нос керак бўлса оббераман. Гугурт тополмасанг нос чекавермайсанми, болам? – деб сўради.

– Оббо оқсоқол-еј, нос чек, денг. Некультурний бўлиб қоламиз-у, унда.

Мадумар ака Ҳамидовнинг “некультурний бўлиб қоламиз”ига тушунмай, “бу нимасийкин” деб қўйди ичиди. Ҳамидов ташқарига чиқиб анча йўқолиб кетгандан сўнг папирос тутунини бурқситиб қайтиб келиб, ўша стулига яна ялпайиб ўтиаркан, хали ҳам “ғоз”дай тик турган Мадумар акага қараб

– Бу сиз яқинда бош бўлиб, уч-тўрттанглар бир фрицни қабристонга олиб бориб кўмибсизларми-а? – деб сўради.

– Кўмдик, – деди Мадумар ака бамайлихотирлик билан.

– Кимдан сўрадинглар?

– Бир мусофир шу юртда асирикда ўлиб қолувди, обориб кўмиб келдик.

– Обориб кўмиб келдинглар, шундайми?

– Шундай, бир мусофир бева-бечорани ўлиги хорзор бўлмасин деб кўмдик.

– Яна ўзбекча қилиб дахана ковлаб..

– Ие, болам савоб бўладиyo...

– Савобга ишладинглар?.. Савоб деб кўмдинглар, шуми?

Бир оз ичидаги жаҳли чиққан Мадумар ака Ҳамидовнинг охирги саволига жавоб қилмади.

– Нега индамайсиз? – сўради Ҳамидов.

– Индадиму, яна қанақа қилиб индай? – сўради Мадумар ака унинг овдим-довдимга ўхшашиб саволларига ҳайрон бўларкан. – Индайман, болам.

– Яна қанақа қилиб индай дейсизми, оқсоқол? – Ҳамидов ёнидан рўмолча чиқариб бурнини қаттиқ қоқаркан Мадумар акага юзланди: – Сизга қанақа қилиб индашни ўргатиб кўямиз, шекилли, оқсоқол? Фрицни, ҳа, ҳа, ўша немисни ўлиги сассиқ хандақларда қолмайдими? Сизни ишинингиз нима, сиёсатга аралашиб. Ўрлингиз у томонларда иш кўрсатса, сиз бу томонларда иш кўрсатсангиз душманларимизга мадад бериб. Йўқ, мен сизларни бундай тинч кўймайман энди. Ҳой, инсон, келиб-келиб фашистни ўлигини ювиб-тараб, уч-тўрттангиз сиз бошчилитингизда хай-хайлатиб кўмасизми-а? Ўзи сиз кимсиз? Бурнингизга сув киритиб кўямиз, истасак.

Ҳамидов ўрнидан туриб, қўлини орқасига қилганича хонанинг у ёғидан-бу ёғига бориб кела бошлиди.

– Савоб бўлар дебмиз-да, – деди Мадумар ака унинг чўчқадай “зўрт-хўрт” қилиб тобора жаҳли кутарилиб бораётганидан ҳайрон бўлиб: – Уям бир мўминнинг боласидир. Ошхонамизни ёнида емакдан қисилибми, шундоққина қорни пучрайиб ўлиб қолган экан, мусулмончиликни расм-русумини қилиб, обориб қумиб келдик.

– Немис бу фашист дегани, оқсоқол. Кимларни ўлдиришиб, қирвормади. Ишингиз нима, уни ўлиги билан. Уни ўлигини ит ҳам емайди, билдингизми?

– Буни билмадим, – деди Мадумар ака Ҳамидов нинг ўзига яхши тушунмай елкаси учиб-учиб қўяркан.

– Ит ҳам емайди деганинг тўғридир, балки. Ўша ейдиган этини ўзиям йўқ, куруқ қовурғадан ташқари, болам. Анави асир олмонларни қўриқлаб бориб, қўриқлаб келадиган соқчиларни старшийси бору, болам. Оти Миколаймиди, Николаймиди ҳозир тўчнироқ эсимдаям йўқ. Ўшаем билади, ўша олмонни. Беш-үн марта таом ҳам берганман унга.

– Ҳали уни боққанман ҳам денг? – Ҳамидов қўлидаги тугаб ўчиб қолган “Казбек” қолдигини очиқ дे-разадан ташқарига иргитди. – Бу фашистлар билан яна қанақа алоқангиз бор? – деб сўради ўша Ҳамидов жойига ўтириб, қоғозга аллақандай нарсаларни ўзаркан.

– Фашисинг билан нима ишим, – Мадумар ака ошхонасидаги ишлар эсига тушаркан “тушлик бўлаёздиёв, Мадаминни ўзи улгурмайди бир ўзи?” деган ўйда типирчилаб қолди. – Э, болам соатингам бир вақти бўлиб қолгандир, дейман. Анави Мадамин деганим улбулга ўзи улгурмайди. Кетаверайми? Ҳалиги сўроқ-саволинг ҳам тугагандир, тугамаса эрта-перта бор, – деди.

Ҳамидов содда одамнинг саволларидан унчалик қониқмадими ё бирон бир ҳукуматга қарши ҳаракат бўлгудек “айб-сайибми, сиёсатми, уринишми” топмади, шекилли, ўн дақиқача ўйланиб тургандан сўнг:

“Яна керак бўлсангиз чақириб, сўроқ-савол ўтка-зармиз”, – деб жавоб берди.

Мадаминжон отасининг анча ҳаяллаб кетганидан юрагини ҳовучлаб кутаётгани учун отасининг қорасини кўриши билан ҳўрандага узатаётган косани ҳам ўчоқ бошида қолдириб югурди.

– Нима гап, тин'ликми? – сўради дарров отасининг кўлтиридан оларкан.

– Айтганингча боракан ўша “ГПИ” деганинг, – деди нафаси оғзига тиқилганича. – Бор, боравер, ишингга. Мен бирпас нафасимни ростлаб олмасам ўпкам оғзимга келиб қолди, болам. Хўй, ўша “гпи”си қурсин, одам бўлмай. Қаттаги савол-паволини беради-я, одам тушунмайдиган. Фашистни нега кўмдинг, дейдими, нимага ўғлинг немисча гапиради, дейдими? Худо олсин сенларни. Худони ўзиям кўриб тургандир, уларниям.

Ўша Ҳамидов яна Мадумар акани икки-уч марта чақиририб сўроқ-савол ўтказди. Ҳар чақирганда ўша “углинг қатта, фашистга нега овқат бериб боқдинг, немисни нимага мусулмонча қабр ковлаб кўмасан”дан бошқа гап йўқ.

– Ота, ростдан ҳам сизга нима кераги бориди, ўша Ҳансга мусулмонча қабр қазиб кўмишни, – деб жирийрони чиқди Мадаминжоннинг қовоғи уйилиб, бир йўла лаб-лунжи осилиб тушди.

– Сен етмай турувдинг энди, анави қолиб. Майитни қанақа қилиб кўмиши билан бандаларини нима иши бор экан, Аллоҳ тургандга. Ўша гпуниям, хонасолот, – деб койиниб кетди.

Лекин анави ўша “ГПУ”даги Ҳамидов дегани Мадумар акани ёши катта, нима бўлсаям беш-олтита куйлак-пуйлакни кўп кийган деб ўтирмай “ёлғон гапирадиган бўлсангиз ўзингизнimas, орқангизниям гапиритирвораман” деб бир-икки пуписаям қилди, Худони қаҳрига учрагур. Мадумар aka уни олдидан индамай шумшайиб чиқса ҳам, сениям қанақа еринг

бўлсаям тепада Аллоҳ турибди, ўзи гапиртирворади ҳали”, дейишдан ўзини тиёлмади.

Бир куни ахийри Мадумар aka ўша “ГПУ”га чақирилавергандан тўйиб кетди, шекилли, Мадаминжоннинг “ота, факат паст келинг, уларга биттаям ортиқча гапирманг”, деганигаям кулоқ солмай, жонидан ўтиб кетди, шекилли:

– Ҳой, бола, кўзимга қарагин-а, мен шу ёшиму, Аллоҳни номини бир кеча-кундузда юз марта айтадиган оғзимда сенга ўзимга гуноҳни ошириб ёлғон гапирманми? Отсанг от, чопсанг чоп, ё авахтангга ташлаб, ўлдирсанг ўлдир. Факат мени тинч кўй, “риди-фиidi”нгдан ҳолим қуриб, тўйиб бўлдим, бўлганимча бўлиб. Ўғлим Зухриддин қаерда? Сен биласан, шекилли, топиб берасан. Топмасанг мениям ўлдириб кўя қол, ҳозир айтганимдай қилиб, бўптими! – деди ўша бармогини кўйиб чертаётган столга бошини шундок урганича.

– Что делаешь, сволоч аксакал! Ты меня своим дўкам путаешь, штоли, – ўрнидан туриб кетган ўша Ҳамидов ёрдамга ёрдамчисини чақирди. – Манави сволочни, да, да, его заберите, и посадите на трое суток, – деб бақирди.

Мадумар aka атиги уч кун “меҳмон” бўлган жой шундай даргоҳ здики, у инсоннинг ҳис-туйғусию, фикр-онгию, яна одам тафаккурини ўзидан суғуриб ташлай олмаса ҳам ана шу хислатларни шаклантирувчи мия ва ақд-идрокнинг нозик томирларини чиритишга кўмак берувчи бактерияларни тарқатиш кудратига эга эди. Асабларини зўриқишидан бошини аранг елкасида кўтариб бораётган Мадумар aka уйига келиб роса бир ҳафта ишга чиқа олмади. Уйидагилар эса ана шу ўтган уч кун ичидаги кам деганда бир йилик ғам-ташвишидан бошлари гангиб, бормаган ерларию, сўрамаган одамлари қолмаган эди, Мадумар акани. Мадумар аканинг ўзи эса ўғли Мадаминжоннинг “ГПУ” ҳақидаги гап-сўzlари нақадар тўғрилиги-

ни “жайит” ўтгандағина түшүниб етди, замонни нозик-лигидан “ўйнашмагиң” арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан” деган нақлнинг ўринлигидан истеҳзоли кулим-сираб қўйди ўзидан-ўзи.

– Бутун вужудим зирқирайяпти, болам, – деди Мадаминжонга ишга чиқиб, бир ҳафтадан кейин ҳам. – Улар акангни нималар қилиб ташладийкин, буни Аллоҳгина билади.

– Уришдиямми? – деб сўради Мадаминжон отасидан тортинибгина. .

– Йуқ, уришмади. Анави суроқ-саволи уришганданам баттар қилди, – “бу ёғини сенга айтиб ҳам бўлмайди” деган маънода ўғлига қараб қўйдию, чоририни ит тортгандай оғзини катта очиб ҳоргин эснади.

“Зухриддинни кўрмай ўлиб кетаркан-да энди, ўлик-тиригидан хабар йўғ-у, кутди-кутди, унинг нималар билан бу томонларда шугулланганини сўраб-суриштираверади, булар. Уям анави Ханс раҳматлига ўхшаб пленга тушувдимикин, қизталоқни ўғли. Бу немисини фашист, фриц деб ёмон-ёртилигини айтишаверади, шунаقا ёмонмикан, улар. Бу даюс Зухриддин ўшаларни тилини нимагаям урганувдийкин, Худо билади. Бунақалигини билганимда ўғлимни тилидан немисини тилини кесволовармидим, билмаган эканманда ўшандада. Ҳаммасиям Худонинг бандаси, қилмиш-қидирмиш, деганларидек, ўз жазоси дўзахида ўзи билан, деганича пешин намозини ўқиши учун ичкари ҳужрага юрди.

## IX

– Ричагни босмай орқе лгга бир угирилиб қарагин-а, Николка, итми, бўғчими шундоққина бир нималарни тортқилаб емоқда, шекилли, – деди рўпара-сидаги ҳамроҳига.

– Э, гапингни қара-я, бу томонларда ит нима қилсин, – жавоб қилди ҳамроҳи бепарвогина. – Оч бури

топган ўлжасини ниқтаб-ниқтаб гүштларини бурда-лаёттандир, балки.

– Тұхта, тұхтат савилингни, – деди аёл унга бир оз ўдағайлаган овозда. – Тортқилаёттан нарсаси одамға ўхшайдими? Йүқ, бўрийкан, бизни шарпамиздан қочиб, ўзини панага олди, шекилли. Туш, тушсанг-чи пастга. Юрагинг борми ўзи? – гапираёттан аёлнинг ўзи қор устига иргиганича инграш эшитилиб, шундоққина кўзга ташланиб турган қора устига етиб келди-ю, бақириб юборди:

– Николка, одам экан, бўл тезроқ.

Аёл ўзи Николка деб атаёттан одам билан қор устида гужанак бўлиб типирчилаеттан кишини ўзлари бошқариб келган темир йўл аравачасининг устига арда-ришиб, яна аравачанинг ричагларини қаттиқ босганича йўлларида давом этишаркан:

– Балки олмаганимизда яхши бўлармиди? – деди ҳамроҳига Николка.

– Нега ундей дейсан, Николка? Одамни қутқариб қолдик, ёмонми?

– Ёмонликда ёмонмас-у, аммо қайси бир лагердан қочган калла кесишдан ҳам тоймайдиган пленларни биттасидир, қайдан биламиз, Надя опа.

– Барибир одам фарзандими, Николка...

– Инграшини қара, юракни эзив. Бўри еб кўйишига оз қолибди, ҳамма ёғини қарамайсанми, қон, шекилли.

– Жуда меҳрибонсиз-да, Надя опа. Ҳали комендантларгаям жавоб бериб юрамиз “қаердан топдинглар”-латиб.

– Мен опкетаман, – деди аёл оғриқдан инграёттан кишига қараб қўяркан, худди ўзининг юраги узилиб тушаёттандай жунжикиб. – Барибир ёлризман. Шу у ер-бу ерини бойлаш билан вақтни ўтказаманда, ука. Бундамас гап, ҳамма яхши ишларни савобиям бор.

– Буни олдин касалхонага олиб борамизми?

– Йўқ, олдин курайлик-чи. Ҳамиширалиқдан анчайин хабарим бор. Бури юз-кузларини юмдалаб юборибдию.. ие, Николка, бунинг оғзидан буриқсиб ароқ ҳиди келяпти-я. Маст-аласт бўлиб йўлидан адашиб йиқилиб қолган чиқади. Э, майли, уйимизга яқинлаш, ерга ташлайсан.

– Бу маст-ку, ахир. Бирон бир иш кўрсатмасмикан?

– Ўлибти энди халоскориниям... – аёл сўзини давом эттирмай жим бўлиб қолди. Кейин икки қўллаб босиб келаётган ричагни кўйиб юбориб, чўкка тушиб ўтирди-да, ҳали ҳам инграётган кишига гап қотди. – Ҳой, сал-пал эс-ҳушинг ўзингга келдими, инсон?

– Йй.. ўў-ққ, – деди ўша инграшда у, – ййўў-ққ, ён.. япман, у.. ўл-липп... – деёлди холос.

Аёл эса серрайиб туриб қолди.

– Сизга нима бўлди, Надя опа? – сўради Николка дегани.

– Ҳеч нарса... ҳеч нарса, – деди аёл унинг оғзидан чиққан анави Николка тушунолмаган тилни эшитиб.

– Ўнн.. йилдан бери, – деди ўзига ўзи. – Сен қаердан келиб қолдинг.

Надя опа бўри ғажий бошлаган кишини Николка ёрдамида аравадан тушириб, елкалаб ўзи яшаётган уйга олиб киаркан, негадир юраги дупирлаб урар, ҳансирар, нимадандир шошиб, унинг овозини яна эшигиси келарди.

– Сен гапирма, – деди аёл унинг ҳали алжираётган ўша ғалати тилида. – Қўзғалмай дам ол. Ўзингга куч тўпла. Мен ҳозир, ҳозир.

Бўри ғажиётган одам Надя опанинг иссиққина уйда икки суткадан сўнггина бир оз ўзига келиб кўзини очди. Унинг кўллари чайналган, юз-кузлари тирналган, чап сонида ўша бўрининг ўткир тирноқ излари ўйиб кириб, гўшти тортқиланган эди.

У Надя опага нурсизгина қараб қўйди.

– Яхшимисиз? – деди Надя опанинг кўзларида ёш йилтиллаб.

– Ҳа, – деди у қаердалигига ҳайрон бўлиб. Аммо бирдан қулоғига эшитилган сўз ўзбекча эканлигига энди ақли етиб, таажӯжубдан умганини олдинга кўтарганича кўзларидан ёш чиқиб сўради:

– Сиз кимсиз?

– Кейин.. кейин, – деди аёл уни тинчтиб. – Бир қошиққина суюқлик тамадди қилинг-а, кейин гаплашамиз. Ҳаммаси кейин, ўзингизни уйингиздай.

Иш қўноқ бош иргаб:

– Эмма қани? – деб сўради кўзлари жовдираб таажҷуб билан.

– Ҳаммаси кейин дедим-ку. Мана, манавини бир хўпланг-а, баданларингиз исиб, ўзингизни равшанроқ сезасиз.

У “хўп” дегандай қилиб бошини лиқиллатиб қўяркан, нотаниш аёл оғзига олиб келган қошиқдаги суюқни хўплаб ичди.

– Янами?

У бошини қимиirlатди.

Ярим косача суюқ таомни ичиб, бир оз яна ҳам ўзига келиб, ишончли ерда эканлигига ақли етди, шекилли, жилмайиб, қошлари керилиди.

– Эмма қани? – деб сўради яна у негадир.

Аёл бошини қимиirlатиб:

– Мен сиз сўраётган Эммани танимайман, – деб жавоб қилди.

– Мен қаердаман? – деди секингина кейин.

– Меникидасиз.

– Сиз кимсиз, танимаяпман.

– Мен.. мени барибир танимайсиз, – деди аёл унга.

– Мен Нодира опангизман энди.

– Мени бўри еб кетди деб ўйловдим, – бошини қимиirlатиб олди у. – Бўрига дуч келганимни эс-эс эсладим. У мени ғажиб ташлаган бўлиши керак эди. Қандай тирик қолдим-а, опа.

Нодира опа елкасини қисганича кулимсиради.

– Олишувларингизни устига биз келиб қолмагани-  
миз-да, – деб бошқа гапиргиси келмади Нодира опа-  
нинг. – Қўйинг, энди ўша ёмон нарса ўтди-кетди. Эс-  
лашгаям арзимайди. Эслаб нима қиласардик, ука. Аммо  
“қаердан келаётган зингиз?” деб сўрамоқчи бўлган  
фикаридан қайтиб гапида давом этди. – Сизни менга  
йўлиқтиргани Аллоҳнинг муруввати бўлди, мен учун  
яна.

– Биз.. йўйқ, мен лагерга қайтаётган эдим. Ҳали  
мени улар..

Нодира опанинг чиройли кўзлари унга қадалди.

– Сиз анави биздан анча ортда қолган пленлар ла-  
гериданмисиз-а? Нима, қочувдингизми? – деб сўра-  
ди бир оз кўркув тушган Нодира опа.

Зуҳриддин исмини айтиб, бошини чайқади:

– Ҳалиги комендантиклидан лагерга келаётуб..

Миясига “дук” этиб урилган хаёлдан сўнг:

– Маст-аласт қилиб, ўзингизни ёлғиз жўнатган бўлса,  
– бошини чайқаб қўйди Нодира опа. – Булар жуда  
ёмон. Нечталарини бўриларга ғажитиб, қочиб кетаё-  
тиб йўлда ўлиб кетишди деб, “Дело”сини ёпиб қўйи-  
шади. Сиз комендантини айтганини қилмовдингизми?  
– деб сўради кейин.

Зуҳриддин бошини қимиirlатиб қўйди, – ҳозир биз  
турган ер Ставкардан қанча-а? – деб сўради.

– Жудаям узоқ, – деди Нодира опа унга чой узатаё-  
тиб. – Сиз ҳозир Печора дарёси бўйидаги Печора ша-  
ҳарчасида турибсиз, ука, – деди унга. Анна, Анна дей-  
сиз, Эммангиз ким-а?

– Эмма дедимми? – сўради Зуҳриддин ялт этиб унга  
қаараркан.

Нодира опа “ҳа” дегандай қилиб бошини пастга бо-  
сиб қўйди.

– Буни тарихи узоқ, – деди Зуҳриддин кўз олдига  
худди ҳозир Нодира опа чиройли қилиб кулиб қўйган-  
дай ҳар доим жилмайиб турадиган Эммани эсларкан.  
– Э, бунгаям кўп йиллар бўлди, опажон. Эсламай, ўйла-

май дейман доим. Юрагимданам, кўз ўнгимданам ҳаётимнинг ўтган лаҳзаларини бутунлай сидирворгим келади, ҳамма-ҳаммасини. Лекин... лекин битта нарсага келиб “нима қилсан экан-а” деб ўйланиб туриб қоламан. Нимага денг, опажон? Ўша ўнгимдаям, тушимдаям, хаёлимдаям, яна Эмма дейишимишнинг сабаби мендан ҳам бу дунёда бирон бир зурриёд қолаётганидан яна ўзимни бошқачароқ, ўлиб кетсан ҳам худди яна бормандек ҳис қилишим сабабли ундан, ўша немис аёли Эммадан миннатдорлигимни ҳис қилиб турман, билдингизми? – Зухриддин оғир бир хўрсиндию, ич-ичидан чиқиб келаётган түфёнларига дош беролмай бутун борлигини тўкиб солди.

– Бир пиёлагина чой ичволасизми? – деб сўради Нодира опа унинг тўкилган ҳасратларини ақли билан ҳам йиғиштира олмай берилиб тингларкан.

Зухриддин “раҳмат” дегандай бошини чайқаб қўйиб яна давом этди:

– Ўша, кейин яна учрашиб, бир-биrimiz билан мусоғир юртларда ҳасратлашиб юрган дўстим Қосимжон мен билан барибир бу томонларга қайтмади. Чамамда Австриями, Австралиями ўша томонларга кетди, шекилли. Мен эса.. – бирдан у йиғлаб юборди. – Германияни ўзида бир ёш бўлган қизим билан Эммани қолдирганимча.. – у намланган кирикларини бармоқлари билан артиб қўйди. – Уч ёшга энди тўлган ўғлимни олиб ўз она юртим деган СССРга, уни Ленинград деган шаҳрига тўс-тўполону, ур-йиқит тиқилинчда аранг олиб келдиму... – кўзлари қоронгилашганидан ҳиқиҷоқ тутгандай энтикли. – Мени ушлаб қамаб қўйишиди. Биласизми, икки йил “ночной” деган зулматида ўтиришни сўз билангина айтиш мумкин, холос. Ҳар кунги сўроқ-саволу, дўқ-пўписаларга қандай чидаб, соғ қолдимикин, деган ўй ҳали ҳам бошимда айланиб юради. Бу томонларда кўрганим уларни олдиди ҳеч гап эмас. Биз бир бечора асир кафандолар бўлсагу, яна улар биздан таъмадор бўлиб юришади,

комендантидан тортиб соқчисигача. Шуя� инсофданми, шуям инсонларми, дейсиз уларни. “Ночной”ида икки йил ўтириб чиққанимдан кейин “сотқин” деган тамра босдилар-да, ўн йилга кесиб юборгандан сүнг ризқим сочилган шу ерлардаман.

– Ўзингиз қаерда қолди?

– Ўғлимми?! – худди ҳозир ўғлини йўқотиб қўйгандай кўзлари косасидан чиқиб кетгундай бақрайиб Нодира опага ўгирилди. – Ҳа, уми? – деди чуқур “уф” торттанича. – Ўғлимни қандайдир болалар уйига жойлаштирамиз, деб тортиб олишган. Зўрлигимга иложим йўқлиги учун зорландиму, лекин “хоинни боласи”ни ўzlари тарбияламоқчи бўлишди, шекилли... – Зуҳриддин бошқа гапира олмай жим бўлиб қолди, кейин эса: – Биласизми, опа, барибир менинг қоним кимнингдир томирида оқяптику-а?! У, қизим немис онаси билан қолган бўлсаям, ўғлимга қайси тилни ўргатишган бўлсаям барибир уларда менинг қоним йўқ, дейсизми. Йўқ, ҳар иккисида менинг қоним оқиб турганидан манави тугаб бўлган қалбимнию, тўкилиб бўлган кўнглимни ана шу ишончлар билан тўлдирив турман, опа. Биласизми, Анна қизимгаям мени, менинг, – Зуҳриддиннинг ёш кўзлари учқунланиб порлагандек бўлиб кетди, – исми шарифимни берган эди.

– Гап-сўз билан бўлиб овқатга ҳам уринолмадим, – деди Нодира опа ўрнидан аста тураркан. – Юз эллик граммча колбасам бор.. шуни тушлик қиламизми-а? – деб сўради.

“Ўзингиз биласиз” дегандай елкасини учириб қўйди.

– Опа, сиз... сиз бу томонларга... – деди Зуҳриддин эртаси куни Нодира опа билан чой ичиб ўтирганда яна.

– Айтасамам бўлардию.. – деб истар-истамас чайналди Нодира опа бир оз хижолатомуз тарзда ерга қараб. – Қисмат шу экан, кўз кўярпти ҳаммасини.

...Бунгаям кўп йиллар бўлди. Унда жудаям келишган, жудаям дилбар дегудек ҳусни-жамолим бор эди,

шекилли. Энди эса, мана күрятпиз, ёш-яланглар Надя хола, дейишади. Ростдан ҳам хола бўлиб қолдим.

Бошимга шу қисмат тушганда ўн саккизга яқинлашган эдим, чамамда. Биласиз, Бухорога ўрислар бошқа ердагига қараганда эртароқ келишган. Шаҳримиздаги пахта заводи инженерининг келишган девқомат ўғли бўларди..

Ўша одамни... ўша ўрис кишининг ўша келишган ўғли билан бирга ўсдик, бирга бир мактабда ўқидик. Мактабни битирмасданоқ бир-биримизни севиб қолдик, бунинг устига. Уни кўролмасам туролмайдиган бўлиб қолган эдим. У ҳам ҳар куни уйимга сўроқлаб келаверарди. Ота-онам бирга ўқиб, бирга улғаяётганимиз учун бизларнинг севгимизга чамамда эътибор билан қарашмади. Ўшанга бўлса керак биз ҳар куни бир неча марта висоллашардик, ўрис бола иккимиз. Лекин... – Надя опа бир оз хомуш тортиб ҳикоясини келган жойидан улаб, сўзида давом этди. – Бухоро ўзингиз биласиз, ислом марказининг қоқ ўртаси. Ишқ ўтида ёниб турсам ҳам ота-онам барибир ўрис болага турмушга чиқишимга ҳеч қачон розилик бермаслигини билардим.

Надя опа кўзига ёш олганича ташқарига чиқиб кетди. Анчадан кейин қайтиб кириб, Зухриддиннинг сёёқ томонига келиб ўтирди. Зухриддин ундан бир оғиз бирор калима сўз олишга ожизлиги учунми мум тишлилаб ўтиради.

– Буни устига девқомат, жаҳлари бурни устида турадиган учта намозхон акам ҳам бор эди, – деб давом этди ҳикоясини Надя опа ҳали ҳам қошу-кўзларида ўша ҳусни-жамолидан қолган жозибалар барқ уриб тураркан. – Ўшандада севги мени мана шундай авахталарга итариб ташладими, ўрис бола билан қочиб кетишга қарор қилдик.

Мен акаларимни оптимиздан қаёққа борсам ҳам қувиб, излаб келишини, бизни учратгандаёқ ҳар иккимизни каллаларимизни олиб ташлашларини аниқ

билардим. Шунинг учун Миша билан, ҳа, ўша мен севганийнг исми, ўша мени ўзи билан олиб қочиб, дарбадар бўлган эримнинг исми Миша, ўзингиз биласиз ёшлигига Мишка, Миша, катта бўлганда Михаил деб чақирилади русларда. У ҳам динимизнинг расм-русларини билгани учун мана шундай ит топмас жойларга бошлаб келди.

Анчагина бирга турмуш кечирсак ҳам яна қисматимизда шу бораканми, бола кўрмадик. Фарзанд ҳаёт давомийлиги эмасми, Мишадан кўра мен кўпроқ шу масалада ўйга толардим. Йўқ, у менга фарзандимиз бор-йўқлиги ҳақида ҳеч гап айлантирмас эди. Ўшанда акаларимни каттаси урушдайди. Бир куни уйга келсам... Ҳа, айтгандай, Миша темир йўл хизматчиси эди. Мен ошхонада ишлардим.

Ўшанда ёз эди. Бу томонларнинг ёзи пашшасини ҳисобга олмаганда жудаям чиройли, одам бир тўйиб-тўйиб нафас олгулик ғалати ёз бўлади-да, бундоқ ҳар томонини олиб айтадиган бўлсак. Мана, лагерда... – дедиую Зухриддинга кўзи тушиб бошини айлантирганича негадир тишлари билан лабини чеккасини эзилиди. – Ўша кунларни бирида уйга катта акам кириб келди. Мен ростдан ҳам ўз кузларимга ишонмас эдим, биласизми? Урушдан қачон қайтгану, қандай қилиб бизни топиб келган? Ҳали айтганимдай бу ит топмас ерлардан бизни қидириб топиши етти ухлаб тушга кирмайдиган нарса-ку, ахир.

Эсанкираб қолганимга қарамай, акам мен билан қучоқлашиб кўришаркан, кўзларига ёш ҳам олди. Ҳол аҳвол сўраган ҳам бўлди. Ҳовучини юзига тортиб дуо қиларкан, “анави ўрисинг кўринмайди?” деб сўради. Акамнинг оғзидан шу гап чиқар-чиқмас Миша ҳам ишдан келиб қолди. Акамга тузукроқ дастурхон ёзиш учун Миша дўконга чиқиб келмоқчи эди. “Сен акам билан гаплашиб ўтириб тур, ўзим чиқиб келаман” деганимча ул-бул соладиган халтани олиб кўчага чиқдим.

Анча ҳаялладим, шекилли... ё менга шундай туюлдими уйга киришдан олдин “акам билан бу Миша қандай гаплашиб ўтирибдийкин?” деган ўй келиб, аста деразадан мўраладим. Мўраладиму... қай кўз билан кўрайки Мишани... ҳа, Мишани танаси бир жойдаю, боши эса оёғи остида думалаб ётибди. Назаримда уй ичи Мишанинг қонига тўлиб кетгандай эди.

Ҳали ҳам ҳеч нарсани эслолмайман, йўқ эслолмайман. Қандай қилиб ўрмонга кириб кетганимни, кейин эса яна қайтиб келиб... Йўқ, йуқ, бундан ортиқ фожиа бўлмаса керак, назаримда. Акам мени ҳам сўйиб кетмоқчи экан, шекилли, лекин Худо мени унинг қулидан қочириб ўрмон томонга киргизиб юборган, дейман ҳали ҳам.

Зуҳриддин Надя опанинг дард-аламга тўла ҳасратию, инсон фожиасининг андуҳларини кўтара сладиган қудратли мавжудот яна фақат инсон эканлигига, ўзи ҳам ана шу қисмат орқали тортган ва тортаётган жабру-зулмларнинг қули бўла туриб, ҳали ҳам бу фоний дунёда кўзлари жовдираб турганига ишонгиси ҳам келмай қараб турарди.

У Надя опага негадир далда бергиси келдию, қандай бир ширин сўз айтиш учун ана шу сўзни тополмай қийналаётгани учун ҳам ҳаммасини мана шу очиқ турган икки кўзи кўриб туришига қарамай, тили ва дили қақшаганидан қалтиради.

– Мен сизни анча қийнаб қўйдим, шекилли, ўз дардларимни тўкиб соганимча, – деди маъюс бир оҳангда Надя опа. – Биласизми, ҳатто ўша ота-онам қўйган Нодиралигимниям унитиб кўйганман. Надя исми қулоғимга муздай қадалсаям нима қилай. Тўғри, сиз билан мени қисматимиз бошқа-бошқаю, лекин ўзингга ўлим тилаганинг билан ўлимиям дарров “мана мен” деб кела қолмас экан.

Надя опанинг сўзларини “ҳа” деб маъқулмаган Зуҳриддиннинг эсига комендантницидан чиқиб келаётib бўри билан олишгани эсига тушиб, негадир ҳозир юра-

ги орқасига тортиб кетди. У ўзича мулоҳаза қилиб, комендант уни фақат ўша олтин пистончаларни алдаб, тортиб олгани чақиргани эсига тушди. “Олтин пистончаларни қолганини берганимда нима қиласадийкин?” деган ўйни калласидан қувиб, “энди нима қиламан?” дедио, ялт этиб Надя опага қаради.

– Сизнинг хужжатингиз йўқ, ҳеч қаёқца кетолмайсиз, – деди Надя опа унинг қалбини ўяётган дил оғриқларини бир бошдан эшишиб бўлиб. – Бу замонда одам гапирмайди, қоғоз гапиради, ука. Одамга ишонишмайди-я. Улар учун сизни аллақачон бўриларражиб ташлаган. Беш-олти кунми, кўпроқми, танишибилишларимни ишга солиб зонага қайтаргунимча меникида яшаб турасиз. Ундан ортиқ бўлсаям уй сизники. Анча-мунча танишлар ортириб қўйганман, ўзимга яраша.

“Сизни менга Худо етказди, опа” деган маънода Надя опага илинжли қўзлари билан миннатдорчилик билдирган Зухриддин бошини қимиirlатиб қўйди.

## X

Поезд жуда ҳам кўп йўл юрди. Фарруҳ гоҳ вагон устида, гоҳ вагон назоратчиларининг қўзларини шамгалат қилишга улгуриб, вагон ичида беташвишроқ ухлаб келарди. Дунё дегани жудаям кенгу, унинг охири йўқдек поезд “пуб-пуб”лаб келарди, ҳамон. У поезд ҳар бир тўхтаган бекатда поезд йўлининг охирини қидириб келарди. Лекин қанча кўп, қанча узоқ юрмасин, бу темир йўлларининг охири кўримас эди.

Бир пайтлар Фарруҳ ёмғир ёғишини жудаям яхши кўрарди. Ўша биринчи бор тушган болалар уйидаги тарбиячи опаси ёмғир ёқдан куннинг эртаси албатта ўрмонга қўзиқорин тергани олиб чиқарди. Эҳ-ҳе, бодроқ-бодроқ бўлиб чиқсан қўзиқоринларнинг устидаги ёмғир томчилари қуёш нурида ялтилаб кўринарди. Қўлларидаги саватларга қўзиқорин тўлдириб-

тұлдирмасларидан осмонда қора булатлар пайдо бўларди-да, бирдан яна ёмғир қуйиб қоларди. Болалар билан қий-чувлашиб, ўзларини куюқ арча ёки қарағайлар остига олишарди-да, ёмғир тингунинга қадар саватчадаги қўзиқоринларни майсалар устига тўкишиб, ким кўп қўзиқорин терганлигини суюнчилаш учун санашарди.

Мана, поездда ўша темир йўлларнинг энг охирига бориши учун кетаётган Фарруҳ бир неча маротаба вагон тепасидан ана шу ёғаверган ёмғирдан зерикиб, вагонлар ичига киришга мажбур бўлди. Анави сал нарсага дўқ қилганича аввал ушлаб, кейин қизил ёқали миршабларга топшириб юборадиган назоратчиларни худди ёнларини олаётгандек ёғаётган ёмғирдан гапни рости зерикиб ҳам кетди. Вагонлар томидан тушмай иложи йўқ. Ивиб, шунақаям шалаббо бўляптики, оз бўлмаса союқ ўтадиган бўлса касал бўлиб ётиб қолади. Ана унда ўзига ким қарайди. Докторга тушиб қолгундай бўлса иш яна расво бўлади. Ахир, уни яна болалар уйига топширишиб юборсалар, дўсти Димка тайинлаган охирги темир йўлbekатидаги шаҳарга етолмай қолади-ку.

Фарруҳ ана шундай ёмғир ёғавериб, устини шалаббо бўлганини кўз олдига келтиаркан, қандайдир бир аёл бир вақтлар янги кийимлар кийдирганини эс-эс эслагандай бўлади. Ана шу чорни туш кўраётгандек жудаям рира-шира эслайди. Ўша аёлнинг юзларини ям росмана эслай олмайди. Ҳатто унинг нима деганларини ҳам. Ўша аёл унга ким эди, ҳеч нарса бошқа ёдига келмайди. Ё кўчалардаям шунақа меҳрибон аёллар бормикин, ҳеч нарса билмайди.

Поезд ҳамон “виш-виш”лаб, баъзан-баъзан эса қичқириб борарди.

Охирги темир йўл bekati эса Фарруҳнинг кўзига кўринмас эди. У ҳар бир bekatda “темир йўл тутаган жой қаердайкин?” деган савол билан қуёш тифидан кўзларини пана қилганича кафтини пешонасига

күйиб, сүнг узок-узокларга жовдираб қарагани-қаралан зди.

Йүқ, поездни ҳам борар ниҳояси бор, шекилли, сүнгги бекатда “вишилаб” түхтади. Вагон тепасидан шошиб-пишиб сидирилиб тушаётган Фарруұннинг қулогига “Тошкент” деган сўзлар кириб қолди. “Бу... бу Димкаям шунаقا сўз айтувди, шекилли” деган ўй келди унинг миясига.

Фарруұирғиганича ерга тушиб оларкан у-бу томонга “аланг-жаланг” қилиб, кўнглига салгина ёқинқираган одамдан “Тошкентми?” деб сўради.

– Тошкентта келдинг, Тошкент. Нима, ота-онангни ўқотиб кўйдингми? – сўради ўша Фарруұннинг ёқинқираган одами чала-чулга русчалаб. Кейин унга кўзларини тикдию, кийим бошларидан ҳадиксирадими сергакланганича: – Фирт самарискасан, шекилли?! – деди қўлидаги жомадонни маҳкамроқ қисганича ундан узоқлашиш учун тезлаб.

Елкаларини қисиб ҳалиги чўчинқираган кишига қизиқиб қараб қолган Фарруұ аввалига тариқдай сочиб юборилгандай жудаям гавжум бекатда қизил ёқалилардан ҳар ҳолда эҳтиёткорлик билан атрофни айланганича темир йўлнинг тутаган жойларини қидиришга тушди. Қорни ҳам қулдираб қолган зди. Ёнбoshiдаги халтасини панжалари билан тимирскилаб, куриб қолганини билганидан кейин бекат биноси атрофидан қорнини ором олдиришга нажот қидира бошлади.

У айланиб юраркан, ўзи тушунмайдиган сўзлар қулогига киради. Илгарилари бундай гап-сўзларни ҳеч ҳам эшитмаган зди. У ўзига фақат емишгина эмас, ботаётган қуёшга қараб, шундоққина ғужанак бўлсада бирон бир ҳолироқ туйнукка бўлса ҳам кириб ётадиган жойларни мўлжалга олиб қўймоқчи зди.

Димка билан қўшилиб қанча вақтлар эплаб қорнини боқишиди. Кўзларидек кўллари ҳам жудаям эпчил бўлиб кетганди. Негадир бу ерик одамларнинг кўзла-

ри қораю, юзлари худди ўзиникига ўхшаш рангдалигига ҳам эътибор берди. Ҳали бола бўлса ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучуклари унга инсонларнинг мижозларидан тортиб, уларнинг юзларидан қанақа одамлигини илғаб оладиган бўлиб қолган эди.

Фарруҳ поезддан тушиб, гап сўраган одамнинг “самариска”си бу томонларда энди жудаям кўпайиб кетган эди. Бу поездда келган ўша “самариска” битта Фарруҳнинг ўзи бўлмаса керак, албатта.

Фарруҳ бозор-ўчарларга кириб “самариска”лик қиломади. Унинг ботиб бораётган қуёшдан ҳадик қилиб, нималарнидир қидираётган қўзларига бирон бир туйнук насиб этмади. Бу янги “самариска”нинг биринчи овиёқ муваффақиятсизликка учради. Ўша олис томонлардан “емиш кўп” деб эшитиб, қадрдони Димканинг “сўнгти темир йўл бекатининг тугаган темир йўл ёқасида учрашамиз” дегани насиб этмади, шекилли, “кўлга” тушди. Чамаси бу томонларнинг қизил ёқали миршаблари ё ниҳоятда сезгир, ёки бўлмаса емиш қидираётган “самариска”ларга ниҳоятда раҳмсиз. Балки ҳар иккисидир, буни уларнинг ўзлари билади.

Фарруҳ “самариска”нинг кўзига қора соқолли, кўзойнакли кишининг қизил олмалари чўғдай кўринганди. У, гапни рости, шунака ҳидлию чиройли олмаларни ҳеч кўрмаганди. Ҳатто тушигаям кирмаган экан. Буни у бўйнига олиб, ҳалиги қизил ёқали миршабга ҳам айтиб берди.

– Нимага ўғирлик қилдинг? – деб сўради қилтириқдек бўйнига ўша Фарруҳ кириб ўғирлик қилган бозордаги каттароқ тарвузни ўрнатиб қўйгандай боши юмaloқ қизил ёқали миршаб.

Фарруҳ миршабнинг сўзларига тушунмай елкасини қисди.

– Ўзбекча тушунмайсанми? – яна сўради миршаб.

Фарруҳ бошини чайқади. Кейин унинг ўрисча сўзларига:

– Унинг қизил олмалари кўзимга чиройли кўриниб кетди, – деб жавоб қилди.

– “Самариска” мисан? – сўради миршаб “самаралик-мисан” деган маънода.

Бу гапларгаям Фарруҳ ҳеч нима тушунмади. Кейин миршабнинг тўлдираётган қозозига аниқ-аниқ жавоб қила бошлиди.

– Фамилиянг?

– Фамилиям йўқ.

– Фамилиям йўқ, дейсанми? Фамилияси йўқ одам ҳам бўладими? – ҳайрон сўради миршаб. – Испинг-чи?

– Фрид.

– Фрид?.. Ўзбекча билмасанг... ҳмм, тушунмадим. Ҳўп, миллатинг?

Фарруҳ елкасини қисди.

– Миллатингниям билмайсанми? Испинг бору, миллатингниям билмайсан, шунақами?

– Рус деб ёзишади... кейин немис деб ёзишган, – деди Фарруҳ.

– Йў-ўқ, немис кетмайди. Фашистни боласи бўлиб қоласан унда. Туғилган еринг?

– Билмайман, – деди Фарруҳ.

– Туғилган жойингниям билмайсанми? Во, ажабо! Бу уруши нималар қилвормади одамларниям, болаларниям. Немис деб ёзишган дединг, немисча биласанми?

– Биламан, кўп бўлмасаям, – деди Фарруҳ ачишаётган ичакларидан кўнгли беҳузур бўлиб.

– Эй, бола, – деди бирдан миршаб ўзининг калласига келган фикрдан ўзидан ўзи хурсанд бўлганича. – Фамилиям йўқ, дединг. Бу... бу илгари тушган детдомларингда фамилиянгни ёзишмаганми-а? Хушингга келса жавоб бераркансан, бўлмаса йўқ. Битта нарса айтайми, сенга. Фамилиянг бугундан бошлаб, Тошкентбоев, тушундинг. Сенга анави детдомдаям фамилия-памилия излашиб юришмасин, овора-ю жаҳон бўлиб, бўйтими?

Фарруҳ миршаб нима деяпти, нима деб вайсаяпти – қорни очлигидан унинг саволларини эшитишни истамас эди.

– Сукут... сукут розилик аломати, – деди миршаб ўзини ўзи маъқуллаб, тишларининг оқи куринаркан. Тошкентбоев зўр фамилия бўлади, сенга. Бундан ортифи бўлмайди. Миллати деган ерга нима ёзамизикин. Исминг Фрид.. Бу исм немичами-а? Фридам бўладими? Ҳеч ҳам эшитмаган эканман, қара-я. Немис деб ёсак бўлмайди. Ке, фамилиянг интернационал бўлсин-а, сени. Фамилиянг ўзбекча Тошкентбоев, исминг Фрид бўлгандан кейин немисчага ўхшаб кетяпти. Немисча бўлмасдию... ҳа, майли, – миршаб кўлинин силтади. – Миллатинг ўрисча бўла қолине, – у кўли тагидаги қоғозга алланималарни ёзган бўлди. Тошкентда етим бола кўп. Ҳа, нима кўп – етим болалар кўп. Қочиб кетадиган бўлсанг ерни тагиданам топволаману, таъзириинг-ниям бир умр эслаб юрадиган қилиб бериб қўйиш кўлимдан келади, билдинг. Етимхоналарда етимларга ҳукумат яхши қарайпти, савобни тагида қолиб, – у ёзган қоғозларни йифиштириб, ёнида турган қора чармали елкасига доим осиб юрадиган сумкасига солиб бўлгандан сўнг унга қачондан буён мўлтираб қараб турган Фридга қараб қўйди: – Юр, кетдик, – деди эшикка бошлаб, Фрид миршаб билан трамвайда анча юрди. Ҳар эҳтимолга қарши миршаб унинг чап қулидан маҳкам ушлаб олган эди. Бекатга тушгандан сўнг анча жойга етаклаб, юриб боргандан сўнг:

– Шилтинг-пилтинг қилмаяпсан, қочиб кетмайсан, шекиали-а? – деб сўради.

Фрид бошини чайқаб қўйди. Болалар уйига етиб келишиб, ичкарига киришаётганда миршаб “мудир”-ни сўради. Коровул мудирни иш билан чиқиб кетганини, унинг муовини шу ердалигини айтиб, “ичкарига кираверинг” деб қўйди.

– Буниси кичкина бўлсаям “особий”га ўхшайди. Жудаям олисдан қочган кўринади, – деди Фрид тушун-

майдиган тилда. – Шунга қочириб юбормай, деб ўзим олиб келавердим, опа.

Муовин бошини пастта ирғаб қўйди:

– Буям фирт етим қанми?

– Манави қорозниям олиб қўйинг. Тўлдирилган “протокол”имни бир нусхасини сизга қолдираман. Исламиясию, миллатини ҳаммаси интернационал бўлиб кетди, опа. Ўзиям ўрисчани биларкан, немисчаниям биларкан. Фамилияси Тошкентбоеву, миллати ўрисча бўлди, – тишларининг оқини кўрсатиб тиржайди мишиб. – Хўп, хайр. Бунақаларни вақтида тутиб топшириб турмасак шаҳарни “самариский”лар босиб кетмайдими. Яхшиям ҳукумат биздақа мелисанию, сизларни детдомингларни чиқариб қўйгани.

– Хўш, исминг нима? – сўради муовин аёл уни рупа расига ўтиризиб сұхбат ўтказаркан. Кейин унинг ўзбекча ҳеч нарса тушунмаслигини билиб ўрисча сўради.

– Фрид.

– Ота-онанг борми?

Фрид елкасини қисди.

– Бор-йўқлигини билмайсанми?

“Билмайман” дегандай бошини чайқади.

– Фамилиянг нега Тошкентбоев? – деб кулди муовин.

– Анави қўйди, шунақа деб, – деди Фрид.

– Умуман фамилиянг йўқми-а? – қайта сўради муовин аёл.

– Билмайман.

– Илгари болалар уйида бўлганмисан?

– Иккитасида бўлганмас! Уардан қочиб кетдик, – деди Фрид бамайлихотири к билан. – Детдомларни ёқтирмаймиз, – у очликдан ачишаётган қорнини силаб қўйди. – Қорним оч. Ичакларим оғрияпти, – деди бошқа гапни хоҳламай.

– Вера Никитична! – деб чақирди муовин. – Манавини ўз гурухингизга олинг. Иккита болалар уйидан

қочганмиш. Ҳеч кими йўқ, ота-онасиниям билмасмиш,  
– деди Фридни бошлаб чиқиб кетаётганда у.

– Мен барибир детдомларингиздан қочиб кетаман,  
– деди Фрид ҳалиги Вера Никитичнага бамайлихотир-  
лик билан. – Аввал тезроқ қорнимни тўйғиза қолинг-  
лар, мени.

– Вой, безбет ярамас-ей, – деди Вера Никитична ҳам  
унинг гапларига ғаши келиб. – Ҳали сени бир таъзи-  
рингни бердириб қўяйки, кейин доимо мулламишиқ  
бўлиб юрасан.

– Сизларнинг ўша таъзиришимизни бериб қўядиган  
одатларингиз ёмон, – деб гап бошлади Фрид Димка-  
дан ўрганганд гапларни қайтараркан. Шунинг учун ҳам  
ҳамма болалар детдомлардан қочиб кетишади-да. Бол-  
лаларга ажратилган ризқнинг ярмидан купроғини муд-  
дир билан запхўз ўзлаштиришиб қўйгандан кейин  
қорнимиз овқатга тўймай ўғирлик қилгани қочиб ке-  
тамиз-да.

– Қараб тур, барибир сени мулламишиқ қилиб  
кўяман, ҳали. Унақа гапларни кимдан ўргана қолдинг  
эрта кундан? – вайсади Вера Никитична.

– Ҳе, ҳаммасини анави Димка менга гапириб бер-  
ган. Бунақа детдомларда бари ўғри одамлар ишлашар-  
миш. – Э, уларни олиб чиқишиб кетаётганиларини ўз  
кўзим билан ҳам кўрганман.

– Бўлди, бас қил, – жеркиб ташлади Вера Никитич-  
на. – Ҳозир қорнингни тўйдира қоламиз. Ҳали овқат-  
ланишга бир ярим соат вақт қолган бўлсаям сени қор-  
нингни тўйғиза қолмасак, оламни остин-устун қилиб  
ташлайсан, шекилли.

“Сен янги детдомга тушганингда буйнингни қисиб,  
бир чеккада ҳеч қачон ўтирма, билдинг. Бошингни  
тепага кўтарганингча бўйнинг қанча тепага чўзилса  
шунча чўзилиб, кибр билан ўтири. Сени калака қила-  
миз, янги кепти, деб ўйлаганларни фикрини кўз  
қирингни бир ташлашда билиб ол-да, қисилган муш-  
тумингни ҳимояга эмас, аввалроқ зарб беришга тайёр

турсанг, икки кун ўтмасданоқ бошқалар сенга салом қилишади”, деганди Димка унга. Шунинг учунми, Фрид ҳам “янги келибди, янги келибди” деган гапларни эшитиши биланоқ ёнига келиб, уни қаёқлардан ушлаб келишганини сўраган бир-иккитасига “нимадинишинг бор?” деб қўпол жавоб қилди.

– Келибоқ “олдин қорнимни тўғизиб қўйинглар” деди, анавиларга, деб пичирлай бошлади болалар. – Жагиям анчача бор-а, гап-сўзларига қараб.

Фрид “куш уясида кўрганини қилгани”дек ўша Димкадан ўргангандан ва у ўргатган гапларга содиқ қолиб уч кунгача ҳам ҳўмрайиб, ҳам болаларнинг берган саволларига бир қараб қўярдию, индамай юраверди.

– Сен кимсан, ўзи?! – сўради ўзидан нақд бир қарич баланд малла сочли бола ҳеч нимадан ҳеч нимадан йўқ тарбиячилар кўзга кўринмай қолган пайтда унга.

– Димканинг шеригиман. Энг яқин ошнаси десанг ҳам бўлаверади, – деди Фрид “нимадемоқчисан?” дегандай бошини тепага иргаб. – Ленинградни эшитганимисан? Пермни-чи? Учта детдомдан қочганмиз Димка иккаламиз. Беш марта қизил ёқалилар қулига тушиб, уларни тўрттасини алдаб, биттасини жағига тушириб қочганмиз, билдинг? Бир ойга қолмай Димка ям келади, анави эшиклардан, – у рўпарасидаги эшикларга қўлини чўзди, – калласини энгаштириб кириб келади. Мен уни мана шу детдомда кутиб туришим керак. Кейин эса иккаламиз илон изи бўлиб кетган темир йўларнинг энг охирига бориб, тинч ҳаёт кечирмоқчимиз.

У оғзига тикилганича қолган болаларни яна ҳам ҳайрон қолдирмоқчи бўлдими ёки гап қопи чувалашиброқ кетдими, “менинг фамилиямни эшитдингларми?” деб сўради.

– Сен... сен ўша Ленинграддан келган бўлсанг нега фамилиянг Тошкентга қўйилган? – деб сўради унинг гапларини қизиқиб тинглаётган болалардан бири.

– Тошкентинг менинг номимга қўйилган, – деди у бир оз кўкрагини кериб қўяркан.

– Ёлрон! – эътиroz билдириди атрофдагилардан бири ишонч билан. – Тошкент.. ўҳ-ху, жудаям қадимги дейишиадию... сен ўзи нечага кирдинг, ўнгами?

– Ундан ҳам каттаман, – деди Фрид гапи ёлғон чиқиб қолмаслиги учун аниқ бир ёшни айтольмай. Лекин калласига бошқа бир фикр келди шекилли: – Отамни отасининг номига қўйилган шаҳарларинг. Отам... – у бир нима демоқчи эдию, “отаси кимлигию, унинг борйўқлигини аниқ билмагани учун, – отам... ҳам отамни отасини номига қўйилган, – деди яна такрорлаб.

У болалар уйига тушиб қолган чоғларида мактабга қатнаса зеҳни жудаям ўткирлигигами ҳар бир дарсни пухта ўзлаштириб кетаверарди. Шунинг учунми “нечанчи синфда ўқийсан?” деган саволга “тўртинчи ни битирувдим” деб юборди. Аммо тарбиячи Никитична унинг оз-моз ёлғонни ямламай ютишини биринчи гаплариданоқ сезгани учун:

– Хўш, бешинчи синфда ўқий оласанми, гапинг рост бўлса? – деб жиддий сўради.

– Унда тўртинчи синфда ўқий қолай, – деди Фрид бир оз паст тушиб.

Тошкентга келиб Фрид Тошкентбоев бўлиб қолган Фарруҳ ҳаммаси бўлиб Тошкентдаги болалар уйида бир йилча яшаб, бешинчи синфда ўқиётганида болалар яна уни яккалаб қўйишди. Ҳеч кимга сўз бермай ўзи билан ўзи бўлиб, ўқишига шўнғиб кетганини кўрган “душманлари” бир кун унинг йўлини тўсишиб, қаттиқ дўппослашди. Бунинг устига охирги поезд бекати Тошкент эмаслигини аллақачон суришириб бўлган, ўша охирги темир йўли тугаган жойда Димка уни орзиқиб кутаётгандек тушларига ҳам кириб чиқаётган эди.

Болалар уйидагилар уни дўппослаганини ҳеч кимга айтмади. Тарбиячи Вера Никитична “Вой-бў, сенга нима бўлди Тошкентбоев?” деб сўраган эди:

– Қоқилиб, йиқилиб тушдим, Вера Никитична, – деб қўя қолди.

Аммо қочиб кетишдан бир соат оддин ўзини урганлар билан ҳисоб-китоб қилишни унутмади. Тўс-тўпалон бошланиб, болалар уйи ари уяси ҳолатига кириб, мудир “Тошкент” темир йўл бекатидаги милиция навбатчисига қўнғироқ қилганида “Тошкент-Жалолобод” поезди Янгийўл бекатидан ўтиб кетган эди.

Фрид Тошкентбоев йўл-йўлакай бекатгача ўмарган шириналликларни оғзига солиб, тўққизинчи вагоннинг тепасида кўқда чарақлаб турган юлдузларга боқчанича, “Охирги темир йўли қанақайкин-а?” – деган ўйда чалқанча тушиб ётарди.

## XI

Маҳбус инсон ҳисобланмаган.

Маҳбуснинг сўзи ҳам, арзи ҳам инобатга олинмаган.

Маҳбус тупроқда қоришган гард каби ердан чиқкан. Ким ҳам маҳбусни ҳимоя қиласарди.

Бу ерларда куёш қиздирмайди. Қишлоғи ҳам унчалик қуруқ келавермайди. Ора кунда қишида қор, ёзда ёмрир ёғавериб, намгарчилик кўтарилиб кетган дамларда бир оз нафас олишга қийналмасанг, ўрмон ичига ҳадеб дайдиб кириб чиқавермасанг, бу деганимиз маҳбуслардай пешонасига қарагайу, яна бало-баттар дарахтларни кун бўйи сўнадай келадиган пашибарига ем бўлганингча арралаб юрмасангиз чидаса бўлади.

Зуҳриддин энди Печорадан анча олисда Лая дарёси атрофларида ўз “ҳамкаслари” билан ёғоч кесишиб, сол-сол қилиб оқизишаарди. Яхшиям баҳтига Надя-Нодирахонни учраб қолгани. Нодира опани учрагани унга баҳт бўлмаса-да, бўри оғзидан суғуриб қолди. Бунинг устига унинг таниш-билишлари бор экан, Лая қирғоқларида ёғоч кесиб, эсон-омон юрибди. Бўлма-

сам аллақачон ўша оч бўри сингириб, ахлатини дуч келган жойга ташлаб кетган бўлармиди.

Бу ердаги лагерь ҳар ҳолда қатор-қатор тиканли симлар билан уралмаган эди. Бунинг сабаби бирон бир маҳбуснинг қочиб кетиб, ўзи борадиган манзилига омон-эсон етиб бормаганлигига эди. Ахир, бу кўргулик Зухриддиннинг бошига бир марта тушди-ку. Ўшанда ҳам у ўз юртини эмас, тиканли сим ортини мўлжаллаб келаётган эди.

Маҳбуслар уззу-кун ишлардилар. Тиканли сим ортидан чиқишиб, яна ўша савил жойга кириб кетгунларича тушлиқда аранг бир соатча енгил нафас олган чоғларида кимдир жиндаккина мизғиб олишни хуш кўрсалар, яна бошқалари ўтмиш хотираларига шўнғиб, “ўзларининг ростдан ҳам бир вақтлар ота-оналарию, бола-чақалари бормиди”, деган ширин ўйга берилардилар. Дунёдан бутунлай узилиб қолган маҳбусларга чиндан ҳам ўтмиш хотираларнигина эслаш мумкин эди, холос.

Нодира опа Зухриддиннинг ёнига тез-тез келиб турдиган бўлиб қолган эди. У ҳар шанба келиб, бозор куни яна изига қайтарди. Бу томонларни ёзи жудаям қисқа бўлгани учун у баҳорнинг сўнгги ҳафтасидан келишни бошлаганди.

– Сиз менга кўп яхшилик қилдингиз, яна кўп овора бўлиб ҳолимдан хабар олиб турганингизни қандай қилиб қайтарар эканман, – деди Зухриддин унга қандайдир ўзи ўйламаган яқинлик ва илиқлик билан тикиларкан.

Нодира кулиб кўйди. У чиройли куларди. У кулганда чап томонидаги кулгичи бир оз ичига кириб, лабларини яна ҳам чиройлилаштириб юборарди. Худди мана шу ҳолат Зухриддинга ёқиб қолгани учун унга тез-тез қараб қўяр, ўзининг ҳам лабида кулгуга ўхшашиб табассум пайдо бўлиб кетарди.

– Ўрмонингизни бир оз айлантирмайсизми? – деди Нодира ғалати ишвага ўхшашиб табассум билан уна қараб.

– Менинг ўрмонимми? – кулиб сўради Зухриддин.  
– Унда менинг ўрмонимми? – деди ю, Нодира жилмайиб кулган эди Зухриддиннинг кулгуси уникига ҳамоҳанг бўлди.

Лая дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб боришаркан, негадир Зухриддин Нодиранинг кафтини ушлаб кафтига кўяркан:

– Бу қўлларингизни ўша ўрисингиз роса маза қилиб ушлаган бўлса керак, – деб сўради.

– Ўрисимни сўраманг. Энди у мархум – деди бир зумда жомуш тортган Нодира. – Ҳамма ёшлик аламларию, дардларим ўзим билан, нима қилай.

Зухриддин “нега шу гапни айтдим-а?” деб ўз-ўзидан хафа бўлдию, юзи яна ёришиб, қарагай ёнида чирмашиб турган қип-қизил маймунжондан уч-тўртта териб узатган Нодирага кулимсиради:

– Мен сизни хафа қилмоқчи эмас эдим... – деди узр сўрагандай унга. Бирпас шу... – у бир оз дарахтлардан ялангликка чиқишиганидан сўнг ишора қилди. – Анави қарагай танасига суюниб ўтирмаймизми. Чарчадим, шекилли.

Зухриддин тўпиқقا урадиган ўт-ўланларга ўзини узала ташлаб чалқанча тушиб ётаркан, Нодиранинг қилган яхшиликлари хаёлига тушиб, ўзини йўқлаб келган иккинчи бор учрашувдаги унинг гапларини эслади.

– Сиз менга керакдек туюласиз, Зухриддин ака. Ёшимизда атиги бир-икки ёш фарқ бўлгани учун ака десам бўлаверадио... – у бир оз ҳаяжонга тушиб, қалби титради. – Менга сиз жудаям керакdexsиз. Эркак зоти барибир аёлга қалқондек туюлаверади, Зухриддин ака. Сиз билан учрашиб... – у сизни бўри оғзидан тортиб олганимиз деган гапни хаёлига ҳам келтирмай давом этди. – Ҳа, сиз билан учрашиб қолганимиздан сўнг она ерларимиз, одамларимиз тез-тез эсга тушадиган бўлиб қолди, тағин яна. Менга сизни шу туришингизни ўзи қалқондай бир гап. Биронта бир бола

насиб қилгандайди, ўзимни ҳозиргичалик хор деб ўйламаган бўлармидим...

Бошини қути босиб олган Нодирага Зухриддиннинг ҳам негадир раҳми келди. “Менинг дардим олдида унинг ҳаёти ҳам енгил эмас экан” деган фикр келаркан:

– Мен сизнинг меҳр-шафқатингизга арзимайманми? – деб сўради тишлари билан лабларини эзғилаганича.

Нодира бошини чайқаб қўйди.

– Зухриддин ука, мен сиздан, ростини айтсан, ҳеч нарса кутмайман. Илгарилари бу томонга қочиб келганимизда, ўша юртларни ташлаб, – у хўрсинди. – Ҳеч нарсани, ҳеч нарсани эсламасдим. Кўзимга муҳаббат кўринган, холос. Кейин тушундим. Кейин тушундим, кеч бўлганди. Қисматимни ўзим жарга судраб кетаётганди тушундим, кеч эди. – Гапларимни эшитяпсизми, ё... ухляяпсизми?” деб сўрамоқчи эдию, негадир тили бормади.

– Сиз ҳадеб ўзингизни ўзингиз эзаверманг, Нодира – деди Зухриддин унинг унсиз йиглаётганига қалби чидамай.

– Мени тушуняпсизми? – деб сўради Нодира.

– Тушуняпман.

– Нимани тушундингиз?

Зухриддин бошини кўтариб унга ялт этиб қаради ю:

– Айтиш шартми? – деб сўради.

Нодира “шарт” демоқчи бўлиб оғзини жуфтлади-ю, яна фикридан қайтиб ғамгин кулиб қўйди, холос. Кейин эса:

– Мени... мени бирон бир эркалай оладиган одамга зорман, тўғрисини айтсан. Ахир, мен аёл киши-ман-ку. Эркак киши билан бўлмаганимгаям... – у яна алланима демоқчи эдию, томонига тиқилган аллақандай нарсадан бўрилиб қолгандек қаттиқ ютинди. Кейин ўзини қўлга олиб, унга қаради: – Мен... мен сиз билан бирга бўлишни истайман. Бетимни шарт-

та юлиб айтадиган бўлсам. – У ўтирган ўрнидан турмаёқ эмаклаб келиб, Зухриддинни пинжига кириб, уни қучоқларкан, юз-кўзларидан ўпа бошлади. – Мана кўряпсизми, бунақа нарсаларни унтиб юборганимга кўп бўляпти. Сиз ҳам мендан кам эмассиз, шекилли, – деганича бирдан хандон отиб кула бошлади.

Лекин ўшанда ҳеч нарса бўлмаган эди.

Зухриддин ҳам, Нодира ҳам бир-бирини маъжкам кучоқлашганича юмалаб-юмалаб оғиз-бурун ўпишса ҳам ортиқ ҳеч нарса бўлмаган эди.

Зухриддин ётган жойидан иргиб туриб, ўзидан салгина нарида унга қараганича ўтирган Нодира суюниб турган қарагай танасига бор оғирилигини ташлаганича суюниб ўтириди.

– Доим ўйланиб ўтирасиз. Ҳозир эса нималарнидир ўйладингиз? – деб сўради Нодира.

У, сизни, дея олмади. Мийигида кулди-ю:

– Ўғалимни, деб юборди

– Ўғлингиз борми? – сўради Нодира.

– Битта қизим ҳам бор.

– Оналари-чи?

– Оналариям бор эди.

– Оналари қаерда? – сўради Нодира.

– Илгари айтмаганмидим...

Нодира бошини чайқади-ю:

– Айтувдингиз-у... узун-юлуқ айтувдингиз чоги...

– Ўғлим бор эди, – деб гап бошлади Зухриддин. – Уруш пайтида асирга тушиб, Германияда қолиб кетдим. Соатсоз эдим мен. Айтувдим, шекилли, турар жойим Берлинга жудаям узоқмас деб. Бир куни келсам Берлин остин-устун бўляпти, қиёмат-қойимдек... Фашистлари енгиляпти... анчаям бўпти, бу гапга. Бир томонда инглизча жавраса, бир томонда ўрисча гаплар. Бири ватанга қайтсанг, сени ҳамма гуноҳларингни кечиришади деса, яна биттаси отади-чопади, деган гаплар қилаپти. Амери-

кага қоч, деб бири айтса, бири юртингга қайт, дейди. Битта пленда танишган қадрдоним бор эди, кейин кўрмадим, у Америкага кетаман, деб юрувди. Нима бўлса бўлгани деб, юртга қайтдим, тўрт ёшга кираётган ўғлимни олиб. Онаси немис бўлсаям яхши хотин эди. Худони зорини қилди, қайтма деб. Бу бош пишмаган экан-да, ўшанда. Ҳозиргидек пишганда плендаги ошнам қилган ишни қилардим. Яна эсимга солдингиз, ўша кунларни. Ўғлимдан айрилган кунларимни эслатиб...

Зуҳриддин гапини ўртасида ўнг кўлини Нодиранинг елкаларига ташлаб қўйди, ўзига "ялт" этиб қаратанига "айтмайми?" дегандай қошини учирган эди, Нодира унга:

– Эшитяпман, айтинг ҳаммасини, – деди ўз елкасига ташланган Зуҳриддиннинг ўнг қўл панжаларини панжалари билан ўйнаганича.

– Ўғлим эслаб қолганми-йўқми, ҳеч нарсани билмайман. Ленинградга олиб келишлари билан мени крепостига кўпчилик билан тиқди-қўйди. "Бола қани?" деб сўрасам, "уни ўзимиз тарбиялаймиз" дейишидди. Энди уни ўлитгиниям-тиригиниям, қаердалигиниям билмайман.

Нодира унинг ҳикоясига эзилиб кетса ҳам бир оз далда бермоқчи бўлиб, кўнглини кўтарадиган гапми, қилиқми ишлатишга ҳаракат қилди:

– Панжаларингиз ёниб туради-я, сизни?

Зуҳриддин унга "ялт" этиб қаради.

– Тўғри айтяпсизми? – деб сўради унинг панжалари орасидан ўзининг панжаларини сугуришга ҳаракат қилиб.

– Мен... мен еб қўяманми, бу панжаларингизни? – эркаланиб ишва қилди у. – Яна унинг кўнглини бутунлай ўтмишдан узиш мақсадида. – Кўкрак қафасим юрагимни сиқиб қўйяпти чамаси, – у Зуҳриддиннинг панжаларини мушт этиб йигаркан, иккала кўкрагининг ўртасига олиб борди. – Ушланг. Ушланг-а. Ие, на-

мунча күркәсиз, ўттан галги шижаату, эркалатишлар қаёқда қолди?

Ростдан ҳам Зухриддиннинг бошидаги ҳаёллар туманлашиб, аллақандай кўзғалишдан баданларида олов учқунлари тепа бошлиди. Кейин Нодирани чап томонидаги кўкатларга суюброқ қаддини згаркан, лаблари ўз жуфтини тимирскилаб, оппоқ бўйинлардан ўрмаланганича тепага қараб кетди.

– Воҳ... – деган майин ва кўкрак қафасидан бўрилиб-бўғилиб отилаётган хўрсиник жуфтланган лаблардан кейин тинчib қолди.

Зухриддинга Нодира сингари бу томонларнинг анча-мунча паст-баландини билган одам керак эди. Хотиннинг кераклигини, қўйини иситгандагина эмас, бағрига ҳам олов бериб турса ҳалиги коменданнтнинг хотинидай эридан ололмаган нарсасини олиб, кейин ўзининг чилдирмасига ўйин туширишидан эҳтиёткорлик қиласа бирор бир балога гирифтор бўлиб қолишидан чўчирди. Ўша комендант суюклисининг гапига кириб, бир сониялар чамасидан ётганда “иш” нима билан тугашини ҳали ҳам кўз олдига келтиромайди.

Кейин эса...

Кейин эса бўри таламаган, балки еб юборишга сониялар етмаган тақдирда ҳам кўрсаткич ва бош бармоқ ҳажмидайгина келадиган қуролнинг орзидан чиқадиган қўроғшиннинг иссиғи бирор ерига қадалган заҳотиёқ ана шу коменданнтнинг хотинида қолдириб кетадиган зурриёд қимирламасдан туриб ўзи йўқ бўлиб кетармиди, буни Худо билади.

Зухриддинга ўхшаш ёхуд унинг чекига тушган қисматга ўхшаш маҳбуслик тамғаси босилган минглаб бегуноҳ одамлар Лея ёки Печора дарёси атрофларида қарагай кесиб, ётоқ оқизишаётган чоғларда ё бошларига ағдарилаётган дарахтлар тушиб кетиб ёки ётоchlар билан бирга ўзлари ҳам салгина эҳтиёtsизликлари туфайли сувга гарқ бўлиб, фўзалардай тез-тез чеканка қилиниб туриларди.

Бу дунёда ёмонлар қаторида яхшилар ҳам ҳар ҳолда кўп экан. Бераринг бўлса “яхшилар” янайм кўпаяркан. Одамни ана шу “берари” доимо кўп бўлсин экан. Одамни сиртидан билиб бўладими. Олмайман, деб кўпроқ олишингни ўзинг ҳам билмай қоласан. Нодира доимо энди Зухриддинга кўз-қулоқ бўлиб қолди. Шундай қилмаса ҳам бўлмас эди. Буларнинг қонида бир-бирига уйқашлик, ўхшашлик, яқинлик томонлари бор. Ахир уларнинг келиб чиқиш бобокалонлари бир, ҳар ҳолда.

Нодира Зухриддин берган олтин пистончаларнинг энг сўнгисини ҳам яхшилик ишига сарф қилганди. Энди унинг Зухриддинни бу томонларда бирор бир фалокатни ҳисобга олмагандан соғ-саломат юришига бир оз кафолат томонларини яратиб кўйганди. Нодира ўша ўзи сарф қилган олтин пистончаларнинг кучидан уни ҳатто бир-икки кунга лагердан олиб чиқиб кетиши, эркинроқ тиканли сим ортига кириб чиқиши ҳам мумкин эди. Зухриддин унга “мени ҳимоя қиласан” деган умидда бермаганди. Ўзингизни бирон корҳолингизга ишлатарсиз” деган ери бор эди. У ўша бўриражигандан сўнг ўзини бу томонларда тирик қолишини кўз олдига келтиролмас эди.

У ўша комендантнинг хотинидай ўзидан сўнг бирон бир зурриёд қолишига ҳам ишонмай кўйди. Ўша бўри оғзида қўй ёғидай эриб кетиш мумкинлигини кўргандан сўнг ўзидан қолган икки зурриёднинг ҳам бу дунёда вояга етишига ишонмай кўйганди. Эҳтимол, улар аллақачон йўқ бўлиб кетишгандир.

Бир гал Зухриддин пуштсиз комендант хотинининг зурриёд қолдириш ҳақидаги ялиниб-ёланоришига рўйхуш бермаганига қаттиқ ачинди ҳам. Ахир, деди у ўзига ўзи, комендантнинг хотини киму, ким бўлмаслигидан қатъи назар, менинг зурриёдимни олиб қолганда барибир уша зурриёдда менинг, менинг аждодларимнинг қони оқиб турармиди” деб афсус ҳам чекди.

Лекин у ўша уруш бошлаган Германияда, ўзини уруш бўлмасданоқ сотиб юборишган власовчилар олиб бориб ташлаган юртда унинг соатсозлик дўконига “Гитлер-юген” деган ёш-яланг ўсмиirlар маймун боласини томоша қилгандай ора кунда келишиб, мазах қилишларини шу кунгача унутолмаган бўлсада, ўзидан қолган иккитагина зурриёднинг борлигига, шу кунларгача яшаётганига ҳам барибир ишонмасди.

## XII

- Пулни уриб кетибди-ю, дада.
- Қанақа пулни уриб кетипти? – елкасини қисганича сўради Мадумар ака.
- Бутунги савдони пулини уриб кетипти-да, дада. – Мадаминжон қозон бошида қопқори сурилиб очилган лаганга кўзлари ишониб-ишонқирамай яна бир қараб қўйиб жавоб қилди.
- Ким уриб кетарди, ўғлим? – сўради Мадумар ака ўрнидан кўзғалиб, сўридан пастга тушаркан.
- Э... – Мадаминжон қозонга сув қўйиб бўлиб, кўлида ушлаб турган чўмични нарироққа зарда билан ирғитди. – Анавиларингиздан биттаси ивирсиб юрганга ўхшовди ҳали. Ўша, ўша урган барибир. Худди энамизни боласидай бирам меҳрибонлик қиласиз-а, шипана-пипана, самарискаларга қараб, ҳайронман.
- Ўщанларни еганини қаттан биласан? – бир оз жаҳл билан Мадумар ака ўғлига қараб келаркан. – Ўшала-ринг ҳеч сени пул-мулингни олганини биласанми, шу вакътгача? Олмаган, билдингми? Яна менга ўдагайласан “анавиларинг” деб. Ана шуларим олганини худди билгандай гапирасан-а?

Мадамин жон аччири ҳозир бурнини учида турса ҳам отасига тик қараб, бошқа гап қилгиси келмади. Лекин ўша шипана-пипана болалардан бири шу ат-

рофда куймаланиб юрганига кўзи тушганини яхши эслади. Уларнинг кўпчилиги қорни очлигидан овқат сўрашади. Дадил келиб, Мадаминжонларнинг савдо пулинин ташлайдиган қопқоғи ярим очиқ турган лаганчага қўл югуртирганини ҳеч қачон курган эмас. Ўша курган "самариска"ни яна бир эслашга ҳаракат қилидию, бошқа эслай олмай бошини чайқади. Кейин отасига қараб:

– Яхши савдо бўлувди-я, – деб афсусланиб қўйди.

– Шундай қилиб бугунги савдони пулинин урдирвордим дегин, ўғлим. – Мадумар ака "пулни ким олдийкин-а?" деган хаёл билан чап қўлининг орқасига ўнг қўлининг ўртанча бармори билан уриб, аллақандай бир куйни оғзида "фингший" бошлиди. – Бу ўзимиззи самарискалар олмайди, бўптими? Уларни ёмон ҳам деб бўлмайди, ўғлим. Униси-бунисини звини қилиб қорнини тўйғизиб қўйяпмиз. Лекин ким олиши мумкин? Э, ке, қўй, бева-бечоралар мана шунаقا тақчиллигу, йўқчилик пайтида кунини кўришаётганда, бир звини қилиб, биз унаقا-бунаقا нарсаларга ачинвормасагам бўлади, болам. Анави... ҳо, оти нимайди, отинг ўчгурни? – у бир нималарни сўрамоқчи бўлиб ўғлига қаровди унинг елкаларини учириб турганини кўриб, айтмоқчи бўлган гапи хаёлига келиб кетди шекили, ўнг қўлининг панжаларини тўла ёзганича галида давом этди. – Ана, топволдимам нима демоқчилигимни. Анави бору, халқдар доҳийси, ким эди?

– Исталин, – деди Зухриддин кўп вайсаётган отасидан бир оз ранжигандай истар-истамас.

– Ўша Исталининг етим-есирларга раҳм-шафқату, меҳрибончилик қилиб, детдомлар очяпти дейишадиу, яна кўча тўла самарискалар. Битта-иккитаси қозонимиз бошига келиб турганига овқатимизни қизғонмаяпману, лекин самарискалар жуда кўпми, ўғлим?

– Кўп... кўп дада, – деди Мадаминжон отасининг гапларини маъқуллаб. – Ўзимиздан чиққан самарискаларам жонга тегиб, купайиб кетяпти-да.

– Ие, – деди Мадумар ака бошини чайқаганича, – бу самарискаларни ўзимизникую, яна бировларникиям бўладими, болам?

– Ўзбек самарискаларни айтяпман-да, дада.

– Самарискаларинг битта бўлмайдими? – ҳайрон бўлиб сўради Мадумар ака елкасини учириб. – Уларни, Худо тавба-ей, ўрис-ўзбегиу, қирғиз-қозогиям бўладими? Анави раҳматли Ханс бориди-ю, олмон. Ҳа, немис десангам бўлади. Ўша бир томонда юргандан кейин ўзбек плену, мабодо аканг ўша олмонга асир тушган бўлса олмон... ана немисам дёёвургин.

– Э, – отасининг гапларига яна ғаши келган Мадаминжон. – Эрталик гўшт-пўшу, картошка-партошка га қайси пулни ишлатамиз, дада? – деб сўради.

Мадумар ака яктагининг чўнтакларини ковлаб, ўғлига пул олиб узатди. Кейин мийигифда кулганича:

– Яна анави самарискаларингга олдирвормагин, болам, – деб кўшиб кўйди.

– Унга ўзингиз айбор. Самарискаларният бир эркалайсиз, ғашим келиб кетади. Эртага ўшаларни биттаси бор, ҳаммаси уни гапига кирадигани. Ўшениси билан бир гаплашиб кўрай, ўшалар олган бўлса топиб беради, – деди Мадаминжон ишонч билан.

– Э, кўй, – деди Мадумар ака қулини силтаганича. – Ўша пулни ўша самарикаларинг олган бўлса савоби ота-онасининг руҳларини шод қиласин. Унақа жудаям баҳил бўп кетма, болам.

Мадумар аканинг “қўй-қўй”ига қарамай эртасига Мадаминжон ўша ўзи айтган “самариска”ларнинг “етакчиси”ни ўзларининг ошхонаси ёнида учратиб, ёнига чақириди.

– Отинг Димкамиди? – деб сўради русчалаб ундан.

– Димка, Мадамин ака, – деди икки қўлини кўксига қўйганича салом қиласкан. – Нима қилас? Ишларингиз бўлса қилдириб берайми? Сизлар, анави Мадумар ота жудаям яхши одам. Мен бунақа яхши одамни ҳеч кўрмаганман. Овқат беради. Чақириб

қорнинг тўқми, деб сўрайди. Фақат ўрисча билмайди. Мен ўзбекча билмайман. Ўрганвондим беш-олтита гапни. Овқат беринг, қорним оч дейман. “Ассалому алайкум” дейман икки қўлимни кўксимга қўйиб...

– Димка, – деди Мадаминжон унга зимдан разм соларкан, – кеча савдодан тушган манави идишдаги пулни уриб кетишиди.

– Ўлай агар, мен олганим йўқ, – деди Димка бошини сарак-сарак қилганича. Бизни болалар ҳам олгани йўқ. Олмайдиям умуман. Сизлар яхши одамсизлар, билдингиз.

Мадаминжон Димкага анча қараб турди да, бошини ирғаб қўйиб:

– Майли, боравер, – деди негадир унга ишонқира-магандай бир ҳолатда. – Лекин бир “самариска”га кўзим тушгандай бўлувдию, яхши эслолмаяпман, – деб қўйди орқасидан.

Димка Мадаминжондан узоқлашиб бораркан, “мен таниганлардан ҳеч бири менга индашмай...” деган хаёл билан бозорга кириб, ўзининг унда-мунда “тирикчилиги” билан юрган “самариска”ларини қидира бошлади. Уларниям истаганингда топишинг қийин. “Ов”ининг орқасига тушган бўлса баъзан эрталабдан кечгача “дум” бўлиб “иши битгунча” юраверади, қорнини қулдираётганига ҳам қарамай.

Тақчиллик пайтларида “ит эгасини” танимайди, қопаверади. Лекин Димка ёш бўла туриб Европа шаҳарларини, энди эса Осиё томонда поезднинг охирги бекатию, сўнгги темир йўл излари тутаган жойларгача биргина кундалик “емиш”ини қидириб юрибгина эмас, ота-онасиз етимлик муҳрининг азоб-укубатларини ўша томонларда қолдирганича “дунё кезиб” юрипти-да, ўзи айтганидай.

Димканинг торғомонга яқин ёнбагирда яхшигини “кулба”си бор. Бу кулба ҳозирча ёзлик кулба. Қишига эса анча бор. Ўтган йили қишлиқ кулбасини қизил

ёқалилар билиб қолишиб, бузиб юборишган. Аммо кулбамисан, кулба эди-да, ўзи. Нимаям қиларди күп ичиб, кулбасига судралиб келиб. Оз бўлмаса қўлга тушгандা қамалиб кетармиди, буни ўша қизил ёқалилар билишади. Ўзи биронни ўлдирмаса, бирон билан ҳадеб ёқалашавермаса. Баъзиларнинг эҳтиётсизлигини ҳисобга олиб, чўнтағидаги нарсаларини уриб кўяди. “Битта товуқча ҳам катак, ҳам сув, ҳам дон керак” деганларидек, Димкага ҳам қорнини тўйғазиш учун, буёғи кийиниш деганларидек, озмунча пул керакми?

Орадан уч кун ўтгандан кейингина Димканинг жангарилари ярим тунда бозорга кираверишдаги ошхонанинг “шефи” урдириб қўйган савдо пулини ўмарган қароқчи топиб келишди. Димканинг ёзлик қароргоҳидай бу қароқчининг кулбаси ҳам ахлат ташланадиган ўранинг чап биқинидаги матавоз тортиб юрадиган, яроқсизликдан ташлаб юборилган вагонча ичида эди. Қаранг-а, бу Димканинг шоввозлари шуниям қидириб, топиб олишди-я.

– Мен... мен кўзларимга ишонмаяпман, Фрид. Ростдан ҳам ўзингмисан? – “Димка”лаб бақирганича ўзини маҳкам кучоқлаб йиглаётган болага ишонқирамай унинг юзларига қайта-қайта қаарарди Димка.

– Мен... ҳа, менман Димка. Наҳотки, сен мени топиб олсанг-а?! Мен эмас, сен мени топиб олдинг-а, шундайми?

– Йўқ, Фрид, сен менинг айтганимни қилибсан. Яша, яшавор, Фрид. Уч йил... Йўқ тўрт йил бўляпти-я, Фрид, сени кўрмаганимга, у ҳамон ўзини қучганича йиглаётган боланинг кўзларидан оқаёттан ёшларни енглари билан артишга тушди.

Ёшига нисбатан бўйи новча, бетларини бир оз сепкил босган кўк кўз Димка ўзи Фридлаб, бағрига босаётган, бир оз қораҷадан келган болани бағридан чиқариб, ўзи ҳозиргина туриб кетган жойга ўтқаздию, бошини сарак-сарак қилганича:

– Вой, Фрид-ей! Кўзларимга ҳалиям ишонмаяпман-а, сенлигингта, – деди ёнига ўтиаркан елкасига ўнг кўлини ташлаб. – Роса йўл юриб билгандирсан, дунёни кенглигини. Ўша дунё қанчалар кенг-у, одамлари кўп бўлмасин, бир-биримизни барибир топиб олишимизга ишонардим.

– Мен-чи, Димка, сени топиб олишимга ишонмай қўювдим.

– Бу ерга қачон келгансан, учрашмаганимизни қара-я, – деди Димка.

– Беш-үн кун бўлди келганимга.

– Рост айтяпсанми, Фрид?

– Рост айтяпман, – деди Фрид бир хўрсишиб олиб.

– Унда қаёқларда юрдинг, бўлмасам?

– Тошкентда мени тутиб олишди. Болалар уйидан қочолмай юрдим. Иннайкейин ўқишиям... биласани мактабда ўқишиям ёқтириб қолдим. Сени барibir топаман, деб юрардим. Биласанми, тушларимга ям кирадинг.

– Сени уришдими, болалар? – сўради Димка.

– Қайси болаларни айтяпсан? – сўради Фрид.

– Буларни айтаётганим йўқ, – деди Димка Фридни қидириб топиб, ҳозиргина бу ерга тутиб келгандарга ишора қилиб.

– Улар уришдию, кейин сен ҳақингда галиравериб кўрқитиб ҳам қўйдим. Ўшандан кейин урмай қўйишиди.

Фридни тутиб келишган болалар ҳамон Фрид билан Димкага ҳайрон бўлишганича анграйиб туришарди. Уларнинг бир-бирларига шунақаям қадрдонлигини билib ёнларидан пул чиқаришди-да, Димкага узатишди.

– Бу қанақа пул? – сўради Димка.

Новча, сариқ бола Фридга қараб ишора қилди:

– Унинг чўнтағидан ковлаб оловдим.

– Сен-а? – ўшқирди Димка.

– Ўша... – дудуқланиб жавоб қилди бола. – Ўша, ҳалиги бозорга кираверишдаги ошхонадан ўмарилган пул экан...

Димка ялт этиб Фридга қаради.

– Қорним оч эди, Димка. Пойлаб туриб умардим, билдиримасдан.

– Ҳа, майли – деди Димка қўлини силтаганича. – Сен ўзимизникисан, жин ҳам ургизмайман. Ма, ол Фрид, – у шимининг чал чўнтагини ковлаштириб, бир тутам пул чиқаркан, санаб Фридга узатди. – Ма, ол, ишила-тарсан.

– Нимага? – сўради Димканинг қўлидаги пулга ҳайрон қараган Фрид. – Илгарилариям бир-икки марта пул бергандинг, эсимда. Ҳозир эса...

– Аnavилар чунтагингдан олиб қўйган пул эвазига беряпман сенга, Фрид. Сени чунтагингдан олган пулни эса ўша айтган ошпазларга бераман. Улар жудаям яхши одамлар. Бирорларни тузини еб, туэлиғига туруриб бўлмайди, Фрид. Айниқса яхши одамларга. Улар сен билан менга ўхшаган етимларни ҳечам уриб, сўкиб ҳайдашмайди. Айниқса, йўғон, кексароқ бобой шунақайкан. Ўзбекча билмасам ҳам оғзини пицирлашию... кейин кўзларини сенга тикиб, жудди ота-онангни кўзларидаи ёниб, термулиб туришини кўрсайдинг... жудаям ғалати-а?

Фрид негадир йиғламсирагандай бурнини тортиб қўйди.

– Боринглар, кетаверинглар, – деди Димка Фридни тутиб, бу ергача оёгини ерга теккизмасдан олиб келган болаларга қараб. – Фрид мени ошнам, укам ҳам. Айтдим-ку, уни кўрмаганимгаям юз йиллар бўлиб кетди, чамамда. Бугунча бошқа жой топиб ётарсанлар.

Устидаги жуладур кийимларини қоқиб, текислаганларича Димкага таъзим қилиб чиқиб кетган болалар ортидан қараб қолган Фрид бошини чайқаб қўйди-ю:

– Буларни қаердан топиб олдинг, Димка? – деб сурди.

– Бунақалардан шаҳарда бир эшалон, – деди Димка бамайлихотирлик билан. – Ҳаммаси айтганимни

қилишади. Айтсам отилган ўқниям тутиб келишади, Фрид, – мақтаниб қўйди кейин.

– Сен уларни қўлидан қандай қутулдинг, Димка? – сўради Фрид.

– Ўшандами? – кулиб қўйди у. – Жудаям ёмонларининг қўлига тушган эканман. Икки кун оч қўйишди. Ҳатто.... – у ўша воқеани кўз олдига келтиаркан ижирғаниб қўйди. – Ўша қизил ёқалиларни ит феъллариям бор, билсанг. Яна қайга юборишарди, ўзинг биласан. Беш-олти кун авахтасига тикдан бўлади-ю, кейин яна болалар уйига обориб беради, қофоз-погозларини тўлдириб, – у бурнини тортиб қўйиб сўради: – Барibir ота-онанг билан учрашмаган бўлсанг керак-а?

Фрид елкасини қисди да, бошини чайқаб қўйди.

– Биламан, иккимиз ҳам етиммиз. Мени ота-онами ўшанда сенга айтгандим-а, фашистлар отиб ташлаган деб. Тирилиб келишмайди, барибир. “Сениям ота-оналингни бизниклар отиб ташлагандир, “уруш бошланганида” демоқчи бўлдию, негадир Фридни хафа қилгиси келмади чори, ота-онангни ҳеч эсломайсан-а? – деб сўради.

Фрид яна бошини чайқади.

– Исмлариниям билмайман-у... – деди Димкага қараганича. – Мениям ота-онам бўлганмикин-а, Димка?

Димка индамади. Кейин эса:

– Ҳаммани бошида ота-онаси бўлади... кейин ўлибнетиб кетишади, шекилли. Эҳтимол, сен ота-онангдан ўша урушни деб адашиб қолгандирсан. Балки, ота-онанг сени болалар уйига ташлаб, ўзлари урушга кетишгандир. Буни ким билсин. Катта бозорда адашиб, йўқолиб қолгандирсан, Фрид. Энг муҳими, биласанми, сен билан мени борлигим. Ота-оналаримиз бўлганда, эҳтимол, иккаламиз ҳеч қачон учрашмаган бўлармидик. Нима дединг, Фрид? – деди у.

– Тўгри, Димка. Ота-онамиз бўлганда яхши эдию, лекин сен билан учрашмаганимиз ёмон бўларди. –

Фрид қоғоз устида турган қотган нон бўлагини олиб оғзига солди.

Буни курган Димка:

– Очмисан, Фрид? – деб сўради.

– Ҳа, – иқрор бўлди Фрид.

– Ҳозир тўғрилаймиз, – деган Димка авра-астари титилиб кетган тўшакнинг чап томонидаги учини қайриб, қоғоз халтага тиқиб қўйилган иккита нон билан ўрдак гўштини олиб, бошидаги кепкасини олганича унинг устига қўйди. – Ол, ол Фрид, қорнингни яхшилаб тўғризисиб ол. Қара я, сендай меҳмоним топилиб қоладиу, хурсандлигимдан эсим оғиб қолганини қара.

Улар бошидан ўтган яхши-ёмон воқеаларни бирбирига ҳикоя қилишганича гоҳ кулишса, гоҳ қовоқлари ўз-ўзидан уйилиб, ғамгин бўлиб қолардилар. Кейин эса ўзлари яна жимликни бузиб, бир бирларига қараганларича қотиб-қотиб кулишарди.

– Мен сени, – деди Димка эрталаб кечқурунги қолган нон ва гўштдан тамадди қилиб олишгандан сўнг, – ўша кеча мақтаган ошпазларни олдига олиб бораман, – деб қолди.

– Нима учун, Димка? – чўчиб сўради Фрид ундан.

– Сен ўғирлаган пулни олиб бориб берамиз.

– Сени... сен мени унга ушлаб берасанми-а?

Димка “қаҳ-қаҳ” отиб кулади.

– Унда нима қиласмиш уларни олдида.

– Қанақа одамлигини бир кўриб қўясан.

Фрид бошини чайқади.

– Йўқ, йўқ, мен бормайман. Мени кўришса еб қўйишади-ку, Димка?

– Емайди. Уларни қанақа эканлигини кўрасан.

– Йўқ, бормайман.

– Майли, унда, – деди Димка Фридни унчалик хафа бўлишини истамай. Сен шу менинг қулф тушмайдиган, калитсиз ҳам очилаверадиган кулбамда зерикмай

ўтира тур бўлмаса. Мен “ғир” этиб бориб, пулни бериб келаман.

– Ҳа, Димкаси тушмагур, ўғривачча бола, – деди уни кўриши билан Мадаминжон отасига бир қараб кўйиб.

– Нима керак сенга эрталаб, ҳали ола қарға гўнг титмасдан аввал.

– Мана, у чўнтагини титкилаб бир сиқим пул оларкан, “чарс-чарс қилганича ёздор бўлаётган қозон ёнига кўйди.

– Қаердан топдинг? – сўради Мадаминжон гоҳ пулга, гоҳ Димкага ҳайрон бўлиб қааркаркан.

– Ўғрини ушладим. Яхши ўғрийкан. Ҳали бир тийининиям ишлатмаган экан, амаки.

– Сен ўғирланган пулни топиб келдингми, болам? – сўради уларни кузатиб, картошка арчиётган Мадумар aka бошини чайқаб кўяркан. – Аммо яхши самарискалигингни билардим. Кўй, Мадамин, қайсиниси олипти, ранг-рўйи қанақа, деб сўраб юрма бундан. Отинг нимайди ўғлим?

– Димка.

– Димко дегин. Ўзингларга яхши исм бўлсаям мен бунақа исмларни кам зшитганман. Отангга раҳмат, бола. Ота-онанг борми? – сўради Мадумар aka ундан.

– Ота-онаси бўлса самариска бўладими, дада? – деди Мадаминжон “бу дадам ҳам қизиг-а?” дегандай бошини чайқаб кўяркан.

– Ке, овқат-повқат қилвол, болам. Мадамин, ҳали-бери пишмайди-я, маставанг. Об-бо, буни оббихолам қорин-порни оч, ўғлим. – Кечаги овқат-повқатлардан қолмаганимиди, ўғлим. – Мадумар aka ҳали у, ҳали бу идишларнинг қопқоқларини очиб кўаркан бошини чайқаб “аттанг-а” деб кўйди.

– Раҳмат, ота, – деди Димка ўзбекчалаб.

– Сенгаям раҳмат. Манави Мадаминни бир оз жагини босадиган бўлдинг пулинини топиб, опкелиб. – Овқат-повқат егани кептур болам, пул-мулинг бўлмасаям.

– Мени танимаптими? – сўради Фрид Димкадан.  
Димка “йўқ” дегандай бошини чайқаб қўйди. Кейин иккаласи шаҳарга чиқиб кетаёттанди:

– Роза хурсанд бўлди. Ҳар куни овқат егинг келса келавер, деб айтди.

– Димка, – деди Фрид жудаям бўшашиброқ.

– Нега шалвираб қолдинг. Ё мени сотади, бу Димка, деб ўйлајпсанми, ҳалиги ошпазларни мақтаётганим учун. Унақаларни мингтасигаям сени алишмайман, қорнимни бир умр туризишиб юрсалар ҳам, билдинг, – деб койина бошлади.

– Йўқ, Димка, унақа дема. Бошқа гап айтмоқчи эдим сенга. Ахир сен мени тутинган акамсан-ку. Ё ундан эмасми? Шунинг учун сени излаб темир йўлнинг энг охирги бекатини қидириб топиб келдим, Димка.

– Хўш, нима демоқчисан?

– Мени болалар уйига топшир, Димка.

– Нима, нима дединг?

– Мени болалар уйига топшир, Димка.

– Нима учун? – ҳайрон бўлиб сўради Димка.

– Мен ўқимоқчиман, бу менга жудаям керак.

– Болалар уйи сенга жудаям керак? Бу нимаси энди.

Унда нега ўша болалар уйида яшаб қолавермадинг?

– Мен сени топишим керак эди. Барibir сен болалар уйига бормайсан. Шундай бўлгандан кейин сен билан ҳеч қачон учрашолмайман-да.

Димка жим қолди. Кейин:

– Сенга болалар уйида яшаш шунчалар зарурми-а?  
– деб сўради.

– Мен ўқийман, Димка. Ўқишни жудаям яхши кўриб қолганман. Ўша болалар уйидан ўтиргаган китобларни ҳаммасини ўқиб бўлганман. Кейин сен берган пулни ярмигаям китоб олиб ўқидим. Ҳалиги, бугун сен олиб бориб берган пулни қорнимдан ошганигаям китоб олиб ўқимоқчидим.

Фрид гапириб бўлиб, ерга қараганича тураверди. У Димкани бирон нарса айтишини кутарди. Димка ер

остидан секингина Фриднинг кўзларига кўзларини қадади-ю, унинг киприклари устида ялтираб турган ёшни кўриб эзилиб кетди. У ҳеч қачон ҳозирги ҳолатга тушмаган эди. Ўзи бирордан мурувват кўрмаганидек ундан ҳам мана шу киприклари устига ёш қўниб турган боладан бошқа ҳеч бир кимсага илиқ сўз-у, юмшоқ муомала қилмаган эди.

– Сени... сени... – деди дудуқлангандай бурнини тортиб қўйиб. – Нима учун ўқимоқчисан, ростини айт.

– Айтдим-ку, китобларни севиб қолдим деб. Ана шу китобларда, Димка, ўқимишилар ўз яқинларини топиб оларкан. Мен... биласанми, мен ҳам ота-онамни топиб олиш учун энди мактабга бораман. Китоб ўқийман. Ўқисам ота-онамни кимлигини билмасам ҳам топиб олишим мумкин экан. Буни менга битта катта одам айтди.

– Сен китоб билан қандай қилиб ота-онангни топиб оласан? Балки тўғридир... мен ҳам яхши билмайман, Фрид. Ана ўзинг айтиётгандай мен ҳам ота-онамни топиш учун китоб ўқишим керак эканда? Йўқ, менинг ота-онамни фашистлар кўзим олдида отиб юборишиган. Уларни энди тирилтириб бўлмайди. Гўштлари аллақачон чириб, каламушларми, илонларми, тутпроққами ем бўлиб кетганлар. – Димка оғир бир хўрсишиб олиб гапида яна давом этди. – Сени эса ота-онангни нима бўлганини ўзинг ҳам билмайсан. Эҳтимол, ростдан ҳам китобни кўп ўқисанг топиб ҳам оларсан.

– Йўқ, Димка, топса бўларкан. Эҳтимол, сениям ота-онангни тирилтириш мумкиндири, ҳалиги битта одам айтгандай. Мен энди мактабда ўқишим керак, Димка.

Димка бошини қўйи эгганича анчагина жим тураверди. Кейин эса:

– Ростдан мактабда ўқийсанми, Фрид? – деб сўради.

– Мактабда ўқийман, Димка. Ёрдам бер. Ахир мениям бошқа болаларга ўхшаб ота-онамни топишим учун ке, ўқий, Димка.

– Мен сенга пул топиб бериб тураман, Фрид – деди Димка күзидан ёш оқиб йиглаётган Фридга ичи ачишиб, ақлини таниғандан бүён биринчи бор күзига ёш келаркан.

Эртаси куни Димка билан Фрид иккаласи етаклашиб шаҳардаги болалар уйига боришиди. Қоровулдан директорни сўраган эди:

– Директорда нима ишларинг бор эди? – деб сўради унинг ёнида ўтирган аёл.

– Укамни болалар уйига топширмоқчи эдим, – деди Димка Фридга ишора қилиб.

– Ота-оналарингиз борми? – сўради аёл. – Мен болалар уйининг директориман, – деб кўшиб қўйди кейин.

Димка қаердаги ёлғон-яшиқларни кўшиб директорни ишонтирди-қўйди.

– Хўп, укангни биз болалар уйида олиб қолиб мактабда ўқитайлик, ўзинг-чи? – деб сўради.

– Китобга менинг тишларим ўтмаслашиб кетган, – деди Димка ёлғонни ямламай ютаркан. – Китобингизни қайнатиб миямдан қўйсангиз ҳам ҳеч нарса кирмайди калламга.

– Ие, бўйнингдаги нима, туморми? – суради директор аёл Фридан.

– Билмайман, шунаقا бўлса керак, – деди Фрид.

– Ким тақиб қўйган туморингни?

Фрид елкасини қисди:

– Ўзинг ҳам билмайсанми?

– Мен эс-эс эслайдиган битта аёл таққанини биламан.

– Ким у аёл? – ҳайрон бўлиб сўради, – онангми ё? – кўшиб қўйди кейин.

– Билмасам.

– Бу эскилик, – деди директор аёл қўлини силтаб. Олиб ташламайсанми?

– Йўқ, олиб ташламайман, – деди Фрид томоги тагидан кўриниб турган туморга ўхшаш учбурчакка ўхшашиб кетадиган нарсани ўнг қўли билан ичкарироқ кўринмайдиган жойига аста суреб, тиқиб қўяркан. – Унақа деманг. Ўша менга бу тумор дедингизми? Шу тумор деган нарсангизни тақиб қўйган аёлни ҳозир эслай олмасам ҳам “буни йўқотма, ечмаям” деган сўзларини ҳар доим эслаб юраман. Шу гапларни жудаям чиройли қилиб айтган зди, бошимни силаб туриб. Буни олиб ташла, десангиз мактабингиздаям ўқимайман, – тўнриллашга ўтди у.

– Ўша аёлни кимлигини эслай олмайсанми? – деб сўради кейин директор аёл.

Фрид бошини чайқади.

– Фамилиянг нима? – яна сўради директор аёл.

Фрид елка қисди. Кейин эса ўйланиб туриб:

– Жудаям кўп, – деди Димкага бир қараб қўйиб.

– Фамилиянг жудаям кўпми? – кулиб юборди директор аёл.

– Ўша бизни олиб келишган қизил ёқалилар қоюзларига бир нималарни тўлдиришарди-да, фамилияни билмаганимдан кейин ўзлари билганларини ёзиб қўяверарди. – Фрид кулиб қўйдию: – Тошкентдаги болалар уйида Тошкентбоев деб ёзишди. Лекин зўр экан шу фамилиям. Сиз нима ёзсангиз шу, лекин Тошкентбоев барибир яхши-а, Димка.

Димка ҳам қулдию:

– Фрид ёқтириптими, Тошкентбоев деб ёзаверинг, – деди директорга.

– Испингизни кими, ишқилиб? – кулиб сўради директор аёл.

– Э, буни анави Димка қўйиб берган, Фрид деб.

Директор аёлга қўшилиб қоровул ҳам “қаҳ-қаҳ” отишганича роса кулишдию, кейин бирданига ўз-ўзла-

ридан бир-бирларига қарашганларicha жим бўлиб қолишиди.

— Лекин Фрид, деб ёзаверинг исмимни. Аnavи Димка ёқтиргандан кейин мен ҳам ёқтираман-да, бу исмимни.

Директор аёл яна бошини чайқаганича Димкага ўтирилиб сўради:

— Бу боланинг акаси эмассан, шекилли-а?

Димка индамади. Фрид эса директор аёлга бир қараб кўйди.

— Мен ҳаммасига тушундим, — деди директор аёл кейин Димкага кўз ташлаганича. — Сен ҳам биз томонларданмассан, шундайми?

— Шундай, — деди у негадир иқрор бўлиб. Лекин Фрид менга укамдан ҳам яқинроқ, билдингизми? Агар сизлар яхши қарамасангизлар барибир бошқа детдомларга қочиб кетамиз, — деди оёғини жойидан кўтариб ликиллатганича.

— Ҳа, қочиб кетамиз, Димка айтгандай. Ўҳ-ҳӯ, нечта детдомлардан қочдигу-а, Димка. Ленинграддан бошловдикми, ўзинг айтгандай қочишни?

— Мен, энди қаёқаям борардинг, шу бизнинг болалар уйида қол, демоқчийдим, — деди директор аёл гамгин бир оҳангда. Буёғи энди ўзингни ихтиёринг. Димка дедингми исмингни? Димка, уруш тугаганигаям анча бўлди, унинг азоб-уқубатлари, ўша урушидан қанчалар узоқда бўлмайлик сифмаган раҳбарлар тўс-тўпалонини бошлаб қўяркану, бутун дардигуламларини шўрлик бегуноҳ одамлар тортаркан.

— Нимасини айтасиз, опа, — унга қўшилди қоровул эндиғина учта ямоқ тушган чок-чокидан титилиб кетган куйлагининг ёқасига қўнган пашшани ўнг қўлининг панжаларини силкитиб ҳайдаркан.

Димка Фридни болалар уйига жойлаштириб, кулбасига қайтаётганда қулдираётган қорнидан очлиги-ни сезиб “қаёқча борсамикин?” деб катта кўчанинг ўртасида туриб қолди.

## XIII

Поездлар одам вужудининг кўзга кўринмас қон томирларига ўхшайди. Улар ўша қўкимтири қон томирларидай сочилган бўлиб, бир жойдан йўналиш олганига қарамай илон изидек чувалашиб борса ҳам ўзларининг охирги поёнларини топиб, устидаги юкларини хато қилишмай жой-жойларига тушириб, яна ўз йўлларида давом этаверадилар.

Зуҳриддин тушган вагон ҳам ана шу поезд йўналишида гоҳ “йўл оғир, йўл оғир”ласа, баъзан эса “азобларга чидайсан, азобларга чидайсан” дегандай унинг ич-ичини емириб бўлган ғам-андуҳини қўшиб куйлаб келарди. У поезд тўхтаган бекатларнинг кўпларида пастга тушмас эди. Иккитами-учтами жудаям гавжум жойда бирон-бир емиш, ёхуд чойми, ичгани чой бўлмаса сувми олиб чиқиши учун ўрнидан турарди, холос.

Поездларда юраверсанг бошинг айланиб, анча-мунча босган жойингда поезд ҳаракатига қўшилиб, ўз-ўзингдан юриб кетаётганга ўхшайверасан. Шунинг учун ҳам Зуҳриддин ўрнидан тураётган чофида бир қули билан вагон деворларини ушлаб юришга ҳаракат қиласидиган бўлиб қолди.

– Жигар, ты с далеко штоли? – деб суради анчадан буён унга дам-бадам қараб-қараб қўяётган мўйловли киши унинг ёнига келиб.

– Да, – деди Зуҳриддин гапни қисқа қилиб.

– По национальности, жигар? – деб сўради яна у.

Зуҳриддин ҳали ҳам ўйга чувалашиб келаётган эди. Жудаям ширин ўй бошида айланиб юрган, шекилли, сўровчининг кейинги саволига жавоб бериш ўрнига “хаёл билан бандман, кейинроқ” дегандай қули билан бир нималарни ишора қилганича хаёли яна Нодирага кетди.

Эҳтимол... ҳа, эҳтимол, бола мола кўрганимизда мен билан қўшилишиб бирга келармиди, Нодира. Ёмон хотинмас экан. Қанча ёрдам берди, кўнглимдан ки-

риб сувимдан чиқди. Хотин бўлса шунчалик бўлар-да, ахир. Бечора қаттиқ адашганмикин... ё бу севгини кучимикин, буни ўзи билади.

Нодира уни ўша бури оғзидан тортиб олган кундаёқ ўзига негадир яқин тутди. Ювиб, тараб одам ҳолига келтирди. Бўри тиши титиб кетган юз-кўзларидан кўра сон гўштларида заҳри кўпроқ қолган эканми, узоқ ётди. Кейин эса ўша гаплар... югурмаган ерию, учрамаган таниш-билишлари қолмай яна “ўлим” лагерига жойлаштириди.

Мен уни... мен уни ўша яхшиликлари учун ёқтириб қолувдим, чофи. Мен билан кетишга кўнгандан барibir олиб келган бўлардим. Йўқ, у қатъий эди, кўнмасди барибир. Мени унутма, дегани нимаси? Ўша бўри оғзидан тортиб олган куннинг зартасими, индиними немис хотини ҳақида айтиб берганида “немис аёллариям эрини ҳурматини жойига қўйишаркан, ким бўлсаям” деган эди у.

Энди буларни ҳаммаси мен учун зартак. Ҳа, буларни ҳаммаси мен учун рўё, холос, ҳеч қачон бўлмагайдек.

– Но, долго задумался, жигар, – ҳалиги таниш овоз яна унинг хаёlinи бўлди-ю, кўзларини пирпиратиб очаркан, “мендан нима истайсан, биродар” деб ишора қилди унга.

– Сен тожикмисан, биродар? – сўради анчадан кейин ёнига келиб ўтирган ҳалиги кишига қўлини узатиб сўрашаркан.

– Қаердан биласан, жигар? – ҳайрон бўлиб сўради соқолли.

– “Жигар”ингдан жигар, – деди Зуҳриддин бир оз лабларига кулгу югуриб.

Ҳар иккиси бир-бирларига қарашганича унсиз тиржайиб қўйиши.

Зуҳриддин анчадан сунг ҳарбий қисмларида тоҷиклар кўплигию, уларнинг кўпчилиги мана шу “жигар” сўзини қўшиб гапиришини ҳикоя қилиб берди.

– Сен жудаям кўп жабр тортган одамга ўхшайсан,  
– деди ўзини Поёнзода деб танишириган соқолли то-  
жик. – Сени юз-кузларинг негадир унсиз йифлаб ту-  
риди.

– Тўғри, – деб тан олди Зуҳриддин у билан ўзбекча-  
лаб гаплашаркан. Сен айтгандай бутун ҳаётимни тенг  
ярми жабр-ситамлар орасида ўтди, биродар. Билсанг,  
фақат ҳаёлларимгина, ўйларимгина ғам-ситамлардан  
олис, ширин, холос. Бошқа ҳеч нарса кўрмадим.

– Лагерда бўлдингми? – деб сўради Поёнзода.

– Лагердан келяпман.

– Эндими? Уруш тугаганигаям ўн уч йил бўляптию...

Меники ҳолвайкан, жигар. Ўн йилга кетувдим...

– Ўн йил ўтирдингми?

Поёнзода бошини чайқади.

Зуҳриддин унга синчковлик билан кўзларини тикди.

Поёнзода Зуҳриддинга аста-аста гапирди:

– Уч йилида қочвордим. Қочмасам ўлиб кетардим  
барибир, ўша ўлим лагерларида.

– Нега лагерга тушгансан, Поёнзода? – сўради Зуҳ-  
риддин ҳам паст товушда.

– Пленга тушувдим. Кейин немислар лагеридан қоч-  
дим. Ўзимизникилар ушлашдию, лагерга тиқвoriши-  
ди, “ҳа” йўқ, “бе” йўқ. Яхшиям ўлдиришвормади ўша  
пайтни ўзида. Шунисигаям шукр, жигар. Ҳозир қоч-  
ганимни айтиб бераман, у бошини чайқаб “уфф”ла-  
ган бўлди. Ўша Коми деган ерни ўрмонларида йирт-  
қич айифу, бўриларга ем бўлиб кетмаганимга ақдим  
етмайди ҳали ҳам. Қанақа қилиб тирик юрибман, буни  
Яратганни ўзи билади, холос.

Комендантиям, соқчилариям қутурган ит эди. Йўқ,  
ит десам озлик қиласди, жигар. Итни кет десанг, нари  
кетади, тегмайди. Соқчилари нақ орқангта тепиб, бе-  
лингга карабинни шомпилини санчишади, лаънати-  
лар. Ахийри.... ҳа, ахийри нима бўлса бўлар дедиму,  
шеригим билан қочвордик. Шеригим битта қозоқ бола  
эди.

– Комида ёғоч кесардик дедингми, жигар? – ҳайрон бўлиб сўради Зуҳриддин. – Комини қайси томонида?

– Нима, сен ҳам ўша томонларда бўлганмисан?

Зуҳриддин “Комининг оти ўчсин” дедими, номини ҳам тилга олишни истамасдан боши билан тасдиқ маъносини берди.

– Учрашмаганимизни қара-я, сен билан. Ҳа, майли, нимаям дердик, тақдирни қисматига. Барибир учрашар эканмиз. Кўнглим ким биландир учрашишни сезиб юрарди, жигар.

Зуҳриддин ҳам “ҳа, одам билан одам учрашаркан” деган хаёл кўнглидан ўтаркан, бошини силкитиб кўйди. Кейин эса:

– Икки киши қочдик, дедингми? – деб сўради.

– Ҳа, икки киши қочдик. Битта қозоқ йигит билан. Яхши бола эди.

– Нима, йўлда бўри-мўри еб кетдими? – унинг хомуш тортганидан шошиб сўради Зуҳриддин.

Поёнзода ҳам бошини чайқаб “афсус” маъносини билдиргандан сўнг:

– Уни, биласанми, ўша қозоқ боланинг гўштини мен ўзим едим, – деди кўзлари бақрайганича.

– Ҳазиллашяпсанми, жигар? – таажӯжубда сўради Зуҳриддин.

Поёнзода “йўқ, ҳазиллашётганим йўқ” деган маънода бошини силкиркан:

– Ҳозир... ҳозир айтиб бераман ҳамма-ҳаммасини, – деди кўзига ёш олиб. Шунаقا қилмасам тирик қолмасдим. Тирик қолмасдим, шунаقا.

– Ҳа. Ҳаммамиз ҳам ўзимиз ҳам билмаган ҳолда тирик қолдик, шекилли. – Унинг гапларини тасдиқлаб кўйди Зуҳриддин. – Жудаям олисдан келмаяпсанми, ишқилиб? Одам гўшти деганингга ғалати бўлиб кетдим. Ишқилиб ҳазиллашмаяпсанми?

– Йўқ, – деди тожик мўйлови устига ёпишиб қолган гардни синчалогининг тирноқлари билан тирнааб таш-

лаб гапида давом этди. Сенга, жигар, ўзбекча гапираманда-а? Ё тожикчани тушунасанми?

Зухриддин бошини чайқади.

– Мен ўзбекчани сендан яхши билсам керак. Ўрисчаниям қийворадиган бўлиб кетганман, жигар. Лагерь сени оғзингни юмиб ташлабди. Жудаям олисдан келмаяпсанми, дедингми? Йўқ, қозоқ овулидан чиқдимку, ахир. Шундоқ гаплашиб борамиз-да, биродар. Гаплашмасанг сениям юрагинг ёрилиб кетмайдими, менга ўхшаб. Туркистонгача, буёри Хитойгача етадиган гапларни гаплашамиз ҳали. Ўзинг қаерларда бўлдинг, нималар кўрдинг, қандай тирик қолдинг? Нима учун уруш тугаганига қанча йиллар бўляптию, эндиғина ковушингни судраб уйингга қайтяпсан? Шулардан гапир, жигар.

Зухриддин тожикнинг сўзларига бир оз жилмайиб қўйдию:

– Менда ўша гапирадиган гапни ўзи йўқ. Бориям азоб-уқубатлардан тугаб бўлган, – деди салгина сурилиб “бемалол ўтиравер” дегандай унга.

– Қорин-порининг қанақа? – у Зухриддиннинг жавобига ҳам қарамай қўлидаги тугунини ечиб, яримта бўлка билан бир қаричча келадиган қазини майдалади. – Ол, жигар, ол. Лагерни мен биламан. Қанча бўлдинг-а, тўғрисини айт-чи?

– Ўн йилдан кўпроқ.

Тожик “вах!” дедиую бошини қайта-қайта чайқади:

– Янаям тирик экансан-а? Вах-вах!!! У томонларингга фақат одам чидайди. Ҳайвонларию, ўрмон-даражатларини эркин-эпкин юришиб урганишган. Одамлар, айниқса, сен билан биздақалари тиканлар ортида... Вой-вой-ей, ўйласам юрагим орқага тортиб кетади. Э, чаёнини боласиям у кунларини кўрмасин. Отинг ни майди?

– Зухриддин.

– Зухриддин, ҳали айтганимдай мен қандай қилиб тирик қолдим, айтиб берайми-а? Ёнимиздагиларни

биттасиям сен билан мени тилимни тушунмайдиган қаердаги чулчутлар экан, – деди атрофларида европаликлар ўз-ўзлари билан алланималар ҳақида тортишаёттанидан бамайлихотирлик билан. – Лагердагилар итдан ҳам баттар эди. Мен сенга айтсам урушга икки йил кирганиман. – У шу гапни айтдию негадир бўшашиб, титраб кетди. – Ёнимда битта армани бор эди. Ҳозир ўша бирданига эсимга тушиб кетди. Ўлмай ўлгур ялтироқ нарсага жудаям ўч эди. Атака бўлиб, штик санчиш бошланганда оёғинг остида ўликларми, ярадорларми босиб кетаверасан. Урушда бўлган бўлсанг кўргансан буни, тўғрими?

Зухриддин “йўқ” дегандай бошини чайқади.

– Ие, нега? Ростдан ҳам уруш кўрмаганмисан?

– Урушга кирмаганман.

– Нимага?! – таажжуб билан сўради тоҷик. Кейин эсига бир нарса тушди шекилли, – исмимни Сафо деб айтдимми сенга. Сен Зухриддин дединг, билволдиму, Сафолигимни айтмабман-а, сенга. Нимага урушга кирмагансан. Ё кирмай туриб қочиб лагерга тушганимисан? Йўқ, урушга кирмай қочворганингда ўша тобнинг ўзида отворишарди сени.

– Ҳалиги Власов деганлари уруш бошланиш кунларида Германияга олиб бориб, сотворган эди...

– Ўша генералларини ўзлари сотқин, ҳалиги Жукови маршалми? У жудаям зўр чиққан. Ўша бўлмаса немислар енгилмасмиди ё ўлганлари, сен билан мендақа азоб тортганларни қаршиши текканми немисларга, хуллас... Сотилиб кетган экансанда-а?

Зухриддинни бир оз ғаши келдию, индамади. Оғизга соглан бир тишлиам нон билан қазини ютиши қийин бўлди, “сотилиб кетган экансан-да” деган гапидан кейин. Энди валахласа валахляяпти-да, дедиу, томогидаги “култ” этиб ичагига ўтгандан сўнг кўнгли урнига тушиб тоҷикка қараб кўйди.

– Мендан хафа бўлма, – деди у ҳам Зухриддиннинг “сотилиб кетган экансанда-а?” деганига қовоқ-тумшу-

ри осилмаса ҳам, чайнаган нон ва гүшти томоғидан қийинлик билан ўтганини сезди. Оғзим вайсақи бўлгани билан кўнглим тоза. Энди сенга ўша Коми тарафлардан қанақа қилиб қочганимни бир бошдан айтай, эшитасанми?

Зухриддин “айтсанг айтавер, барибир тешик қулоққа ҳар нарсаям кириб чиқаверади-да”, дегандай бошини ликиллатиб қўйдию, тоҷикнинг ҳадеб “ол, жигар, олсанг-чи” деганидан зерикиб, яна бир бурда нон билан бир бурда қазини оғзига солиб, чайнашга тушди.

– Қозоқ хотиним қазини пири, – деди у бошини иргаб қўйиб. – Мазаси қалай экан, жигар? Ёмонмас-а, тилинг тегиши билан эриб кетяптими? Қозоқларам зўр ҳалқ экан, таомни маза-чучугини билишади. Ҳўп, – у панжаларини ёзиб, икки шапалогини бирбирига ишқади. – Энди жўро, сенга ўша лагердан қандай қочганимни бир чеккадан ҳикоя қилай-а? Аммо кўркма, атрофимда қанақа одамлар ўтирибди. Ўтирса ўтираверсин, бу уларни иши, бўлтими? Бизни ишимиз – мен сўйлайман, сен эшитасан. Эшитганга гуноҳ ҳам йўқ, жазосиям йўқ. Тешик қулоқни бу томонидан кириб, у томонидан чиқарворсаям ўзини иши.

Сафо анчадан буён уста тифини кўрмаган соч-соқолини ўнг кўлининг панжалари билан силаб-сийпаб, юмaloқ боши тепасига қўндириб олган очқизил ва қора-сариқ аралашган гулли, енгилгина дўпписини айлантириб қўйиб, бир хўрсиниб олди.

– Чоригингни ит тортяптими демаю, аммо чоригимни урушига олиб бориб, ташлашган куниёқ тортиб бўлганиди, – деб ҳикоясини бошлади у. – Аммо биттаям немисни ўлдирганим йўқ. Ўлдиргим келсаям ўлдириш насиб қилмади. Аллоҳ назар қилмаса ўғри бозорга далмол бўлмайди, деганлари шу экан, шекилли. Бир қарасам пленга тушиб ўтирибмиз, бир-иккитамиз. Худди ўзинг кўлинингни кўтариб, “мана, мени асирга олинглар” дегандай мингта чиририқдан ўтказишади,

ҳаммасиям. Ишқилиб, гапларимта зерикмаяпсанми, ҳамсоя жигар? Зерикма, сен гапирсанг мен тинглайман, мен гапирсан сен тинглайсан. Йўлда йўловчиларни ўзлари шунаقا бўлишади, манави поездда кўп юрган бўлсанг биласан.

Зуҳриддин ҳали ҳеч ҳам бундай ҳамроҳ учрамаганигами ёки кўп йиллардан бери ўз тилида ҳамсуҳбат бўлган бир зотни кўрмай, она тилида гапирадиган одамнинг ўзини соғиниб қолганигами ҳамсуҳбатининг анча-мунча овдим-довдим гапларига ҳам эътибор бермай бутун вужудини бериб, гапларини эшитарди.

— Ҳа, лагердан икки киши бўлиб, ўша айтган қозоқ йигит билан қўшилишиб қочвордик, нима бўлса бўлар деб. Қочмасак барибир бир-икки йилгаям чидамай, азоблариниям кўтаролмай ўлиб қолардик, жигар. Жудаям кўп йўл юрдик. Ўрмонларидан ўшанда бутунлай кўнглим қолган, билсанг. Бу ўрмонларини ҳеч поёни йўқ. Кирволсанг чиқолмайсан, ичida ўлиб кетасан бош-охирини тополмай. Қозоқ ҳамсоямни исми... исми Жақип эди, Жақип. Ҳа, яхши йигитиди, кўнгли очиқ, одамохун. Мен бунаقا қор катта ёқдан ерларни кўрмаганман. Белингни тепасидан қор кечганимиз, ўшанда. Вой-буй, эсласам юрагим ҳалиям орқага тортиб кетади. Кўп юрдик, ростдан ҳам. Роса йигирма бир кун юрганимиздан кейин егани ҳеч вақомиз қолмади. Бир ёқдан совуқ, бир томондан очликдан ичингни ит таталайди, яна бир томондан хавф-ҳадик. Ушлаб олишса турган ерингни ўзида мильтири билан бошингта қараб қўйворишлариям мумкин, билдинг. Буни устига Жақипни безгак тута бошладими, иситмадан куйиб-ёнадими, билмадим, кўтариб олганман орқамга опичлаб. Эҳ-ҳе, сен билан биз ўзбек, тожикда “энангни тўйинни кўрасан”, деган гап бор. Энамни тўйинни ростданам ўшанда бир марта кўрганман. Энди энамни туинни кўришни тепамизда турган Аллоҳимиз бошимизга солмасин, бошқаларгаям.

Сафо негадир жимиб қолди. Эски дард-алами эсига тушиб, бутун вужудимни қамраб олдими, яна аввалгидай қилиб оғир ва чуқур хурсиниб олди. Зухриддинга “ол, сен оч бўлсанг керак ҳойнаҳой”, дегандек қилиб имлагандан сўнг ҳикоясини келган еридан бошлади тарин.

– Жақип титрарди, алаҳсиди, ҳаво йигирма дараҗадан юқорироқ совуқ бўлсаям чамамда қирқ иситмада баданлари ловулаб ёнарди, раҳматлини. Ҳа, бир нарсани айтмай кетибман, ўзи сенга ҳикоя қилишимни мақсадиям шу эди, жигар. Оч қолсагу, биримизтирик қолсак бир-биrimизни гўштимизни ейишга келишволгандик, жигар. Бу фикр менданмас, мана, тепада Худо турибди, ўзи айтсин, Жақип ўз оғзи билан шу гапни қайта-қайта уқтирувди. Шундай бўлсаям унинг иситмада куйиб-пишиб ўлиб қолишини истамасдим, гапни рости ёғиз... ёппа-ёғиз қолишдан ўлимдан баттар қўрқардим. Ҳа-я, қўлимизда биттагина пичоқ бориди, айтиш эсимдан чиқибди. Лекин хилват, инсон қадами жудаям кам теккан, эҳтимол, инсон қадамиям тегмаган ерлар ҳам бўлса керак. Ким билсин, битта пичоқ билан қаергаям борардинг, одам. Йўқ, у одам бўлмади. Жақип одам бўлмай, жон бериб кўйди, йўлда. Жақипни ўлигимас, ичимни тирнаётган очлик азобидан оз бўлмасам ўзим ҳам патимни ёйворишдан ростини айтсан, қўрқардим. Қарагайни пўстию, арчаларнинг баргларини чайнайвериб, томоримдан ўтмай қолганди, ўшанда. Мен... мен Жақипни меникидан салгина бутунроқ этиги билан қўлқопини олдиму.... ҳа, этиги билан қўлқопини олдиму, пичорим билан унинг икки оёрини тиззалиридан кесиб сон ва думбасини ажратиб олиб, бошқа кийим-бошига қолган жойларини ўраб қор тагига...

Сафо бир зум жим қолди. Сафо йирлаётган эди. Унинг чап қўлининг билаклари тепага кўтарилиб, киприклари орасида пайдо бўлган тиниқ ёшларни сидириб, яна ўша билаклар пастга тушди.

Сафо йиғлаётган эди. У худди ёш боладай енгил ҳиқиқочқұ тутиб, ўқчиб-ўқчиб, ҳар ўқчиганда эшак қуртдай зғилиб турған бели тепага, тепароққа күтарилиб, пастга тушарди.

Зұхриддин унға “Жигар, йиғлама, нега йиғлайсан, уларнинг ҳаммаси үтди-кетди, тирик қолганингга шукр айт” дегиси келдию, лекин бу гаплар аччиқ күз ёшларини тукиб, ичдаги дард-аламлар ана шу күз ёшлар билан бир оз фориг бўлишини ўйлаб, даlda бергиси келмади. Қўй, йиғлаб олаверсин, ҳар ҳолда енгил тортади, деган ўй билан.

– Сен мени “жинни-пинни” деётгандирсан. Ҳа, ростдан ҳам мен жинниман, – деди у қўйнидан яrim шапалоқча келадиган қоғоз чиқариб узатаркан, – тўғрийканми? – сўради.

Унинг ақл томонидан дардманлигини тасдиқловчи “свидетельство”сига кўз югуртирган Зұхриддин “ҳа” дегандай боши билан имо қилиб қўйди.

– Раҳматли йўлдошимни ярмини кўмиб, ярмини Жақипни ўзидан ечириб олган йиртиқ-ямоқ мөор босиб кетган кўйлагига ўраб, қўлтиқлаганимча анча юрдим. Кейин унинг совуқдан тарашага айланадаётган этидан катта бир шапалоқча қирқиб олиб, еб кета бошладим... Жақипни бадани менга икки ҳафтадан кўпроқ емиш бўлди. Айниқса, унинг ёри кўпроқ асқотди, ҳа.

Зұхриддин унинг ҳикоясидан титраб кетди. Кўз ўнгидан бури билан олишгани үтдию, бошини чайқаб “буям мендан ҳам баттарроқ итни кунини кўрган эканда-а?” деган ўй хаёлидан үтди. Лекин Сафо ҳикоясини яна келган жойидан улаб кетди.

– Мен аввал Жақипникига бориб, кейин уйимга бормоқчи здим, жигар, – у бошини чайқаб олди. – Отамни аввал бориб кўрай дедиму, қайғу-алам устидан чиқиб қолдим. Отамни хоиннинг отаси сифатида қамашган, онам эса бу ситамларга чидамасдан ўтиб кетибди, рихлат қилиб. Юртимда қололмасдим. Кечак-

си кириб борган бўлсам яна кечаси думимни қисганимча Қозогистон қайдасан, деб Жамбулни дунгандар яшайдиган Масанчи қишлоғига йўл тутдим. Жақип оиласи ўша ерда яшашигию, хотинини чилласи чиқмасдан янги келин ҳолида қолдириб кетганлигини айтганди, ва яна қай биримиз соғ-саломат қолсак... деган бир гапни қиласанни учун кўнглим ўша томонларга чопган эди. Мен Жақипни ота-онасию, қирқи чиқмай бева қолган хотинига унинг урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлганини ҳикоя қилиб бердим, ёлғон-яшиқни дўндириб. Учта боламиз бўлса бош бола Жақипдан, қолган иккитаси мени қизим. – Сафо Зухриддинга қараб яна “ол, олмайсанми?” дегандай нон билан қазига ишора қилди. Кейин эса:

– Оласанми? – деб сўрадию, қўлидаги халтачадан чиқарган “водка”сини вагондош одамларнинг бўш пиёласини сўраб келиб, култиллатиб қуйганича биринчи қадаҳни “бу кунларни унтиш учун” деб ўзи кўтариб юбориб, кейингисини Зухриддинга узатди.

– Ичаман, – деди Зухриддин Сафонинг бир-икки “ол, ол” деб зўрлаганидан сўнг ароқ қуийлган пиёлани сларкан. – Мана шуям ўша томонларда анча-мунча оз-моз бўлсаям дард-аламлардан фориг қилиб юрганга ўхшайди, – дедиую унинг қулогига оғзини тутиб, “ўнгланиб кетибсанда-а? – деганича ичди.

– Ҳамма нарса пулу... – деб кулади Сафо Зухриддининг нима демоқчилигига ақли етиб. – Ўн-үн бештадан ортиқ қую, еттита сигирим бор. Нақ битта молими пулига... эплаволганман, – деди тиржайганича. – Бўлмаса ҳамма ердаям иш чатоқ, кўрасан ҳали. Битта молни пули қанча бўлади, шу қимматчиликда, билласанми ўзи? Яхиси сен, юртингга борма, жигар. Юрting сенга нимаям қилиб берарди, бу дунёда. Ота-онангният асир тушганинг учун ҳали не балоларга гирифтор қилганини қаердан ҳам билардинг. Яхиси, мен билан ҳозир яшаётган қозоқ томонларимга бор. Тор-чўлда чорва билан ўралаш, кам бўлмайсан. Бит-

та-яримта қозоқ хотинниям топиб бераман. Ўзингни миллиатингданам бор, бу ёғини сўрасанг.

Зуҳриддин бошини чайқаб қўйди. Эҳ-ҳе, шу озодликни деб ўн икки йилдан кўпроқ ўтириди. Икки йилдан кўпроқ “фин”ида бўлди. Ўша юртини ўйламагандада, ота-онаси ҳар куни кўз олдидан ўтмаганда ё ўзини бир ёқлиқ қиласарди, ё ҳа, ҳалиги Австралиями, Америкасими, ўша томонларни мўлжал олган Қосимжондай бирон-бир юртда одамдай яшаётган бўлармиди. “Торга тор, кенгта кенг дунё” деб она юртини ўйлаб, шу балоларга гирифтор бўлди, бечора. Ҳали ота-онамни менинг бегуноҳ гуноҳим учун бошларига кулфатга ўжашаш бирор нарсаларни солишлариям борми, анави тожик Сафони айтишича.

– Кўп ўйланавермай, “хўп” деб қўявер, жигар. Ҳали “бу тожик жудаям тўғри айтган экан” деб юрма тагин. – Сафо қуишини унугиб қўйган ароқ шишишини қўлига олиб қараб қўйди. – Ўҳ-ҳӯ, энди бир пиёладан қўйдимми. Манави оғиз кўп валақлайди, жўро. Ол, ич, – деди қуйган пиёла тўла ароқни унга узатаркан.

– Менга кўпайиб кетадио... – Зуҳриддин “бўлди энди” дегандай ўнг қўлининг кўтариб силкиди.

– Бу нима? – деди Сафо “шуям ароқ ичишми” дегандай лабини буриб, – тилни тагида қолиб кетадио... Ўрисни ароғини немислар ҳам мақташади дейдими? Йўқ, сен билмасакансан бўлмаса. Ўрисни ароғини ичиб маза қил, чинданам. Ич, ич, жигар. Ўша ўзинг айтган ўн икки-ўн уч йиллик қалбингдаги губорниям шишидай қилиб ювиб ташлайди бу. Ўн икки-ўн уч йил “ёнган” бўлсанг хотинни қанақа бўлишиниям унутворган чиқасан, унда. Йўқ, мен билан кетасан, жигар. Биттаси бор, ўзим кўз остига олиб юрувдиму, сенга бўла қолсин ширмойдайин. Воҳ-воҳ! Хотинмисан хотин бўлади-да, ўзи. Оппоқ сутга чайилгандай. Қозоқларнинг ҳамма қиз-жуонларини баданлари сутга чайиб қўйилган. Юзлари эса бозордаги ширмой нонлардай.

– Қозоқларингни жудаям кўп мақтаб юборганинг билан барибир иложим йўқ, Сафо, – деди Зухриддин.

– Йўқ, иложи бор, деб унинг гапини бўлди учинчи пиёла айлангандан сўнг Сафо қатъийлик билан. – Сен ҳам менга ўхшаш бир жафокаш лагерда ўтирган экансан, демак, ҳаётдан тўйиб кетгандардансан, шундайми? Ароқни кайфидан айтяпти деб ўйлама, жигар. Бу шишадан кейин, яна битта бўшатамиз. Яна биттадан кейин яна бўшатамиз. Пул бор, туёқ сотиб, Туркистонга тўйга кетяпман. Хотиним қизларим билан уч кун бўлди кетганига. Сениям тўйга тушириб қолдираман, истасанг.

– Раҳмат, жигар, – деди Зухриддин “оббо, бу Сафоси маст бўлнолиб анча иш кўрсатмасайди” деган хавотирда ортиқча гап қилгиси келмай унинг кўзларига тик боқди.

Зухриддиннинг кўзларига ҳамма ҳам тик боқавер масди. Ўзида қандайдир хислат борми. Кўзини кўзига тикиб, тик қараган ҳар қандай одам негадир шаштидан қайтар, гапирадиган кейинги сўзлари лаби учда қолиб, жим бўлиб қоларди. Ҳозир ҳам “анча-мунча ароқ менга писандмас” деб турган Сафо ҳам унинг кўзларига дош беролмай жим қолдию, бир оздан сўнг бошини ўриндиқнинг ёғочларига тираганича хурракни бошлаб юборди. Сафо уйғонгандан кейин Туркистонни яқинлашаётганини кўриб яна Зухриддинга ўтирилганича:

– Мен сенга гапимни бошида бир армани ҳақида гап бошлаган эдим, эсингга келса, – деди яна уни ўзи билан олиб қолиши мақсадида. – Биласанми, ўша армани ўқ еб йиқилган немисни ёнини титкиларди. Панжаларидан кўзини узмай қаарди. Ўқ еб ўлган ўзимизни одамларни у ер-бу еридан олтин қидирарди, кўзинг тўкилгур. Бир марта еттита олтин соату, бешта олтин узук тўплаганини мақтангани ҳалиям қулоғим тагида турса, яна у ўликни яна нимаси борикин деб энгашаётганда отилган ўқдан пешонаси титилиб,

ўша ўлук устига қандай гурсиллаб тушгани кўз олдимдан кетмайди, баччагарни. Бу гапни сенга айтдим-кўйдиму, аммо мол-дунёга хирс кўйиб бўлмайди, гапнинг рости. Қол, мен билан ўзбек. Майли мол-кўй қилиб бериб, яхшироқ хотингаям уйлаб қўямиз, – деб ялинди.

– Мен ота-онам учун яшадим, – деди Зухриддин кўнглидаги борини Сафога яширмай айтаркан. – Ота-онам ҳали ҳам менсиз тўкилиб ҳам бўлгандир, Сафо. Ҳар ким ҳам биронга сен айтган яхшиликларни раво кўравермайди-ку. Ана, ўзинг айтдинг, кўзи оч арманни ҳақида. Ростини айтсан, юрагим ҳам, кўнглим ҳам тирик туриб тўкилиб бўлган мени. Комида “қол” дейдиган юртдошимни меҳридан тотидим. Лекин унинг аёллик меҳри ҳам кўнглимни илитолмади, билсанг. Йигирма йилга яқин кўзларим юртиму, ота-онам томонга оқавериб, адойи-тамом бўлганман. Яна қанча умрим қолди, Аллоҳ билади.

– Э... – деди Сафо унинг кўлинни силаганича, – сўзларинг юрагимни эзиз бўлди. Бошқа гапирма. Мен ҳам сенга қол деб ҳеч нарса айтмайман. Кел, қуй, анави ўрисни “водка”сидан ичиб туриб хайллашамиз.

– Майли, – деди Зухриддин Сафо очаётган “водка”га кўз қирини ташлаганича пиёлани олиб ҳар доим ёнида олиб юрадиган аскар “фляга”сининг қопқоғини бураб очиб, пиёлани чайқаганича унга узатаркан. – Мен манзилингни эслаб қолдим, сен ҳам эслаб қол, деб манзилини айтди.

Туркистон яқинлашаётган эди.

#### XIV

Фрид етимхонанинг эркин қуши эди.

У энди ҳар галгидек “болалар уйи” деб аталувчи етимхонадан қочиб кетмади. Негадир қочиб кетишни ўйламас ҳам эди. Аввалги болалар уйидаги “эрксизлик” ҳам йўқдек эди, унинг учун. Энди унинг қочиб

кетишига бирон-бир сабабми, хуллас, шунга ўжаш бирон-бир "туртки" йўқ эди.

Димка ундан деярли кунора хабар олиб турарди. Энди Димка ҳам, Фрид ҳам аввалги Фриду, Димка змас здилар. Улар аллақачон бўйларига бўй қўшилган, ақларига ақлу, идрокларига идрок қўшилмаган деб бўлмас эди. Энди улар ўз орзулари бўлган темир йўлларнинг энг сўнгти бекатию, энг сўнгти темир йўл излари атрофида яшардилар.

Олис ва жудаям олислардан дунё бурчлари бўлаги – ўша охириги темир йўлию, илк бор темир йўли бошланган шаҳарга келиб қолишиб, шу ерда яшаётганларига ҳам анча йиллар бўлиб қолган эди.

Энди радио карнайлардан "уруш" сўзлари ўчган, ўша Адольф Гитлерни ҳам қалбига ғулгула соглан Левитаннинг овози ҳам камроқ эшитиладиган бўлиб қолган, тонг саҳардан салгина кейин Москвадан "пионерский зоркий", ўзбекчасига "пионер эрталиги" да горин садолари янграп, ёз келди дегунча тогу тош ва дарё-ю ўрмон ва боғ ёқаларида ўкувчиларнинг шўх ва янгроқ овозлари қулоқларга чалинадиган бўлиб қолганди.

Фрид энди жудаям тартибли ва бежирим кийинар, аввалги бит ва могор босган эгнидаги кийим-бошлирини аллақачон хаёлидан чиқариб юборган, шекили, ўзи ўқиётган катта бир мактабнинг дружина кенгашининг раиси эди. Катта танаффусларда мактаб директоридаи сўнгтина мингга яқин болалар ўртасига чиқиб таълим-тарбия-ю, келажак ҳақида галирганда анча-мунчаларни оғзига қаратиб қўядиган бўлиб қолган эди.

У киму ва ким бўлмасин, негадир ҳали ҳам қиласидиган бирор-бир ишининг тайини йўқ Димкани гап-сўзларига қулоқ солар, "ма, манавилар сенга керак бўлади" деб узатган анча-мунча пулларни унинг раъйини қайтармай олиб, керак бўлганда керакли жойига ишлатар, ҳар ҳолда "бойвучча йигит" бўлмаса ҳам "бойвуччалардай" қовоқларини уйганича ўз тенгдошли-

рию, керак бўлса ўзидан катталаргаям ақл-фаросат бўлиб юрарди.

– Ўу... ўгригина болам, – деди Мадумар ака Фриднинг янгигина хушбичим оқ костюм-шим кийиб олганни кўриб бошини чайқаганича унга. Қара-я, бир чиройли, бир келишган йигит бўляпсан, шекилли, сенга кўзим тушиши билан... – у “сени ўша ўғрилигинг эсимга тушиб кетади” демоқчи эди-ю, тилини учига келиб қолган гапни ичига ютиб, унга ҳою-ҳавас билан қараб қўйди. – Кел, ўтири. Ўтири болам. Кўнглинг нима истайди, куйиб-пуюп берай, болам.

Фрид бошини чайқади:

– Мадумар ота, ҳозиргина детдомни ошхонасидан чиқдим, – деди “болалар уйи” дейиш ўрнига қисқартириброқ, кўрсаткич бармоги билан бўйнига чизиқ тортиб. – Ўзингизнинг ишингиз қандай?

– Сен бола ўзбекча гапирсанг нақ ўзбекни ўзисану, тилимизни билмайсан-да, – деди ҳар доимгидек унга ўзбекчалаб.

– Нега билмайман, биламан. Тушуняпману, ахир.

– Тушунишингни биламан... – ўтири болам, ўтири, бир пиёлагина бўлсаям қуруқ чой ич бўлмаса. – Мадумар аканинг гапларини Димкайм, Фрид ҳам ҳеч қайтармас эди. Шунинг учун рўпарасидаги сўрига келиб оёғини осилтирганича ўтирди.

Мадумар ака ўзи куйиб ичаётган чойдан бир пиёла қуйиб унга узатди:

– Ич, болам, тушлик ҳам бўлиб қолди. Ҳалиги Димка акангни икки кундан бери кўрмай қўйдим-а, болам? – деб сўради.

– Мен ҳам кўрмадим. Уч-тўрт кунларда мактабга келиб турарди, бормади.

– Уйини биласанми? – сўради Мадумар ака.

Фрид унга бир қарадию, нима дейишини билмай елкасини қисиб қўя қолди.

– Нега елканг қисилади? – ҳайрон бўлиб сўради Мадумар ака.

– Уни уйи йўқ, – деди Фрид кейин тўғрисини айтиб.  
– Лекин ҳозир биронникида ижарада турипти, Мадумар ота.

– Ўй сотовлса бўларканда-а? Мадамин, ҳой Мадамин! – чақирди у ўғлини.

– Ҳа, дада!

– Анави Димкани ростданам уйи йўқми, болам?

– Мен уйи бор-йўқлигини қаердан билай, дада! – У яна оғзига келган гапни қайтариб жим қолди.

Фрид кетгандан кейин Мадумар aka ўғлини чақирди:

– Анави Фрид худди ўзбекни ўзи-я, болам? Сал-палмас, ҳамма ёғиям ўхшайди, болани.

– Ўхшасаям керак, – деди Мадаминжон бефарқғина. – Нимага сўраяпсиз, дада.

– Бир қулинни ҳалоллаб қўймаймизми, ўғлим?

– Қанақа қилиб ҳалоллайсиз? – тушунмайроқ суради Мадаминжон.

– Ие, шуниям билмайсанми? – у ўғлига тикилдию, бир оз ўсиброқ кетган соч-соқолига битта-иккита оқ оралаб қолганини кўриб елкасини қисди-ю, – нима қилардик, кестириб қўямиз-да, ўғлим?

– Ўрисни-я, – бутунлай ҳайрон сўради Мадаминжон.

– Сен ҳам ўзбек деяпсану, уни.

– Фамилияси Тошкентбоеву... яна билмадим, дада.

– Э, гапингни қараю, ўғлим. Тошкентбоев ўзбек бўлмай ўрис бўлсинми, болам. Бир сўраб-суриштири, энди. Катта савобни тагидаям қоламиз, қўлинни ҳалоллаб қўйсак.

– Ўзидан ҳам сўраш керак, дедим, – Мадаминжон отасининг гапларига ич-ичидан кулиб.

– Ҳа-я, тўғри айтдинг, ўғлим. Ўзидан ҳам бир сўрачи, болам. Ўзбекман ёки ўрисман, дер тўғрисини айтиб.

Мадаминжон “бу дадам жудаям қизиқ-а, кофирни қўлинни ҳалоллаб нима қиларкин энди” деганича тоғ қулишини, тоғ қаричилигига йўйиб, хафа бўли-

шини билмай, серрайиб ўйлаганича анча туриб қолди. Ё, бу одамни гапини қайтариб ҳам бўлмайди, бир хафа бўлса уч-тўрт кунлаб лаб-лунжини осилтирганича хафа бўлиб юраверади, ҳеч кимга индамай. Ҳалиги бир кунлик савдо пулинни олдирволиб, кейин Димка деган самарискаларни “шефи” топиб, келтириб берганда худди ёш болалардай бирам яйраб-яйраб кулиб хурсанд бўлди-я, дадасининг бу вақти чорлигини ўнта қўй сўйиб берсангиз ҳам топиб бўлмайди, барибир.

Йўқ, дадасининг гапини икки қилиб бўлмайди. Бу одамга Аллоҳ ҳам икки қўллаб бериб, Хизр тез-тез на-зар ҳам қилиб туради, шекилли, етим-есиру, бор-йўғини қанча тўкиб солмасин, топган пулининг баракаси ҳеч тўкилганини кўрмаган. Лекин бу одам айтдими, айтганини қиласи, бирорга ҳам айтганини қилдиришга ўрганганд. Эҳтимол, мана шунаقا кўлининг баракаси бору, етим-есирга еб-ичирган одамнинг ўзини Аллоҳ қўллаб-куватлаб юради, шекилли.

– Ҳой, Димка, – деди ўша куннинг эртаси уни бозор ёнида учратиб қолган Мадаминжон, “сенда гапим бор. яқинроқ келгин-да”, дегандай ишора билан.

– Нима гапингиз бор, Мадамин ака? – сўради Димка.

– Анави ошнангми, укангми бору...

– Фридми? – сўради Димка ҳайрон бўлганича унга қараб. – Нима яна ўғирлик қиласими-а?

– Йў-ўқ... – деди Мадаминжон кулиб. – Унингни... – Мадаминжон аввалига нима деб гап бошлишини билмай дудукланди. – Ҳа, миллати нима-а, ўша Фридни

– Мен ҳам билмайман нималигини, шунча бирга гал-сўзлашиб юрсак ҳам.

– Фамилияси нима-а, ҳозир эсимдаям йўқ...

– Тошкентбоев...

– Тошкентбоев?!

– Ҳа, шунаقا. Нимага ҳадеб сўраб қолдингиз, Мадамин ака?

Мадамин негадир “пик” этиб кулди ўзидан-ўзи.

– Дадамиз жудаям ғалати одам, – деб гап бошлади Мадаминжоннинг лаблари кулгудан бўшамай. – Уни қўлини ҳалоллаб қўймоқчи, билдингми? Э, сен бунаقا гапларга тушунмайсану, ўрис бола. Мана, сен кришённийсан, тўғрими? Тўғри. Христиан бўлганингдан кейин чўқинтиришган-да, ота-онанг. Бу Фридингни фамилияси Тошкентбоев бўлса – ўзбекда-а? Шунаقا бўлгандан кейин мусулмон бўлиши лозим. Бунинг учун... ҳа, суннат қилинади. Сенга нима десамикин... Нима деб тушунтиурсамикин, ўрис бола. Ҳалиги... ҳалиги ёшлиқда булбулчаси бору... – Мадаминжон унга яхшироқ тушунтирмоқчи бўлиб бош бармогини синчалогининг белига тираб кўрсатди. – Ана, ана шунишини учидан кесишади.

Димка ҳам кулганича бошини бир-икки пастга босиб силкиганидан сўнг:

– Понимаю... ну... – деб қўйди.

– Дадам Фридиям шунаقا қилиб қўймоқчи. Унгам анча пул-мул кетсаям... – деб чайналди кейин.

– Мен умуман бунақалар билан ишим йўқ, – деди Димка кейин. – Сизлар яхши одамсизлар, бировга доимо яхшилик қилиб юрасизлар. Фридни ота-онаси чўқинтирганми, йўқми... – у бошини чайқади. – Билмайман, ҳеч нарсани. У ўзи ҳам айтмаган. Оғримайдими? – деб сўради кейин.

– Нима оғримайдими? – Димканинг гапини тушуниб қолган Мадаминжон бирдан “қаҳ-қаҳ” отди. – Йўқ, усталар эплайди, – деб қўйди кейин. – Сен уни ўзи билан гаплаш-чи аввал, нима деркин?

– Э, Мадаминжон aka! – деди Димка ҳамон кулганича. У билан сизлар ўзингиз гаплашинглар. Мени бунақа ишлар билан ишим йўқ. Бизни ишимиз ундан-бундан... – “ўғирлик қиласиз” демоқчи бўлдию, Мадаминжондан тортиниб: – Кунимизни кўриб юрамиз, – деб, кейин қўшиб қўйди. – Фридга айтаман, боради.

Мадумар aka Мадаминжонга бир қараб қўйдию:

— Аnavи самарискалар бошлири билан гаплашибсану, лекин мактабигаям бир учраб қўйсаммикин-а, ўғлим? — деб сўради.

— Мен Димка билан кеча гаплашувдим. Аммо мактабига учраб, фикрингизни айтсангиз ёмон бўлмас эди. Дада, яна битта гап. Улар жудаям гапни купайтиришвормасмикин-а? Ҳалиги Ҳамидов дегани бир пайтлар акам Зухриддиндан бир айб топволиб роса югуртирувди-ю, — деди.

Мадумар ака ўзига иш ошираётгани эсига келмай “Ҳамидовлар” ҳақида ўилаб, юраги орқага тортиб кетса ҳам, айтганини қиласидиган одам бўлгани учун бир зум ўйичувалашиб қолди.

— Йўқ, ўғлим, — деди кейин ётири билан. — Кўнглимга анчадан буён шу фикр ўтириб қолди. Қилмасам бўлмайди. Яхшилик билан қиляпмизу, Худони ўзи бир йўлга бошлар, ахир. Мактабигаям учрасамми, учрамасамми-а?

Мадумар ака кўп ўйланди. Азбаройи шу бола кўнглимга ўтириб қолган экан, айтганимни қилмасам бўлмайди, дерди ўзига ўзи. Уруш бўлиб, бу олам етимесирга тўлиб кетди. Тошкентбоев экану, ўзбекни боласидир-да, барибир. Раҳматли оталари бўлганда бўйбастини кўриб бир хирмон бўлиб юрармиди, оббижолам. Ўзи биланам бир гаплашай-чи, бу болани.

— Сен ота-онангни эслайсанми, болам? — сўради Мадумар ака Фридга қараб. — Қани, менга яқинроқ ўтири-чи, болам. Хўш, бир бошдан гапирчи-а?

Фрид ўтган икки-уч йил ичida бир яхши ўзбекчани ўрганиб олган, бозор-ўчару, кўча-куида кўлинини кўксига қўйганича катталарга саломини канда қилмас эди. Ҳозир ҳам Мадумар аканинг бир оғиз “яхши кепсан, аnavи Димкадан айтқизворувдим” деган гапларига дарсдан сўнг “фириллаб” келгани эди.

— Менга қанақа гапингиз бор, ота? — деб сўради. Кейин эса: — Ота-онамни сўрадингиз... уларни билмайман, — деди тўғрисини айтиб.

- Нега унда Тошкентбоевсан-а, болам?
- Уни Тошкентда қўйишган, болалар уйида.
- Ўзинг Тошкентга қаердан келгансан? – сўради Мадумар ота.
- Ленинграддан.
- Ленинградликмисан?
- Йўқ, – деди Фрид Мадумар аканинг сўраб-суриширишидан ҳайрон бўлиб. – Йўқ, қаерданлигимни билмайман. Етимхонадан етимхонага тушавериб қаерданлигимният билмайман, Мадумар ота.

Мадумар ака бир ҳўрсиниб қўйди. Кейин сўради:

- Ўзбек болалари биланам гаплашиб турасанми-а?
- Ҳаммаси билан гаплашаман.
- Сени ўзбек қилиб қўйсам, нима дейсан, ўғлим? – унга кўзини тикканича сўради Мадумар ака.

Фриднинг кўзлари ёнганича сўради:

- Қанақа қилиб? Сиз мени ўзбек қилиб қўясимизми-а? – таажжуб билан сўради Фрид.
- Ростдан ҳам ҳазили йўқ. Ўзбек қилиб қўяйми, ўғлим?
- Серёзный штоли, Мадумар ота? – яна таажжуға тушиб ўрисча аралашиб сўради Фрид.

– Ҳа, ўшанақа штоли қилиб қўяман, болам.

Фрид бошини чап томонга эгиб, анчагача жим туриб қолди. У “бу одам қанақа қилиб мени ўзбек қилиб қўяркан?”, деб боши қотганича ўйланиб қолганди.

– Келинг, Мадумар ота, ростдан ҳам мени ўзбек қилиб қўймайсизми, – деди бу гапга ишониб-ишон-қирамай ҳайронлиги ортган сари ортиб бораркан. – Рост, мени ўзбек қилиш қўлингиздан келса ўзбек қилиб қўйинг, Мадумар ота – деди кулиб турган кўзлари ёниб.

– Бу осон иш эмас, – деди Мадумар ака энди жиддий қиёфада. – Сени ўзбек қилиш учун ўртоқларингни, ўқитувчиларингни, қари-қартангларни, маҳалла-қўйни, қариндош-уруғларни чақирамиз. Катта бир тўй-пўй қилиб, курбонлик сўямиз, болам. Ана ўшанда

сен устани қўлидан чиқиб мусулмон бир ўзбек бўласан-қоласан, ўрлим.

Фрид “қаҳ-қаҳ” урганича қотиб-қотиб кулди. Унинг яйраб-яйраб кулаётганини кўрган Мадумар aka ҳам ўнг қўлининг панжалари билан мўйловини тараб, ёзилиб кулди.

Мадумар aka Фриднинг қўлини ҳалоллаётганини бирорга маслаҳат маъносидаги айтмаган бўлса ҳам, тўйга анча-мунча ерлардан одамларни чақирди. Димка Мадумар ота кийгизган тўн устидан шойи чорси борлаб олиб, унинг уйида хизматни қотириб юради. Ўзини “Фарид” деб тутаётган Фрид ҳам ҳудди Димка-никидай тўн билан шоҳи чорси борлаб, ул-бул ишни қилиб юаркан, Мадумар aka айтган “қўлини ҳалоллаш” қандай бўлишини ўйлаганича гоҳ-гоҳ девордаги ойнага ўзини солиб, тез-тез қараб-қараб қўярди.

Йўқ, тўй Мадумар aka айтгандан ҳам яхшироқ, қизиқарлироқ ўтди. “Тўй бола”нинг бўй-бастини кўрган тўйга келган одамлар, “бу тўй болани ростдан ҳам суннат қиляптими, бу Мадумар aka, ё ўйляптими?”, дейишиб ҳайрон бўлишарди. Тўн кийиб, шоҳи чорси бойлаб олган Фриднинг афти-ангорига разм солганлар, “Вой, тавба-ей, шу вақтгача суннат қилинмаганаканми, бу бола?” деб таажжубини яширмас эди. Баъзи бирлари эса “Бу Мадумар aka бу болани қаердан топиб олипти?” дейишса, баъзилари бир-бирларига алланималарни пичирлашиб, қотиб-қотиб кулиб ҳам қуярдилар.

Тўйга келиб, тўй ошидан чиқиб кетаётган Мадумар ва Мадаминжоннинг таниш-билишларининг айримлари эса “Ишқилиб, уста қийналмасин-да”, дейишса, баъзи бирлари эса, «Э, бу ўрлингизни бир йўла суннат тўйи баҳона уйлаб, келинни қўйнига солиб қўйсангиз ҳам бўладиган бўлиб қолипти» дейишини қўйишмади.

Лекин Мадумар aka барибир жуда журсанд эди. Тўнни елкасига илганича қўлини кўксига қўйиб, эшик

ёнида ўғиллари билан биргаликда мәжмон кузатиш билан банд эди. Беш вақт намозини ўқиб чиқишини хисобга олмаганда зрталабдан кечгача ўша фамилияси ҳам анча қизиқ Тошкентбоев ўғлининг суннат түйида мәжмон кузатиб тик туриб берди.

Мактаб фирмә қўмитаси котиби тўй тарқаб, чиқиб кетаётганда бир оз дилини хира қилиб қўйди:

– Бу тўйингизни сизга нима кераги бор эди, Мадумар ака. Ҳеч бўлмаганда мен билан ё директор билан маслаҳат қилмаган экансиз-да, – деди.

Бироқ фирмә қўмитаси котибининг бу айтган гапи ҳолва экан. Ўша Ҳамидов дегани билан яна рўпара-ма-рўпара бўлиб, юзма-юз учрашишди.

– Энди сизга ришотка, – деди ўша Ҳамидов Мадумар акага қўзи тушиши биланоқ бошини у ёқ-бу ёққа чайқаркан. – Ҳазилашма арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан, тузукми-а?

– Билмасам, – деди Мадумар ака қуруқчина қилиб.

– Тўй ўтказганингизни биласизми, ҳеч бўлмаса? – ишшайганича укки кўзларини тикиб сўради Ҳамидов ўша-ўша ялпайиб ўтиришда.

– Тўй ўтказдим. Сени тўйга айтмаганимни қара-я. Эсимда йўқ, эсимдаям йўғ-а, қарагин.

– Тошкентбоев деганини нима қилиб қўйдингиз, Иристоеv?

– Нима қип қўйибман? – саволга савол билан жавоб қилди Мадумар ака.

– Нима қилиб қўйганингизни ўзингиз билмайсизми?! – ўшқирди у.

– Тўй қилдим, болам.

– Суннат қилдингиз...

– Ҳа, ҳа суннат қилдим, савобга.

– Савоб истайсизми?

Мадумар ака бошини чайқади.

– Э, истамайману... энди савоб ҳаммага керак. Сен гаям, ўғлим.

– Немис боласини суннат қилдингиз, биласизми?

– Немис боласини? Ие, немислигини сен биласанми-а, ўрлим? Вой, тавба-ей, ўша Фарид немисми-а? Фарид... Фарид исми татарларда бўлгучиди... Тошкентбоев-чи? Ўзимизни Тошкентми-а, ўзи. Тошкент бўлгандан кейин... Айтдим-а, Тошкентбоев дегани илгарилари ҳечам қулогимга чалинмаган эди, ўрлим. Немис дедингми? Йўғ-е... Немисни суннат қилиб бўлмайдими-а? Немис мусулмон бўлса ёмонми, ўрлим. Кофирни мусулмон қиласа турган битгани савобу, ўрлим!?

– Савобмас, жиноят қилгансиз, оқсоқол. Ўтидан дарак-парак нима бўляпти? Сиёsat билан нимага ўйнашасиз, оқсоқол! Шундай бир ёшда қамалиб кетасиз-а! Вот, какой вы дурный голова?!

– Унингни билмайману, хато қип қўйдингиз дегин, ўрис болани булбулчасини кестириб. Мен қаттани билай уни ўрисми, немисми, баломи баттарлигини. Анави Мадаминам айтувди, самарискаларни суннатга нима қиласиз ётқизиб, деб. Савоб бўлади, дебман-да мен. Энди нима қиласан, қаматворасанми, ростданам?

– Мадумар aka сўлжайиброқ Ҳамидовга бир қараб кўйди.

– Так, так, – деди Ҳамидов қаламини столга “дўқ, дўқ, дўқ” қилганича уч-тўрт марта уриб кўйгандан сўнг. – Қилиб қилмадим, кўриб кўрмадим, айтиб айтмадим” дейишдан ўтиб, энди савобу, етим-есирларга ўтишади, соқолини биттаям қораси йўқлариям. – У “ними қиласам экан, буни?” дегандай кўз қирини рўпрасида дами чиқиб кетган пуфакдай бир сиқим бўлиб ўтирган одамга бефарққина қараб кўйди.

– Ўтган сафарам анча сувимни қочирганакансан. Бир ҳафтага яқин ўрнимдан туролмай ётиб қолдим, ўрлим, – Мадумар aka бошидаги оҳори кетган дўпписини олиб, айлантиришга тушди. Ўғли Мадаминжоннинг “буларга юмшоқроқ гапиринг, дада, бўлмасам кекирдагингиздан бўғволишиям мумкин” деган гаплари эсига тушиб, ниҳоятда сипою, ювош бўлиб ўтиради бечора.

– Биздаям раҳм бор, ачинишам бор, оқсоқол, – деди Ҳамидов илгаригидай ҳадеб “дағ-дағ” ламайроқ. – Советни гуманийлиги билан ўсганмиз-да, ҳар ҳолда бо-бой. Энди, умуман ёмонликка олсам ёмон иш қилвор-гансиз, христанларният суннат қилиб. Ие, христиан-ларният суннат қиладими-а? – у бошини бир-икки марта айлантириб сарак-сарак қилиб юборди. – Уч-тите, бобой, энди кечирилмайди. Последний пред-приждения-ки, нариги ёри йўқ, хўп?

– Хўп дейми? – сўради Мадумар ака.

– Хўпам демайсизми ҳали? – қовори ошқовоқдай осилди Ҳамидовнинг.

– Шунга сўраяпман-да, болам, хўп дейми, деб.

– Ладно, кетовринг.

– Нима бўлди, дада? – Мадаминжон дадасини куриши билан одига югуриб келиб, елкасига қўлинни қўйга-нича сўради.

– Пўтисаси боракан, шекилли, шунга чақирипти.

– Пўтисасидан бошқасини айтмадими?

– Йўқ, ўғлим. Нимага христианни суннат қиласан, дейди-я, бунинг, ўғлим?

– Учинчи сафар кечиришмайди, дада. – Мадаминжон пешини қоқиб ўрнидан жилган дадасининг орқасидан эргашаркан қўшиб қўйди: – Бу Ҳамидов янам ювошроги, шекилли. Бўлмасам...

Мадумар ака ўғлига бир хўмрайиб қарадию, индамади. Лекин орқадан кимнидир бақир-чақиригидан турган жойларида қотиб қолишиди. Ҳалиги Ҳамидов дегани уларни қўли билан имо-ишора қилганича чақи-парди.

– Ўша суннат қилган бола бир нарса бўлиб қолса терингни шилиб оламан, бўптими?! – деб писанда қилди сенсираб. – Сен ўғлимисан? – Мадаминжонга қаради у.

– Ҳа, ҳа ўғлиман, – Мадаминжон ўнг қўлинни кўксига қўйганича эгилиб салом қилди.

— Дадангни тинч юрсин десанг – сиёсатга аралаштирма. Ўзигаям қайта-қайта айтдим. Бу чолни қулоги тешик, шекилли, у қулогидан кириб бу қулогидан чи-қиб кетяпти, гапларим. Ўзинг ўйла, христианни суннат қилдирибди-я, бу одам. Анави бозор ичидаги сартарошни тиқиб ташлай девдим, суннат қилганига. Мана шу одам мен мажбур қилдим уни, деб турволди, своличга яқин бу одам.

Мадаминжон Ҳамидовнинг дўқ-пўписасидан бир зумда ранглари оқариб, девор бўлиб туриб қолди.

“Булбулчаси” кесилиб, қўли ҳалолланган Фрид Мадумар акага суяниб, ўзидан ўзи куларди. Димка эса унга қараб:

— Ана, мусулмон ҳам бўлиб қолдинг, Фрид. Энди шу Мадумар ота сени отанг, — дерди ҳазил-хузул аралаштириб. — Қара-я, бутун бир шаҳарга тўй қилиб бердилар-а, сен учун.

## XV

— Фрид, сен Ленинградда бўлганмисан?

— Нимага сўраяпсан, Инга?

— Биласанми, — ўнг қўлининг билакларида осирик турган қора сумкачасини айлантириб ўйнаб турган буғдойранг қора кўз қиз ўзи суяниб турган панжарага ёнбошини ўтирганича гапида давом этди, — негадир шу машхур шаҳарни кўргим келиб қолди, — деди бошқа ҳеч нарса дегиси келмадими.

— Нима, юртингга кетмайсанми? — сўради Фрид ел-каларини учирив қўйиб.

— Йўқ, кетаман албатта. Кўрганмисан Ленинградни?

Фрид жавоб беришга шошилмади. У бирпасда алланималарни ўйлади чори, кейин:

— Кўрганману, эслай олмайман, — деб жавоб қилди.

— Бу нима деганинг, Фрид, кўргансану, эслай олмайсан?

Йигит яна елкаларини учирив қўйди:

– Нима, Ленинградга жудаям боргинг келяптими, ё бирон, бир ишинг борми? – деб сўради.

– Ишим йўқ, – қиз лабининг чеккасига учлари тушиб қолган сочини қайриб, орқасига ташларкан, – негадир кўргим келиб қолди-да, шу шаҳарни. Биласанми, телевизорда кўп кўрганман. Кейин... – у айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган сўзини негадир оғзидан чиқаргиси келмадими, индамай қўя қолди.

– Ҳой, – Фрид қизга бир зум тикилиб тургандан сўнг, – Инга, ростдан ҳам ўша шаҳарга бормоқчимисан-а?

– Бормоқчиман. Эртага ҳаммамиз ўз юртларимизга жўнаб кетамиз. Айтмоқчи... – унинг ҳам негадир елкалари қисилди. – Сен.... ҳам ўз юртингта кетарсан?

– Йўқ – деди Фрид ҳафсаласи бир нимадан “пир” бўлгандай хомуш тортиб. – Мени... мени соғинадиган юртимам йўқ.

– Нега? Нима учун?! – ҳайрон бўлиб сўради Инга.

– Буни узоқ гапириш керак. – Фриднинг кўзлари осмонда сузиб юрган бир парча қора булатга қадалганди. – Сен ростдан ҳам ўша Ленинградни кўрмоқчи бўлсанг, мен сенга ким бўламан билсанми?

– Ким бўлардинг, ростдан ҳам Ленинградни билсанг экскурсавод бўласан-да.

Ҳар иккаласи ҳам теппа-тенг “қаҳ-қаҳ” отиб кулиб юборди.

– Ростдан ҳам мен билан Ленинградга борасанми, Фрид?

– Бормаган фалон... – у болалигида уч-тўртта ўзбек болалардан эшилган гапини эслаб кўшиб қўйди: – Биласанми, бормаган ҳам колхозга раис бўлсин.

– Бу нима деганинг? – тушунмай сўради Инга.

– Э, мен яшаган томонларда шунаقا гап бор. Шу эсимга тушиб кетди-да. Бугунги хайрлашув кечамиз бўлмаганда ҳозироқ поездга чиқвorsагам бўларди, – деди бошини икки томонга ликиллатганича.

– Йўқ, Москва оқшомларини яхши кўраман, Фрид.

Улар “Москва-река” бўйлаб пиёда сайр қилишаркан, Инга Фриднинг елкасига осилганича бир оёғини кўтариб ҳаккалаб узоқ юрди. Кейин туриб-тушиб, туриб-тушиб оғриб кетган ўнг оёғига бир оз дам бермоқчи бўлдими, чап оёғи билан иргиб бир оз юрди-ю, бир йўла оёқларини тенг кўтарганича елкасига осилиб олди.

– Худди ёш болага ўхшаб кетдинг, Инга.

– Ие, ҳали каттаманми-а? Сен менинг акамсан, – деб эркаланди.

– Қанақасига аканг бўлай, – деди Фрид уни елкасидан тушириб ташларкан. – Елкаларимни яғир қилиб ташладинг-ку, ахир. Сен немкасан, мен, – у яна бир гап айтмоқчи эдию, ўзи ҳақида нима дейишини билмай тағин жим қолди. – Юр, энди, – деди-да, унинг кўлидан судраганича югуриша бошлади.

Хайрлашув кечаси университетда бошланган бўлса ҳам кўпчилик талабалар яна “Москва-река” бўйларидаги хушчакчак ўйин-кулгу билан тонг оттиришди чоғи, Фрид билан Инга кўзларини ишқалашиб юриб аранг поездга чиқишиб олишдию, бир-бирларига сунгандарича уйқуга кетишли.

– Намунча бир-бирингни пинжиларингга кириб ухлайсан-а? Ҳозирги йигит-қизларни биттасигаям тушуниб бўлмайди, – вайсай бошлади олиб чиқдан лашларини жойлай олмай ивирсиётган кампир “пшиллаб” ухлаётган Инга билан Фриднинг қулоги тагида. – Жой берсаларинг бўлмайдими кампир-сампирларгаям.

Бир кўзини аранг очиб атрофга олазарак бўлган Инга Фридни туртиб уйғота бошлади:

– Тур, турсанг-чи, Фрид. Вагонга одам сигмай кетипти, шекилли – деди немисчалаб.

– Э, сени чулчут гапингта тушунармидим. Жой бўшат, – деди ҳалиги кампир Ингага ёмон кўз билан қараб кўяркан.

Инга билан Фрид кўзларини ишқалаб, ўринларидан турганича кампирга ўз жойларини бўшатиши. Лекин тўладан келган ўрта ёшлардаги аёлнинг оғзи очилди:

– Икковингниам жойларинг борми, паттага ёзилган? Хўп, жойларинг бўлса бу вайсақи кампирга нега жойларингни бўшатиб бердинглар. Ҳой, кампир, инсоф қилиб, ҳеч бўлмаса манави немисча гапирганига, қиз болайкан, жойини бер, сурилиб.

– Сени ишинг нима? – кампирнинг кўз косалари йиртилиб кеттудай катталаша бошлиди. – Сен кимсан? Сени жойингни олвоздимми, суюқоёқ.

Бир зумда бошланган ади-бадининг ниҳояси бирбири билан юмдалашиб, вагон назоратчиси-ю, миришабнинг аралашувидан сўнг ҳалиги шаллақи кампирни бу жойдан ҳайдалиши билан тугади.

– Бу кампирни мен яхши биламан, – деди оппоқ юзли ўрта ёшлардаги ҳалиги хотин Инга билан Фридга, яна бошқаларга бир-бир қараб қўйганича. – Чайқовчини ўзи. Бир оёғини гўр тортиб қолибдию, ўн сўмга олиб юз сўмга сотади, олган нарсаларини. Бу салаларини қайси ҳаром қўллари билан қирқадиу, қайси ҳаром ўлган чўчқани нимталаб, сотиб юради? Энди у ёғини, – хотин кўрсаткич бармогини тепага қилди, – Худони ўзи билади. Хўш, қизим ўрисча биласанми? – сўради у кейин Ингага қараб.

- Биламан, – деди Инга.
- Бу куёвингми? – сўради Фридга ишора қилиб.
- Йўқ, университетда бирга ўқиймиз, – деди Инга.
- Ўқиб ким бўласизлар?
- Юрист, – деди Инга.
- Ўрисчани унчалик... – бир оз чайналган оппоқ семиз аёл тишлигининг оқини кўрсатиб кулиб қўйди. – Ё nemkamisan? – деб сўради.
- Немкаман.
- Сен нималикка ўқийсан? – деди аёл Фридга қараб.
- Мен ҳам юристликка, – деди Фрид.

— Сен ҳам ўрис-пўрисмассан-а? — тикилганича сўра-ди Фриддан.

Фрид тилини танглайига уриб қўйди.

— Пушкинни биласанларми? — деб сўради кейин ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ.

— Нимайди, биламиз, — деди Фрид шоирнинг “Тут-кун” шеъридан уч-турт қатор ёд айта бошлади:

*Сибир конларининг тагида,  
Сақланг магрур сабот ва чидам.  
Ғамгин, ахмат кетмас бехуда,  
Юксак хаёл, мақсадларингиз ҳам.*

Аёлнинг негадир юzlари ёришиб, лабларида табас-сум пайдо бўлди. Кейин у ҳам поезднинг ойнасидан ўтиб бораётган анча олисларда кўзга ташланаётган ую, қарагайларга қараб:

*В Петербурского круга,*

*Есть город Луга, — деб қўйдию, орқасидан эса: —  
Александр Сергеевич Пушкин, — дея лаш-лушларини  
олиб, бекатда тўхташ учун секинлаётган поезддан туш-  
моқ учун олдинга қараб юрди.*

Оппоқ юзли аёл орқасидан анчагача қараб қолган лўлибашара ориқ-новча аёл атрофида ўтирганларга бир қараб қўйдию:

— Бу жудаям зўр аёл, — деди танглайига тилини уч-турт марта “тиқ-тиқ” эткизисиб уриб қуяркан. — Ўзи ўқитувчи, болалар ҳам жудаям маза қилиб дарсини тинглашсалар керак. Ҳатто, жудаям оширвормасам, Пушкинни неча марта туш кўрганиниям яхши билади. Ана, биз ҳам келиб қолдик, маконимизга.

— Сен ростдан ҳам менга экспурсаводлик қиласанми? — деб сўради Инга Смолнийни томоша қилишаётгандага Фридга қараб.

— Э, қаёқда, дейсан. Ҳозир мен тушимми, хаёлимми бу томонларда бўлган-бўлмаганимни билолмай ту-

рибман, – деб жавоб қылди. Барибир... барибир бирор нарсасини эсласам керак, нима бұлғандаям.

Петровавлов қальаси атрофида айланиб юришгандар ростдан ҳам Фриднинг күзлари чақнаб, бир нималарни эслагандай бұлды. Күзи жудаям узун устун устидаги фаришта ҳайкалига тушиши билан энтикиб кетди. Қачонлардир... ҳа, қачонлардир күргандайди, бу мұйжизаны у. Бу ердаги болалар уйида яшаганиньям үнчалик эслай олмадиу, лекин манави... ҳа, мана шу ҳайкалми, хуллас, нима бало бұлғандаям эслади.

“Хов анави узун, жудаям узун устун устидаги нима-а?” – деб сұраганди, лекин кимдан сұраганди, хаёлини тұпламоқчи бўлиб, күзларини юмди у. Кимдандир сұраганди... битта кишимиди, ўша сұраган одами. Йўқ, детдомни болаларияммас, тарбиячисияммас бошқа эди... Битта киши эди, соқоллари ўсиб кетган эди ўша одамни.

“У – ангель, бизни тилда”, – деб бир нима деган эди-я, барибир эслолмади. Ангель дегани эсида қолипти, фақат. Ўша соқоллари ўсиб кетган одам ким экан? Кейин нима бўлди-а? Кейин... Йўқ ҳеч нима эслай олмади, кейин.

– Фрид, намунча ангелга хаёлинг кетиб қолди? – сұради Инга ҳайкалдек қотиб қолган Фридни туртганича. – Сен менга эмас, мен сенга экскурсоводлик қилишим керак, шекилли?

Фрид уйқудан уйғонгандек юмилган күзлари йиртилиб очилди.

– Ҳа, нима деб сұраяпсан? – деди ҳайрон бўлиб.

– Сен ухлаб қолдингми-а? – таажжубга тушиб сұради Инга.

– Инга, – деди Фрид немисча галиришга ўтиб. – Нима учун мен немис тилини яхши биламан, биласанми?

Инга елкасини қисди.

– Билмадим... – деди унга ҳайрон тикилиб. – Сен поезддан мана шу Ленинградга тушдингу, жудаям

ғалати бўлиб қолдинг, ростдан ҳам. Нима бўлаяпти ўзи, сенга? Қара-я, сени немисчани шунақаям яхши билади, деб ўйламагандим ҳам. Қаерда ўргангансан-а?

– Билмадим, қаердан ўрганганимни. Лекин болаликдан ўзи яхши биламан. Аммо... аммо ростдан ҳам ким ўргатганини эслай олмайман, Инга.

– Таажжуб, – деди Инга ҳам ҳалидан буён немистилида сўзларкан. – Ўзи сенинг миллатинг нима?

– Билмадим, – елкасини қисди Фрид.

– Ҳали миллатингният билмайсанми?

– Ростдан ҳам билмайман, – икрор бўлди Фрид.

– Ҳужжатингда нима ёзилган унда? – ҳайрон бўлди Инга.

– Рус... рус ёзиг қўйишган.

– Русчаниям қотирворасан, шундайми?

– Ўзбекчаниям қотирвораман, – бир оз мағуруланди ҳазиллашиб.

– У қанақа миллат, ўзбек деганинг? – таажжуб билан сўради Инга.

– Э, – деди Фрид Инганинг қўлидан ушлаб хиёбондаги курсининг бўшроғи томонга бориб ўтиаркан. – Э... биласанми, Осиёда шунақа ўзбек деган миллатни эшиттанимисан, ҳеч.

– Тўғри, тўғри, – икрор бўлди Инга. – Онам айтарди, шунақа миллат борлигини. Кейин бошқа гапларният айтарди, хотирамга келмаяпти. Сенинг чиндан ҳам ота-онанг йўқми-а?

– Йўқ, – деди Фрид қўлинин силтаб. – Ота-онам бўлмагандан кейин бунақа гапларни гапиришният унчалик ёқтирмайман. Улар аллақачонлар, мен турилиб-туғилмай ўлиб кетишган экан, шекилли. Айтдиму, бунақа гапларни айтишни ёқтирмайман деб.

Фрид нимадандир ҳафсаласи “пир” бўлгандай яна рўпарасидаги “ангель”га қаради. У ана шу ҳайкалга ҳар қараганда хаёлига ширин бир ўй шабадаси урадию, ўша ўйми, хаёлми нима эканлигига, кўз одидда жудаям олисдаги саробга ўхшаб, одамми ё бошқа бир

нарсаларми, уларнинг шакли пайдо бўлар-бўлмас яна кўз олдидан бир сониялик тумандай тарқаб кетарди.

Инга ўз юрти, ўзининг турилган жойлари ҳақида унга гапириб бергиси келдию, яна беихтиёр онаси ҳақида гапириб юбориб, Фридни ранжитиб қўйишдан хавотиранганиданми, оғиз очгиси келмади.

- “Мюзик холл”ни ёқтирасанми? – сўради Инга.
- Сен ёқтирасанг мен ёқтиргандек, – деди Фрид кулиб.
- Нега ундей дейсан? – сўради Инга. – Нима, ўзингни фикринг йўқми?
- Унчалик ёқтирганимдан кейин фикрим борйўқлиги билан нима ишинг бор, Инга.
- Сен жудаям ғалати кавалер экансан, – деди Инга унга қараганича.

Фрид унга ялт этиб қаради:

- Кавалер дейсанми, Инга?
- Ҳа, шундай дедим.
- Мени сенинг ватанинг қабул қиласидими? – деб сўради.
- Сенинг ватанинг-чи? – деб сўради бунга жавобан Инга.

– Мен ватаним бор-йўқлигиниям билмайман, – деди кулганича Фрид. – Турилган еримниям... – у “турилган еримниям билмайман, ота-онамни билмаганимдай” демоқчи бўлган сўзи тилининг учидаги қолдими, индамади кейин. – Юр, Инга, ҳалиги поезддаги оппоқ семиз аёл борку:

*В Петербургский круга,  
Есть город Луга, – деган аёл.*

- Ҳа, нега энди ўша аёлни эслаб қолдинг?
- Юр, шу Ленинградга келиш баҳонасида “Царский село”га бориб келамиз, хўп десанг.
- “Царское село”нг қаер? – сўради Инга.
- Пушкиннинг ўқиган ери. Ё кинога кирамиз-а?
- Инга бошини чайқади.

– Мен, биласанми, сизларни киноларингизни ёқтири-  
майман. Ўзи ўша “Царское село”нг ҳар ҳолда курса  
бўладиган жойми, Фрид? Айтгандай, анчадан буён  
сўрайман-сўрайман дейману, хаёлимдан кўтарилиб  
қолаверади. Нега сени исминг Фрид, а, Фрид? Бунаقا  
исмни эшитмаганман.

Фрид елкасини қисиб қўйди. Кейин эса:

– Менга, ростини айтсан, бу исмни ким қўйганли-  
гиниям билмайман. Биласанми, ўша... – у гапида  
тўхтаб бир оз хаёлга берилди чори анчагина жимлик-  
дан сўнг қўшиб қўйди. – Менга ўша Фрид исмини  
қўлимдан мана шу шаҳарда етаклаб юрган одам қўюв-  
дими, ё... ё яна хаёлимда қолгани ундан ҳам олдин ҳар  
доим бошимни силаб қуядиган ким эди... онаммиди,  
барибир яхши эслай олмайман. Детдомдамиди, қаер-  
дан ҳам билай, ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетган,  
Инга. Нимага сўрадинг-а?

– Сўрадим-қўйдимда, – деди Инга оёғидаги туф-  
лисини ечиб, ўнг қўлида осилтириб ушлаб оларкан  
сакраш билан овора. – Мен ҳаммадан ҳам ҳар ни-  
маларни сўраб-суриштираверишни ёқтираман, бил-  
динг.

– Ёмон одатинг бор экан, Инга.

– Нимага? Нимага ундей дейсан, Фрид? Биттаси бу  
одатинг жудаям яхши одат деган эди. Сен эса...

Фрид кулади:

– Эҳтимол, яхшидир, ким билсин, – деб қўшиб  
қўйди-ю, яна сўради: – Сен ёзги таътилингни қаерда  
ўтказасан?

Фрид яна елкасини қисиб қўйиб:

– Худди шу шаҳарда ўтказсаммикан, – деб қўйди.  
– Нимага? – деб сўради Инга.

– Пул топишим керак. Бирорта заводми, фабри-  
кагами, иложи бўлса, икки ойга ишга кираман. Ки-  
йимларим ҳам бир аҳвол бўлиб кетди, янгилаш лозим.  
Қишига пальтом ҳам йўқ.

– Сени ростдан ҳам ҳеч киминг йўқми, Фрид?

– Йўқ, Инга, ҳеч кимим йўқ. Ҳатто қаерданлигим-  
ният билмайман. Э, қўй, ҳадеб бўлар-бўлмас нарса-  
ларни мендан сўрайверасанми-а? Юр, юр, ана, ана  
шу 101 автобус худди “Царское село”га тўппа-тўғри  
олиб боради, Инга. Чопа қолсанг-чи. Ке, ке, туфлинг-  
ни менга бер, автобусда кийиб оласан кейин, – Фрид  
Инганинг қўлидан тортганича шошилтириб автобус  
томонга судради.

– Мен Германияга кетаман, – деди Инга эртаси куни  
“Нева” меҳмонхонасидан кўчага чиқишиганида. – Ни-  
магадир онам тушимга кириб қолибди.

– Ё сен, ё онанг бир-бирларингизни соғингансизлар  
жудаям, – деди Фрид Ингага қараб.

– Бир-бирини соғиниб қолса тушига кирадими,  
Фрид? – сўради Инга.

– Билмадим... – Фрид бошини ўнг томонга иргаб  
кўйди. – Лекин кўпчиликни шундай дейишганини  
эшитганман. Мениям тушимга бир киши билан яна  
бир аёл баъзан-баъзан кирадию, лекин уларни ким-  
лигини билмайман. Йўқ, уларни тушимдаям ҳеч эс-  
лоғолмаганман. Э, қўй, – деди у Инганинг қўлларини  
кўйиб юбораркан. – Сен дарров шу қарорга келдинг-  
ми? Эрталаб нонуштадаям индамовдинг.

Инга елкасини қисиб қўйди.

– Сен айтгандай мендан ҳам онам кўпроқ соғинган,  
шекилли, кўзлари тўрт бўлиб кутавериб. БАМда-  
ям нақ бир ой бўлдик, шекилли-а?

– Ўттиз бир кун, – деди Фрид.

– Ана айтмабмидим, онам кўзлари тўрт бўлиб ку-  
таётгандир деб. Юр, барибир сен ҳозир бекорсан. Мени  
кузатиб қўй, Фрид.

– Албатта кузатаман-да, Инга.

Улар автобусга ўтириб, темир йўл бекатига келиш-  
ди. Фриднинг таклифи билан патта олиб бўлганлари-  
дан сўнг кафега киришди. Озгина тамадди қилишга-  
нидан кейин Фрид уни поездга кузатиб, хайрлашиш-  
ди.

Кеч киришга анча вакт бор бўлганлиги учун Фрид пул ишлаш учун заводларданми, фабрикаларданми, хуллас, қаерда вақтинчалик иш бўлса ўшани қидиришга тушди. Унга ростдан ҳам пул ҳаводай зарур эди. Икки марта Тошкентдаги мардикор бозорида ёзги таътилинни ўтказган бўлса, бир марта ўзи сўнгги бор тарбияланган болалар уйи атрофидаги мардикор бозоридан иш топганди. Ўшанда Димка қўриб қолиб анча разабланган ҳам эди...

– Энди кунинг мардикор бозоридан пул топишга қолдими, Фрид? – деди Димка чўнтағидан ўн-ўн бешта ўн сўмлик қизил пулларни чиқариб, Фриднинг кафтига босаркан.

– Йўқ, пулингни олмайман, Димка, – деб кўнмади у.

– Нега олмайсан?

– Ҳадеб сендан бекордан-бекорга пул олаверамани, Димка. Ўҳ-хў, менга қилган яхшиликларингни ҳисобиям йуқ. Қўй, энди ўзим ҳам пул ишлай.

– Йўқ, – унинг пул турган кафтини гижимлаган Димка бошини чайқади. – Оласан. Лекин биронникида мардикор ишлашингни хоҳламайман, билдинг...

Ўшандан кейин Фрид пул топиш учун ёзги таътилини бошқа шаҳарда ўтказишга қарор қилганидан бу сафар Инга билан Ленинградга келган эди. Лекин, аслида бу томонларга келишининг сабаби бугина эмас эди.

Фрид бу шаҳардан худди болалигини қидирган чолдек ниманидир, кимнидир хаёлан излаётгандай, ниманидир топиб оладигандай ўзи ҳам ҳеч нимани билмаган ҳолда қидирарди. Шу баҳонадами ёки ёзги таътил чорида янаги таътилгача кийим-бошу, кино-пинога кириш учун оз-моз пул ишлаб олиш ташвиши биланми, анча-мунча корхонаю ва бошқа иш жойларига бошини сукди. Бироқ ҳамма жойда ҳам “бизга вақтинчалик ишчи керак эмас” дейишса, бальзилари эса “ўқишингни сиртдан ўтказиб, ишламайсанми-а”, дейишдан нарига ўтишмади.

Кейин Фрид нима қилишини билмай қандайдир бир умид билан бозор айлана бошлади. У охирги бир на жот "чүнтакчилик"дан бошқа "иш" йўқлигидан ўксинди ҳам. Ана шу хаёл билан узум сатаётган соқолли кишининг ёнига келиб туриб қолди.

– Сенга нима керак, узум оласанми? – сўради эллик-эллик беш ёшлар атрофидаги соқолли киши ўрисчалаб.

Фрид соқолли кишига қарадио:

– Узумингиз неча сўм? – деб сўради ўзбекчалаб.

– Ие, сен ўзбекмисан? – сўради узум сатаётган соқолли киши. – Қани, бу ёқка ўт-чи, йигит. Хўш, қаерликсан? Исминг нима, нима қилиб юрибсан, қачон келдинг? – устма-уст савол берди у.

– Талабаман, Ленинградни айланиб юрибман, – деди Фрид.

– Зап учрадинг-да, бола. Қара-я, ҳали-вери кетмайсанми?

– Йўқ... яна билмадим, – деди Фрид.

Ўтган куни анча узум опкеувдим, самолётда. Қарагин... барибир айтмасам бўлмайди, йигит. Акам ўтиб қолипти, жойи жаннатда бўлгур. Ҳеч савдо-сотиқ билан шуғулланганмисан? Йигит бўлганингдан кейин эплайсан. Шу узумни сотиб турсанг, икки пайшанбасини ўтказиб, яна узум-пузум олиб изимга қайтардим. Сениям рози қилардим. Нима дединг? Арzonроқ меҳмонхонадан ўн кунга жой олиб қўювдим. Жойинг бўлмаса тайёр жой, ётаверасан. Кел, талаба экансан, ҳам тижорат, ҳам саёҳат деганларидек...

– Сиз менга ишониб айтяпсизми? – ҳайрон бўлиб сўради Фрид.

– Ие, сенга ишонмайманми, ўзбек бўлганингдан кейин. Ё ўзбекмасмисан?

Фрид елкасини қисиб қўйди.

– Исмингни нима дединг, Фаридми-а?

– Фрид, – деди Фрид ширингина жилмайиб.

— Ё қазиллашпсанми... Ўзи қулгингдай бир ширин йигит экансан. Кел, мен томонга ўттин-а, бир килоси-ни йигирмадан пуллайверасан. Жудаям ялиниб тур-воладиган харидорга ўн түккизми, жуда бўлмаса ўн саккиздан берасан, ўрлим. Савдо шунаقا бўлади. Бир ёрини маҳкам ушласанг ҳам бир томонини бўпроқ қўйворасан. Ие, айтгандай ҳужжат-пужжатинг бор-ми-а?

— Паспортми, тога? — сўради Фрид унинг гапларига ҳайрон бўлиб. — Талабалик билетим ҳам бор, тога.

— Ҳммм.... андижонликмисан? Андижонликлар тога, дейишади. Мен Куваданман, эшитганмисан, шунаقا жой борлигини? Эшитгансан, биласанам, Кувани. Куз бўлса анор опкеламан. Қани, бир кўрай-чи паспортигни, эҳтимолга қарши кўриб қўйсам ёмон бўлмайди, ўрлим. Ма, сен ҳам мени паспортимни кўриб куй. Э, паспортим меҳмонхонадаю... Ўшандан олиб кўрвola-сан бўлтими? Ичасанми? Йўқ. Яхшийкансан. Аммо келганимдан кейин пулингни бераман, хизматинга яраса, бўлтими? Фрид исминг ғалатироқ туйиляптию, юзларингдан яхши болалигинг шундоқжина ойнадай кўриниб туригти. Мени Исоқвой тога дегин, бўлтими? Исоқвойман. Исоқ узумфуруш десанг бутун Кува би-лади. Куванинг анжирини еганимисан? Йўқ, унда бўмагти. А, едираман сенга. Олиб келаман, бўлтими?

Фрид бу одамнинг одамлар орасига кириб, қораси йўқолиб кетгунча ҳайронликдан елкалари қисилгани-ча қараб турдию, кейин узумнинг нархини сураб, “полкило” деган одамга ўгирилиб, ярим килограмм узум тортиб бериб, у узаттан қизил ўн сўмликни “қаер-га қўйсамикин?” деган ўйда туриб қолди.

— Что, задумался? — деган овоздан ўзига келган Фрид янги харидорга ўгирилди. — Килограмм. По двадцать штоли?

— Да, да. — Фрид битта беш ва битта йигирма беш сўм пул узатган харидорга қарадию: — Полтара кило-грамм штоли? — деб сўради.

Харидор бошини чайқаганича Фрид узаттан ўн сўмликни олиб чўнтағига солдию, мамнун бошини ирғаб кўйди кетаётиб. Бир-икки дақиқадаёқ савдо-сотиқ ҳавосини олган Фрид шу куни уттиз килограмм узум сотиб кўйди. Ёнида анор сотаёттан озарбайжон киши:

– Ол-о, сан ким дурарсин, ўғлон? – деб бир нималарни сўраган бўлди ундан.

Фрид “тушунмадим” дегандай бошини чайқаб кўйди.

– Сен ўзбакми? – деб сўради у яна.

– Нет, – деб ўрисча жавоб қилди Фрид унга.

Анор сотаёттан озарбайжон бошқа ҳеч нарса демай келган харидор билан овора бўлиб кетди. Шу пайт буинидан чарм халтасининг қайишли ипини ўтказиб, ёнига осиб олган миршаб пайдо бўлдию, Фриднинг рупарасига келиб тўхтаб қолди.

– Что, виноград хотити купит? – сўради Фрид миршабга қараб.

– Ты ешё кто такой? – деб сўради у ҳам саволга савол билан жавоб қилиб.

Фрид миршабнинг саволига жавоб беролмай тек туриб қолди. Кейин қувалик Исоқ узумфурушнинг гаплари эсига тушиб, бўлган гапни тушунтирмоқчи бўлган эди милиция нозири бошини тебратганича бўлинмаси жойлашган хонага етаклаб кетди.

– Сен Исоқ амакини кими бўласан? – деб сўради нозир анча-сўроқ саволдан кейин. – Так, так, ҳеч ким бўлмайман дединг-а? Талабасан, бир айлангани келибсанда-а? Илгари бу томонларда бўлмагансан, шундайми-а?

– Илгари... – Фрид нима дейишини билмай каловланаб қолдию, кейин: илгари детдомда бўлганман. Лекин ҳозир эслай олмайман, – деди негадир ҳали ҳам бирон-бир гап тополмай.

– Детдомда бўлганман, дейсанми? – қизиқсиниб сўради миршаб. – Етиммидинг, бизга ўхшаб. – Ленинградга қандай қилиб келиб қолгансан?

Фрид елкасини қисиб, бошини чайқади:

– Қаёқдан келиб қолганимни ҳалиям билмайман, – деб жавоб берди.

– Бир нарсани эслагандай бўлдим, ҳозир. Талабалик ҳужжатингда... йўқ... паспортингда кўрдимми-а, Фрид ёзилганини? – сўради миршаб.

– Иккала ҳужжатдаям Фридман, – деди Фрид ҳам миршабнинг саволидан бир оз ҳайротомуз.

– Фрид... Фрид, тўхта-тўхта, сен бир пайтлар дет-домдан қочиб кетган ўша Фридмасмисан, ҳарқалай? Фрид... ўша Фрид бўлсанг... сенга офарин, Фрид. Талабаман, дегин? Қаерни? “Халқлар дўстлиги университети” деб ёзилтику-а? Кел, қучоғингни бер, Фрид. Учрашган еримизни қара-я. Яхшиям ҳалиги Исоқ амакини ёнини олмай сўраб-суринтирганим, Фрид. Ростини айт, ростанам ўшамисан, Фрид? – миршаб қучоқлаганича белидан маҳкам қучаркан қайта-қайта “ростдан ҳам ўша Фридмисан?” деб сўрарди, холос.

– Сен-чи, сен кимсан ўзи? – кўзлари кувончдан чақнаган Фрид миршаб либосидаги йигитни “кимлигингни айта қолсанг-чи” деганича қисталанг қила бошлиди.

– Федяман, Фрид. Федя братни эслайсанми?

– Федя... Федя брат, дединг-а? – Фрид бир зум хаёлга ғарқ бўлиб, жудаям олис кетди-ю, кейин уни қайта қучоқлади. Сен билан... сен билан роса муштлашардик-ку, Федя.

– Энди Федя эмас, Федёр Иванович Козликман, Фрид, – деди миршаб тиржайиб кулганича. Ростдан ҳам нон етмагандай, манави нафас олиб турган ҳаво етмай қоладигандай тезак талашармидик, бир-биримиз билан муштлашганимиз-муштлашган эдик.

– Фёдор Иванович, – деди Фрид миршабга қараганича, – хотиранг жудаям зўр экан-а! Қара-я! Исмим гача хотирангга келганини қарагин.

Козлик кўлинини силтади:

– Нега Фёдор Иванович бўлай, Фрид. Мен сенга Федяю, сен менга ҳалиям Фридсан. Кўй, ҳамма гапни уй-

имда, менинг уйимда, хотинимни олдида гаплашамиз энди. У ҳам жудаям курсанд бўлиб кетса керак, сени кўриб.

– Ие, – деди Фрид ажабланганича, хотинингни мен танийманми? Ё у ҳам детдомда бирга бўлганми, Фёдор Иванович?

– Э, кўй шунаقا расмиятчиликни, Фрид. Феда дессанг-чи?!

Фрид кулди:

– Ахир сен мени чайқовчи деб тутиб келдингку-а?

– Ўшандаям сен анча қитмир эдинг. Шуларни эслайсанми? – сўради Козлик.

Фрид бошини чайқади. Козлик унга қарадию:

– Юр, ҳозир шу ерда қитдай-қитдай қилволамиз, лекин кеча кўп ичворганман, шекилли, каттамиз қаттиқ огоҳлантирганди. Ё нима бўлса бўлар деб, юзюздан босволамизми-а?

Фрид бошини чайқади.

– Мен байрамлардагина оз-моздан олиб тураман, – деди Козликнинг гапларига кўнмасдан. Сен бемалол ишларингни битиравер. Мен ҳам ҳалиги қолган майдачу́йда нарсаларни йиғиштириб келай.

– Бирга борамиз, – деди Козлик кўнмасдан. – Яна роса икки соатдан кейин навбатчилигини топшираман. Уйда оламиз, жаримаси билан, бўптими, Фрид. Қара-я, сени менга Худо етказди, Фрид. Аммо мен сени кўп эслаб қўядим.

Фёдор Иванович Козлик навбатчилигини топширгунча Фридни анча айлантириб, у ер-бу ерларни баҳонада кўрсатган бўлди. Бу ерга келганда эса:

– Фрид, мана шу жойни бир эслашта ҳаракат қилиб кўр-а? – деб туриб олди.

Фрид бақувват қўллар билан тортилаётган жиловни парчалаб юборгудай куч билан тепага сапчиётган от ҳайкалига бир зум тикилиб турдии:

– Эсладим, Федя! Фёдор Иванович, ростдан ҳам эсладим юбордим, ўз-ўзимдан – деб бақириб юборди.

– Нимани эсладинг? – сўради Козлик Фриднинг ёниб турган кўзларига тик қараганича. – Тезроқ айт, нимани эслаганингни, Фрид!

Фрид Козликнинг сўзларини эшитдими-эшитмадими, худди ёш болалардай Козликнинг “нимани эсладинг?” деганича алланималар деб сўраб, сўзлаётганига ҳам қарамай отнинг ёнига бордию, қаттиқ бир сакраганича аввал ҳайкал отнинг бўйнига чирмашиб, кеъин устига тирмашиб чиқиб кета бошлиганини курган миршаб Козлик бақириб-чақиришга тушди:

– Ҳой, ярамас Фрид, туш отдан. Ҳозир мениям расво қиласан, йигит. Ҳамма ўтган-кетганларни сени жиннилигингни томоша қилишига бир қарамайсанми? Ҳўп, туш деяпман, сенга. Сен эмас, ростдан ҳам мен, мен ўзим қип-қизил аҳмоқман. Туш деганимдан кеъин тушсанг-чи, ярамас.

Фрид ўзини от устидан пастга ташлаб, яна тик турганича ана шу Пётр I ва от ҳайкалидек қотиб туриб қолди. Унинг кўзлари энди ёнмас, киприкларига тиниқ кўз ёшлари қўниб олганди. Фрид энди йиғлаётган эди. У ўтиб кетган болалиги учун йиғламаётган эди. Фрид мана шу воқеаларни эслагани учун, ана шу етимлиқ чоғларида уни кимлардир хаёлига тушиб бораётгани учун йиғлаётган эди. Унинг ҳозирги кўз ёшларида болаликнинг аччиқ қисматлари ҳам йўқ эмас, деб бўлмасди.

– Фрид, ҳалиям болалигингдай анчагина жинни экансан, – деди Козлик кулгидан лабларини йифишти-ролмасдан. – Вой, сен-ей, тек қўйиб берсам ўша болалигингдан Буюк Пётр ҳайкалининг елкасига чиқиб олиб, детдом директорини жавратганингдай мениям жавратишдан ўзингни тиёлмадинг, ярамас, – деб эркаланиб койинди.

Козликнинг уйига етиб келишганда худди кутишаётгандай дастурхон устида ҳамма нарса муҳайё эди. Фрид Козлик уйига қўнфироқ қилиб қўйганини тушунию, “Вой, Фрид, ҳалиям бормисан?” деган саволдан

күзлари катта-катта очилиб, ичкари хонадан чиқиб келган бир оз тўлишган чиройли аёлга кузлари қадалгани билан эслай олмади.

– Эслай олмасанг ҳам майли, Фрид. Бир-биримиз билан учрашишимизнинг узи катта гап, – деди Козликнинг хотини уни бағрига босиб қучоқларкан. Бурнингни учидаги чандиқ...

– Бу сенмисан, – деди Фрид эслай олмаган бўлса ҳам кўнгил учун атайлаб суради. Ҳаммамизни бошимиздан барибир кўп иссик-сонуқлар ўтган. Қалай, манави Петка сенга хўжайнчилик қилмаяптими? – деб кўйди.

– Йўқ, Федя менга хўжайнчилик қилолмайди, – деди Федянинг хотини. – Федяни елкасида юлдузи нечта экан, кўрдинг-ку. Меники эса тўртта. Мен унга ярим бошлиқ ҳисобланаман, – кулди тўлишган аёл “қаҳ-қаҳ” урганича.

– Мен сизларни топиб олганим жудаям яхши бўлдия, Фёдор Иванович билан мұхтарама Нина Васильевна, – деди Фриднинг оғзи қотиб-қотиб кулганидан бир томонга қийшайиб.

– Фрид, расмиятчиликни нима қиласан, – деди “Фёдор Иванович билан Нина Васильевна”дан ранжигандай бўлган Козлик ярим ширакайф ҳолда унинг елкаси узра қўlinи ташлаб, бағрига тортаркан. – Сенга ростини айтсан, ҳозир сен ўзинг Нина Васильевна деб мурожаат қилган Нина Васильевнани топиб олганимдан ўзим ҳам бир олам хурсандман, бу дунёдан. Бўлмасам аллақачон йўлда тукилиб, алкаш-палкашми, ўғри, сўқирми бўлиб кетармидим, билмадим. Бир яхшига бир ёмон, деб шунга айтсалар керак-да, Фрид. Тўхта, тўхта сени ким деб мурожаат қиламиш-а?

– Мени ҳеч қанақа “вичим” йўқ, – деди Фрид бир оз хижолат бўлгандай у ҳам ширакайф бир ҳолатда.

– Нимм... ниммага? – сўради Козлик. – Фамилиянг нимайди-а?

– Тошкентбоев.

– Нима, нима дединг... Тошкентбоев. Вой, шайтоней, ҳазил-хузул ҳам эви билан-да. Нина Васильевна, нима, бу нима деди-а? Тошкентбоев дейдими?

– Сени фамилиянг бошқачайди шекилли, Фрид? – Нина Васильевна бир нарсаны эсламоқчи бўлгандай кузларини тепага тикиб анчагача жим қолди. Кейин эса: – Йўқ, барибир эслай олмадим, – деди ҳафсаласизроқ. – Бу Тошкентбоевни қаердан топиб олдинг, Фрид?

Фриднинг кузлари аллақачон ерга қадалганди. Уйиғлаяптими, ўксигиси келдими, ўзининг ҳақиқий фамилиясини ҳам билмаганига жудаям хафа бўлиб кетганди.

– Сен хафа бўлма, – деди Козлик унинг бошини ўзига тортиб юзидан ўпиб қўяркан. – Ҳамма детдомчиларни тақдирни ҳам оғир ва эслашгаям арзимайди. Нина, Нина Васильевна. Қаердасан? Э, ноловойдами-сан-а? Кечир, манави Фридни фамилиясини сендан сўрамоқчийдим. Нима, ўзи билмас эканми, фамилиясини дейсанми? Билмасакан-да, Нина. Ноловойда туриб куласан-а. – Козликнинг кўзларига ҳам негадир ёш тўлиб қолди чоғи, ёнидаги сочиқни олганича кўзларини ишқалаб артди. – Аммо... аммо Фрид, йўлимни топиб олгунимча менгаям бу ҳаёти осон бўлмади. Мана, шу Нина ёш боладай кўлмарамидан етаклаб юрди.

Фрид оғир “уфф” тортиб қўйиб:

– Айтганингдай ҳамма детдомчиларни тақдирлари бир хиллиги учун детдомчиларми? – деб қўйди. – Отоналарингга нима бўлганди? – деб сўради кейин.

– Айтганману, эсингда йўқми, Фрид? Уларни иккисиниям кўз олдимда немислар ўлдиришган. Қабрларига ҳар йили бориб келамиз, Нина билан. Нинани эса ҳеч кимини, ҳатто ота-онасиниям қабри йўқ. “Фашистлар бир тўда одамлар билан ўрмонга ҳайдаб бориб, отиб юборган” деган гапларни эшитдигу, ис-пис чиқарадиган бирон-бир жойни ҳанузгача топганимиз йўқ. Нинани қариндош-уругларидан битта-иккитаси-

ни топтигу, лекин меникиларни ҳеч биридан хабардор бўлмадик, ҳанузгача.

Улар ярим кечагача ҳасратлашишди, чоғи, Нина Васильевна аллақачон пишилаб ухлаётган эди. Аммо тонг ёришмасдан уйғониб, қўймоқ пишириб, эрталабки “газаги”га ароқ қолмаганидан қўшнисиникидан “самогон” топиб чиқиб, столга қўйди.

– Йўқ, энди мен олмайман, – деди Фрид қатъий. – Кеча жудаям кўп олворибмиз, шекилли, бошим ёрилиб кетай, деб турипти.

– Ҳа, балли, – деди Козлик Фридни зўрлаб ичиришга ўзи баҳона топганидан хурсанд бўлиб. – Шуни олсанг, аналъгин ўн дақиқада оғриқни қолдирадиган бўлса, бу икки дақиқадаёқ ақлингни созлаб, кўзларингни тиниқлаштириб қўяди.

– Мен маст-аласт йўлга чиқсам бўлмас. Ҳали бозоргаям ўтаман, – деди Козликнинг кўлини қайтариб.

– Ол, ол. Ҳеч қаерга бормайсан, Фрид. Хоҳласанг, бутун таътил давомида тур, уй сеники. Тўғрими, Нина?

– Тўғри, – унинг сўзларини тасдиқлади Нина. – Яхши, бирга бўлиб, болалик йилларингизни эсланглар, ёшариб. Мен бугун-эртага Федяга жавоб ҳам олиб қўяман.

– Зўрсан-да, Нина. Каллангга балли. Бу билан мен неча йил бирга бўлганмиз-а? Уч йилми, Нина?

– Икки йилдан ортиқроғиди, шекилли, – деди Фрид. Нина бошини чайқади:

– Уч йилча бирга бўлгандик, чамаси. Ҳали бориб сўрайсизлар-ку.

– Олайми? – деб сўради Фрид Козликнинг кўлида ҳали ҳам қалқиб турган ароқ тўла қадаҳга ишора қилиб. – Аммо маст бўлволсак детдомдагилар нима дейишаркин?

– Ҳеч нарса дейишмайди. Қайтага хурсанд бўлиб кетишиди, Фрид. Мен ҳам бир-икки маст борганим эсимда. Ҳатто собиқ тарбиячиларимизнинг ўзлари куйиб ҳам беришган, билдинг.

Нина Васильевна хайрлашиб, ишга чиқиб кетгандан сүнг Фриднинг “тур, тур”и билан бир соатлардан сүнг кўчага чиқишиди. Козлик “такси” тутмоқчи эди, Фрид “узоқми, яқинми, борадиган еримиз?” дегандан сүнг у ҳам кўлини силтади-ю, пиёда кета бошлади.

– Детдомни директори Вера нимаевайди? – деб сўради Фрид.

– Вера Дмитриевнами? Жудаям яхши аёл эди, раҳматли, – деди Козлик.

– Ўлиб кетганми?

– Нагароевани эслайсанми, пионер ишларини олиб борадиган жиккаккина қизни? У ҳам рихлат қилган. Трамвай уриб юборди уни. Физкультурачимиз Наумов ҳам эрта кетди. Миндубоев деган татар ўқитувчимиз бор эди, эсингдами?

– Миндубоев энди эсимга тушди. Қалай, яхшими? Козлик бошини чайқади.

– Жойи жаннатда бўлсин, у ҳам ўлган.

– Гапингдан чиқди, ҳеч ким қолмапти-да? – ҳафсаласи “пир” бўлгандай Козликка қаради.

– Йўқ, ҳаммасимас, – деди бошини чайқаб. – Сен билгандардан ё биттаси, ё иккитаси бор. Биз ҳам мана анча ёшга бориб қолдик, Фрид. Сен университетни янаги йилга битираркансан. Мен билан Нина Васильевна ўттизга бордик.

– Ҳали мен сенга фамилиямни билмаслигимни айтдим, Федя. Ростдан ҳам фамилиямнигина эмас, умуман кимлигимниям билмайман. Учта детдомдан қочдик, Димка билан. Тошкент деган жойидаги детдомга тушиб қолганимда эса “Тошкентбоев” деб ёзиб қўйишди. Шу-шу фамилиям Тошкентбоев бўлиб қолди. Сенга ростини айтсам, Фрид ҳам ўзимнинг исмим бўлмаса керак, Федя. Сен ота-оналарингу, қариндош-уруларинг йўқлигига, уларни тополмаганингта ачинсанг, мен ҳатто ўз исмиму, фамилиям ҳам йўқлигига уксимай, ийғламай нима қиласай?

– Тұхтагин-а, – деди Козик сариқ мүйловларининг учларини секин-секин силаб, буаркан. – Шу детдомдагилар сени кимлигингни билишмасмикан-а? Ундей десам бахтингга Вера Дмитриевнаям тирикмас, ўлиб кетган. Сен ўзинг қайси томонлардан келиб қолувдинг, Фрид?

– Билмасам, Федя.

– Анави Димкадан сўрамаганмисан, қаердан келиб қолганингни?

– Ие, у қаердан билсин. У ҳам Ленинграддан-ку.

– Димка ленинградликми?

– Ленинградлик. Ота-онасини немислар кўз олдида отиб ташлашган экан.

– Қарая, биз детдомчилар жудди тариқдай қаерларга битта-битта сочилиб кетибмиз. Бундан бир-икки йил бурун детдомни йигирма беш йиллигини қилишувди. Сен билан бизларни йилимиздагилардан атиги учтұрттаси келиб қатнашишди, холос. Айтмоқчи, Димка нима қилиб юрибди-а?

– Уни қылар ишини тайини йўқ эди. Яқинда сенга ўхшаб милицияга ишга кирволипти. У менга жуда кўп яхшиликлар қилди, Федя. Яна билмадим, яхшиликми, ёмонликми, шу ердан ўша дунёни бир бурчларга бошлаган ҳам ўша. Эҳтимол... эҳтимол, уни гапига кирмаганимда, шу ерда бўлганимда, ота-онамни топмасам ҳам бирон-бир қариндош-уруғларимни топган бўларидим. Дунёда битта мен ёлғизга ўхшайман.

– Сен билан биздақа ёлғиз одамлар жуда кўп, Фрид. Уруш дегани ҳаммамизни кўнглимизни, ҳәётимизни-ям кулга айлантирди. Буни факат сен билан бизга ўхшаган етим-есирларгина билади, нима эканлигини.

Козлик болалар уйи дарвазасидан ичкари кираётиб навбатчи қоровулаға салом бериб, сўради: – Игорь Баришев бормилар, Семён амаки?

– Козлик, сенмисан? Салом, салом. Семён амаки деганингда хурсанд бўлиб кетаман борлигингга. Ди-

ректор борлар. Бемалол киравер. Сен учун эшиклар очиқ, ҳар доим, – деди.

– Кел, кел Фёдор Иванович, – илиқ кутиб олди Игорь Баришев. – Қандай шамоллар учирди?

– Манави дустимиз Фрид ҳам болалар уйингизни зрка боласи бўлган бир вақтлар. Анча-мунча бир-бирларимиз билан муштлашиб, жўжа-хўрз бўлиб турсак ҳам жудаям аҳил эдик. Шунга бир ёрдам бервормайсизми?

– Қани, қани, ўтиринглар-чи, болаларим. – Игорь Баришев уларни ўтиришга таклиф этди.

Фёдор детдом директорига бўлган гапни тушунтиргандан сўнг у бир оз ўйланиб турди-да:

– Менга жудаям қийин қилиб қўйдинг-ку, катта лейтенант, – деди бошини чайқаганича. Бор-йўғи бир-икки йил бўлган бўлса уларни ҳужжати архивда сакланади. Аммо сен айтгандай анави Безносовни чақирай-чи, бирон-бир эслироқ гап чиқиб қолар ундан, – деб ташқарига чиқиб, соч-соқоллари оқарган кишини бошлаб кирди.

– Кел, Козлик, ишларинг қалай? – Бир-бири билан сўраша кетди улар. – Ҳммм.... шунаقا дегин. Аммо бу йигитингни фамилиясиниям эслолмай турибман. Бир томондан қаричилик бўлса, яна бир томони булар жудаям ёш бўлишган бўлса ҳеч нарса хаёлдаям қолмас экан-да, – деб жавоб берди.

– Мен сенга ёрдам қилолмаганимдан афсусланаман, – деди директор ҳам елкаларини қисиб қўйиб. – Ҳаммасига оти ўчгур уруш айбдор, деб ўзимизни ўзимиз алдашдан бошқа иложимиз йўқ. Отиям, ўзиям ўчсин урушларини. Бир-икки авлод ота ўғилдан, ўғил отадан, она боладан, бола онадан, энди ака-ука бир-биридану, қариндош-уруғ бир-бирларидан ёт бўлиб, азоб-уқубатини тортишдан бошқа имкон йўқ, болаларим.

Безносов директорга бир қараб қўйдию:

– Мен ҳам боламни йүқотганман. Ҳалигача на ўлиги, на тиригини хабарини топаман. Мана, қаранг, мана шу рўпарамизда ўтирган нотаниш йигит, эҳтимол, ўғлимдир, мени. Лекин қандай қилиб асослайман, ўғлимлигини. Хотиним бомба тагида қолиб, ҳалок бўлди. Ўғлим қаёқда қолди, буни Худодан сўраш керак бўлса, ҳар куни, ҳар соатда Худодан сўрайман. Ҳеч бўлмаса мана шу ўғлимни топиб бер, деб.

– Борис Аронович, яхши умид билан яшайверингчи, бир куни ўғлингиз мана мен деганича кириб келар, – директор уни юмшатган бўлди, бошқа гап ортиқчалигини билиб.

– Исмингу, отангни исми ким? – деб сўради Фриддан Борис Аронович.

– Кўйинг, Борис Аронович, – деди директор, бу йигит... қаранг-а, дунёни зулмга тўлиб кетганингини, бу йигит ҳатто ўзининг исмию, миллатининг кимлигини ям ўзи билмас экан. Ҳали исм-фамилиясини кўя туринг-а.

Безносов ёш тўлган кўзларини йигитдан олиб қочиб, ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғи билан тескари қараганича ёшларини сидириб ташлади.

Фрид ер остидан Козликка қараб қўйди. Кўзи билан кўзи тўқнашаркан, “мени бу ердан олиб чиқиб кет, Федя, буларният бағрини тирнаб нима қиласман энди” деган қарааш қилиб, бошини биланар-билинмас тебратди.

Улар бир-бирлари билан хайрлашиб чиқиб кетаёт-ганда директор Козликка кўз ташладио:

– Федя, сен яхши йигитсан, кўлинг ҳам очиқ. Ҳалиги йигирма беш йилликда икки ойлик маошингни “юбилейга қўшганим шу” деб келтириб бергансан. Бунинг устига ҳар йили кам деганда бир-икки марта келиб бизни меҳмон ҳам қилиб кетасан. Ана шу қилганинг ҳурмати бўлса, бу болаликда оз бўлсаям бирга ўстган экансизлар, мана шу болалар уйидаги раҳбарлигимни ҳурматини қилиб гапга кир, – деб қолди директор.

– Хўш, бу билан нима демоқчисиз? – кулиб сўради Козлик.

– Демоқчиманки, Фрид деяпсан, шу ошнгнг билан сени, – у чап қўлини қўзига яқин олиб келиб соатга қаради, – нақ тушлик ҳам бўлиб қолипти, меҳмон қиламан. Йўқ, десанг – энди келадиган бўлсанг болалар уйидан ҳайдаб юбораман.

– Сен нима дейсан, Фрид? – сўради Козлик.

– Директорни гапига кириш керак, – деди Фрид кулиб. – Мана, мен билан Димка директор билан тарбиячилаrimизни сўзларига кирмай шу аҳволда юрибмиз.

– Бу бошқа гап, – деди директор кафтларини бирбирига ишқалаганича Безносовга ўгирилиб. – Бугун бунинг устига шанба. Иш вақтиям аллақачон тугаб бўлти. Бир ёзилиб ичайлик-а.

– Биз кечча роса олган эдик, – деди Козлик Фридга қараб кулиб қўяр экан. – Нина Васильевнадан ҳам рухсатномамиз бор. Бунинг устига икки-уч кунга рухсат сўраб қўяман ҳам деди. – У Безносовга қаради. – Борис Аронович, дастурхонимиз жудаям мойлик бўлиб кетяпти. Сиз ҳам кечқурунлигимизни тайёргарлигини кўриб юрманг тағин, уйингизга қўнғироқ қилиб.

– Йўқ, йўқ, – деди Безносов “хо, хо, хо”лаганича. Пайтини топсанг илигидан узасан-а, бола. Ёкорга миришаб бўлмагансан, сен. Аммо яхши боласан, ҳар доим қандингни ур, бўптими.

Болалар уйи директорига эргашган Борис Аронович, Козлик ва Фрид “сал тинчроқ” дейишиб “Аврора” қалқиб турган Нева бўйидаги ресторонга бориш учун “такси” тўхтатиши.

## XVI

Озиб-тўзиб маҳбусликдан ниҳоят озодликка чиқкан Зуҳриддин юртига келиб бекорчиликдан тез зерикиб қолди. Энди уни мактабга ишга оладими, ол-

майдими ҳали билмас эди. Ҳатто ўзи ишлаган мактаб директори уни кўчада кўриб, бир неча марта сўрашган бўлса ҳам “жамоамизга қайтасизми?” деб бир оғиз ҳам сўраб қўймади.

– Ҳали иш-пишни ўйлама, ўғлим, – деди Мадумар ака ўғлига уни анча зерикиб қолганини сезса ҳам. – У ёқ-бу ёқларга бориб айлан, дамингни ол. Салкам йигирма йил сен мана шу, – у ўнг қўлинни мушт қилганича юрагига урди, – юрагимни тўрида яшадинг, болам. Озиб-тўзганингни қара. Улар сени нималар қилиб ташлаган билмайман, – кўзига ёш олди у. – Йўқ, Аллоҳга барибир шукр қиласман, сени қайта етказганигаю, дийдор кўришганимизга, ўғлим. Қора хат келиб, ҳали у, ҳали бу эшикдан йиғи чиққан куни жоним бўғзимга келиб, йиргайман. Худогаям айтганим боракан, мана эсон-омон юз кўришдик. Сени кўрмай ўлиб кетаманми, деб юрардим, тириклигинга ишонмай-ишониб.

Зухриддин отасига тик қарамас эди. Ҳиёл бошини отаси томонга буриб:

– Йўқ, ота, зерикиб кетдим. Ишга кирсам бир оз овунармикинман, дейман. Кечалари тушимгаям яна турмаю, қарағай кесиб, афдараётганимиз кириб чиқади. Шояд ўшалар кўз олдимдан сал нарироқ кетса... Шунга иш-пишга ҳаракат қиласаммикин, девдим, – деди ички бир хўрсиниш билан.

Мадумар ака зимдан ўғлига қарадиую, унинг сўлғин юзларига кўзи тушиб, ўғли тўғри гапираётганини унинг кўринишидан ҳис қилди. “Ҳа, болам тушмагурни муородингга етмагурлар анча гажиб ташлашибди” деб кўйди ичидা.

– Яна ўзинг биласан, ўғлим, – деди паст товуш билан. – Аммо бир умр ишламай юраман десанг ҳам ўзим боқволаман. Айтмоқчи, – эсига бир нарса тушдими юзи бир оз ёришиб, гапида давом этди. – Уйлаб ҳам қўйсан девдим шу кунларда. Бунга нима дейсан, болам. Ўзинг кўз остингта олиб қўйганинг бўлса ё уни айт. Бу касо-

фат урушию, бошингга келган балою ситам нечтача боладан қўйди.

Зухриддин бошини чайқади:

– Йўқ, ота, – деди ерга қараганича. – Иш-пиш топволовай олдин, ота.

– Йўқ, – деди Мадумар aka бошини ирғаганича. – Йўқ, ўғлим, тўйингни ўтказишга ҳамма нарсам етади. Онанг кўрпа-тўшагу, кийим-бошларингдан тортиб, келиннинг ҳамма майдада-чуйдасигача тайёрлаб қўйган. Хўп десанг, бўлди. Сендан сўрамасилигим керагидиую, лекин ҳар ҳолда кўз остига биронтасини олишга улгурдимикин, деган мақсадда сўрадим-қўйдим, ўғлим.

– Йўқ, ота, уйланадиган бўлсан ўзим айтаман. Яна битта гап ота... – у анча “нима десам экан-а?” деган ўйда туриб қолиб, кейин гапида давом этди. – Иккита неварангиз бор эди, бири ўғил, бири қиз, – деди нихоят.

– Ие, қани улар? – ҳайрон бўлиб сўради Мадумар aka. – Қани улар, ўғлим?

Улар Германияда қолиб кетишган. Ўғлимни эса... – у “ув” тортиб йирлаб юборди.

– Нима, бир нарса бўлдими? – Мадумар аканинг кузлари катта-катта очилиб кетди.

Зухриддин бошини чайқадио:

– Йўқотиб қўйганман, ота.

– Қанақа қилиб йўқотасан. Изламадингми?

Зухриддин йиғидан лабларини қимтиб, аранг кўз ёшларини тийдию, отасига ўгирилади:

– Қизимни онаси ўзи билан олиб қолган эди. Ўғлимни эса ўзим билан Ленинградгача олиб келдим. Кейин... кейин эса... – у яна йирлаб юборди. – Мени авахтага олиб киришдан олдин “ўғлингизни ўзимиз тарбиялаймиз” дейишувди. Шу баравар йўқолиб кетипти. Детдомма-детдом изласалар ҳам йўқ эмиш. Шунга ишга кирволсам ружсат-пухсат олиб қидирсаммикин, деб юрибман.

– Бу ишинг хом бўпти, ўғлим, – деди Мадумар ака ҳанг-манг бўлганича. – Нега бу шумшайиб юради десам ичингда дард тўлиб қолган экан-да, болам. Пул топиб берай, эртага жўна ўша йўқотган жойларингга. Боламни топиб бер, деб турвол. Шунаقا қилмасанг бўлмайди.

Зуҳриддин бошини чайқади.

– Менга рухсат беришмайди. Мана шу ердан бошқа ерга боришим мумкинмас экан, ота.

– Нимага?

– Қоида шунақайкан.

– Қоида бўларканми? Қамоғида бўлдинг, урушида бўлдинг, асиригида бўлдинг. Яна сендан булар нима исташади ўғлим? Одамни шунақаям қийнашадими-а? Ахир уларда инсоф борми-йўқми? Анави Ҳамидов дегани мениям неча марталаб сўроқ-савол қиворган, у ёқ-бу ёқдан сурраб-суринширайвериб. Баччагарларни... – у ичида сўкинвонди, шекилли, – ҳаддидан жудаям ошиб кетди булар, – деди панжалари ўз-ўзи-дан туғилиб, муштга айланаркан.

Зуҳриддин ўзи эски ишлаган мактаб томон йўл олиб, директор хонасига қараб юрди.

– Ҳа, Зуҳриддин, келинг-келинг, – деди директор ўрнидан туриб у билан кўришаркан. – Қандай шамоллар учирди?

– Ишласам дегандим... – деди у.

Директор жим қолди. Кейин:

– Анави ГПУданми, НКВДданми рухсат керакми-кан? Шунаقا деб гап қилишётувди, шекилли. Кулогимга шунаقا гап чалинганини биламан. Бир учраб кўймайсизми?

– Майли, майли, сизгаям гап тегиб юрмасин, – деб ташқарига чиқди Зуҳриддин.

НКВДга оёғи тортиб-тортмай кириб борди. Шу ташкилот деса юраги зирқирайдиган бўлиб қолгани учун ўзини зўрлаб бўлса ҳам иложсиз келган эди.

– Асирикда бўлгансиз, шундайми? – деди Маннолов деган майор. – Так, так, так! Ҳужжатингиз алла-

қачон бизга етиб келганди. Ўзингиз эса қорангизни күрсатмайсиз. Ўша ёқда шунаقا деб айтмаганмиди-а? Уч кундан ўтмай бизга учрашингиз керак эди. Бу ёғи энди қандоқ бўлди. – У қулини мушт қилиб орқасини қилиб ўтирган деворга уриб тақиллатди. – Волков, бу ёққа қара.

– Эшитаман, ўртоқ майор, – деди бетига қум сепиб юборгандай хол босиб кетган новча-ариқ миршаб ли-босидаги одам Зуҳриддинга бир қараб қўйиб.

– Рисалиевни ҳужжатларини опчиқ, – унга буйруқ берди Маннолов дегани.

Волков йигирма дақиқача йўқолиб кетиб, кўлида “Дело” билан кириб, уни Манноловга узатди. У “Дело”ни анча вараклаб, алланарсаларни ўқиган бўлди-ю, Зуҳриддинга қаради:

– Мана, уч... йўқ, тўрт ой бўпти лагердан қайтганингизга, – деди Зуҳриддинга еб юборгудай ола кўзини тикаркан. Ўша ёқда сизга “борибоқ учрайсан” деганимиди?

– Деган эди, – деди Зуҳриддин паст товуш билан.

– Нега учрашилмади?

Зуҳриддин қаттиқ айб иш қилгандай бўшашганидан серрайиб туриб қолди.

– Ё яна ўтиргингиз келяптими? Учётдасиз, билиб кўйинг. Ҳали бошингизда иш кўп, буптими? Энди нима қиласмиш? – Маннолов унга тикилди.

Зуҳриддин лабларини тишлади. Маннолов еб юборгудай унга қараб турарди.

– Мум тишлиғанмисиз, дейман. Бу сафар кечираман, майли. Энди чақирган вақтда келмасангиз текширишим ҳам мумкин, билдингиз.

Зуҳриддин аранг “раҳмат” айтди. Кейин сўради:

– Иш билан келувдим, ўртоқ Маннолов, айтсам мумкинми?

– Ўртоқ Манноловмас, ўртоқ майор, бўптими? Ну гапиринг-чи?

– Ишламоқчиман, шунга ружсат берсангиз.

– Ишлайверинг, ишиңгиз билан нима ишим бор, – деди Маннопов қуруққина.

– Мактаб директори бир НКВДга учраб күйинг, деган гап қилди.

– Мактабдами-а? Йүк, йүк, сизга мактаб түғри келмайди. Ёш авлодни сиз қандай қилиб коммунистик руҳда тарбиялайсиз, ахир. Асирда бўлган бўлсангиз. Немисларга хизмат қилган бўлсангиз. Тағин мактабда ишлайман дейсиз-а, уялмай. Мактаб сизга мутлақо түғри келмайди, маъқулми?

– Ўртоқ майор, ахир мен университетни тамомланман, – ғаши келди Зуҳриддинни.

– Университет хоин бўл демаган, түғрими?

Зуҳриддин бошини чайқади:

– Мен ўзим асир тушганим йўқ. Власовчилар бизни бир кечанинг ўзида Германияга олиб ўтиб, сотиб юборишди.

– Нега ўзингизни отвормадингиз?

– Қуролим бўлмаса нима билан отаман?

– Нега унда осмадингиз, ўзингизни ўзингиз? Ватан учун, партия учун ўзини ўзи отганлар оз мунчами? Матросов-чи, Матросов. Ўзини ўзи ўққа кўкрагини тутиб бердию. Миллатга иснод келтирдингиз, Рисалиев.

– Рисалиевмас, Рисалиев, – майорнинг гапини тўғрилади Зуҳриддин.

– Балою баттар бўлса мени нима ишим. Рисалиев бўлса нимаю, Рисалиев бўлса нима. Хоинсиз, сотқинсиз, ладно.

Зуҳриддиннинг кузлари негадир юмулгандай бўлди. “У нима бўлса бўлар, бир уриб ўлдириб ташласамми, анави стул тепасида турган оғир сиёҳдон билан бошига солиб” деган хаёлдан аранг ўзини ўзи ушлаб қолди. Шайтонга ҳай берди, ҳар қалай. Бунақа тўнғизни ўлимига сабабчи бўлса Худоям кечирса керак. Ёмон одами қабрида барибир бир кун тўнғиз кўпади.

– Боринг, чиқинг, – деди Маннопов “бошқа гапим йўқ” дегандай боши билан ташқарига имо қилиб.

– Мен қаерга кириб ишлай? – сўради Зуҳриддин иккиланиб.

– Мана, ҳозир мен сизга айтаман, бир гапни. Бир гапни айтаман, жудаям ўрни келиб қолгани учун. Бўлмасам сизга гапим тушиб қолмовди, ладноми. Сизга ўхшаган бир сотқин ҳақида гапириб берай, сизга аччиқ бўлсаям. Бир куни олдимга биттаси кириб келиб қолди, ўша фашистлардан жабрланганлардан. Ўртоқ майор, кўчани муюлишида бир сотқинни таниб қолдим, деди у менга. Қанақа сотқин, десам, қуршовда қолиб, асирга тушганимизда биттаси биз билан немисларга тилмочлик қилган одами таниб қолдим, деди. Ие, ростдан ҳам танийсанми, деб сўрасам, ўлай агар, деб қасам ичди. Уни кўлга олиб, уйини тинтув қилсак, немис ефрейтори либосидаги суратлариниям топиб олдик. – Маннопов ҳали ҳам қотиб тик турган Зуҳриддинга бир қараб қўйди.

– Ўтирсам майлими? – сўради Зуҳриддин оёғи толиб кетганлигидан тиззалари букилиб.

– Майли, утиринг-чи, – деди Маннопов устки лаби устидаги холни чап қўлининг синчалори билан оҳисста силаб қўяркан. – Оёқ толдими-а? Шундай қилиб ватан хонини ушлаб, роппа-роса ўн йилга кестирвордик. Икки йил бўляптими, жазосини тортиб ўтирипти, авахтада. Қаранг-а, паразитни, суратигача сақлаб юрганакан. Кўпчиликни “немислар томонига ўт” деб ташвиқот ҳам қилган экан ўшанда. Кейин гапирмаган асиirlарни тухумига чертиб юриб, гапиртирганлигини ҳалиги бизга келиб айтган одам бир бошдан гапириб берди. Мана, манавини ҳақиқий ватанпарвар деса бўлади. Орденга тавсия қилгандик, чамаси шкалага тўғри келмаганми, “фаҳрий ёрлик” билан чегаралашди, шекилли. Аммо Рисалиев мактабда қоровул-поровул бўлиб ишласангиз бўлаверади. Шунақа қоровулликка директорга қўнғироқ қилиб қўяйми-а?

Зуҳриддин бир нималарни ўйлаб Манноповга бир қараб кўйди.

– Ҳа, бўлмайдими-а? – деб сўради у. Кейин эса бир оз инсофга келдими кўшиб кўйди: – Яхши ишлаб ўзингизни кўрсаттанингиздан сўнг ўқитувчиликка ўтсаям бўлади. Маъкул бўлса шу, нима дедингиз?

– Майли, – деди Зуҳриддин истар-истамас.

– Жуда овозингиз секин чиқди-я. Шунгаям шукр, дейиш керак, – Маннопов бурни қичишидими бармоқлари билан ишқалаб, тортиб кўйди. – Энди жавоб сизга. Аммо сўроқсиз у ёқ-бу ёқда кетвориш йўқлигини яхши биласиз-а?

Зуҳриддин бошини ликиллатдию:

– Ўртоқ майор, менинг болам нима бўлади? – деб сўради.

– Қанақа болангиз?

– Германиядан ўтганимда уч ёшга тўлиб-тўлмаган ўғлим бор эди. – Зуҳриддин умидли кўзларини унга тикди. – “Суроқ-саводдан кейин ўғлингизни қайтиб берамиз” дейишувди.

– Буни мен билмайман, – деди Маннопов бошини чайқаб. – Манави “Дело”даям ҳеч нарса ёзилмаган бола ҳақида. – Маннопов қаламнинг орқасини “Дело”га урди.

– Ўғлим йўқолиб кетаверадими?

– Мендан нима истайсиз? – деди Маннопов истар-истамай. – Болангиз билан мен шуғулланмаганман-а?

– Унда... унда мен ўғлимни қидириб топишим учун борадиган ерларимга рухсат беринглар.

– Буни мен билмайман, – деди Маннопов бошини чайқаб.

– Ким билади? Кимга боришим керак?!

– Менга бақирманг, – деди Маннопов қўрслик билан. – Ким ҳуқуқ берди давлат одамига бақир-чақир қилишга. Боринг, иш керак бўлса мактабга бориб қоровулигингизни қилинг. Бир-икки йил ўзингизни кўрсатиб ишласангиз ўқитувчиликкайм ўтказишидаи,

дедим-ку, ахир. Ё бу етмайдими. Яна менга бола ғал-  
асини қиласиз-а, сиз.

Зухриддин “бу одам билан барибир олишишни фой-  
даси йўқ, шекилли, тўнка нимаю, бу одам нима” де-  
ган ўй билан ташқарига чиқди. Унинг юраги сиқилган  
кўнгли бутунлай ярим, дили қон кетиб бораркан, олов  
олаётган кўксини бир оз шамоллатиш учун шаҳарнинг  
шундоққина бикинида вигилаб оқаётган анҳор то-  
монга қараб юрди. Зора, ана шу алангаланаётган юрак  
тубидаги дардларини мана шу тиник сув билан ювиб  
ташлаш иложи бўлса?!

– Ҳмм... Эчкини қазоси етса қассобни оёри остида  
уралашади. Одамни ғам емирса дардини сувга айти-  
ди, деган гап бор, Зухриддин. Сениям ғам-алам эзип-  
ти, шекилли, – деди Ином қассоб ариқ бўйида сувга  
термулганича ўтирган Зухриддинга кўзи тушиб, бо-  
раётган йўлида тухтаб қоларкан. Обби-холам, кўрма-  
ганимгаям юзйил бўлди чори, сени.

– Юз йилмас, озроқ – деди Зухриддин ўрнидан  
туриб, Ином қассоб турган ариқнинг нариги лаби-  
га иргиб ўтаркан. – Жудаям кўп бўлди, сениям  
кўрмаганимга. Бир йигитни умри ўтдими, билма-  
дим.

– Урушда йўқолиб кетди, деб эшитувдим. Яхши,  
тирик экансан, умрингни берсин. Кўпчилик қайтма-  
ди. Ўликлари ўша томонларда қолиб кетди, шекилли.  
Ёмон бўлди, жудаям. Жуда кўплари жувонмарг бўлиб  
кетишиди, урушда. Қайтиб кетганлариям чирмовиқча  
ўхшаб териси суягига ёпишиб кетган. – Ином қассоб  
бир кекириб қўйди. – Ҳамма одамни бир хил деб  
бўлмайди. Думбаларини осилтириб, лорсиллаб юрган-  
ларам бор. Аммо уларни ҳаммасини одам деб  
бўлмайди, тузукми. Бошини ёрса бир чимдим мия  
аранг чиқади улардан. Энди, Зухриддин, буям битта  
гап-да. Сен билан кўришиб, гаплашмаганимизгаям  
ўзинг айтган йигирма беш, йигирма олти йиличалик  
вакт ўтди.

Ином қассоб Зухриддинни қучоқлаб кўришган бағридан кўйиб юбораркан “қара-я, шунчалар вақт тез ўтиб кетаркан-да” дегандай қарааш қилиб кўйиб, ариқ бўйидаги ярим чириган тўнкага чўнқайди.

– Ҳалиям қассобчиликми? – деб сўради Зухриддин.

– Бўлмасам нима қиласман. Шу касбдан насибани териб еб юрибмизда, Зухриддинбочча. Хўш, ўзингни ишларинг қалай? Жудаям хафа кўринасан, бола? Ростданам дардинг жудаям кўп, шекилли. Ози қолиб, кўпи кетди деганларидай, отангни кўзи очиқдигида ўлмай юрибсан – марра сеники. Уйланиб-пуйланиб олдингми, келганингдан бери. Келганинг қулогимга чалингандай бўлувди. Икки-уч ой бўлди, шекилли-а?

– Ҳа, шундоқ.

– Уйланишга улгурдингми, келиб?

Зухриддин бошини чайқади.

– Хотин тўлиб ётиптию...

– Ўша ёқда уйлангандим.

– Опкедингми? Ўрис-пўрисми? Яхши қибсан, ўрис-пўрис бўлса унчалик гишаваси йўқ.

– Немисга уйланувдим, – деди Зухриддин.

– Немисга? Немисга дейсанми? Вой, азамат-еј, немисга, дегин. Топган мимлатингни қара-я, сени. Ҳеч ким ўйламаган мимлатга уйланганингни қара. Нима, юрагингдан уриб қолганмиди, немисинг? Немис билан уришиб немисга уйланганингни қара. – Қайта-қайта такрорларди у бошини чайқаганича. – Аммо боплагана-кансан. Энди мабодо немиси яна босиб келадиган бўпқосаям ўзларини куёвларига “финг” дейишолмайдиган қилиб ташлабсанда-а, сен? Вой, азамат-еј, топганингни. – Ином қассоб ҳиринглаб кулган бўлди. – Нима кўп, ҳозир қиз-аёл кўп девдим, уйланмаган бўлсанг. Энди. Буларни ҳаммасиям ҳазил-ҳузулу, лекин бу уруши кўп одамни ётиғини қуритди. Отани боладан, болани отадан айирди. Тул қолган гулдай хотинлар қанча. Ўзимизни кўчадан бир санаб кўрсам ўн еттита хотинни эри урушдан қайтмасдан тул ўтиришилти.

– Ҳа, бунақалар айтганингиздай кўп экан, – деди Зуҳриддин.

– Кўп, кўп, – такрорлади Ином қассоб. Аммо замониям бузилиб кетди. Беш-олтита амалдору, пули борлар ўша тулларни мана шу қимматчиликдан фойдаланишиб, пул-мулу, озиқ-позигидан хабар олиш баҳонаси билан тузоқларига илинтиргалишиб кайфсафо қилиб юришипти. Уларгаям Худо бор. Яхшиларам бор. Балки яхшиларам борлигига осмон жойида турипти. Бўлмаса осмониям остин-устун бўлиб кетармиди. Хуш, ўзинг нима иш қиляпсан. Энди гапни буёғига ўтайлик.

– Ҳали ишга кирганим йўқ, – деди Зуҳриддин. Анави НКВДси, илгари ўқитувчийдиму, шу ишимни қилай десам рухсат бермади.

– Нимага-а?

– Асирда бўлганим учун мумкинмасакан.

– Ие, асирикдаям бўлдингми?

Зуҳриддин гапни купайтиришни истамай:

– Ҳа, – деди бошини қимиirlатганича.

– Анча йўлдан кўйдим-а, сени. Энди, мана дийдор кўришдик. Агар, вақтинг бўлса бир меҳмон қилай? – Ином қассоб шимининг камарига ўтказилган пичоғининг қинини орқароқча сурис қўйди.

Зуҳриддин “раҳмат” деб бошини чайқагандан сўнг узр-маъзур айтиб йўлига қараб кетди.

Ўғлини бир оз хомуш тортиб қолгани сезган Мадумар aka унга кўзи тушиши билан:

– Нима гап, ўғлим? – деб сўради.

– Ҳеч гап йўқ, ота, – деди ҳеч нарса бўлмагандай хотиржамлик билан Зуҳриддин.

– Йўқ, ўғлим, – деди Мадумар aka бошини чайқаганича. – Сен ёлрон гапиришга ҳеч ўрганмагансан. Ана, қара, кўзларинг билан юзларинг ҳамма гапни айтиб турипти. Унашмаган кўринади сени ишга киришингга. Аммо шуни билиб кўй, болам, сени қанча бўлсайм бокволишгаям, ҳар қанча сарф-харажатингни кўта-

ришга кучим етади. Ичкари киргин-а, биттаси келиб сени кутиб ўтирипти-да, ҳалидан буён. Күзимга иссиқ-иссиқ күрингсаям унчалик таниёлмай турибман. “Мадумар aka сиз мени танимайроқ турипсиз-а?” дейди. Күнгли очиқ, дили равшанроқ йигитта ўшаб турипти турқи шамойилидан.

Зухриддин эслай олмаса ҳам ичкари кириб, келган меҳмон билан қуюқ сўрашган бўлдию:

– Юқорига, юқорига чиқинг, бирпас гаплашиб ўтирамизда, энди, – деди меҳмонга. – Хўш, уй-чуйлару, қўшни-пўшиларингизни ҳаммалари тинчми ўзи.

Улар анча гаплашиб ўтиришгандан сўнг меҳмон Зухриддинга бирров назарини ташлаганича сўради:

– Сиз мени барибир яхши танимай турибсиз, биляпман, – деди рўйи-ростини айтиб. – Университетни биологиясида ўқиганман, эсласангиз. Кейин мен ҳам урушга кетдим. Сиз илгарироқ фин урушига жўнаворгандингиз. Исмим Меливой, Олтинтопган қишлоғиданман. Урушдан олдин уч-тўрт гаплашганимиз, сиз билан.

– Танидим, – деди Зухриддиннинг юзи ёришиб.

– Сизни ўзим директорлик қилаётган мактабга ишта чақириб келдим. Борасиз-а? Немис тилидан дарс берасиз.

Зухриддин бошини чайқади.

– Нима учун?

– НКВД унамади, – деб бўлган гапни тўкиб солди.

– Э... – деди Меливой қўлинни силтаганича. – Бор гап шуми?

– Шу, холос...

– Мен урушда қон кечдим. “Слава”ни учала дара-жасиниям олганман. Ҳеч ким мени гапимни қайира олмайди. Сиз унасангиз бўлди, Зухриддин. Болаларни коммунистик руҳда тарбияломайсизаканми-а? Топган гапларини қаранглар, буларни. Хафа бўлманг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳалиям бўйдоқ деб эшийтдим. Эсли-хушли, буни устига чиройли муалли-

маларимиз бор, бошингизниям иккита қилиб қўямыз, бўлтими?

Зуҳриддин унга чой қўйиб узатаркан, “кўрамиз” дегандай бошини қимирлатиб қўйди. Меливой қўлига олган чойни айлантириб, бир хўплаб қўяркан кўнглига бир нима келдими, Зуҳриддинга қаради:

– Анча бўлди, немис тили ўқитувчисини қидираман. Мен урушда Берлингача бордим. Цивилизацияни ўша ерда кўрдим. Тўғри халқ, маданиятли халқ экан, улар. Ҳар бир нарсани маромига етказиб бажаришаркан. Энди Зуҳриддин, урушга халқ айбдор эмас, буни ўзингиз билиб, кўрган бўлсангиз керак. Давлат тепасига келгандар... – у яна алланималар демоқчи бўлдию, неғадир сиёсатга оғзи бормай гапни бошқа томонга бурди. – Шу мактабимиздаги ўқувчилар немис тилини ўрганишволса ёмон бўлмасди-да, – деб гапини тугатди.

Зуҳриддин уч-тўрт кун ўтмасданоқ шаҳардан йиғирма чақирим нари қишлоқдаги Меливой Уркунов директорлик қилаётган мактабга бориб, немис тилидан дарс бера бошлади.

“Слава” орденининг учала даражасига эга Уркуновнинг гап-сўзи НКВДдаги Манноловга ўтган бўлса керак-да.

## XVII

Жудаям келишган, анча бўйчан йигит бўлган Фрид болалар уйини унутмаган эди. Москвадан бу ерга кеч кириб қолганда поезддан тушиб, шаҳарнинг ўша кўримсиз биттагина меҳмонхонасидан жой одию, болалиги кечган кўчаларни қоронги тушиб кетганига қарамай, барибир айлангани кўчага чиқди.

“Димка қаердайкин?” деган фикр ялат этиб бошига урди. “Милицияга ишга киряпман” деб ёзувди хатида. Аммо унга милиция либосига қўйиб қўйгандек ярашсаям керак. Лекин нимага милицияни ёқтириб

қолдийкин? Бир пайтлар ўзи бу ишни жинидан баттар ёмон кўрарди. Уларниям яхши-ёмони бўлганидек, Димкаям балки ёқтириб қолгандир, у қаердан билсин.

Йўқ, бу кўчалар ҳамон ўша-ўша, ҳеч нарсани ўзгармапти. Аnavи “шовуллаётган” шаҳар ўртароғидан “вифиллаб” ўтадиган ўша катта анҳор. Манави эса болалар уйига борадиган “Ўзбекистон” кўчаси. Худди шу кўчанинг нариги бошида ота-оналари йўқ етим болалар кечки овқатдан кейин “қий-чув”ни бошлишиб юришгандир. Унинг кўп умри шу жойда ўтди. Зерикканингда хат-пат ёзгинг ҳам келиб қоларди, ўшанда. Лекин кимга... Кимгаям хат ёзардинг, ҳеч киминг бўлмагандан кейин. Биронтасини бирон-бир қариндоши келиб қолгудай бўлса ўшанақа қариндошинг бўлишини, сени ҳам ҳеч бўлмаса бир йилдами, беш ойдами бир марта бўлсаям йўқдаб келиб қолса борми, байрам бўлиб кетмасаям, бир ой-бир ой ана шу қувонч орушида чўмилиб юрасан.

Фрид “бирон-бир таниш-панишим йўлиқиб қолармикин?”, деб тез-тез атрофига ҳам назар ташлаб кўярди. Ҳозир у Димкани изламоқчи бўлдию, лекин уни қаердан топишига ақли етмай миясига келган бу фикрдан қайтиб яна ўз хаёлига эрк берганича ён томондаги Сино кўчасига бурилди. Ҳа, улар “Абу Али ибн Сино” ёзилган бўлса ҳам қисқа қилиб “Сино” кўчаси дейишига ўрганишганди, ўшанда.

– Ҳа, ҳалиги бирон-бир узокроқ бўлса ҳам қариндошинг бўлганда жудаям яхши экан. Ўша қариндошинг бир йилда бир келса ҳам ота-онанг ҳақида, уларнинг сени яхши кўришганидан қанчалар эркалатгандарини айтишганда худди ҳозир ҳам улар ён-ёнингда сен билан бирга, сени ўпид-ўпид эркалаётгандай ҳис қиласан, ўзингни. Бир марта худди ўшандай бўлганди, рости ҳам. Ҳалиги сап-сариқ боланими, ё тожик боламиди доимо бурни оқиб юрадиган... Йўқ, йўқ, ўша доимо бурни оқиб юрадиган тожик болани

қариндоши келганди, шекилли. Ўша доимо бурни оқиб, ўзи эзилиб пишиб кетган тутдай илжираб юрадиган ўша, ҳа ўша тожик болани қариндоши келганди Фрид ҳам уларнинг ёнида эди. Ўша тожик болани ўша узокроқ қариндоши шунақаям гапирадики... отасиниям, онасиниям, кейин бошқаларниям шунақаям кўшиб ширин гапирадики, уларнинг меҳрибонликаарини айтардики, Фриднинг оғзи ланг очилиб, худди ўзининг... ҳа, ҳа Фриднинг ҳам ота-онасию, ака-укалари бордай кўнгли тўлиб кетганди. Ўша гаплардан икки-уч ойлар кейин ҳам худди ота-оналарию, қариндош-уруглари мана шу детдомга кириб келиб, “менинг Фридим қани?” деб сўраётгандай бўлиб юрди.

Фрид ўз ўйидан бўшаб яна атрофига қараб-қараб кўйди. Яна худди бирор “қалайсан, Фрид?” деётгандай бўлди. У детдомга бурилиб кирмоқчи бўлдию, негадир бир кўнгли “ҳозир тарбиячиларниям ҳаммаси йўқдир, ўқитувчилар эса кундузи келишади” дегандай кинотеатр томон бурилди. Шундагина боши хаёлдан бўшагани учунми қорни очиб, ичаклари бир оз ачишаётганини сезди.

Йўқ, бу кинотеатр атрофидаям ҳеч бўлмаса биронта таниш кўз ҳам учраб қўймади, ҳатто. Тонг отишга эса ўқ-хў, ҳали жудаям узоқ. Кечаси қайси ўйниям ўйлайсан. Ўша ота-онангу, қариндош-уругларинг бўлса бирини бўлмаса бирини ўйлаб, кейин кўзинг аста-аста уйкуга кетиб қолади. А, айтмоқчи, Инга нима қиляптийкин? Онасига тўй қилишларини айтдими, айтмадими?

Фрид рўпарасидаги “кафе”га қараб юрди. Музқаймоқ буюрди. Инга музқаймоқни жудаям яхши кўраркан. Хайрлашаётуб “Сен учун болалигим ўтган шаҳарда поезддан тушибоқ музқаймоқ ейман” дегани эсига тушиб кетди.

– Ҳай, бола, юзинг менга танишдай кўриняпти-а?  
деди музқаймоқ келтирган аёл.

– Вера хола, сизми? – сўради Фрид елкаларини у тирганича. – Мен сизни музқаймоқ сотувчи деб ҳеч ўғла-магандим. Болалар уйидан кетиб қолганмисиз?

– Кетиб қолганман, – деди Вера хола.

– Пули оз дөднингизми-а?

Вера хола бошини силкиди.

– Ҳайдашган, – деди у Фриднинг ёнидаги стулга чўкаркан. – Гап кўп, ўғлим. Сен эслайсанми, эсламайсанми, билмайман, Димка деган бола бўларди. Э, йўқ, у сени акахонинг эди, шекилли. Келиб ора кунда сендан ҳол-аҳвол сўраб кетардию, пул-мул бериб.

– Димкани айтгисиз-да, Вера хола.

– Худди ўша Димканг. Худди ўша Димканг қамалиб кетган.

– Йўғ-е, Вера хола. Унақа деманг. Нега энди Димка қамаларкан?

Вера хола “бу тўғри, тўғри гапиряпман” дегандай бошини бир-икки пастга иргади.

– Мен ҳам шу ишга аралашиб қолдим, шекилли. Йўқ, аралашиб қолганим йўқ, аралаштириб юборишди, ўғлим Фрид. Кейин “детдом”дан ҳайдашди, ўн йил ишлаганимният ҳисобга олишмай. Болаларга ўрганиб қолувдим. Ўзимни болаларим йўқлигига “детдом”даги болларни худди ўзимни болаларимдай кўриб, ўзимни болаларим деб юрардим. Насиб қилмаган экан. Мана, кўряпсан, музқаймоқ сотиб юрибман. Топишим ёмонмас. Ие, қачон келдинг? Москвада университетда ўқияпти, дейишарди, шу ростми?

– Рост, рост, Вера хола. Аммо Димка нега қамаларкан. Нега қамашди? Менга шуни гапириング. У мени акам бўлмаса ҳам акамдан ҳам қадрдонроқ, Вера хола.

Вера хола Фридга тикилиб қаради.

– Ҳа, тўғри, – деди ниҳоят эсига бир нима тулдими кўз олдида Димканинг қувноқ чехраси гавдаланаркан. – Ўзинг айттанингдай ростдан ҳам у сенинг ёнингга тез-тез келиб, хабар олиб турарди. Қўлингта ҳар вақт

пул қистириаёттанини ўз күзим билан күриб қолардим. Дмитрийни, ҳа энди у Дмитрий бўлиб қолганди-да, ўғлим. Биласанми, уни нима билан айблашди?

– Ростдан ҳам нима билан айблашди, Вера хола? – сўради Фрид.

– Ўғирлик билан. Ҳа, ўғирлик билан айблашди. Болалар уйини разначисини тунашда айблашди. Лекин барибир бу тўғримас. – Вера хола бошини чайқади.

– Сиз...

– Ҳа, мен Димкани тарафини олганим учун сен айтган “детдом”дан директорни ўзи ҳайдаб юборди, баҳона топиб. – Вера хола стол устида Фриднинг мушт тугилган қўлларини ушлади. – Ҳа, шунаقا бўлди, Фрид. Ишқилиб ўзингни тўрт мучалинг соғ бўлса бўлгани.

– Ўқишим ҳам тугаяпти, Вера хола. Борадиган жойимни тайини йўқ. Ўзингиз биласиз-ку, ҳеч кимим йўқ. Ёшлигим у шаҳар билан бу шаҳар ўртасида поездма-поезд юриш билан ўтган. Анави акамга ўхшаб қолган Димкага ачинаман. Қаранг-а, қамалиб кетипти-я. – Фрид кўзига ёш олгудай бўлиб қовоги тушиб кетди. – Ҳўп, Вера хола, мен кетай энди. Бақт ҳам бир маҳал бўлиб қолди, шекилли. Сиз ҳам кетарсиз?

– Аллақачон кетардим. Сен билан озгина гаплашай деб туриб қолдим, ўғлим. Унибсан, ўсибсан, шунинг ўзи менга кифоя. Пешонанг ҳар доим тошдан бўлсин. Бахтингни топволсанг бўлгани шу.

Кўнгли вайрон Фрид Вера хола билан хайрлашиб “кафе” ёнидан жилди. Яна бир оз айланмоқчи эдию, кўнглига ҳеч нарса сирмади. Димкага ичи ачишиб, лаблар қимтинди. “Ие, уни қаерда турмада ётганини сўрамабман-ку?” деган хаёл ўтди. Кейин “барибир топаман, Димкани” деб қўйди ичиди. “Бу Димка мени ўқишимни хоҳлардию, ўзи нимага ўқишта қизиқмовдийкин”, деган хаёл ўтди ундан.

Барвақт уйғонган Фрид “бозор ёнидаги ошхонада Мадумар ота ёки Мадамин акалар билан гаплашиб

ўтириб, нонушта қиласман" деган ниятда ювениб, тараниб бўлиб ўша томонга юрди. Бозор атрофлари одамларга гавжум бўлиб кетганига кўзи тушган Фриднинг кўзлари анча катталашди. Узоқдан қозон ёнидаги стол тепасида алланималарни гапириб, айвон шифтига теша билан мих қоқаётган Мадаминжон ака билан стулда ўтириб пиёз тўғраётган Мадумар отага кўзи тушдию, ўз-ўзидан кулиб қўйди. Мадумар отанинг соч ва соқолларида қораси кам қолганлигидан бошқачароқ кўринди. Кейин у ана шу жойидан "Мадумар ота, мен келдим" деганича югурди.

– Ие, ие, сенмисан Фарид ўғлим! – ўрнидан туриб кетди Мадумар ота ўз-ўзидан. – Кел, кел, бир қучоқлашайлик, болам. Бундоқ соғинтириб юбординг-а. Вой, болам-ей, бўйингни қара-я, бўйингни. Ё бошқа йигитмисан? – Мадумар ота уни бағрига босиб, анчагача туриб қолди. – Қара, кап-катта йигит бўпқопсан, ўғлим. Бўй-бастингнию, турган келбатингни? Ё сени ўқишиларинг беш, ё сени жудаям яхши боқишияпти, шекилли. Вой, ўғлим-ей.

Мадаминжон ака ҳам ҳазил-ҳузул билан уни қучоқлаб белини сиқиб кўришди.

– Отам айтгандай катта йигит бўп кетипсан, бола. Аммо сен бопладинг, болалар уйидаги болаларнинг ҳаммасидан ҳам. Москвада ўқияпсан-а, Москвада. Яна жудаям катта университетда. Яша, Фарид.

– Хўш, болам ишларинг қалай, яхшими-а?

– Яхши Мадумар ота, жудаям яхши. Биласизми, ўқишини тамомляяпман.

– Ростданми? – сўради Мадумар ота.

– Рост, Мадумар ота, рост.

– Энди ким бўласан? – сўради Мадумар ота.

– Юрист.

– Ўҳ-ҳӯ, юрист дегин. Прокурорми, судми бўлмайсанми? – сўради Мадумар ота. – Мен сени прокурор бўлади деб эшитган эдим, оббихолам.

– Ота, бу уларният каттаси бўлади, – деди Мадаминжон “юрист”ни нималигига унча тушунмаган отасига қараб қўйиб.

– Унда маладўстсан, маладўст – деди Фриднинг елкасига шапатилаб уриб қўяркан. – Кел, Мадаминжон буни бир тузукроқ меҳмон қиласлий, ўғлим. Буям табаррук экан, катта одам бўлади деяпсан, топган-тутганларингни опке. Мен ҳам эрталаб нонушта қиласландим. Бирга бир иккаламиз ўтириб овқат қилсак қипмиизда, энди.

Мадумар ака қўлидаги чиннидан бир ҳўплам мастава тотиб-тотимай Фридга қарадию, сўради:

– Бундоқ бир ота-оналарингу, қариндош-уругларингдан битта яримтасини топдингми, болам?

– Йўқ, топмадим, – деди Фрид ковшаётган луқмасини “лиқ” этиб ютаркан. – Ҳеч кимимни тополмаяпман, Мадумар ота.

Мадумар ота бир оз хомуш тортгандан кейин:

– Худога шукр қиласман. Ўғлим келди, уруш-пуришидан, – деди чиройи бир оз очилиб. – Сен ҳам хафа бўлма, болам. Ҳаммаси изига тушади. Сеникиям бир куни топилади. Мана, ўғлим келиб, юрак-бағрим бутун бўлиб қолди. Сеникиям бир кунмас бир кун “мана, мен” деб топилишиб қолади, нима дединг?! Айтгандай, ўқиш-пўқишиларинг қанақа тида-а, болам?

– Ўрисча, ўрис тилда, Мадумар ота.

– Бу ўзбекчани адаштирвормаганингга ҳайрон бўлиб сўраяпманда-а, болам. Мени топилиб қолган ўша ўғлим ҳам ўрисчаниям, ўзбекчаниям, ҳалиги Гитлерини тилиниям жуда яхши билади-да, кўрмагур. Сен ҳам роса учта тилни биларкансан. Ўша топилиб қолган ўғлим билан бир учала тилларингда гаплашсаларинг бўлармиди. Ҳай, майли, бугун бизникига опкетайми, болам? – Мадумар ота овқатдан бўшаган қулидаги чиннини дастурхон устига қўйди. – Ол, болам, олсанг-чи? Бу Москопингдан қачон келдинг?

– Мадумар ота, мен сизни тўйга айтиб келдим, – деди ниҳоят Фрид ички чўнтағидан чиқарган “таклифнома”ни унга узатаркан.

– Бу нима?

– Таклифнома, тўйга.

– Кимга тўй қиляпсизлар, болам?

– Уйланяпман, Мадумар ота.

– Уйланяпман?! Кимга, болам? Ҳали уйланадиган ёшга бориб қолдингми-а? Во, ажаб. Кечаги бола-я. Бу, кун-ойларам ғалвирдан тўкилган қумга ўхшаб шовиллаб ўтиб кетаркан-да, бирпасда. Уйланяпман, дегин. Кимга уйланяпсан, болам? Ўзбекми, у уйланадиган?

Фрид бош чайқади.

– Ҳе, нима ўрисми, болам?

– Немис, немка – деди Фрид кулиб.

– Немис дейсанми, болам. Ҳали сен немисга уйланяпсанми? Уни қаттан топволдинг,вой болам?!

– Бирга ўқирдик, – деди Фрид Мадумар отанинг гапларига гоҳ кулиб, гоҳ индамай. – Мадумар ота, мени ҳеч кимим йўқ, – у кўзига ёш олиб, юзини орқага ўгирдию, яна Мадумар отага кўз ташлади. – Мени ҳеч кимим йўқ, ота. Ўзингиз биласиз етим боламан. Туига келинни оналарию, битта-иккита яқинларидан ҳам келсалар керак. Анави... анави... – энди Фрид йирлаб юборди. – Димка боради десам униям қамаб юборишти. Мени Димкаю, сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ эди.

Мадумар отанинг юраги эзилиб кетди. Бошини чайқаганича ўнг кўлининг кафти билан Фриднинг пешонасини силади.

– Йиғлама, болам. Бориш-келишни ҳаммасигаям пулим бор, етади. Нега хафа бўлиб йиғлайсан-а? Қара, кап-катта чиройли бир йигит, буни устига куёв тўра бўлиб қолган бўлсанг-а. Кейин, ўғлим, ўша тўйингга қанча пул кетади а? – сўради Мадумар ота.

Фрид елкасини қисди.

– Билмайман. Биз комсомолча тўй қиляпмиз, Мадумар ота.

– Ие, у қанақа түй бўлди? Ё ҳалиги янгича түй деганлари шунақасигами? У немисларинг қалин-палин олмасаканми, келинга?

– У нимаси? – ҳайрон бўлиб сўради Фрид.

– Ҳе, бунақасини эшитмаганмисан, қалин олишини? Эшитмаган бўлсанг эшитмай қўя қол. Яхшиям бўлади, эшитмаганинг. Ҳуш, мен сенга имкон қадар пул берай, болам. Тўйингни эплаб ўтказволарсан. Қарз, деб кўрқма. Анави урушдан қайттан ўғлимни уйлай десам, ўлдим уйланмайман, хотиним бор эди, дейди. Ўша пул ҳеч бўлмаса сенга насиб қиласин, болам.

Фриднинг кўзлари чақнаб кетди. Мадумар отанинг сўзлари уни яйратиб юборганди.

– Сиз яхши одамсиз, – деди Фрид.

– Биласанми, сени суннатга ётқизиб, қўлингни ҳалолаб қўювдик, эслайсанми? – сўради Мадумар ота хиёл кулиб. – Шунақа бўлгандан кейин ўзим сенга қиз-пиз топиб, ўзбекка уйлаб қўярдим, хўп десанг. Ё ҳалиги “Тоҳир ва Зухра” киносидай ўша... нима дединг миллатини? Немка, дейсанми? Вой, азамат-ей, севиб-певиб қопсанда-а? Ҳай, майли-майли, нима-ям дердим.

Фриднинг юзлари яна ҳам ёришди. Унинг гапларидан қувонди. “Худди ўз ўғли уйланаёттандай хурсанд бўляпти. Ота-онам бўлганда қанчалар қувонардийкин”, деб ўйлади ичида. Мадумар отага хурсандчилигидан ёниб турган кўзларини тикиб сўради:

– Мени тўйимга ростакамига борасизми-а?

– Бораман, ўғлим, бораман, – деди Мадумар ота ишонч билан. Тўйингни ўзимиз ўтказамиз.

Мадумар ака ёнида доимо пул олиб юрарди. У қўйинини ковлаштириб, ички чўнтағига қўл соганича бир даста пул чиқарди. Уни Фриднинг чўнтағига булавлаб тиқаркан, негадир кўзи ёшлангандай бўлди. Фрид бу яхши одамнинг қўнгли ҳам шунчалар юмшоқдигини азалдан билгани учун қаддини эгганича миннатдорчилигидан қуллик қилди.

Фрид Мадумар отага түй ўтадиган жойнию, узи “теграмма” берса албатта кутиб олишини тайинлаб, Мадумар отанинг “бирор кун ётиб-потиб кетгин” деганига ҳам қарамай, хайрлашди.

Фрид Димка қамоқда ўтирган томонга бориш учун поездга чиқди. Лекин ўзининг болалиги кечган шаҳарда негадир юрагининг бир бўлаги қолгандай ўзини ғалати ҳис қилди. Ҳеч ўзида бундай ғалати бир туйғую, ажабтовур ўзгариш бўлмаганди, илгари. Ростдан ҳам уни қайси томонларга ишга жўнатишади? Бу томонларга яна қайтиб келадими-йўқми, қаердан билсин.

– Сен кими бўласан? – сўради қамоқ назоратчилари ундан. – Сен маҳбусни қариндош уруғи бўлсангина юз кўришишинг мумкин.

– Биз ака-укамиз, – деди Фрид.

– Фамилияларингиз бошқа-бошқа-ку?

– Ростини айтсам, у мени тутинган акам, – деди Фрид. – Биз болалиқдан бери ака-укамиз, ростдан ҳам. У мени ўқитди. Лекин уни қамалиб қолганига жудаям ҳайрон бўлдим. Уйланяпман. У албатта тўйга бориши керак.

Назоратчилар бошларини чайқади.

– Бу асло мумкин эмаску-а?

– Йўқ, ҳеч бўлмаса мен уни кўришим керак. Ахир, мен ҳам юристман. Москадаги Халқлар дўстлиги университетини тамомладим, – деди Фрид ноилож. – Мени ҳеч бўлмаса қамоқхона бошлиғи ёнига киритинглар, у билан ўзим гаплашаман.

Назоратчилар бир-бирига қараб қўйишиди. Ҳар ҳолда раҳмлари келдими ёки университетнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирганлиги таъсир қилдими, бошлиқ олдига киритишиди.

– Сен маҳбусни кими бўласан? – деб сўради бошлиқ ҳам ундан.

– Биз етимхонада ака-ука тутинганимиз. У мени ўқишимга сабабчи бўлди. Кўпинча пул берарди, пул жўнатарди ўқиётганимда. Иккаламизни ҳам бир-би-

римиздан бошқа ҳеч кимимиз йўқ, – деди Фрид йиглаб юборай-йиглаб юборай деб.

– Етиммисизлар? – сўради бошлиқ.

– Фирт етиммиз, ўртоқ майор. Димкани ота-оналарини унинг кўз олдида фашистлар отиб юборишган. Мен эса ота-онам борлигини эслолмайман ҳам. Лекин Димкани, ҳа сизнинг маҳбусингиз Дмитрийни разначини тунаган, деб қўйишган айбларга ҳеч ҳам ишонмайман.

– Мана, энди сен ўз дўстингни ҳимоя қилиш даражасига етибсан, йигит – деди бошлиқ. – Ҳали Дмитрий яна анча ўтиради. Уни ҳимоя қилишга кучинг етса қамоқхонадан олиб чиқиб кет. Аммо биласанми, уни сенинг тўйингга юборолмайман. Бу мумкин эмас.

– Бир яхшилик қилсангиз бўларди, ўртоқ майор, – деб бор гапни айтиб берди Фрид.

Майср бир хўрсиндию, ўзининг бошидан кўрқдими, ё қонунни бузгиси келмадими, Фриднинг ялиниб-яловоришига музи эrimади.

– Битта яхшилигим, агар вақтинг бўлса бир кунга рухсат бераман. Ўтган-кетган гаплардан роса тўйиб гаплашволарсизлар, – деди у.

Фрид майорнинг мана шу “мураввати”дан ҳам хурсанд бўлди. Учрашувгаям рухсат бермаганда нима қиласди.

Дмитрий Фридни кўриб, боши осмонга етди. Шу ўтган икки йил ичида уни кўргани келган биринчи одами Фрид эди, холос. Унинг анчагина совға-саломидан ҳам “Беламур-канал”нинг йигирма пачкаси хурсандчилигидан кўзини ўйнатиб юборди. Иккаласи бирбирига қараб, бир-бирини тушунишди-ю, бирдан “қаҳ-қаҳ” отиб кулиб юборишиди.

– Бугун тонг отгунча бир-биримиз билан тўйиб гаплашамиз, – деди Фрид Дмитрийнинг елжасига қўлини кўйиб, унинг бошига ўз бошини қўйганича болалардай суйканаркан. – Бир ойга қолиб-қолмай юристлик

дипломимни беришадио, ишгаям юборишади. Сени бу ердан олиб чиқиб кетаман, тушундингми, Димка.

– Мен сени роса соғинганман, Фрид. Роса кўз олдимдан утаётганингда келдинг, ўзиям. – Димка Фридга кўз ташлаб бўйнидаги ўша-ўша осирлик юрадиган туморга кўзи тушиб қолиб сўради: – Фрид анавининг ҳалиям бўйнингда осирлик юарканда-а?

Фрид кулиб кўйди. Ўнг қўлининг панжалари билан куйлагининг олдидан билинар-билинмас кўриниб қолган жигарранг туморни ичкарироқча суриб кўйди:

– Биласанми, Димка, мана шу туморни ким таққанини барибир эслай олмайман, гапни рости. Қулоғим тагида худди жудаям танишдек бир аёлнинг “Ўғлим, бу туморни ҳеч ҳам йўқотма” деган овози доимо эшитилиб тургандек бўлаверади. Балки шунгамикин, ҳеч ҳам бўйнимдан олиб ташлагим келмайди. Кейин негадир ўйимда “болалигимдан хотира” дегим келади.

– Ўша туморингни ичида биронта бир дуо бормикан, Фрид?

– Билмадим, бўлса бордир, – деб кўйди Фрид.

Фрид қўлинни орқасига тиқиб, белининг пастроғидан “Советский спорт” газетасига ўралган нарсани олиб ўртага кўйди.

– Нима бу? – сўради Дмитрий.

– Ароқ, – деди Фрид ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ жилмайганича. – Бошлиқдан илтимос қилганман. У юристлигимни эътиборга олдими яна... – Ҳар ҳолда у ароққа ишора қилди, – анавингаям эътиroz билдирамади. Энди бир оламиз, Димка. Сен билан кўп бўлди учрашмаганимизгаям. Ошнам бўлсанг ҳам, отамдай меҳрибонлик қилардинг. – У пиёлалардаги чойни чойнакка тўкиб кўйиб, ҳар иккала идишга ҳам ароқ қўйди. – Барибир ҳали айтганимдай сени кутқариб оламиз, Димка. Биласанми, Ленинградга борганидим, ким билан учрашдим?

Димка “ялт” этиб Фридга қарадио, ҳеч нима демади.

– Нега бординг, ўйнабми? – сўради кейин.

– Э-э... – деди Фрид ўнг қўлининг кафтини тиззасига урганича. Сени кўриб айтадиган гапларим ҳам хаёлимдан қўтарилиб кетганини айтмайсанми-а. Биласанми, сени тўйга айтиб келувдим, Димка.

– Қанақа тўйга?

– Уйланяпман, Димка.

– Кимга?

– Ингага. Э, сен уни танимайсан-ку. Лекин у сени билади. Унга сен ҳақингда жудаям кўп нарсаларни айтиб берганман. Инга сени сиртдан танийди. Сени бир кўришдаёқ танийди, биласанми нимага танишини? – Фрид кулди. – Сени юз тузилишингу, қадам бошиларингни ҳаммасини айтавериб ёд қилдириб ташлаганман, Ингага.

– Шунақа деб, уйланяпман дегин, Фрид. Яхши қилибсан. Уйинг бўлади, манзилинг бўлади, турмушинг бўлади. Келининг қаердан-а? – Димка қўлини узатиб табриклаган бўлди.

– Немка, Германиядан. Шунақа бўлиб қолди. Ҳалиги ошпаз Мадумар ота бор-ку, у ҳам немкангни қаердан топволдинг, деб сўраса бўладими. Яна ўзбеги куриб кетганмиди, дейди ҳазиллашиб. Ҳа, Димка, Федяни учратиб қолдим, Ленинградда.

– Қайси Федя, Фрид? – эсломай сўради Димка.

– Федя брат бор эди-ку, иккимиз билан доимо муштлашиб юрган. Ўзиям ленинградлик, биласан. У милицияда ишларкан. Бирга ўша биз яшаган болалар уйига олиб борди. Тарбиячиларимизу, ўқитувчиларимизни жуда кўплари ўтиб кетишипти. Битта-иккитаси боракану, барибир улар бизни эслай олмади. Улардан бирон-бир қариндош-уругларим бўлса, ўшаларни билишармикан, деб сўрамоқчиям бўлувдим.

– Шунақа қилиб уйланяпман дегин, Фрид?

– Ҳа, Димка. Ўқишим ҳам тамом бўлди. Нима қилай, севишиб қолувдик. Мана ўқиш тугади. У Германияга кетади, мен эса қаёққа ишга жўнатишса ўша томонга бораман. Кейин Ингани учратишим қийин бўлади.

Димка Фридга ер остидан қараб, унинг улғайганлигини, анча эс-хушли йигит бўлганини, ҳар гапни фикр-мулоҳаза билан айтиётганини ҳис қилиб, ўзича курсанд бўлиб кўйди. Ҳар ҳолда қачонлардир бир кун барибир суюнчиқ бўлишию, яна кимларгадир фойдаси тегиши мумкинлигидан мамнун жилмайди. Ўзининг ўтган кунларига ачинмаса ҳам ғазначи аёлни тунаганилиги тўғрисидаги айблов уни қаттиқ ранжитиб кўйганди.

— Фрид, — деди у ниҳоят пиёлага қуйилган охирги ароқни уриштириб ичишгандан сунг, — ўзингга доимо ҳушёр бўл. Сен билан мени дунёда ҳеч кимимиз йўқ. Ўзимни ёлғизлигимни қамалиб, мана шу авахтада ётганимдан кейингина билдим. Детдомдан детдомга қочавериб ўқимаганимгаям афсусландим. Сени ақлинг меникидан анча устун экан, ўқидинг. Мана, энди катта бир ишни этагини тутасан. Мен-чи, Фрид?..

Фрид бошини чайқади:

— Сен ўқигинг келса сиртдан ўқиб, заводда ишлайсан, хоҳласанг. Илгари сен менга пул берган бўлсанг, энди бериш мени навбатим. Сени яхшиликларингни унутиб бўларканми, Димка. Қара-я, сени ҳеч Дмитрий Иванович деёлмайман, ўлай агар. Сен мен учун барибир Димкасан.

Димка билан Фрид эрталабгача тўйиб гаплашиди. Эрталабки самолётнинг ilk рейсида Фрид Тошкентбоев Москвага учиб кетди.

## XVIII

Мадумар ота юрган йўлида Зухриддинни ўйлайдиган бўлиб қолганди. Унинг бошини иккита қилиб, уйлаб кўйиш ташвиши хаёлидан кетмас эди. “Йўқ, уни кўнгли оғир азоб-уқубатлардан сўнг боламижоз бўлиб қолибди, шекилли”, дерди ўзига-ўзи. Уни бошини иккита қилиб, бирор банд билан малака қилиб кўйиш керак, барибир. Ўшанда у-бу билан овора бўлиб, ҳа,

бирор нарса билан бандлик бўлиб, бошидаги ёмон ўй-хәёлларни ҳайдайди, болам бечора. Кейин анави етим бола бору, кун кеча тўйга айтиб кетган... Э, эсимдан нам чиқувди-я. Яхши, мана шу Зухриддинни ташвишидан эсига тушиб кетди, тўйга айтгани. Во-воҳ, воҳа, нақ ҳаёлимдан кўтариш депти-я. Бола-пақир анави Мадумар ота росаям ёлғончи экан, деб юрармиди, эсимдан кўтарилиб қолса.

У бошини чайқаганича ҳозиргина кўчадан кириб келган ўрини ёнига чақирди:

– Ҳой, Зухриддин дейман!

– Ҳа, ота, гапингиз борми?

– Ўтири, ўтиргин-а, – деди ёнига имлаб. – Йўқ, яқинроқ кел, ўғлим. Сенга гап чиқиб қолди. Мен сенга битта етим бола ҳақида гапиргандимидим-а?

– Анави, ўзингиз суйиб қолган самарисками? Мадамин ҳам айтётувди, дадам “Битта чулчут болани суннат қилиб қўйди”, деб. Ўшани аятяпсизми, ота?

– Етим болаларни “самариска” деб ёмон кўрасизлар-а, Мадамин билан қўшилиб. Ўзингнинг боланг қаерларда сарсон-саргардон бўлиб юргандир, болам. Бу гапниям сенга айтмасдиму, анави Мадаминга қўшилиб сенам “самариска”ни ўрганвоздинг. – Мадамин билан бу Зухриддин нимага икки гапни бирида “самариска” дейишгани дейишган-а, деган уида хафа бўлиб кетди.

– Кечиринг, ота, – деди отасини хафа бўлиб кетишини ўйламаган Зухриддин. – Энди...

Унинг гапини Мадумар ота узиб солди:

– Яна, энди... дейсанда, ўғлим. Сенга гапим бор. Бизни ўзбекларда “гапни гапир уққанга, жонни жонга сукқанга” деган гап бор. Буни мағзини яхшилаб чақишига ўрганинглар, ўғлим. Ота-она бекорга куйинмайди, бекорга суюнмайди. Сал оёқларинг бошқа ёққа тойилиб кетса куйинамиз, жиндек кўлингдан иш келса суюнганимиздан ўзимизни қўярга жой тополмай қоламиз, ўғилларим.

Зұхриддин отасини бир оз ранжиттанидан хижолат чекиб, үуди ёш болалардай эркаланиб, құнглини олиш мақсадида Мадумар отаининг тиззасига бошини күйиб ётиб олди.

– Ҳммм... – деб гап бошлади үғлиниң қилиғидан дарров шакардай эриб кетаркан мүйловини чап қўлиниң панжалари билан силаб кўйди. Сенга гап бор дедимми-а? – бошини чайқаб олди. – Қаричилик бошланниб қопти, шекилли, мендаям. Айтган гапимни ўзим тополмай турсам-а, сендан сұраб. Болам, бир Москоп-поскоп қилиб ўйнаб келмайсанми-а?

– Нима дедингиз? – деб сўради Зұхриддин бошини отасининг тиззасидан кўтарганича. – Москоп-поскопга бориб ўйнаб келмасанми, дедингизми, ота.

– Ҳа, шунақа дедим, – тасдиқлади у. – Аммо гапимга қулоқ сол, үғлим. Москопига дедимми, бор ўша ёғига. Кўнглинг ёзилишидан ташқари анчадан бери билиб-сезиб юрибман, дард-аламинг бор, ёзиласан. Эҳтимол, қидирсанг ҳалиги нима дегандинг, Питенми? Сен шунақа Питер дейсан. Яна биттаси яна бир хил айтади. Яна биттаси Ленинград дейди. Ҳе, – Мадумар ота қўлини силтаб олди, – ҳаммасиям ўзини билган намозини ўқиганидек, билганини айтаркан-да. Қисқаси, ўша ёқларгаям ўтасан, үғлим. Яна битта асосий гап бор. Ҳалиги сенга таништирмоқчи бўлганим самариска үғлимни тўйига борасан, бўлтими?

– Тўйига?! – таажжубланди Зұхриддин. – Уни Москвада ўқирди дердингиз. Энди қаерда тўй қиларкан, ота?

– Ўша ёқларда. Ўша Москопида қиларкан, тўйини, билдингми? Мени ўзимни боргим бориди... – у бир оз хомуш тортди. – Лекин иложим йўқ. Нимага иложингиз йўқ деб барибир сўрайсан, бир ўша томонларини-ям кўриб келинг, ўзингиз ота, деб. Боргим бор, лекин иложи йўқ. Мендай саводсиз одам қаерларда тентираб юраман, үғлим. Энди, айтмасам бўлмайди, айтай. Анави, колхозда битта раис ошнам бориди, қурултой-

га Москопига бориб қатнашган. Қорни бураб оғриб ҳожатхонани аранг сұраб-сүриштириб топса уям таъмирдайкан. Мен ҳам ўшанга ўхшаб... – Мадумар ота гапни у ёғини айтмадиу күшиб күйди. – Мен ўша томонларидаям рости тентираб юрмай.

Зухриддин Мадаминжонга ўхшаб “шу самарискан-гизни орқасидан ўша ёқларгаям борамизми-а?” дегандай қунглига гап келдию, отасининг жаҳлидан “хўп” дейишдан бошқа илож тополмади. Кейин борсам-борибман-да, “Аллоҳ ол қулим деп...” деган ўй келдию, кўзларига келган ногоҳ ёшдан киприклари на-мланди.

Фрид билан Йинга тўйни уз курсдошларининг таклифи билан университет ошхонасида ўтказишаётган эди. Бунинг устига якшанба куни талабалар ўз ошхоналарида камдан-кам ҳолларда овқатланишарди. Фрид аввалига “етишмовчилик купайиб, пулдан қийналиб қолармикинман” деб уилаган бўлса ҳам, Мадумар отаю, яна бошқа таниш-билишларининг “ёрдами”-дан чўнтағида анчагина катта пул тўпланиб қолганидан боши осмонга етган эди.

– Шундай қилиб зартага тўйингни ўтказамизми? – деб сўради ошхонага кириб келган Фрид кўзи тушиби биланоқ ошпаз аёл ундан. – Аммо сен немкага уйланаётган экансанда-а? Анави, университетининг катталаридану, “Совет-Герман” жамиятидагилар келиб, кўрсатма бериб кетди.

– Қанақа кўрсатма? – ҳайрон бўлиб сўради Фрид.

– Қанақа кўрсатма бўларди, – ошпаз аёл Фридга мулоийимгина кулиб кўйди. – Тўполон бўлмасин, ичкилиги камроқ бўлсин дейишиди, холос. Хўш, менга куёв йигитдан қанақа топшириқ бор, чиройли йигит?

– Анчагина пулим боракан, Валентина Ивановна, – деди Фрид мулоийимгина жилмайиб. – Овқат-повқатни янайм сифатлию, бир оз кўпайтириб ҳам берасизми. Етим бўлганим билан анча таниш-билишларим боракан. Ўзбекистондан ҳам келишадиган бўлиб

қолди. Бу ёғини сұрасанғыз, Ленинграддан ҳам бор. Кейин ичкилигидан ҳам озгина купайтириб қўйинг.

– Вой, күёв тўра-ей, – ошпаз аёл “қаҳ-қаҳ” уриб кулди. – Етимман, дейсан-а, шунча тайёргарлик билан яна. Ҳаммаси яхши бўлади, етиб ҳам ортади. Ичкилигига келганда эса ўқишингни катталаридан сура. Пул берсанг ҳам мен оширомайман. Маст-аластлик қылсаларинг мени ишимдан ҳайдаб юборишади. Ўзинг учра, ҳалиги факультетни парторгига. У анча хушчакчақ, келишадиган одам. Бир оғиз гапингни илтимосли ўқиб қолса, хуп демасдан иложи йўқ. Кўнгли шунаقا бўш одам.

– Албатта учрайман унга, – деди хурсанд бўлган Фрид.

– Куёв тўра, бу ўрис қизлари қуриб кетувдими, сизларга. Мана, сен немкага уйланяпсан. Яқинда биттаси худди шу ерда тўй қилишибди. Чиройли ўрис қиз қозондан ҳам қора турқдаги негрга тегиб кетди. Энди... энди кўнгил экан-да деймизу, кўнгилиям кўнгли кенг эканда-а. Сени немканг ўтган кунги бирга киришганларинг миди? Офатижон, ростдан ҳам.

Хиёл кулган Фрид “мени айтганимни қиласиз, мана, анча пулим бор” деб чўнтагини шапатилаганича чиқиб кетди. У шу куни Ўзбекистондан келган “телеграмма”ни олиб, Мадумар ота ўрнига Зухриддинни кутиб олди. Ўзининг тўй тараддуди билан иши кўплигидан уни меҳмонхонага жойлаштириб кўйгандан сўлиг Москвани айлантириш учун ўртоқларидан бирига кўшиб қўйди. Кейин Ингани ёнига ўтди.

– Инга, бу ёқда ҳаммаси жойида, – деди унга худди ҳисоб бераётгандай бирма-бир гушунтиаркан. – Онанг ҳеч бўлмаганда бир кун олдин етиб келганда янаям соз бўларди. Мени ҳеч кимим: йўқлигига яраша сени онанг тўйимизни ишларига бош-қош бўлганда кўнглимиз тўлиб турармиди.

– Бунга ўзинг кўнмадинг-ку, Фрид. Тўйни бир ҳафта кейинроқ қилганимизда бир ҳафта олдин етиб келган бўларди, – Инга ҳам ўпкаланди.

– Бир ҳафтадан кейин эса ҳамма ўз юртларига кетиб бўлишади. Ҳа, майли. Ишқилиб вақтида етиб келса бўлди-да. Кейин биз билан бемалол бирга бўламиз, Инга. Мени онам йўқлигини ҳар ҳолда билдирмайди-ку. Онанг ҳақида менга гапириб берсанг, жуда яхши бўлармиди. Қанақа аёлу, нимани яхши кўради, Инга. Шуларни гапирмайсанми, менга. Онангни бизга ўхашшиб кетадиган томонлар борми? Нимани яхши кўради, нималарни ёқтирумайди. Шулар ҳақида гапирсанг, кўнглига ёқадиган нарсаларни қилиб, ёқмайдиганларидан нарироқ юармидим, Инга. Нега индамайсан. Айт, айтақол Инга, қошкўзлари худди сеникидақами-а? Ҳеч бўлмаса феълимизда ўхашлик томонларини гапириб бермайсанми, ҳозир.

– Келганда кўрасан, Фрид. Онам дарров бирорни кўнглини олишга жудаям усталар. Бу деганим, – Инга Фриднинг қўлтиғидан қўлини чиқариб, панжаларини тепага кўтариб ўйнатганича шарақлаб кулди. – Бу деганим, ҳаммани ўзининг орзига қаратади, Фрид. Қара, ёмон бўлса сени ҳеч киминг йўқлигингни айтсам ҳам “баҳтиңг ушалса бўлгани, қизим” дермиди, менга. Мен онамни бирорни ранжитганини ҳеч кўрмаганман. Жудаям юмшоқ, бир мўмин-қобил аёлки, ҳар бир гапингга жилмайиб, кулиб тураверади, билдинг.

– Отанг ҳақида негадир гапиришни унчалик хоҳла майсан-а, Инга?

Инга бошини иргаб қўйди:

– Нима деяпсан, Фрид?! Отам ўз юртига кетиб, йўқолиб кетган демаганмидим. Эҳтимол, уни... – Инга бир нима демоқчи эдию, негадир фикридан қайтиб яна Фриднинг қўлтиғидан қўлини ўтказиб олди. – Мен сенга айтувдим, шекилли.... битта акам ҳам, отам билан кетиб, йўқ бўлиб кетишган. Онамни ёзмаган ерию, суриштирмаган жойлари қолмаган. Мен кап-катта қиз бўлиб қолган чорларимдаям отам билан акамни суриштириб юарди. Кейин ҳафсаласи қолмадими ё улар

ҳақида ёмон гап эшитдими, хуллас. улар билан иши бўлмай қолди.

– Кечир, Инга, бекорга эсингга солдим-а, уларингни суриштириб. Ўзим эса фирт ҳеч кими йўқ одамману, яна сени... Онанг яхши аёллигини билмайди, дейсанми, мени. Бўлмасам ҳеч кими йўқ мендек йигитга қизини узатишга рози бўлармиди.

– Тўғри, Фрид, – деди Инга энди бир оз эркаланиб, – ёлиз ўзи қолишини ўйласам юрагим негадир орқага тортиб кетади. Мен сен билан қолсам онам ёлғизликда яшайди-да, энди. – Инганинг кўзлари тўлиб кипригига ёш қўнди.

– Мени эсим йўқ, Инга, – деди Фрид чўнтағидан чиқарган рўмолчаси билан Инганинг кўзларини артиб.

– Билмадим! Билмадим, ўзим етимликда катта бўлганингами, ё бутун ғам-алам юрагимда тўпланиб қолганингами, шунаقا ғамгин гапларни кўп гапирадиган бўлиб қолганман, шекилли. Тўйимиз бўляптию мен сени йирлатиб юрганимни қара. Йўқ, энди гапни ўнгисўлию, яхши-ёмонига қараб гапирмасам, сени хафа қилиб қўяман, шекилли. Биласанми, кўнглимга бир нарса келиб қолди.

– Ишқилиб, яхши гапми, Фрид? – кулиб сўради Инга ундан.

– Кимга қанақаю, биласанми, эҳтимол, бир-икки йилга қолмасданоқ иккаламиз Германияга кетармиз, онангни ёнига. Ахир, онангни ёши ўтятти, уни хурсанд қилишимиз керак. Бу юртларда мени ҳеч кимим бўлмагандан кейин бу мамлакатда яшадим нимаю, Германияда яшадим нима! Барибир эмасми! Германияда онамиз бор.

– Рост айтяпсанми, Фрид?

– Бўлмасам-чи, Инга, рост айтяпман.

– Онамга шу гапни айтиб ишонтирсам бўлаверадими, Фрид?

– Сен ҳам шу гапни айт, мен ҳам айтаман. Ана, бу онамизга катта бир совға бўлади, тушундингми? Бун-

дан ҳам катта совға бораканми? – Фрид негадир ел-каларини учирив, Инганинг пешонасидан ўпди.

– Нима, сизларда йигитлар қызларни пешонасидан ўпадими, Фрид? Ҳар доим пешонамдан ўпасан-а, сен? Бизларда унақа ўпишмайди

– Бизлардаям йигитлар қызларнинг пешонасидан ўпишмайди. Лекин кечир, Инга! Негадир, сени ҳеч юзингдан ўпгим келмайди. Бунга ўзим ҳам ҳайронман. Хафа бўлмаю, сени худди ўзимни синглимдай яхши кураман. Тушларимгаям тез-тез кирасану, ўзимни синглим бўлиб эркаланиб юрасан, аммо. Ҳар доим ҳайрон бўламан. Эҳтимол, тўйдан кейин юзингдан... – Фрид “қаҳ-қаҳ” уриб келди. – Кел, Инга, иккамиз ростдан ҳам бир-икки йилга қолмай Германияга кетамиз. Онамиз кўниб қолса шу мамлакатда яшаймиз.

– Э, манави, бегам қочқоқларни қаранглар-а, – деб “қий-чув” кўтаришди Инга билан Фридга кўзлари тушган бир тўп йигит билан қызлар уларни ўраб олишаркан. – Яна висоллашиб юрибсизларми-а? Тўйгаям озмоздан висол қолдирмасдан. Кетдик, кетдик, Инга. Ҳе, Фрид, уни қўлини кўйиб юборсанг-чи, худди бирор олиб қочиб кетадигандай, нақ билагидан маҳкам ушлаб олганингни қара-я.

Талабаликнинг сўнгти кунларини бошидан кечирашаётган йигит ва қызлар яна “Москва-река” бўйлаб оқшомни қаршиламоқчи бўлиб айланиб юришган курсдошлар Инга билан Фридга дуч келиб қолишган эдилар. Эртасига эса... ҳа, эртасига ҳар иккаласининг никоҳ кечасида сўнгги гаштнию, тўй-базм баҳонасида яна дийдорлашмоқчи бўлишиди.

Инга билан Фриднинг тўйлари ана шу шўх ва баҳтли ёшлик болига бир баҳона эди.

Тўйхонага айланган талабалар ошхонаси меҳмонлар билан лиқ тўлган эди.

Ҳали тўй маросимининг кириш маърузаси айтилмаган бўлса-да, ҳар ким ўз қўлига теккан “таклифнома”

бўйича жой-жойларини топиб ўтиришган, баъзилар эса аллақачон “қаҳ-қаҳ”ларини бошлашга улгурибгина эмас, тортишувларини учига чиқариб юборишганди.

– Фрид, ҳамма сенга қарайпти, – деди ўнг томонида ёнма-ён ўтирган ленинградлик “детдом”доши Фёдор Козлик унга ҳавас билан тикилиб. – Аммо келин менга жудаям ёқди. Нина келмади-да, сизларни кўриб бир ҳавас қиласарди. Ҳа, майли бориб айтаман, аттанг қиласириб. Мендан бошқа “детдом”чиларинг йўқقا ўхшайдими, Фрид.

– Димка келолмади. Ҳеч иложини қилолмадим. Ҳозир ҳам ачиниб ўтирибман, – деди Фрид пичирлаб. – Лекин Федя, ўнг томонингдаги иккинчи стулга қарагин-а, мўйловли бир одам ўтирипти. Бир аёлу, икки қиз билан. Кўзинг тушдими? Уччаласи Германиядан. Анави икки қизни ёнидаги аёл келинни онаси. Ёнидаги киши эса Ўзбекистондан. Ўшалардан бошқа... мана биттаси сен... кейин талабалар. Бошқа таниш-билишларим йўқ.

Зуҳриддин ўтирган стул атрофида иккита қизу, битта аёл ўзаро нималарнидир гаплашишиб, тез-тез рўпараларидаги келин ва куёвга қарашганича кулиб ҳам кўйишарди. Улар олмонлар бўлса керак, ўз тилларида – немис тилида сўзлашарди. Қизлардан биттаси ўз ёнларига келиб ўтирган кишига бир қарадию, кейин яна беихтиёр бир-икки унга кўз ташлаб кўйгандан сўнг ўзларининг гапларига индамайгина қулоқ солиб ўтирган аёлга қараб:

– Манави рўпарамизга келиб ўтирган киши негадир қизингизга ўхшаб кетаркан, фрау Эмма, – деб кўйди.

Қизнинг гапидан кейин ўша фрау Эмма шундоқини рўпарасида ўтирган кишига кўз юргутириб кўйди. Ундан кўзларини олиб, бир оз ўйлангандай бўлдию, елкаси хиёл учиб, бошини чайқаган бўлди. Кейин эса:

– Берта, сен нега Ингани ёнига бориб ўтирмайсан-а, қизим, – деди рўпарасидаги кишига яна беихтиёр

күз ташлаб қўйганича. Ингани кўзи биздан узилмаяпти. Бор, бор, қизим, – деди унга бир оз ялиниш оҳангида.

– Бўлди, бўлди, бораман, фрау Эмма. Ингани ёнида ўтирмасам бўлмайди-ку. Бир оз сизни ёнингизда ўтирсам девдим-да, – у аёлнинг юзларига юзини ишқаган бўлди, унга энгашиброқ. – Кўзингиздан ҳадеб ёшларингизни оқизаверманг. Берта, сен ҳам фрау Эммани гапга солиб ўтиргин, бўлтими?

– Албатта-да, фрау Эмма қувониб кетсалар ҳам йиғлайверадиган одатлари бор, тўғрими? – Берта куличини Эммага ташлаб табассум билан.

Берта Ингани ёнига бориб ўтиргунча Эмма ундан кўз узмай қараб турди. “Қаранглар-а, бу иккала зигзаклар ҳам куёвга чиққундай бўй-бастига бориб, юзлари таранглашиб ҳам қолипти” деди ўзига-ўзи у. Йигит ва қизи томондан хиёл кўзи узилган Эмма беихтиёр рўпарасидаги кишига қаради. “Вой, ўлсин-ей, бу кишини қаерларда кўрувдимикин-а? Аnavи Берта айтгандай Ингага ўхшаб кетмасаям нимаси биландир ўзига торяптими, ё бўлмасам қачонлардир бир ерда кўрганманми-а?

Ўзига бир-икки мартача қараб қолган рупарасидаги аёлнинг ҳаракатидан ўзи ҳам ихтиёrsиз унга яна бир қарадию, “танишми ё менга шундай туояптими” деган ўйда унинг ҳам елкалари учиб-учиб кўйди.

– Герта, анави кишига бир қарагин-а, – деди ниҳоят ҳеч нарсага тушунмай қолган Эмма ўз-ўзидан хижолат бўлаётгандай бир оз ғалати бўлиб. Менга жуда ям танишдай-а, бу киши. Ҳозиргина эшитдинг, Берта ҳам шу гапни қилди-я. Йўқ, Герта Бертани гапида жон бормикин-а, дейман. Ингага ўхшайдими, ўзинг бир қара-чи, қизим.

Герта кўзини Берта билан Ингадан узмаган ҳолда:

– Бунақа нарсаларга мени хушим йўқ, фрау Эмма. Ўхшатишларигаям ҳеч қизиқмайман. Бунга анави

Бертангиз ёпишиб қолади, ирим-сирим қилиб, – деди у елкаларини учирив-учирив.

Зимдан уларнинг сұхбатини эшитиб, ўзини кузаттаёттап Зуҳриддин хиёл орқасига қайрилиб яна Инга-га қаради. “Бу қыз билан мени қанақа ўхшашлигим бор? Ие, булар немис тилида сўзлашяптию...” деган ўй хаёлига келдии, кўзлари катталашив кетди.

– Сизлар Германияданмисизлар? – деб сўради ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ кейин.

– Ҳа, Германиядан, – деди аёл келин-куёвдан кўзини узиб, рўпарасидаги кишига қаради. – Сиз.... немисчани худди немислардай биларкансиз. Ё немисмисиз?

– Сизни... сиз менга жудаям танишдайсиз. Ие, ҳалидан бери ёнингиздаги қизлар фрау Эмма дейишяпти. Ростдан ҳам Эммамисан? Тавба,вой Аллоҳ-э! Наҳотки сен... сен Эмма бўлсанг? – у гангиб, довдираганича бориб Эмманинг қўлларини ушлади. – Эмма, бу ростдан ҳам сенмисан-а?

– Сиз... сиз кимсиз? – деди Эмма ҳайкалдек қотиб.

– Мен... мен Зуҳриддинман. Биласанми, Эмма Зихрман, Зихр!

– Зихр? Сен Зихрмисан, Зихр?! Вой, Худойим-ей, нималар бўляпти, Герта?

Зуҳриддин Эммани бағрига босди. Эмма эса йирлаб юборди. Эмма йирлаб юбордию, яна бирдан:

– Ўғлим, ўғлим қани? Фарруҳ қани?! – деб бақириб юборди.

Шовқиндан атрофдагиларнинг кўпчилиги шу томонга қаради.

– Секин Эмма, ҳамма қарайпти. Ўзингни қўлга ол, ҳаммасини айтиб бераман, Эмма! Фақат кейин, Эмма. Анави, – у қўлинини Инга томон чўзди. – Ҳа, анави қизингми-а? Йўқ, қизимми, Эмма?! – Зуҳриддин йирлаб юборди. Эмма, ўзингни қўлга ол. Қара-я, қизимизни тўйига насибамизни кўшганини қара. Ҳаммасини кейин... ҳа, ҳаммасини кейин гапириб бераман. Фақат... ҳа, фақат ўзингни қўлга ол, тўйни... мана шу тан-

танани биргаликда ўтказиб олайлик. Ўзим ҳам ҳозир нима бўлаёттанига ақдим етмаяпти.

Эмма кўзи тўла ёш билан бошини қимирлатганича ўзини қўлга олишга, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмаслик учун Зуҳриддинни ёнига ўтиб ўтиридию, унинг панжаларини икки қўлининг панжалари билан маҳкам қисганича карахт одамдай тек қотиб туриб қолди.

– Сиз қизингиз билан куёвингизни баҳтини тилаб табриклаб қўясизми? – деган қайта-қайта қулогига чалинаётган овоздан кейин хушёр тортидию, атрофига қаради.

– Эмма, ўзингни қўлга ол, – деди Зуҳриддин уни сувяганича ўрнидан туришига ёрдамлашаркан. – Юр, юрақол, ўртага ўзим олиб чиқиб қўйай, – у яна немисчалаб, Эммани табрик сўзи айтилаётган жойдаги микрофон олдигача бошлаб келиб, ўзи унинг ёнида турди.

Эмма ҳали ўзини тўла қўлга ололмаганди. У ортиқча ҳис-ҳаяжондан ўзини бир оз йўқотиб қўйган бўлса ҳам, бири ўнг, яна бири чап ёнида турган Инга билан Фриднинг кучогини катта очтанича кучоқлади. У нима деб яхши истаклар билдириб гапирганини ўзи ҳам эслай олмади. Аввал Инганинг пешонасидан ўтиб, маҳкам кучоқлади. Кейин уни қўйиб юбориб Фридга қараганича негадир тикилиб, қотиб қолди. Кейин уни ўзига тортиб ўпаркан, унинг бўйинидаги туморга ногоҳ кўзи қадалди.

– Бу нима? – деб сўради у ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ.

– Тумор, онажон, тумор, – деди ҳайрон бўлган Фрид Эмманинг ўзида эмаслигига ақли етиб, бир оз қўлтири ёнидан маҳкам ушлаганича.

– Уни ким берган, болам? – яна сўради Эмма.

– Билмадим. Эслай олмайман. Бир аёлни эс-эс “йўқотмагин” деганини сал-пал эслагандай бўлиб юраман, онажон.

Эмма Фридни кучоқлаганича:

— Ўглим! — дедио ҳушидан кетиб Фриднинг қўлига ўлиқдай осилиб қолди.

Қий-чув ва тўс-тўполондан гангиган Инга билан Зуҳриддин Эммани Фриднинг қўлидан олишаётган талабаю ва бошқа меҳмонлар қаторида анграйиб қотиб қолишиди.

Инга ва Фрид “тез ёрдам” машинасида Эммани ка-салхонага олиб кетишиди. Зуҳриддин эса Герда ва Бер-тани ёнига келиб, уларни қайси касалхонага кетган-ларини аниқлашгандан сўнг ўша томонга “такси” тўхтатишиди.

— Нима бўлди, тинчликми? — деб сўради Герда ка-салхонада Ингага кўзи тушиши билан.

— Ҳали ҳушига келганича йўқ, — деди Инга йигидан кўзларидаги ёш қалқиганича. — Ўзи нима бўлибди, Фрид? Сен... ҳа, сен у билан гаплашаётган здинг-ку?

— Ҳеч нарса билмайман, — деди Фрид ҳам кўзлари нам бир ҳолатда. — Бўйнимдаги... ҳа, бўйнимдаги ма-нави туморга кўзи тушдию, шуни сўради, холос. Ке-йин... кейин кўллимга осилиб қолди.

— Нима дединг, бола? — деб сўради Зуҳриддин ҳаяжон билан.

— Манави туморни кўриб қолди. Кейин...

— Ўглим! — деб бақириб юборди Зуҳриддин ўкириб йиғлаганича.

Қаттиқ бақириқ-чақириқни эшитган оқ ҳалатли ҳамширалар ударайлаб берди:

— Чиқинг, чиқинг, ташқарига. Бу ерда бақириб-ча-қириш у ёқда турсин, “шинир-шивир” ҳам мумкин эмас. Ташқарига чиқиб кетинглар, тез?!

Зуҳриддин Фридни қаттиқ қучоқлаб бағрига бос-ганича қўйиб юбормай ўкириб йиғларди. — Қизим, қизим Инга, кел, кел ёнимга, сен мени қизим эканли-гингни эшитдингми?

— Йўқ, сиз кимсиз? — сўради Инга ҳайрон бўлганича.

— Мен сени отангман, Инга. Манави Фарруҳ эса сени аканг. У эса мени ўглим, болам.

– Сиз нималар деяпсиз, амаки? – деди Инганинг кўзлари катта-катта очилиб. – Буни сизга ким айтди?

Ичкаридан чиқсан оқ ҳалатли киши:

– Қайси бирингиз Фарруҳсиз? – деб сўради.

– Сен, сен... – деди Зухриддин ҳайронлиқдан иккапанаётган Фридга. – Сен Фридмас, Фарруҳсан. Онанг сўраяпти, шекилли, – деди оқ ҳалатли докторга бир қараб қўйиб.

– Киринг, киринг, – деди доктор Фарруҳнинг елкасига оҳиста ўнг кўлининг панжаларини қўяркан. – Онангиз ҳушига келдилар. Фарруҳ кирсин, деди. Кейин битта-биттадан қолганларингиз ҳам кираверасиз. Соғлиги жойида, – деб қўшиб қўйди у.

Фрид ҳаммага бир-бир қарадию, ҳаяжонланганича эшикни очиб ичкарига кирди. Бошини ёстиқдан хиёл кутариб турган Эмма Фридга кўзи тушиши билан уни ёнига чақириб, унинг бўйнидан тортганча кучоқлаб ўпа бошлади.

– Ўғлим, Фарруҳ, Худога айтганимиз бор экан. Кўзларимга ишонмайман, болам. Наҳотки, сен бўлсанг, – Эмманинг кўзларидан ёшлар ёстиқقا тўкиларди. – Бўйнингдаги туморни ечиб, ичини очгин-да, ўғлим. Кейин мен онанг эканлигимга ишонасан.

Фрид ишониб-ишонмай бўйнидаги туморни ўнг кўлининг панжалари билан бир тортиб узди-да, уни Эмманинг кафти устига қўйди. “Ўзинг оч, болам” дегандай ишора қилди у. Фрид ёнидан қаламтарошни чиқариб, туморнинг чеккаларини бир бошдан кесиб очди-ю, унинг ичидан чиқсан хат билан бармоқдай келадиган расмни узатди.

– Манави ким, ўғлим? – деб сўради Эмма расмга ишора қилиб.

Фрид ранги анчайин хиралашган расмга синчковлик билан узоқ қарадию, Эммани маҳкам кучоқлади:

– Онажон, мен ҳам одам эканманку-а? Мениям онам бўлган экан-а, – дерди уни қўйиб юбормай.

– Ўғлим, ҳаммамиз тұплантанмиз. Отанғни күрдинг-ми а?

– Ҳа, ўша отам бўлса... уни кўрдим. Ўғлим деди-ку, ҳалиги Мадумар отани мени ёнимга юборган одами. У қаердан пайдо бўлиб қолди, онажон?

Эмма яна ҳўнграб йиглади.

– У билан йигирма беш йилдан сунг эндигина учрашган жойимиз эди, ўғлим. Бор, ўғлим, уларни чақир.

Эмма яна “ув”лаб йиглади, ўзини ҳар қанча қўлга оламан деса ҳам ич-ичидан қандайдир вулқонга ўхшаш ўкирикдан ўзини ушлаб қололмади.

Эшик олдида турган доктор ичкарига мўраладиу, Эмманинг йиғлаётганига кўзи тушиб, жаҳл қилишдан бошқа иложини тополмади. Шундагина у томондаги “жиқичноқ”ни тўхтата олмаса ҳам бошини ликиллатганича доктордан узр сўрагандай бошини уч-тўрт марта пастга босди.

– Ҳаммаси ўзингизни соғлигингиз учун керак, хоним. Энди бу хонимни соғлигини ўйласангизлар уни тинч кўясизлар, холос. Ортиқча ҳаяжонланиш мумкин эмас. Сизлар ўз жигаргўшаларингизга ачинсангиз бўларди.

Докторнинг бу гапи Эммага баттар таъсир қилдими, бошини пастга осилтирганича ихтиёrsиз яна ундан узр сўрагандай кўзларини юмиб очди. Лекин доктор ҳам уларнинг гап-сўзларидан гап нимадалигини англағандан кейин “ҳар ҳолда ортиқча ҳаяжонлантируманглар” деган мазмунда гап қилди, холос.

– Ўғлим, – деди Эмма ёнида ўтирган Зуҳриддиннинг қўлларини маҳкам чангллаганича. – Отанг билан мен ҳам мана йигирма беш йилдан сўнг учрашиб турибмиз, билдингми. Униям дарди ортиқча, шекими. Унинг чўккан кўзларидаги умидсизликлар шундоққина кўриниб турибди.

Фрид йиғидан ўзини тутолмадими, отилиб ташқарига чиқиб кетди. Эмма Зуҳриддинга “ортидан бо-

ринг, ўғлингизни” дегандай ишора қилди. Зухриддин ўғлининг ортидан ташқарига чиқди. Фрид тўлиб-тўлиб йиғлаётган эди.

– Йиғлама, ўғлим, – деди Зухриддин уни кучоқлаб бағрига босаркан. – Энди ҳаммаси ўтди. Ўша догули кунларнинг ҳаммаси ўтмиш бўлиб қолди, билсанг, – у Фридни юпатишга ҳаракат қиласади, ўзининг ич-ичидан келаётган қуюндай ситам дардлари унинг кўзларидан селоб ёшлиари пастга тўкарди.

Ота-ўғил бир-бирларига билдирамай анча йиғлашибди, кейин ичкарида ўзларининг жигар парчаси борлиги эсига тушиб, бир-бирига қарашганча жим туриб қолишиди.

– Юр, ўғлим, онанг... – деди ю эсига қизи тушиб, – ие, синглинг ҳам ўша ерда-ку, – деб юборди.

Эммага уч кундаёқ жавоб бериб юборишиди.

– Ҳар ҳолда ўтмишларингизга кўпроқ берилманг, – дейишиди касалхонадагилар унга. – Фам-ташвиш ҳам сизни еб бўлиди. Ўзингизнинг умрингизга ўзингиз ачининг, – деди Владимир Никитич дегани.

Эмма унга “раҳмат” айтдию, кейин қўшиб қўйди:

– Қувонч билан яшасам бўладими, доктор?

– Албатта-да.

Эмма юзи тўла табассум билан:

– Ўғлим тописаю... кейин йигирма йиллик айрилиқдан кейин эримни топиб олсаму, қувонмасдан нима қиласай. Юрагим ёрилиб кетмай шу қувончларни кўтарди. Аммо шунча айрилиқниям кўтарган юрагим жудаям бақувват эканми? – деб қўйди.

Улар меҳмонхонадан жой олишиб, бир ҳафта Москвада туришди. Лекин бир-бирининг дийдорларига ҳали тўйишмаган эди. Эмма Герта билан Бертани Берлинга кузатиб қўйдию, ҳали нима қилишлари ҳақида бирон-бир фикрга келишолмаган эди.

– Сен нима дейсан, Зихр? – деб сўради Эмма Инга билан Фарруҳ йўқлигига ўзлари бирор-бир қарорга

келиш мақсадида Зуҳриддинга қараб. – Берлинга кетамизми-а?

– Сен жудаям қизиқ савол бердинг-ку, Эмма? – деди таажжубланган Зуҳриддин. – Ҳамма гапни сенга айтиб, тўкиб солдим. Ўз юртимдан айрилиб, бирон-бир ёруғ кунни кўрдимми? Сен аввало мендан мана шуни сўрашинг керак эди. Йўқ, сен мен билан Ўзбекистонга кетолмайсанми-а? Мен ўз юртимдан кетиб рўшнолик дунёсини кўролмадим. Ҳозирги кечираётган умрим Худони инояти, холос. Мен энди бу кунларни қўраман деган ўй-хаёлу, орзуладан ҳам бутунлай йироқлашиб кетгандим. Тақдир бизни оз бўлмаса яна кулфатларга ташлашдан сақлаб қолди. Лекин шу тақдирни ўзи яна бизларни бир-биrimiz билан топишиши мизга имкон ҳам яратди.

Эмма индамади. У хаёлот дунёсига гарқ ўтиради. Лекин худди Зуҳриддин айтганидай Аллоҳ яна ўзи сақлаб қолган “тўй” баҳонаси билан бир-бирини тошишган бахтдан қанчалар хурсанд бўлмасин, чигал тақдир ипларини ечишга ожизлик қилаётган эди.

Хонага Фрид билан Инга кирди.

– Кеча мен университетда бўлдим, – деди Фрид дам Эммага, дам Зуҳриддинга қараб. – Мени Владивостокка юборишяпти. Сизлар нима қил, дейсизлар? Лекин бормасдан иложим йўқ.

– Инга, сен Германияга қайтарсан? – деди Эмма.

– Албатта-да, – деди Инга Зуҳриддин билан Фридга бир қараб қўйиб.

Уларнинг тўртталаси ҳам бир-бирига қараганича жим туриб қолишиди.

– Яна бир кун вақтимиз бор, – деди Эмма боши қотганича. Имкон бўлса бир шаҳар айланмаймизми-а, Зихр? Ҳамма масалани йўл-йўлакай бир-биrimiz билан бамаслаҳат гаплашиб ечаверамиз.

Зуҳриддинни бу томонларда бир кун ҳам тургиси йўқ эди. У масалани кўндаланг қўйибми ёки бўлмаса

бир-бирларининг юзларига айтишиб, бўладиган ишни қылганича тезроқ уйга қайтишни истарди. Лекин уларнинг тўртталаси бир бўлишиб бу масалани узил-кесил ҳал қилиши ҳам мумкин эмаслигини Эмманинг гап-сўзларидан тушуниб қолди. Шунинг учун шаҳар айланиш баҳонасида бир-бирларининг фикр ва мулоҳазаларини ва уларнинг ниятларини билишни истарди.

– Мени Москвада биринчи бўлишим, – деди Зухриддин Эммага қараб. – Менга қолса, ВДНХ деган ери борку, ўша ерга борсак яхши бўлармиди. Сен-чи, Эмма?

– Мен сенинг таклифингга кўшиламан, Зихр. Булар нима деркин, – деб болаларига қаради у.

– Биз сизларнинг хизматларингиздамиз, дадажонимиз билан онажонимиз, – деди Фрид уларнинг бўйинларидан куличини ёзиб ўтказиб оларкан. – Мен... мен ҳеч қачон бунчалик баҳтга эришаман, деб ўйламагандим. Бирданига ҳам оталик, ҳам оналик бўлдим-а, Инга. Ие, ҳам сингиллик бўлдим. Рост айтсам, ҳеч қачон бундай баҳтни тушимда ҳам кўрмаган эдим. Мени бошимга баҳт қуши қўнгани рост бўлсин деб, сизларни топган кундан бошлаб Худога шукр қиляпман, – унинг киприклирида қувонч ёшлари йилтиради. – Илгарилари йиғлашниям билмасдим.

Эмма юзини Фриднинг юзларига кўйиб, уни қучоқлаб олди.

– Сен нима дейсан, Фрид? Университет йўлланманни Владивостокка берса барибир бирга бўлолмас эканмизда-а? – кўзларига ёш олди Эмма.

– Аммо, Ўзбекистонга бериши мумкин, у ер-бу ерга учраб, илтимос қилиб курсам, – деди Фрид онасига қараб.

– Сиз дадам билан Ўзбекистонга кета оласизми, онажон?

Эмма ўйланиб қолди. Кейин:

– Германия ҳукуматию, СССР ҳукуматлари ҳал қилишади буни, – деди Эмма ўйга ботганча. – Сени Германияга юборишмайдими?

– Юбормаса керак, онажон. Сизни дадамнинг юртига кетишингиз осонроқ кўчса керак, ундан кўра.

Инга-чи, Инга? Уни эса бу томонларга келиши янада қийин бўлади.

– Келинглар, бу гапларни кечкурун муҳокама қиласак, – деган таклиф киритди яна Эмма. – Ҳозир эр хотину, ота-она ва болалар бир яйраб шаҳар айланайлик, яххиси. Ё маъқул эмасми? – Эмма Инга билан Фридни икки ёнига ўтқазиб қўлларидан ушлаб олди. – Зихр, сен эса Фриднинг қулларидан ушлагин, хўпми. Аммо бармоқларини қайириб, ўрлимга озор етказа кўрма. Сени шунаقا одатинг бор эди-а, эслайсанми?

– Эслайман-у, аммо уларнинг ҳаммаси миямдан чиқиб кетган. Аммо бошимда ширин хотиралардан ташқари ҳеч нарса қолган эмас. Ҳамма-ҳаммаси ўчиб кетган. – деди Зуҳриддин бир оз хўрсиниб.

– Аммо феълингни мен эслаб қолибманми. Учрашганимизда доимо бармоқларимни ўйнаб, қайирганинг-қайирган эди.

– Булар эсимда, Эмма. Уларнинг ҳаммаси хотирамда ёзилиб қолган.

– Онажон, нега менинг хотирамда дадам қолмаган-а? – деб эркаланиб сўради Инга.

– Ҳали сен экансан, мени ҳам ҳеч қанақа хотирамда дадамнию, онамни исм-шарифи қолмаган эканку-а? Нечун ўшанақа бўлувдийкин, ҳеч билолмаганман. Аммо оналаримиз жудаям зўр экан. Онам бўлмагандага биз ҳеч қачон учрашолмаган бўлардик, – деди Фрид бошини қайта-қайта чайқаркан. Мен ўз исмимниям билмас эканман-ку, Инга. Одамларни ота-онаси бўлгану, нега мени ҳеч кимим йўқ, деб ҳар доим ҳам ўксиб юрадим.

Зуҳриддин Фрид билан Инганинг кап-катта бўлиб қолишганига қарамасдан эркаланишлари, Эммани болаларнинг қилиқларига кулганича қараб туришидан ортиқча завқданиб кетди, шекилли, хотинининг қўлтиғидан қўлинни ўтқазиб, унинг елкаларига жагини тиради.

– Қорнинглар қанақа, болаларим? – деб сўради ўшаша ўзида йўқ ғалати бир завқ билан. – Агарда менинг таклифимга кўнсаларингиз, – у қўлини чўзганча рўпарадаги кафени кўрсатди. – Тамадди қилгач, биттами-иккитами “шампанское” ичармидик.

Эммаю, ўзига осилиб олган Инга билан Фрид қарсак уриб юборишиди:

– Дадамиз бизни меҳмон қилмоқчи, шекилли. Бирорни чўнтағидан чиққан пули жуда ширин бўладида, – деб кулишиди Инга билан Фрид.

– Энди болаларим, сизларнинг пулларингиз ҳам кўп бўлади. Мана университетни тамомладингизлар, талабалик қийинчиликлари ортда қолди.

– Бунинг устига энди ота-оналаримиз ҳам ёнимизда, – деди Фрид ўз ҳурсандчилигини ҳали ҳам яши ролмасдан.

Улар кафени тўлдириб ўтиришиди. Зухриддин чўнтағини ковлаётган эди, Эмма унинг қўлларини ушлаб, босди:

– Йўқ, Зихр, ўзим тўлайман. Сен соғлигинг учун пулни эҳтиёт қилас. Шунча йиллар ҳалиги авахталарда азоб тортиш осонми, сенга. Менда пул бор.

– Мендаям пул бор, – деди Зухриддин ёнидан бир даста пул чиқараркан. – Отам анча бақувват эканлар, шекилли. Ундан ташқари ишгаям кирдим, – деди бир оз мийигида кулиб.

Эмма кўнмади. Ўзи пул тўлади. Кейин бир оз дам олиш учун меҳмонхонага қараб жўнашди.

– Зихр, мен Ингани ташлаб юртингга боролмайман. Иккимиз ҳам бошқа юртнинг фуқароларимиз. Сенга ҳам Германияга ўтишингга рухсат беришмайди, деяпсан. Ўглимиз Фрид ҳам сенинг юртингдан. Қара-я, муаммоларимиз жудаям кўп-а, Зихр. Ё тақдиримиз шунақа ёзилиб қолувдимикин, азалдан. – Ўз-ўзидан хафа бўлиб кетди Эмма.

– Эмма, – деди Зухриддиннинг яна бир оз кайфияти тушиб, – сенга бир гапни айтмоқчийдиму, нуқул

эсимдан күтарилиб қоляпти. Ҳозир қандайдир миям-га келиб қолди. Аканг борлигини менга айтудинг-а?

– Айтудим, түғри, эсингда экан. Ҳа, акам нимага эсингга тушиб қолди?

– Уни ҳеч қаерда дараги йўқми?

Эмма бошини чайқади:

– Йўқ, дараги йўқ. Ўшанда Сталинградга яқинлашяпмиз, деган хатини олгандим. Нима учун сўраяпсан, Зихр? – ҳайрон бўлиб сўради у.

– Ханс фон Шульц-а? Нечанчи йилда туғилган эди?

– Ханс фон Шульц, 1920 йилда туғилган. Ростини айт, нима учун сўраб, суриштириб қолдинг?

– Мендан хафа бўлма, – деди Зухриддин бир оз хомуш тортиб. – Ўтири, кел, ёнимга ўтиргин.

Эмма ҳайрон бўланча индамай келиб Зухриддиннинг ёнига ўтириди. Инга билан Фрид ҳам ёnlаридаги стулга жимгина чўкишди. Фридга бир кўз ташлаб кўйган Зухриддин Эммага юзланди:

– Аканг ростдан ҳам 1920 йилда туғилган Ханс фон Шульц бўлса, у Сталинграддаги оғир жангда асир тушган экан.

– Тирикми, Зихр, акам тирикми? – ўрнидан туриб кетган Эмманинг кўзлари Зухриддинга қадалди. – Сен уни қаердан биласан, ё курдингми-а?

Зухриддин бошини чайқади.

– У уруш тугаб, бир йилдан сўнг бизнинг юртда оламдан ўтган экан. Ўзингни кўлга ол, Эмма. Сен билан бизни гарданимизда энг оғир мусибатлари тушишига кўнишиб қолдик, чамаси. Бу ғам-андуҳларга сен билан менгина чидаймиз, холос. Бошқа одамлар бўланда аллақачон бу ташвиш гирдобида ғарқ бўлиб кетишарди, дейман. Қара-я, тақдир тақозосини, Эмма. Келиб-келиб, менинг отам аканг Ханс фон Шульцни ўз кўллари билан қабрга кўйибди. Ҳатто “Ханс фон Шульц, 1920-1946 йил” деб эсдалик ёзиб ҳам кўйибди. Буни мен ўз кўзим билан кўриб, отам билан гаплашдим ҳам.

Эмма ун чиқармай ич-ичидан анча йирлади, чоги. Узоқ сукутдан сүнг Инга узатган сочиққа юз-күзларини артиб бўлгандан сүнг стол устида турган шиша-даги минерал сувдан ярим стаканча қуиб ичди.

– Мен акамнинг тириклигидан умидвор бўлиб юрардим, – деди ниҳоят гапнинг тўғрисини айтиб. – Мен ростдан ҳам акамни тириклигига илҳақ эдим. Энди умид учқунларимни биттаси алганга олган бўлса, – у ёнгинасида тик турган Фридни қучоқлаб ўзига тортди, – биттаси ўчиб бўлди. Зихр, мен сени юртингта ба-рибири боришим керак экан. Акамни қабрини кўришу, фотиҳаю, бир ис-пис чиқаришим жудаям лозим бўлиб қолди. Барибири юртингта бориб қоламан, шекилли. Ингаям мени ташвишлантиради. Унгаям биронта бир лойиқ куёв дуч келиб қолса яхшироқ бўларди. Сен билан ёшимиз ўтиб, қариятмиз энди.

Зуҳриддин Эммага бир қарадио “бўлмасам-чи, аллақачон неваралик бўлардик, тақдир мана шунаقا чаппасидан келмагандада” дегандай оҳиста бошини силкиб қўйди.

– Аммо, ўғлим, – деди Фридга Зуҳриддин бир имоишорага ўхшаш гап қилиб, – сен ҳозирча менинг исми-шарифимга ўтмай турсанг яхши бўлармикин, – деди негадир хавотирга ўхшаш бир алфозда. – Негаки, ўзинг биласан, кеча ва ўтган кунлар бошимдан ўтган ҳамма нарсаларни сизларга тўкиб солдим. Нима қиссаям авахтасида ётдим, асирикдан баттар лагерларида бўлдим. Гўё сен ватан хоинини фарзанди бўлиб қоласан. Ҳозирги ишингаям менинг тақдирим ёпишиб тушмайди, ўғлим. Ана шу “ватан хоини” тамғасини менинг ҳужжатларимдан ўчиришиб юборган тақдирларидағина сен менинг исми-шарифимни олишинг, тўғрироқ бўлар. Ҳозир униб-ўсингтаям менинг исми-шарифим тўсқинлик қилмай қўймайди.

– Сен ўз ихтиёринг билан асирга тушмагансан-ку, Зихр? – деб сўради Эмма ҳайрон бўлиб.

Зухриддин Эмманинг саволига бўйинини қисибгини на қўя қолди.

Эртаси куни тушга яқин “Москва-Берлин” поездига Эмма билан Ингани Зухриддин билан Фрид кузатиб қўйишиди. Фридни Владивостокка ишга кетишига ҳали ўн беш кунча вақт бор эди. Шунинг учун ота-ӯғил Тошкентгача самолётда учишди. Кейин эса бир кун шаҳарда қолишиб, эртаси куни водийга кетаётган поездга чиқишиди.

Фрид Зухриддинга қараб бошини чайқаганча қанча кулса, кейин кулиб бўлиб худди ёш болалардай дадасига келиб ёпишардию, юз-кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпидан бўлгандан сўнг:

– Вой, дадажон-еў! Оппоқ дадамчалик ҳам бўлмадингиз-а? У менга тўй қилиб, “Бу, Фрид, тез-тез кўриниб тур, ўғлим” деди. Сиз бўлса доимо мендан қочиб юрдингиз-а? – деб куларди.

*Адабий-бадиий нашр*

**Одил Абдураҳмон  
УРУШ ВА ҚИСМАТ  
Роман**

**Муҳаррир  
Феруза ҚУВОНОВА**

**Бадиий муҳаррир  
Уйғун СОЛИХОВ**

**Мусаҳид  
Мұхаббат МЕНГНОРОВА**

**Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА**

Босишига 31.01.2013 й. да ружсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма тобори 7,375. Шартли босма тобори 12,39.

Гарнитура «Bookman Сүг+Uzb». Офсет қороз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 35.

Баҳоси келишилган нархда.

•Янти аср авлоди• НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: AI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

Матни «SHAMS-ASA» босмахонасида босилди.

Тошкент, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 28-й.

•Ёшлилар матбуоти• босмахонасида муковаланди.

100113. Тошкент, Чилонзор 8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтимиз: [www.yangiasr.uz](http://www.yangiasr.uz)

интернет-дўйон: [www.yangidavt.uz](http://www.yangidavt.uz)

e-mail: [yangiasravlod@mail.ru](mailto:yangiasravlod@mail.ru)

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НММ  
2013 ЙИЛДА  
ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

**Тоғир Малик**  
**«ШАЙТАНАТНИНГ ЖИН КҮЧАЛАРИ»**  
**Бичими 84x108 1/32, 544 бет.**  
**Каттиқ муқода.**

Азиз фарзандларимизга «Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади, ёмонга яқин юрсанг – ёмонлиги юқади», деб тарбия берип, уларнинг ёмонлар таъсирига тушиб қолишидан асраймиз. Аммо, афсуски, «Асраган кўзга чўл тушади», деганларидек, айrim оиласарнинг суюкли фарзандлари тўғри йўлдан чекиниб, жиноят оламининг аянчли кучасига кириб қолади. Биз «қора қозон»га ўҳшатаётган жиноят олами ёшлар кўзига жилваланиб кўринади. Ташна одамни сахро сароби ўзига тортгандек тортаверади. Ёзувчи жиноят оламини «Шайтанат» - шайтонлар етovidаги олам деб атаган. Фарзандларни тўғри тарбия этишда ўша «қора қозон»дан эҳтиёт қилишда ёрдами тегармикан, деган хайрли ниятда мазкур китоб нашр этилди.

**Менглибой Муродов**  
**«ГУНОҲ»**  
**Бичими 84x108 1/32, 304 бет.**  
**Каттиқ муқода.**

Инсон, айниқса, ўзининг ёшлик йилларида баъзан ўткинчи ҳис-туйғулар таъсирида, баъзан ҳақиқий ишқининг ўрнини босган ҳавас ва ёки эҳтирос оқибатида билиб-бilmай катта-кичик хатоликларга йўл қўйиши ҳам мумкин. Афсуски, бундай адashiшлар беиз кетмайди. Ахир бежиз қайтар дунё, дейишмайди-ку.

**Фахриддин Содик**  
**«БИРИНЧИ БАХТ»**  
**Бичими 84x108 1/32, 218 бет.**  
**Юмшоқ муқода.**

“Одамга тўғри йўлдан юрадиган оёқлар эмас, ўнг ва чап оёқлар берилган. Тўғри йўлни танлаб юриш одамнинг ўзига

боглиқ". Ҳаётимизнинг ҳар бир манзарасида кечаги кун сабори, бугуннинг шиддати ва келажакнинг аломати бор. Бу ҳаммамизга маълум. Ҳаётий манзаранинг мўъжаз тафсилоти – ҳикоя. Ич-ичингиздаги зиддиятлар билан курашасиз. Ким устун келади – сизми, зиддиятларми? Ҳикоя айнан сизга хос бўлган кечинма ва қадриятингиз, шунингдек, изтироб ва қувончингиз ҳақида. У шуниси билан, ҳаётийлиги билан қадрли. Ҳикоянинг воқеалари кўз ўнгингизда давом этади.

**Шукрулло**

**«КАФАНСИЗ КЎМИЛГАНЛАР»**

**Бичими 84x108 1/32, 444 бет.**

**Қаттиқ муқова.**

Кишининг ўз бошидан ўтказган қийинчиликларини, тўғриғи, хўрликларини эслашидек оғир азоб бўлмайди. Уни ёзиш эса... Қатагонлик даври тасвири, янада оғири – ўзининг «халқ душмани» деб айбланиши ҳақида ёзиш, маҳбуслигини эслаш, қамоқ воқеалари, лагерь ҳаёти, сўзсизлик... Буларнинг ҳаққоний тасвири Шукрулонинг «Кафансиз кўмилганлар»ида яққол ифодаланган. Асарнинг яна бир қиймати бор, бу ҳам бўлса – унинг мазкур мавзудаги ягона асарлигига.

Ушбу хотира-роман ўқувчига қатағон даври ҳақида тирик лавҳаларни намоён этади.

**Сайд Аҳмад**

**«ЙЎҚОТГАНЛАРИМ ВА ТОПГАНЛАРИМ»**

**Бичими 84X108 1/32, 302 бет.**

**Қаттиқ муқова.**

Ушбу китоб муаллифи – Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад ҳозирги кунда унутилмас хотираларга айланган атоқли адабиёт арбоблари билан узоқ вақт бирга бўлган. Уларга сафарларда ҳамроҳлик қилган. Халқимиз ардоридаги бу беназир инсонларнинг нурли кунларида ҳам, алам-изтироб чеккан онларида ҳам ёнларида бўлган. Хотираларда адабий тўқималар йўқ. Тасвирланган воқеалар синчковлик билан кузатилган, ёзувчининг ўткир нигоҳидан ўтган соғ ҳақиқатдир.

Ўйлаймизки, бу асар ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Уларни ўйлашга чорлаб, бу ёруғ кунларда яшаш баҳти қанчалар машаққатлар ҳисобига келганини баён қилади.

**Шукур Холмираев**  
**«ҮН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР»**  
**Бичими 84x108 1/32, 284 бет.**  
**Қаттиқ мұқтоза.**

Мазкур китобга Ўзбекистон Халқ әзувчиси, иқтидорли адид Шукур Холмираевнинг зәнг сара қиссалари ва ҳикоялари киритилди. Уларда севги-муҳаббатнинг ўзгача талқини, ошиқлик ва ожизлик, матонат ва разолат, инсон маънавияти билан борлық бўлган ижтимоий ва ахлоқий масалалар баён этилади.

**Одил Ёқубов**  
**«УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ»**  
**Бичими 84x108 1/32, 336 бет.**  
**Қаттиқ мұқтоза.**

Ўзбекистон халқ әзувчиси Одил Ёқубовнинг "Улутбек хазинаси" номли асари ўқувчиларга яхши таниш. Романда бобокалонимиз Муҳаммад Тарагай Улуғбекнинг ҳаёти, фожеавий қисмати ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилинади.

Асар муаллиф томонидан қайта ишланиб, Улуғбекнинг умри сўнггида мушарраф бўлган севгиси, Соҳибқирон бобоси Амир Темур ҳақидаги хотиралари ва бошқа баъзи бир лавҳалар билан тўлдирилган.

**Балтасар Грасиан**  
**«ЧҮНТАК ФОЛИ ёки зукколик ва ўтқир ақд санъати»**  
**Бичими 84x108 1/32, 92 бет.**  
**Юмшоқ мұқтоза.**

Балтасар Грасиан машҳур испан донишмандларидан биридир. Петербургда "Чүнтак фоли ёки зукколик ва ўтқир ақд санъати"нинг яхлит китоб шаклидаги таржималари пайдо бўлган ва катта шуҳрат қозонган.

"Чүнтак фоли" – ҳаётий тажрибалар асосида дунёга келган асар бўлиб, бу китоб инсонга тўгри йўл кўрсатувчи ва ҳар бир ишни амалга оширишда доно маслаҳатчидир.

Ўтқир ақд, донишмандлик, заковат ва нозик сиёсат билан баён қилинган бу ҳикматлар сарчашмаси ҳар бир ўқувчи учун "шахсий" ёрдамчи бўла олади.

**Конфуций  
«МУҲОКАМА ВА БАЁН»  
Бичими 84x108 1/32, 112 бет.  
Юмшоқ муқова.**

Ўзбекчага аслиятдан, яъни бевосита хитой тилидан ўгирилган асарда Конфуцийнинг қонун ва жамият, шахс ва ҳуқуқ, адолат ва маънавият, ҳокимият ва масъулият сингари масалалар юзасидаги қарашлари ўрин олган.

**Вильям Шекспир  
«ДРАМАЛАР»  
Инглиз тилидан Фаррух АТАЕВ таржимаси  
Бичими 84x108 1/32, 84 бет.  
Юмшоқ муқова.**

Ҳар бир ҳалқнинг маънавияти ўзга ҳалқлар адабиёти, санъатидан баҳраманд бўлиш орқали қувватланиб боради. Бу бсрода эса бадий таржиманинг аҳамияти бекиёсdir.

Ўқувчи Шекспирнинг шеърий услубдаги драмаларининг насрый услубда содда ва лўнда эканлигига гувоҳ бўлади ва қисқа фурсат ичida Шекспир маҳоратидан баҳраманд бўлади.

Китобга «Юлий Цезарь», «Макбет», «Қирол Лир», «Бўрон» каби машҳур асарлар киритилган.

Драмаларда тирикликнинг устуни – яхшилик, меҳр-оқибат, ишонч, одамийлик, вафо, муҳаббат эканлиги ўз аксини топган.

**Стендал  
«ҚИЗИЛ ВА ҚОРА»  
Бичими 84x108 1/32, 708 бет.  
Қаттиқ муқова.**

Машҳур француз ёзувчиси Стендалнинг «Қизил ва қора» романни ҳақли равишда дунё адабиёти дурданалари қаторидан ўрин олган.

Роман қаҳрамони бўлмиш Жюльен билан де Реналь хоним ўртасидаги муҳаббат шу қадар табиий ҳамда тиниқ тасвирлананики, китобхон беихтиёр уларнинг мусаффо туйгуларига мафтун бўлиб қолади.

Романда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва разиллик ўртасидаги кураш зўр куч билан тасвирлааб берилган. Асарнинг «Қизил ва қора» деб номланишининг боиси ҳам шунда.

7500 сүм

**Оноре де Бальзак  
«САФРИ ТЕРИ ТИЛСИМИ»  
Бичими 84x108 1/32, 344 бет.  
Қаттиқ мұқова.**

Мазкур асар француз адаби Оноре де Бальзак қаламига мансуб бўлиб, унда XIX асрнинг бошларига доир воқеалар қаламга олинади. Орадан икки аср ўтган бўлса ҳамки, бу фалсафий асардаги ўлмас туйгулар, орзулар ва армониларнинг тафсилотлари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бош қаҳрамон Рафаэлнинг тоза ва оддий, эзгулик билан кечәётган ҳаётига кириб келган гаройиб тери унинг ҳаётини, бутун воқеликни ўзгартириб юбориши ўқувчини ҳам хаёллар оламига шўнгишига мажбур этади.

Қашшоқ турмуш, амалга ошмаган истаклар, ҳаётнинг эгри-бутри чизиклари, бир сўз билан айтганда "Фалсафий зартак"ни ўқиб ўзингиз баҳо берасиз, деган умиддамиз, азиз китобхон.

**Э.Хемингуэй  
«ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ»  
Бичими 84x108 1/32, 278 бет.  
Қаттиқ мұқова.**

Ушбу китобга дунё миқёсида машҳур адаб, «Нобель» мукоммоти совриндори Э.Хемингуэйнинг энг сара асарлари киритилган. «Чол ва денгиз» қиссасида инсоннинг улуғлиги, ундаги ирода ва матонат, оқиллик ва азму қароридан оғишмаслик ўзгача талқинда акс этган.

«Алавидо, қурол» романни эса қаҳрамонларнинг фикр-хаёллари, кечмишлари, урушнинг инсоният бошига солған мудҳиш кулфатлари ҳақида ўйлашга, тинчликнинг қадрига етишга чорлади.

Серқирра ижодкорнинг миллионлаб нусхада чоп этилган асарларини мутолаа қилишга шошилинг, азиз китобхон.

**Мурожаат үчун телефонлар:**  
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43  
факс – 273-00-14; web-сайтимиз: [www.yangiasr.uz](http://www.yangiasr.uz)  
интернет-дўкон: [www.yangidavr.uz](http://www.yangidavr.uz)  
e-mail: [yangiasravlod@mail.ru](mailto:yangiasravlod@mail.ru)